ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

# «ФАЛСАФА» ФАНИДАН

# МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

БАКАЛАВРИАТНИНГ БАРЧА ЙЎНАЛИШЛАРИ УЧУН

*Ушбу маҳруза матнлари бакалавриат таҳлим боскичи йуналишларининг талабалари учун мулжалланган булиб, унда фалсафа фани асослари кенг ёритиб берилган.*

*Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурига кура, таҳлим тизими олдида турган мухим вазифалардан бири фалсафий дунёкараши кенг, маҳнавий юксак, миллий кадриятларимизга чукур хурмат ва она - Ватанимизга содик булган етук мутахассис кадрларни тайёрлашдир. Бу вазифаларни амалга оширишда фалсафий билим асосларини эгаллаш, талабаларимизда фалсафий теран тафаккурни шакллантириш, эркин фикрлаш, миллий гоя ва миллий мафкура тамойилларини чукур мушохада кила олиш хусусиятларини талаба ёшларда карор топтиришда фалсафа фанини урганишнинг ахамияти бекиёсдир. Ана шу максадга эришишда тайёрланган ушбу маҳруза матнлари талабаларимизга муайян услубий ёрдам курсатади деб уйлаймиз.*

*Муаллифлар:* *ф.ф.н., доцент И. Тухтаров*
*ф.ф.н., доцент М. Маҳруфий*

*Такризчи:* *ф.ф.н., доцент А. Набижонов*

Мазкур маҳруза матни «Фалсафа, этика ва эстетика, мантик» курсини таркибига кирган «Фалсафа» фанидан ёзилган булиб, 44 соатга мулжалланган назарий кисмини уз ичига олган. Хар бир маҳруза 2 соатга мулжалланган. Ушбу кулланма Политехника институтларида таҳлим олаётган барча йуналишдаги бакалаврлар учун тавсия килинади.

Услубий кулланма «Фалсафа» ва
«Гуманитар фанлар» кафедраларининг
кушма йигилишида куриб чикилган.
Баён № 12 . 30. 06. 2000 йил.

«Приборсозлик маркази» услубий кенгаши
томонидан куриб чикилган ва тавсия этилган.
Баён № 10 . 4. 07. 2000 йил.

*КомпЪютер графикаси:* *А. Абдусатторов.*
*Б. Мадаминов.*

# КИРИШ

Фалсафа инсониятнинг куп минг йиллик маънавий тараккиёти давомида кулга киритган энг буюк кадриятларидан биридир. Зеро, инсон аклий салохиятининг чуккиси хисобланган бу фан, асрлар давомида, бутун жамият тараккиёти давомида тупланган инсон билимлари ва тажрибаси мажмуаси сифатида шаклланди.

Фалсафий фикр тарихи билан танишиш фалсафанинг узок даврла давомида кийин ва мураккаб равишда шаклланиш жараёнини босиб утганлигидан гувохлик беради. Бунда бахзан фалсафа муайян даврларда жамиятнинг хукмрон доиралари учун маънавий курол вазифасини утаганлигини хам курамиз. Бу эса фалсафанинг фан сифатидаги мохиятини унутилишига, жамият тараккиёти талабларига зид холда, кишиларнинг тафаккури ва маънавиятида котиб колган акидалар доирасида чекланиб колишга олиб келди. Фалсафий муаммоларни илмий тадкик этиш урнига акидапарастлик, тоталитар тузум сиёсатини, авторитар гояларни таргиб этиш билан шугулланди. Бундай холат собик совет тузуми даврида, айникса, яккол кузга ташланади.

Республикамиз мустакилликка эришгач, барча кадриятлар катори, фалсафага хам муносабат узгарди. Унга нисбатан янгича муносабат фалсафанинг фан сифатидаги мохиятини устиворлигига эришиш, кишиларнинг маънавиятини шакллантиришда унинг методологик мавкеига эътиборни кучайтириш, хар кандай маънавиятда миллийликнинг устивор кадрият эканлиги тамойилларига таянган холда миллий фалсафамизнинг бой меросини урганишга янгича, ижодий муносабатда булиш, фалсафий фикрлашда тор, юзаки, мафкуравий ёндашувлардан кутулиш каби мезонларга таянади. Фалсафа конкрет тарихий даврларда ва шароитларда шаклланадиган фандир. У инсон билимларининг оддий йигиндиси эмас, балки уларни теран мушохада килиш, аклий умумлаштириш асосида шаклланадиган илмий хулосалар тизимидир. Шунинг учун фалсафани урганиш замон талабларига жавоб бера оладиган хар бир етук малакали мутахасисс учун нихоятда зарурдир. Чунки фалсафий билимларни эгаллаш оркали инсон нафакат бутун олам ва борлик тугрисидаги билимларни, балки уз мохиятини, борликдаги урнини англайди. Авлодлар колдирган бебахо мерос, уз даврининг илмий ютукларини умумлаштириб, олам тугрисида, башарият равнаки ва ривожи тугрисида теран тафаккур кила оладиган, тараккиётнинг истикболи билан боглик муаммоларни равшанрок англайдиган ва чамалайдиган була боради.

Фалсафанинг ана шу баён килинган мохияти ва ахамиятидан келиб чиккан холда ушбу маъруза матнлари тайёрланди.Уни тайёрлашда мустакиллик йилларида чоп этилган ва Республика Олий ва Урта Махсус тахлим вазирлиги томонидан фойдаланишга тавсия этилган дарслик ва укув кулланмаларидан фойдаланилди.

Махруза матнларини тайёрлашда унга куйилган талабларга риоя килинди. Хар бир мавзу буйича "таянч"тушунча ва иборалар матннинг узида курсив билан, корарок рангда кузга ташланадиган тарзда берилдн. Бу уларни матнда осон топиш ва тез эсда саклаб колиш имкониятларини оширади. Шунинг учун мавзуни урганаётганда матнда махсус курсатиб берилган "таянч" тушунча ва ибораларга алохида эхтибор беринг.

***1-Махруза : Фалсафа фани, унинг предмети ва жамият хаётидаги урни.***

*Режа:*

1. *Дунёкараш тушунчаси. Дунёкарашнинг тарихий шакллари.*
2. *Фалсафанинг бахс мавзуи.*
3. *Фалсафанинг жамият хаётидаги урни ва асосий вазифалари.*

*1.Дунёкараш тушунчаси. Дунёкарашнинг тарихий шакллари.*

Таянч иборалар: ***Фалсафа, дунёкараш, мифология, диний дунёкараш,***

***Ф а л с а ф а*** инсоният махнавий маданиятининг таркибий кисми булиб, илмий билимлар системасида мухим ролЪ уйнайди. У борликнинг умумий ривожланиш конуниятларини урганиб, кишиларда олам хакида яхлит илмий тасаввур хосил килади ва шакллантиради.

Фалсафа дунёкараш характеридаги фан хисобланади. ***Дунёкараш*** эса кишиларнинг олам ва уни узгариш ривожланиши хакидаги илмий, фалсафий, сиёсий, хукукий, ахлокий, эстетик, диний карашлари ва системасидан иборат. Дунёкараш айрим кишилар, ижтимоий гурух, синф ёки умуман жамиятнинг фаолияти йуналишини ва вокеликка муносабатини белгилайди. Илмий билимлар дунёкараш системасида купинча инсоннинг ёки гурухнинг теварак-атрофидаги ижтимоий ва табиий реалликда бевосита амалий йул тутиш максадига амалий хизмат килади. Дунёкараш ижтимоий бирликнинг инхикосидир унда ижтимоий турмуш акс этади ва у муайян тарихий даврда инсоният эришган билимлар даражасига хамда ижтимоий тузумга боглик булади.Синфий жамиятда у синфий хусусият касб этади. Одатда у хукмрон синфнинг дунёкараши синфий жамиятларда хукмрондир.

Дунёкараш узининг туб мохиятига кура мифологик, диний, фалсафий ва илмий турларга булинади. Уларнинг хар бири узига хос хусусиятларга кура бир-биридан кескин фарк килади.

*Мифология* кишилик жамияти тараккиётининг илк боскичида булган дунёкарашнинг дастлабки шартидир. Вокеликни билишнинг, дунёга карашнинг узига хос усули булган мифнинг хусусияти шуки, хамма нарса ва ходисалар унда бир-бирига иштирок сифатида идрок этилади. Бунинг натижасида бир хил буюмларнинг сифатини иккинчи хил буюмларга бемалол кучириш мумкин булади. Мифологик дунёкараш табиат кучларини хиссий киёфалар, алохида вужудлар шаклида жонлан-тириб тасвирлаб курсатишга асосланган. Мифологияда бир хил нарсалар-нинг хоссалари иккинчи хил нарсаларга осонлик билан кучирилганлиги сабабли у хаёлга кенг майдон очиб беради ва бу майдонда мифологик тарзда фикр килувчи киши хар кандай узгаришлар килиши ва жасоратлар курсатиш мумкин булади. Хар кандай мифология табиат кучларини тасаввурида ва тасаввур ёрдамида енгади, узига буйсундиради ва шакллантиради. Мифология, бинобарин, табиатнинг ана шу кучлари устидан хакикатда хукмронлик бошланиши билан йуколиб кетади" Гайритабиий куч хакидаги тасаввурлар мавжуд булганлиги сабабли мифологияда дин элементлари бор, шунингдек, унда ахлокий карашлар хам инсоннинг вокеликка эстетик муносабати хам акс эттирилган.

Дунёкарашнинг тарихий шаклларидан яна бири *диний дунёкараш* булиб, унинг асосий ва хал килувчи белгиси гайритабиий кучларга ишониш, бутун олам, барча мавжудот инсоният дунёсининг худо томонидан яратилганлигини ва бошкарилишини эхтироф этиш, худога, рухларга сигинишдан иборатдир. Диний дунёкарашнинг узига хос хусусияти шундаки, у табиий ва ижтимоий ходисалар мохиятини уларнинг узида эмас, балки гайритабиий сабаблар худонинг кудрати билан тушунилади. У хамма нарсада ва хар каерда илохий кучларнинг таҳсири, муҳжизавий куч бор деб писанда килади.

Дин ва диний дунёкарашнинг ижтимоий гносеологик илдизлари мавжуд. Диннинг ижтимоий илдизи синфий жамият бинобарин, хусусий мулкчилик, тенгсизлик, экспулатациянинг пайдо булиши билан боглик булиб, булар синфий жамият кишисини ижтимоий кучларга ва узи яратган стихияли муносабатларга тобе килиб куйган. Диний гнесеологик илдизи эса ташки оламнинг кишилар

онгида нотугри, бузиб, мавхумлаштириб акс эттирилишидадир. Бунинг боиси шундаки, билиш жараёни гоят мураккаб, зиддиятли, куп кирралидир. Бунда асоссиз, сохта, диний тасаввурларнинг пайдо булиши эхтимоли табиийдир. Инсон билиш жараёнида дунёни инхикос этишда буюм ва ходисаларнинг айрим жихатларини бурттириб, мутлаклаштириб юборади, бу хол эса вокелик-ни бузиб акс эттиришга олиб келади.

Дин ва дунёкараш хусусида суз борганда шуни айтиш керакки, мам-лакатимизда тургунлик йилларида атеистик таргиботни кучайтириш никоби остида халк анханаларини зурлик билан барбод этилди, асрлар мобайнида амал килиб келган маросим ва урф одатлар тахкикланди, канчадан-канча масжид ва мадрасалар асоссиз равишда бузиб ташланди. Неча-неча минглаб жилдларни ташкил этган нодир китоблар шахсга сигиниш ва катагон авж олган йилларда куйдирилиб ташланди.

Хозирги пайтда утмишда руй берган куплаб хатоликларни тузатиш борасидаги ишлар амалга оширилмокда, ижтимоий адолат тикланмокда. ***Фалсафий дунёкараш***нинг узига хос хусусияти шундан иборатки, у кишига табиат, жамият, инсон тафаккури ривожланишининг умумий конуниятлари хакида махлумот беради. Шу билан бирга у инсонни куршаб турган моддий оламнинг, материянинг обхективлигини, унинг хеч ким томонидан яратилмаганлигини, бекор килинмаслигини, абадийлигини уктиради. Фалсафий дунёкараш дунёни ва унинг тараккиёт конунларини билиш мумкинлигини, билиш эса мураккаб зиддиятли жараёндан иборатлигини тахкидлайди.

Мифологик ва диний дунёкарашлардан фаркли равишда фалсафий дунёкараш табиат ва инсоният жамияти тараккиётининг сабаблари ва мохиятини, узига хос хусусиятлари ва конуниятларининг характери ва харакатлантирувчи кучларини тугри, илмий асосда тушунтириб беради. Фалсафий дунёкараш тахлим бериб айтадики, бутун мавжудот - органик ва ноорганик дунё хам, инсоният дунёси хам, усимликлар ва хайвонот дунёси хам доимо харакатда, усиш, узгариш ва ривожланишдадир.

Фалсафий дунёкараш асосида кишилар обхектив оламдаги нарса ва ходисалар, жараёнлар узидан бошка нарсалар билан ички, зарурий, мухим ва асосий алокадорликда, тахсир ва акс тахсирда эканлигини чукур англаб оладилар.

Фалсафий дунёкарашнинг узига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, у дунё кандай булса, уни шундайлигича, хеч кандай уйдирмаларсиз, муболагаларсиз тушунтиради.

Фалсафий дунёкараш котиб колган эмас, балки доимий равишда уз-гартириб, ривожланиб, бойиб ва такомиллашиб борадиган дунёкарашдир. Табиатда, жамиятда буладиган узгаришлар туфайли биринчи навбатда табиий, техник тухтовсиз равиўда руй бериб турадиган мухим узгаришлар натижасида кишиларнинг обхектив олам хакидаги илмий билим ва тасаввурлари, хусусан фалсафий дунёкарашлари олдингига нисбатан анча ривожланади.

Фалсафий дунёкараш факат назарий билиш жихатидангина эмас, балки амалий жихатдан хам катта ахамиятга эгадир. Дунёкараш амалиёт учун кулланмадир. Фалсафий дунёкараш табиат ва ижтимоий хаёт ходисаларини тушуниш учун ёрдам беради. Кишининг амалий фаолиятида тутадиган йули шу киши дунёкарашининг кандай эканлигига боглик.

*"Ф а л с а ф а"* атамаси иккита грекча суз ("ф и л е о"- севаман ва "софия"-донолик) дан олинган булиб, "доноликни севаман" махносини англатади. Унга бундай ном тасодифан берилган эмас. Фалсафа пайдо булиши биланок, кишилар фикрини банд этган турли туман саволларига жавоб кидиришга харакат килган. Хусусан бизни куршаб олган дунё кандай пайдо булган ва ким томонидан яратилган? У кандай ривожланади? Онг материяга богликми ? деган саволлар шулар жумласидандир. Фалсафани кизиктирган саволларнинг хилма-хиллигини эхтиборга олиб, греклар уни донолик фани ёки донишмандлик деб аташган.

Фалсафа, дастлабки кезларда ташки дунё, тафаккур ва билиш хакидаги хамма билимларни уз ичига олади. Шунинг учун хам у бир бутун тахлимот куринишида булади. Бу уша даврдаги илмий билиш даражасига мос келади. Фалсафани махсус билимлар билан бирлаштирилган кадимги даврга хос хусусиятларидир.

***Ф а л с а ф а н и н г   ф у н к ц и я с и*** бир хил булиб, унинг энг мухим хусусияти кишиларда олам хакида бир бутун дунёкараш шакллантиришидадир. Шунингдек, фалсафа методологик характерга эга. Аник фан вакилларини билишни ва вокеликни узгартиришнинг энг умумий методологияси билан куролланади.

Фалсафа гнесеологик функцияни хам бажаради, яхни у теварак атрофдаги нарса ва ходисаларни билишнинг конуниятларини

билишда обҳект ва субҳект диалектикасини чамбарчас боглик холда очиб беради.

Фалсафа шахснинг ижтимоий дунёкарашини шакллантиради. Шу билан бирга у шахснинг жамият олдидаги ижтимоий жавобгарлик хисси уйгонади. Фалсафанинг мазкур хусусияти хозирги куннинг долзарб масалалари - ядро хавфининг олдини олиш, экологик ва бошка умумбашарий муаммоларини инсоният манфаатлари нуктаи назаридан хал этиш зарурияти туфайли чукур ахамият касб этмокда. Бу хозирги шароитда фалсафада инсонпарварлик мохиятининг янада чукурлашиб бораетганлигидан далолатдир.

Фалсафанинг гоявий-сиёсий, тарбиявий функцияга эга эканлигини хам алохида эҳтиборга олиш лозим. Фалсафий тафаккур маданиятининг шаклланиши кишилар умумий маданиятининг мухим курсаткичидир.

Инсон тафаккурининг уни куршаб олган борликка муносабати фалсафа учун асосий масала булиб майдонга келиши тасодифий эмас. Чунки, дунёда бир-биридан фарк килувчи, лекин узаро узвий богланган моддийлик ва идеалликдан ташкари хеч нарса йук. Шунинг учун хам фалсафа олам тугрисида бирдан бир тулик тасаввур хосил килиши учун бу икки гурух ходисаларининг узаро муносабатини тахлил килмасдан бошка муаммоларга ута олмайди. Тафаккурнинг борликка булган узаро муносабатини хис килмасдан туриб олам тугрисида бир бутун фалсафий тасаввурга эга булиши мумкин эмас. Фалсафий назариялар ва уларни урганиш ундаги асосий масаланинг кандай хал килишига богликдир, чунки, фалсафадан бошка муаммоларнинг мохияти шу масаланинг кандай ечилишидан келиб чикади.

Фалсафанинг асосий масаласини икки томонлама хал килмок лозим. Дунёнинг асосида нима етади, материями ёки онгми? Материя бирламчими ёки онгми? Бу масала унинг биринчи томонидир. Бу муаммо устида йирик тафаккур эгалари узок даврдан бери тортишиб келдилар. Бутун мавжудоднинг асоси материядир, материя бирламчи, онг иккиламчидир деб хисоблайдиган фалсафий тахлимот *материализм* деб аталади. Материализм нуктаи назарига, онг тафаккур материя хоссаси булиб, материя тараккиётининг муайян боскичида вужудга келади; онг, тафаккур юксак даражада тузилган материяга одам миясига хос булиб, вокеликни акс эттиради. Онг, рух, тафаккур бирламчи, деб хисобловчилар эса идеалистлар деб аталади. Идеалистлар материяни

иккиламчи, хосила нарса, рухнинг, онгнинг самарасидир деб даҳво киладилар. Фалсафанинг ривожланиши тарихий материализм билан идеализмнинг курашларидир, шу билан бирга фалсафий гоялар, кураш, синфлар курашини акс эттиради.

Бизни куршаб олган дунёнинг асосини онг, гоялар ташкил килади. Бошка хамма нарсалар уларнинг махсули ва хосиласидир, деб хисобловчи идеалистик карашлар фалсафа тарихида икки куринишда, икки шаклда намоён булади. Уларнинг биринчиси *о б ҳектив идеализм* булиб, унинг вакиллари рухий оламни, гоялар дунёсини, оламий акл-фаросатини бирламчи предметлар усимлик ва хайвонот олами эса гоялар дунёсининг махсули сифатида кирганлар. Обҳектив идеалистлар бутун мавжудотнинг асоси онг, тафаккур деб хисоблайдилар-у, аммо, айрим кишиларнинг, субҳектнинг онгини эмас, балки кандайдир мавхум кисми онгни, "дунёвий рух"ни "мутлок гоя"ни бутун мавжудотнинг асоси деб биладилар. Обҳектив идеализмнинг йирик вакили булган Платон (421-341) нуктаи назарича, нарсалар дунёси "гоя" лар дунёсининг "соя"сидир. Немис идеалист файласуфи ГегелЪ табиат ва жамият "дунёвий акл", мутлок гоянинг алохида куринишидир, деб таҳлим беради. Шундай килиб, обҳектив идеализм "дунёвий рух", "оламий акл" азалий ва доимий мавжуд булиб, улар борлик ва ундаги нарса ва ходисаларни хаммасини белгиловчи ибтидодир деб хисоблайдилар.

Субҳектив идеалистлар бутун мавжудотнинг асоси айрим кишининг, субҳектнинг онгига боглик деб хисоблайдилар. *С у б ҳ е к т и в и д е а л и з м* га мувофик, нарсалар, жисмлар ва бутун дунё одам онгининг самарасидир, шу субҳект гояларининг ёки сезгиларининг йигиндисидир. Инглиз файласуфи Ж. Беркли (1685-1753) немис файласуфи И.Г. Фихтер (1762-1814) субҳектив идеализмнинг йирик намоёндалари булиб, улар субҳектив идеализм фалсафасининг асосий конун-коидаларини ншлаб чикканлар.

Фалсафа тарихида шундай окимлар учрайдики, улар материализм ва идеализмдан бошкача, улардан, устун турадиган фалсафий система яратмокчи булганлар. Масалан, француз файласуфи Р.Декарт (1596-1650) ва унинг издошлари оламнинг асо сида бир-биридан мустакил иккита моддий ва рухий субстанция етади, деб хисоблаганлар.

Бундай фалсафий оким *д у а л и з м* деб юритилади. Онгни материяда дуалистларга ажратиш пировард натижада идеализмга

олиб келади. Шунинг учун хам дуализм фалсафада учинчи йуналишни ташкил кила олмайди. Фалфафа асосий масаласининг иккинчи томони-инсон узини куршаб олган дунёни ва унинг конуниятларини билишга кодирми ёки йукми? деган масаладир. Аксарият файласуфла р бу саволга ха, дея жавоб берганлар. Шунга карамасдан айрим фалсафий оким тарафдорлари инсоннинг дунё ходисаларини билиш мумкинлигини инкор этади. Бундай фалсафий оким "*а г н о с т и ц и з м* (*а-йук, гносис-билиш)*"деб юритилади. *"Агностицизм"* атамасини инглиз табиатшуноси Гексли жорий этган булиб, бу оким вакиллари оламни билиш мумкинлигини инкор этадилар.

Илмий материализм агностицизмга карама - карши уларок, инсон узини куршаб олган дунё ва унинг конуниятларини билишга кодир дея хисоблайди.

Фалсафа жамият хаётида катта урин тутади. Унинг ижтимоий хаётдаги ахамияти фан сифатидаги мохияти билан бирга мафкуравий жихати билан хам боглик. Чунки фалсафа илмини урганиш хар бир кишига ижтимоий вокеликни англаб етиш, атроф - мухитда содир булаётган социал ходисаларга нисбатан муносабат билдира олиш хусусиятларини шакллантириш имконини беради. Шунинг учун республикамиз Президенти И.А. Каримов 2000 йил 6 апрелда Оксарой кароргохида файласуф олимлар олдига хам фалсафа фанини мустакиллик даври мазмуни ва мохияти билан боглик булган муаммоларни чукур илмий тахлил килган холда тадкик килиб, миллий гоя ва миллий мафкурамизни шакллантиришдаги ролини катта эканлигини алохида таҳкидлаш билан бирга улкан вазифаларни хам бажариш лозимлигини униктириб утди. Шундан келиб чиккан холда фалсафа фани жахон фалсафаси ютукларини урганиш билан бирга миллий фалсафий фикр тараккиётидаги улмас вакилларимизнинг буюк меросини хам урганиши ва бугунги ёш авлод онгига сингдиришда муайян вазифаларни адо этиши керак.

***Мавзуни такрорлаш учун саволлар:***

*Дунёкараш нима?*

*Дунёкарашнинг тарихий типлари нималардан иборат?*

*Фалсафий дунёкарашнинг узига хос хусусиятлари нималардан иборат?*

*Фалсафа фан сифатида нимани урганади?*

*1. Фалсафа жамият хаётида кандай урин тутади?*

*2. Фалсафа ва бошка фанларнинг узаро богликлиги кандай?*

## *2- Маҳруза: Кадимги Шарк халкларининг илк фалсафий қарашлари.*

***Р е ж а:***

*1. Кадимги Шарк халкларининг илк фалсафий карашлари.*

*2. Минтакамиздаги илк фалсафий карашлар.*

*1.Кадимги Шарк халкларининг илк фалсафий карашлари*

Таянч иборалар: ***Дастлабки фалсафий карашлар, Кадимги Миср мифологияси, Хиндистон фалсафаси, Чорвака, Даосизм.***

Жаҳон маданиятининг таркибий кисми хисобланган фалсафа фани, дунёдаги алохида бир халк, элат ва миллатники эмас, балки турли давр ва шароитларда яшаган, яшаб келаётган барча халкларнинг, бутун инсониятнинг маҳнавий бойлиги, умумий ютуги, башариятнинг асрлар жараёнида шаклланган, ривожланиб сайкал топиб келган акл идрок ва тафаккурлари махсулидир. Фалсафа фани ривожланишига дунёдаги барча халклар каби Шарк халклари хам узларининг бебахо улушларини кушганлар.

Кадимги Шарк халкларининг тарихи ва маданияти, илк сиёсий, хукукий, диний, бадиий, фалсафий караш ва тасаввурлари, уларнинг мазмун ва мохияти хакида антик замон муаллифларининг асарларида, археологик манбаларида, халк огзаки ижодиёти, афсона, мифлар, достонлар ва ривоятларда акс этган.

***Д а с т л а б к и ф а л с а ф и й т а с а в в у р л а р*** Шаркнинг энг кадимги мамлакатларидан бири – ***Б о б и л (В а в и л о н и я)*** да эрамиздан аввалги туртинчи минг йиллик бошларида пайдо булган. Шу даврдаёк, одамларнинг дунёда руй бериб турадиган хилма-хил ходиса ва жараёнларга булган муносабатлари ва кизикишларини гарчи содда, юзаки, ибтидоий шаклда булсада, узида акс эттирган фалсафий карашлари намоён була бошлаган. Кадимги Бобил адабиётининг кузга куринган машхур асарларидан бири "ГилЪгамеш хакидаги достон" булиб, унда тупрок, сув, хаво, иссиклик инсон хаёти ва тириклигининг абадий манбаи эканлиги ГилЪгамешнинг обихаёт кидириб, бошидан кечирган саргузаштлари ва чеккан азоб-укубатлари, одамларнинг табиий конунлар асосида яшаши зарурлиги, хаёт ва

улим сирларини билишга азалдан интилиб келганлиги хикоя килинган.

ГилЪгамеш хакидаги Бобил афсонасида кадимги кишиларнинг бахт ва фаровонликка, саломатлик ва бардамликка, улимни енгиб, мангу хаёт кечиришга , абадий умр ато килувчи "обихаёт", усимлик турли хил мева ва махданларни излаб топиш хакидаги орзуниятлари уз ифодасини топган.

Адапа хакидаги достонда эса инсониятнинг абадий хаёт тугрисидаги фикрлари, абадий яшашга булган интилишлари уз ифодасини топган. Унда "улган ва кайта тирилган" худоларга, жумладан Бобил худоси Мардукка нисбат берилган.

Инсон узини куршаб олган табиий мухит билан узаро алокадордир. У шу мухит, коинот хакида уйлайди, фикр юритади, ер юзидаги ходиса ва жараёнларни коинот билан боглашга интилади, самовий "сир-асрорлар" хакида хаёл суради, фараз килади, хар хил эртаклар, ривоятлар, афсоналар тукийди. Бобилликларнинг Этапа хакидаги афсоналари ана шу заминда пайдо булган.

Этапа хакидаги афсона хам юкорида айтиб утилган достонларда булгани каби, одамларнинг Куёш билан, Ой ва сайёралар билан кизикканлиги, самовий ходисаларни сир сабабларини билишга кизикиш-ларини, Бобил халкининг табиий ходисалар мохиятини, йилнинг фасл-ларга булиниб, узгариб туришини, йил давомида табиатда буладиган узга-ришлар боиси нимадан иборат эканлигини тушуниб олишга булган интилишларини, шунингдек, уларнинг дин ва ахлокка доир фалсафий карашларини илгари сурган асардир.

Кадимги бобилликларнинг ёмонлик билан яхшилик, эзгулик билан ёвузлик, бойлик билан кашшоклик, хурлик билан хурликнинг бир-бирига тубдан зид, карама-карши ва муросасизлиги хакидаги фалсафий гояларни узида махлум даражада ифодалаган "Жафокаш авлиё хакида достон" ва "Хужайиннинг кул билан сухбати" деган асарлари мавжудлигини хам айтиб утишга тугри келади. Эслатилган биринчи достонда бахт ва бахтсизлик, адолат ва адолатсизлик тугрисида, уларнинг сабаблари, бартараф этиш йуллари хусусидаги дастлабки, фалсафий тасаввур ва гоялар баён этилган. Кейинги асарда хужайин билан кул уртасидаги зиддият улар уртасидаги диалогдаги гоят кучли сузларда ифода килинган. Асарда айтилишича, хар гал хужайиннинг истакларини уринли ва асосли килиб рад этишга важ топадиган кулдан кунгли совиган хужайин нихоят: "Хуш энди нима яхши?" деб хитоб килади. Кул

дадиллик ва истехзо билан бундай жавоб беради: "Менинг калламни хам, сенинг каллангни хам узиб, дарёга ташлаш керак - энг яхшиси ана шу. Осмонга етиш даражасига юксак, бутун ерни коплаб олиш даражасида одам борми, ахир!" Жахли чикиб кетган хужайин дахшат билан кулга караб: "Эй кул, мен сени улдиришни ва сени мендан олдин кетишга мажбур килишни истайман" - дейди.

Лекин бунга жавобан кул хужайинни огохлантириб: "Хакикатни олганда, хужайиним, мендан кейин факат уч кун умр курадилар",- дейди.

Ишлаб чикаришнинг ривожланиши уртага куйган талаблар ва инсон амалий фаолияти эхтиёжлари асосида Бобилда табиат ходисалари мазмуни тушуниб олиш ва улардан турмушда фойдаланиш зарурияти табора кучайиб борган. Махсулот ва молларнинг микдорини, огирлигини улчаш, ишчи кучлари сонини хисоблаб чикиш зарурияти энг кадимги математик хисобларнинг пайдо булишига олиб келган, вактни хисоблаш зарурияти таквим пайдо булишига сабаб булган. Бу эса одамлардан астрономия сохасида махлум билимларни талаб килган. Бобилликлар Куёш соатини, Куёш курсаткичини ва куннинг 12 булакка булинишини азалдан билишган. Антик давр махлумотларига кура, Бобилда математика, арифметика, геометрия, астрономия билан бир каторда тиббиёт, тарих ва филология, мусика, тасвирий санхат, астрология хам секин-аста куртак ота бошлаган.

Кадимги Шарк халкларининг маданиятлари сингари Бобил халки маданияти, фалсафаси, ахлоки, урф-одатлари, дунё караши хам асосан диний гоялар билан сугорилган. Одамларда диний эхтикод кучли булган. Куёш, Ой, юлдузлар худо хисобланган, ибодатхоналарда уларга топинганлар. Халкларнинг, давлатларнинг, хукмдор ва одамларнинг келгусидаги такдирини юлдуз ва сайёраларнинг вазиятига караб "олдиндан айтиб бериш" кадимги Месопотамия ва Бобилда астрология номини олган.

Бобилликларнинг кадимги маданияти, диний эхтикодлари, фалсафий карашлари, адабий асарлари, афсона ва ривоятлари наслдан-наслга утиб Шаркдаги купгина халкларнинг маданий-махнавий тараккиётига, ижтимоий-фалсафий фикрлари ривожига узининг ижобий тахсирини курсатган.

<u>Миср маданияти жахон маданиятининг энг кадимгилари хисобланади.</u> ***Кадимги Миср***да илк маданий ёдгорликлар, эрамиздан 4 минг йил илгари вужудга келган. Кадимги Шарк маданиятининг

бошка намуналари сингари Миср маданий ёдгорликларининг эртак, ривоят, мадхия, дуо, дидактик асарлар, масал, эпос, ишкий лирика, хуллас, халк донишмандчилигининг бошка турларида хам уша даврдаги ижтимоий мухит, иктисодий хаёт, табобат, урф-одатлар, табиат ходисалари, диний, ахлокий, хукукий, фалсафий карашлар гарчи юзаки тарзда булсада, уз ифодасини топган. ***Кадимги Миср мифологиясида*** хамма нарса сувдан пайдо булган ва хамма нарсада хаво бор, дейилади. Шунинг учун хам, Мисрликлар сувни одамга озик-овкат берувчи дастлабки улуг нехмат, деб билганлар. Сув уларга бутун табиатнинг асоси булиб куринган. Мисрликлар, хаёт сувдан бошланади, деб билиб, сувсиз хеч кандай хаёт булмаслигини куриб, сувни улугловчи канчадан-канча ривоят ва афсоналар тукиганлар. Улар Нил дарёсини илохийлаштирганлар, уни "одамларга хаёт бахш этиш учун тошиб турадиган Нил" деб, улаглаганлар. Шунинг учун Мисрликлар мархумлар рухига афсунлар укиб, унинг абадий яшашини тахминламокчи булганларида худога куйидагича нола килганлар: " сен улуг худога - Озирисга мархамат айлаганингда унга Нил келадиган булди, унинг учун яйловларда ут пайдо булди ва папирус усадиган булди. Худди шу сингари унга - мархумга хам мархамат айлагилки, у сенинг сувингдан бахраманд булсин, у сенинг окар сувларингдан ича олсин!"

Мисрликлар узларининг дунёвий ва диний - фалсафий поэзияларида одамларни бу дунёни бутун ноз-нехматларидан тула бахраманд булиб яшашига, кувнок, шод-хуррам хаёт кечиришга, улим, охират хакида хадеб уйларвермасликка чакирган.

Мисрликларнинг илк фалсафий тасаввурлари хакида бир мунча махлумот берадиган манбалардан бири - " Насихатнома"да билимнинг хосияти хакида, билимдон кишининг кадр - киммати тугрисида айтиб утилган. "Агар сен билимдон одам булсанг, айганинг айтган, деганинг деган булади. Ёзиш укишни чукур эгаллаб, кунглингга махкам жо килиб ол, ана шунда хар бир айтган гапинг хаммага манзур булади. Мирзони кандай лавозимга куймасин, у хамма вакт китоб билан иш куради."

Кадимги Мисрликларнинг халк огзаки ижодиётида, айникса, диний мифологик асарларида табиат ходисалари ва табиат кучлари илохийлаш-тирилган. Усимлик ва дарахтларга топиниш Мисрда энг кадимги даврлардаёк мавжуд булган. "Хаёт осмон дарахти" тугрисидаги кадимги афсонада усимликлар рамзи булган дарахт

инсоннинг ер юзидаги хаёти учун зарурдир, деган фикр илгари сурилган. Мисрликларнинг табиатни, дунёни унинг узига асосланиб туриб тушунтириш учун килган уринишлари хар холда содда булса-да, уз даври учун катта ахамиятга эга эди.

Кадимги Мисрда фалсафий фикр куртакларининг шаклланиши ва ривожида табиатшунослик фанларининг пайдо булиши хам сабаб булган. Бундан бир неча минг йиллар илгари кадимги мисрликлар фалаккиёт сохасида бахзи бир билимларга эга булганлар. Осмондаги юлдузларни доим кузатиш натижасида сайёраларни юлдузлардан ажрата билганлар ва хатто, улар юлдузлар харитасини хам тузганлар.

Мисрликлар узларининг фалаккиётга оид билимлари асосида алохида таквим тузганлар. Таквим йили 12 ойга булинган, хар бир ой 30 кундан иборат булган, йил охирига эса яна 5 та байрам куни кушилган. Шундай килиб, бир йил жами 365 кун булган.

Касалликларни келтириб чикарган, авж олдириб, кучайтириб юборган сабабларни аниклаш, уларнинг олдини олиш, инсон саломатлигини тиклаш ва мустахкамлашга булган зарурият кадимги Мисрда тиббиёт фанини юзага келтирди. Кадимги мисрликлар касалликларнинг жуда куп турларидан, масалан, бош огриги, дизентерия, сарик касали, йутал, зикнафас, кон кетиш, бод, мохов, сувли темиратки ва бошка хар хил касалликлардан хабардор булганлар. Миср табиблари мияга, умуртка погонасига алохида эхтибор берганлар ва уларни касалликлар уяси деб билиб, табиб бу ердаги касалликларни топиб йукотиш керак, деб хисоблаганлар. Мисрликлар диагностика-ташхис сохасида катта тажриба туплаганлар. Мисрда жаррохлик ва куз касалликларини даволаш анча ривожланган. Улар инсондаги юрак кон айланиш тизимининг кандай эканлигига боглик эканлигини алохида тахкидлашган. Мисрда табибликнинг сири юрак харакатини билишдан бошланади, томир бутун ахзои баданга шундан таркалади, деб хисоблашган.

Башарият тарихида карийб биринчи цивилизация бешиги хисобланган ***Хиндистон фалсафаси*** узининг жуда кадимий ва бой тарихига эга. Хиндистонда эрамиздн уч минг йил аввал ерни сухний сугориш тараккий этган, анхорлар казилган, кулолчилик, ёгочсозлик, тукимачилик, заргарлик ривожланган, ёгоч ва металдан жанг аравалари ясашган, пишик гиштдан куп каватли бинолар

куришган, юнг ва зигир толасидан матолар тайерлашган, мис ва темирдан, калай ва кургошиндан курол-аслахалар ясашган.

Абу Райхон Берунийнинг "Хиндистон" номли асарида айтилишича, Хиндистонда эрамизнинг биринчи асрларидаек, тип, риёзиет, илми нужум, дин, кимё, музика, поэзия, тарих, санхат, фалсафа каби илмлар ривожланган.

Айникса, ноёб табиатга, сахий заминга, ажойиб хайвонот ва табобат оламига бой булган кадимий Хиндистонда фалсафа, бадиий адабиёт утмиш даврлардан бошлаб вужудга келган ва ривожланган. "Рамаяна", "Махобхорат", "Калила ва Димна" каби машхур асарлар шулар жумласи-дандир.

Юксак ва нафосат мангу хикмат хазинаси булган ана шу асарларда хинд халкининг урф-одатлари ва анханалари, одоб-ахлоки ва маданияти, дини ва тарихи, миллий кадриятлари, ижтимоий-сиёсий, хукукий, бадиий, фалсафий, диний карашлари узининг ёркин ифодасини топган.

Ана шу нодир асарлар уз навбатида кадимги хинд фалсафасини урганиш ва уларда илгри сурилган илгор гоялар, умуминсоний ахамиятга эга булган кадриятларни билиб олишда илк манбалар булиб хизмат килади.

Хинд маданияти ва фалсафасининг ана шу бебахо ёдгорликларининг хар бирида акл-идрок, адолат, инсоф-диёнат, халоллик, поклик, мехнатсеварлик, миллий тотувлик, тугри сузлилик, вахдага вафо килиш тугрисида, зулм ва зуравонликка, хиёнат ва риёкорликка, нафси бузуклик ва очкузликка, фитначилик ва каллобликка, худбинлик ва мунофикликка карши курашиш зарурлиги хакида жуда мухим ва фойдали фалсафий гоялар, хикматлар, ривоятлар, макол ва накллар баён этилганки, улар шак-шубхасиз, хам миллий, хам умуминсоний ахамиятга моликдир.

Хиндистоннинг эрамиздан олдинги биринчи минг йилликлардаги дастлабки фалсафасини урганишда кадимги хиндларнинг "Веда" деб атаган диний тупламлари ва иккита катта эпик достони - " Рамаяна" ва "Махобхорат" хамда Абу Райхон Берунийнинг "Хиндистон" асари мухим ахамиятга эгадир.

"Хиндистоннинг "Веда" деб аталадиган мукаддас китобининг махноси билмаган нарсани билишдир. Хиндлар "Веда" китобини, олий тангрининг Барохим огзидан айтилган сузи, дейдилар."

"Веда" китоби Ригведа, Самаведа, Яжурведа ва Атхарваведа деб аталадиган турт катта булимдан иборат. Турт булимдан хар

бирининг узига хос укиш йули бор. Мазкур булимларнинг хар бирида муайян бир фалсафий гоя илгари сурилган.

"Веда" хинд халкининг дини, афсоналари, урф-одатлари, поэзияси, илк фалсафий тасаввур ва билимларини урганиш учун айникса куп материал беради.

"Веда"да борлик, фазо, вакт, дунёнинг пайдо булиши, инсон хаётининг табиий асослари, табиат ва жамият уртасидаги алокадорлик, илохий кучлар хакида фикр юритилади. "Веда китоби яхши ишларга тарғиб килишни, ёмон ишлардан кайтаришни, амалларнинг чегарасини аник курсатиб кизиктиришни, яхши мукофот ва емон жазоларни баён килади. "Веда"нинг куп кисми турли дуо-тасбехлар ва олов учун килинадиган турли курбонликлар устидаги сузлардан иборатдир. Бу курбонлик турлари санаб булмайдиган даражада куп ва (коидалари) кийиндир."

"Веда" китобини ташкил этган булимларининг энг кадимийси Ригведада, хиндларнинг худолари булган парилар тугрисидаги афсоналар билан бир каторда дунёдаги хар бир нарса табиий равишда пайдо булган, деган гоялар бор. Ригведадаги дунё сувдан яратилган, деган фикр эҳтиборга сазовордир.

Кадимги Хиндистон дини ва фалсафасида сувнинг мукаддаслаш-тирилиши, уни дунёни ташкил этган унсурлардан бири сифатида каралиши, бу хакда "Веда" ва Ригведада алохида эҳтибор берилганлиги бежиз эмас, албатта. "Аммо хиндлар фикрича, - дейилади Абу Райхон Берунийнинг "Хиндистон" асарида, - яратилган нарсаларнинг олдингиси сувдир. Чунки, улар " тузонга айланган хамма нарса сув билан бирикади, хамма унадиган нарса сув билан униб чикади ва хамма жон эгаси сув билан тирик туради. Сув санҳат эгаси, бирон моддадан маҳлум бир нарса ишлатмокчи булганида унга сув восита булади", дейилади."

"Веда" да борликни бош манбаи, моддий ибтидоси деб хисобланган сув, олов, хаво, ёруглик, тупрок хамда озик-овкат, фазо, вакт хакидаги, шунингдек, оламнинг тузилиши ва уни бошкарувчи конунлар, инсон билимининг манбалари ва турлари, инсоннинг ижтимоий мажбурият-лари каби катор фалсафий масалалари ёритилган. Унда таҳкидланишича, тана жоннинг кобиги булиб, жон эса - дунёвий рухнинг бир булагидир. "Веда"лар шу тарика бутун кадимий хинд фалсафасининг кейинги

тараккиёти учун замин булиб хизмат килгнлиги, ва шароит яратиб берганлиги туфайли алохида ахамият ва илмий кимматга эгадир.

Эрамизгача булган VIII-VII асрларда Хиндистонда *Л о к а я т а* (факат шу локани тан олувчи кишиларни карашлари) фалсафий тахлимоти шакллана бошлайди. Бу тахлимот асосчиси Брихаспати ва унинг издошлари ердан бошка тарзда хаётнинг булиши мумкин эмас, деган фикрни олга сурдилар.

*Чорвака* номи билан аталадиган кадимий хинд фалсафий окими тараккиётлари, дунёни, табиат ходисаларини кандай булса ушандай тушунтирмок керак, деган талабни илгари сурган эдилар. Улар нуктаи назарича, бутун олам олов, сув, хаво, тупрок йигиндисидан иборат, инсон хам ана шу турт унсур бирикмасидан ташкил топган.

Чорвакалар дунёни хеч ким яратган эмас, балки унинг заминида моддий элементлар бирикиши ётади, деб хисоблайдилар. Улар "утни ким иссик хароратли килди, сувни ким совук килди?" - деган савол бериб, " буларни хаммасини шу ходисаларнинг узидан кидириш керак, деб жавоб кайтарадилар.

*Хитойдаги дастлабки фалсафий тахлимотлар* да дунё абадий ва беш унсур - олов, сув, ер, дарахт ва металлдан ташкил топган деб, уктирилади.

Эрамиздан олдин VII-VI асрларда Хитойда дао конунига биноан харакат килувчи пи элементнинг мавжудлиги хакида фикр юргизилган. Хитой мутафаккирлари фикрича, табиат ходисалари ци деган моддий зарралардан таркиб копиб, дао деган обхектив табиий конуниятга буйсунади. Хитойликларнинг табиат ходисалари конуниятли асосда тараккий килади, деган тасаввурлари, дунё моддийдир, деган тахлимотига богликдир. Дао хакидги тахлимот фалсафадаги конун тушунчасини хосил килишдаги дастлабки уринишдир.

*"Д а о с и з м"* сузининг узи "*дао*" сузидан келиб чиккан булиб, "*йул*", "тараккиёт", "дунё негизи" деган махнони билдиради. Даосизмнинг асосчиси Лао-цзи булиб, у дунё абадий харакат ва узгаришда булади, деб хисоблаган. Масалан, Лао-цзи бу хакда бундай деган:

- "Улуг дао хамма ёкка караб окади. У унгга хам, сулга хам ейилган. У туфайли жами мавжудот хамиша узгаришда булиб бир жойда тухтаб колмайди."

Даосизмда дунёда карама-каршиликларнинг бир-бирига богликлиги амал килади, табиат ходисалари уз-узига зид холатда айланиб ривожла-нади, деган фикр юритилади. Таххидланишича, гузаллик ва хунуклик, баландлик ва пастлик, яхшилик ва емонлик, борлик ва йуклик, узун билан кискалик бир-бирини тугдиради, биринкетин келади, бир-бирига боглик булади, табиатдаги барча мавжудот, барча ходисалар карама-каршилиларни уз ига олади.

Даосизм вакиллари билишда хиссий ва мантикий жихатларнинг мав-жудлиги масаласини уртага куйиб, билишда хиссиёт ва амалиётнинг хамиятини камситиб, аклни бурттириб юборганлар.

Милоддан аввалги V - III асрларда вужудга келган *к о н ф у ц и йчилик* кадимги Хитойда кенг таркалган фалсафий тахлимотлардан булиб хисобланади. Унинг асосчиси Хитой мутафаккири Конфуций милоддан олдинги 551 - 479 йилларда яшагн. Конфуций тахлимотига кура, одамларнинг хаммаси тугма хусусиятлриг кура бирбирларига якиндир. Тугилгандан кейин хосил килган хусусиятларига кура, улар бир-бирларидан фарк киладилар.

Конфуций, агар подшо осмон ва денгиз каби улугвор булса, халк уни хурматлайди, унинг айтганларига кулок солади ва унинг ишларига хай-рихохлик килади деб, подшони илохийлаштиради. У тугридан-тугри, император - Осмоннинг угли, унинг ердаги куриниши - осмоннинг жонли тимсолидир. Ер шаридаги курукликнинг маркази Осмон углидир. Хар кайси халк уз чегарасида бир князга итоат килади. Осмон угли амрини осмондан олади, тобе князларга эса буйрукни Осмон углидан оладилар, дейди.

Айтиб утилганларнинг хаммаси Бобил, Миср, Хиндистон, Хитой сингари кадимги Шарк мамлакатлари ва бошка давлатларда пайдо булган ва ривожлана бошлаган, дастлабки фалсафий билим ва тасаввурларнинг илдизлари, бошлангич асослари жахон халклари тарихи ва маданиятининг узок утмишига бориб такалишини курсатиб ва исботлаб турибди.

***Мавзуни такрорлаш учун саволлар:***

1. *Илк фалсафий карашлар Кадимги Шарк мамлакатларида качон ва кандай пайдо булган?*
2. *Кадимги Миср ва Бобилдаги илк фалсафий карашлар кандай хусусиятларга эга?*

*3. Кадимги Хинд фалсафаси ва ундаги фалсафий окимлар кандай булган?*

*4. Кадимги Хитой фалсафасига кандай хусусиятлар хос?*

**3-Махруза: Марказий Осиё мутафаккирларининг табиий - илмий ва фалсафий карашлари**

**Режа:**

*1. Ривожланган феодализм даврида Марказий Осиёда илм - фан ва маданият ривожи.*

*2. Урта асрларда Марказий осиёда табиий - илмий ва фалсафий карашлар ривожи. (А. Фаргоний, Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино)*

*3. Урта асрларда диний фалсафий карашлар ривожи.*

*4. Сунгги феодализм даврида Марказий Осиёда табиий - илмий ва ижтимоий - фалсафий фикрлар ривожи (А.Навоий, Улугбек, Бобур ва бошк.)*

*1. Ривожланган феодализм даврида Марказий Осиёда илм - фан ва маданият ривожи.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Мухаммад ибн Мусо ал–Хоразмий фалсафаси, Ахмад ибн Мухаммад ал – Фаргоний фалсафий карашлари, Фаробий фалсафаси, Беруний фалсафаси, Ибн Сино фалсафаси, Тасаввуф фалсафаси, Яссавия тарикати, Накшбандия тарикати, Хадис илми, Навоийнинг фалсафий карашлари, Улугбек-нинг табиий илмий карашлари, Бобурнинг ижтимоий сиёсий караш-лари.***

Марказий Осиёлик мутафаккир Якин ва Урта Шарк мамлакатларида илм-фан ва маданиятнинг, узига хос фалсафанинг равнак топишида катта ролЪ уйнаганлар.

Араблар истилосидан кейин Марказий Осиёда мухим ижтимоий сиёсий ва маданий узгаришлар руй берди: юз йилдан ортикрок давом этган араблар истибдодига карши олиб борилган кураш натижасида миллий давлатчилик асослари яратилди. Исмоил Сомоний янги сулолага асос солди. Бу эса Мовароуннахр заминида илм - фан ва маданиятнинг равнак топиши, турли мамлакатлар билан савдо иктисодий ва маданий алокаларнинг ривожланиши, турли халкларнинг ижтимоий-фалсафий карашларида якинлик ва узаро тахсирнинг вужудга келиши учун кулай имкониятлар яратди. VIII-XIII асрларда илм-фан ва маданият

марказлари булган Богдод, Дамашк, Самарканд, Бухоро, Газна, Хива сингари шахарларнинг маданий – иктисодий алокалари кучайди. Мовароуннахрда марказлашган давлатнинг карор топиши билан Кадимиги Греция ва Рим фалсафий меросини урганиш ва уни кенг оммалаштириш учун кулай шароит вужудга келди.

Гарчи ислом фалсафаси Европа дунёкарашини инкор этса хам, давлатлараро алокаларнинг кенгайишига ва антик дунё фалсафасининг Урта Осиёга кириб келишига тускинлик килмади:

"Марказий Осиё тарихида сиёсий акл – идрок билан махнавий жасоратни, диний дунёкараш билан комусий билимдонликни узида мужассам этган буюк арбоблар куп булган.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баховуддин Накшбанд, Хожа Ахмад Яссавий, Ал – Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Захириддин Бобур ва бошка куплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришда улкан хисса кушдилар, халкимизнинг миллий ифтихори булиб колдилар. Уларнинг номлари, жахон цивилизациясига тараккиётига кушган буюк хиссалари хозирги кунга бутун дунёга махлум" *(Каримов И.А. "Узбекистон XXI аср бусагасида...", Т, 1997, 140-бет).*

*2. Урта асрларда Марказий осиёда табиий - илмий ва фалсафий карашлар ривожи. (А. Фаргоний, Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино)*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий фалсафаси, Ахмад ибн Мухаммад ал – Фаргоний фалсафий карашлари, Форобий фалсафаси, Беруний фалсафаси, Ибн Сино фалсафаси, Тасаввуф фалсафаси, Яссавия трикати, Накшбандия тарикати, Хадис илми.***

Якин ва Урта Шаркда илм-фан ва маданият равнакига улкан хисса кушган комусий олимлардан бири ***Мухаммад ибн Мусо ал – Хоразмий*** булиб, у 782 йили Хоразмда дунёга келди. Жахонга машхур булган бу улуг аллома хакли равишда алжабр – алгебра фанининг асосчиси хисобланади. У Марв шахридаги фаолияти даврида табиий илмий фанлар (математика, астрономия, тарих) билан шугулланди. Хоразмийнинг илмий фалсафий дунёкараши шаклланишида уша давр хусусиятлари ва талаблари муайян ролЪ уйнаган.

Махлумки, Хоразм араблар истилоси ва араб халифалиги хукмронлиги урнатилишига кадар ривожланган кишлок хужалик ишлаб чикаришига эга булган уз ёзуви, илм фани тараккий этган

маданиятли мамлакат булган. Эрамизнинг V асридаёк Хоразмда феодал давлати ташкил топган. Мусо Ал-Хоразмийнинг илмий фалсафий ижоди халифаликнинг инкирозга юз угириш даврига тугри келади.. Бу холат унинг фалсафий карашларида хам уз аксини топди.

Аббосийлар сулоласига мансуб булган араб халифаси Хорун ар-Рашид ва унинг угли Маҳмун илм-фан ва хур фикрликнинг равнак топишига алохида эҳтибор берганлар. Уларнинг бевосита хомийлигида Богдодда уша даврнинг узига хос фанлар академияси – Байт ал-хикма (Донишмандлар уйи) ташкил этилган булиб, у ерда олимларнинг илмий-ижодий фаолият билан муваффакиятли шугулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган эди. Махрифатпарвар аббосийлар, айникса, халифа Маҳмун халифаликнинг турли улкаларидаги истеҳдодли олимларни Байт ал-хикмага жалб этишга алохида этибор берган. Ана шу илм фан учогига таклиф этилган олимлар орасида Урта Осиёлик улуг аллома Мусо ал-Хоразмий хам бор эди. Халифа Маҳмун унга алохида эҳтибор ва хурмат билан муносабатда булган. Унга Байт ул-хикмадаги бой кутубхона ва расадхонага рахбарлик килишни топширган. Ана шундай мухитда Хоразмий кизгин ижодий иш билан банд булди ва узининг улмас илмий фалсафий асарларини яратди. Халифаликнинг барча таникли олимлари ана шу "Донишмандлар уйи "га йигилган булиб, улар фаннинг турли сохалари буйича тадкикотлар олиб борганлар. Хоразмий узининг математика, алгебра, геометрия, география, астрономия, тарих фанларига оид 15 дан ортик асарларини шу ерда яратди.

Хоразмийнинг алгебра ва геометрияга багишланган асарларидаги хисоблаш системаси, тенгламаларнинг алжабрий тушунчалари хакидаги фикрлари оламни тушуниш ва уни фалсафий идрок этишда мутлако янгича карашларнинг пайдо булишига олиб келади.

Хоразмийнинг астрономияга оид гоялари унинг "Ал-Хоразмий жадвали" асарида баён этилган. Маҳлумки бу даврларда Хиндистон, Эрон ва араб мамлакатларида астрономия фани кенг ривожланган эди. Хоразмий ана шу фан сохасида эришилган юутуклардан фойдаланиб, юлдузлар жадвалини яратди. Бизга ана шу асарнинг 1126 йили лотин тилига угирилган нусхаси етиб келган. Кейинчалик буюк аллома Абу Райхон Беруний ал- Хоразмийнинг ана шу асарининг илмий тахлилига багишлаб учта йирик асар яратди. Уларда уз ватандошининг илмий-фалсафий гояларини

химоя килди. Куплаб илмий ўархларга караганда, Хоразмий уз асарида хиндларнинг астрономик жадвалларидан, грек астрономи Птолемейнинг асарларидан фойдаланган. Шу билан бирга у Дамашк расадхонасида олиб борган кузатишлари махлумотларидан хам фойдаланган.

Хоразмийнинг астрономияга оид асари кириш, 37 булим ва 116 бобдан иборат булган. Хоразмий оламнинг тузилишини геоцентрик назария асосида, яхни олам марказида Ер туради, бошка планеталар унинг атрофида айланади, деб тушунтирди. Агар ислом дини хукмрон булган даврни назарда тутсак, бундай гоялар фандаги катта жасорат эканлигига амин буламиз.

Хоразмий бу асарида ислом илохиёти гояларига зид равишда турли хилдаги йил таквим (календар)ларнинг узига хос хусусиятлари, планеталар харакати, Куёш ва Ойнинг тутилиши хамда астрологиянинг астрономик масалаларини ёритди. Айникса, асардаги юлдузларнинг жойлашишига оид жадваллар астрономия фани тарихида мухим кимматга эгадир. Улуг олимнинг астрономия сохасидаги асарлари оламнинг тузилиши, харакати, турли планеталарнинг узаро муносабатлари масалаларини тушунтиришда катта ахамиятга эга булиб, мазкур фан тараккиётида мухим ролЪ уйнади.

Хоразмий каламига география ва геодезия (хариташунослик) сингари фанларга оиб асарлар хам мавжуд булиб, хеч муболагасиз айтиш мумкинки, у мусулмон Шаркида ана шу сохаларнинг асосчиси булди. Хоразмий кадимги грек олими Птолемейнинг “География” асаридан ижодий фойдаланди, уни янги принцип ва усуллар билан бойитди. Ер шари катта кими ахолисининг жойлашиши, иклим ва шарт шароитлари хакида кимматли махлумотлар берди. У узининг “География” ноли асарида жуда катта территориядаги шахарлар, денгизлар, дарё ва кулларнинг жойлашиши хакида махлуиот берди. Унга факат шарк мамлакатлари хакида эмас, балки Урта ер денгизи, Урта аср Европаси хамда жанубий Россия геолграфияси хакида хам махлумотлар берилган. Хоразмий географик харитани турли жойларнинг иклим шароитига караб тузди. Ана шундай иклим зоналарига 537 жой киритилди, 209 та тогни, денгиз ва оролларни илмий тавсифлаб берди. Хоразмийнинг “География” асари буюк географик кашфиётлар даврида, айникса, Х. Колумб кашфиётлари даврида катта ахамият касб этган.

Хоразмийнинг илмий билимларни ривожлантириш ва системалаштиришга алохида эхтибор берган. Унинг фикрича, илмий билим ва тадкикотлар уз тарихига эга булиб, ривожланиб боради. Эришилган илмий ютуклар авлоддан авлодга утиб, муттасил купайиб боради. Бизнинг борлик хакидаги билимларимизни бойитади. Фан табиат сирларини урганиш ва очишга каратилган булмоги керак.

Хоразмий илм-фан кишиларига катта хурмат ва эхтиром билан муносабатда булди. Уларнинг вазифалари хилма-хил эканлигини курсатди. Унинг фикрича, олимларнинг бир кисми фан сирларини кашф этади, эришилган ютукларни келгуси авлодга мерос килиб колдиради. Олимларнинг иккинчи кисми эришилган илмий ютукларни тушунтиради, изохлайди, шархлайди, уларни тулдиради ва кенг оммалаштиради. Нихоят, олимларнинг учинчи кисми утмишдаги олимлар йул куйган хато ва камчиликларни аниклаб, уларни тузатиб, шу асосда илмий анханаларни давом эттирадилар. Хоразмийнинг бундай карашларида илмий билиш боскичлари, илмий фаолиятнинг куп киррали ва машаккатли характери гоят тушунарли тарзда баён этилган.

Шу нарса эхтиборга лойикки, Хоразмий хар бир асарида уз тадкикот-ларининг амалий ахамиятини кайта-кайта тахкидлайди. чунончи, алгебра ва хисоблаш масалаларига багишланган кискача тупламнинг амалий ахамияти хакида тухталиб, у кишиларнинг хаётий фаолияти ва кундалик иш юритишлари учун хизмат килади, деб ёзди. Хоразмий факат табиат сирларини билиб олгандан сунгина амалий вазифаларни хал этиш мумкин, деб хисоблади. Бундай хулосаларнинг фалсафий мохияти шундаки, у табиатдаги жараёнлар инсон акли ва иродасига богликдир, фан ана шу жараёнларни урганди, деб тушунтирди.

Хоразмий узининг астрономияга оид жадвалида планеталарнииг мав-жудлиги ва харакатини инсондан ташкарида ва мустакил деб тушунтирди.

Арифметик жараёнларни тахлил килар экан, сонлар уртасидаги муносабатлар ва арифметик амаллар табиатда обхектив равишда мавжуд булган нарсаларнинг микдорий муносабатини акс эттиради, деб ёзди. Хоразмий ана шу муносабатлар асосига кандайдир булинмас бошлангич асосни - бир ракамини олди. Унинг фикрича бир барча сонларнинг асосини ташкил этади. Агар бир булмаганида эди "икки" ёки "уч" дейиш хам мумкин эмас эди. Демак, Хоразмий

табиатдаги нарса ва ходисаларнинг обхектив мавжудлигини эхтироф этган ва уларни мустакил борлик сифатида тушунтирган. Бундай илгор гоялар ислом дини жамиятнинг ягона мафкураси ва сиёсати даражасига кутарилган бир даврда айтилган эди. Бирок кейинчалик ислом илохиётчилари Хоразмий томонидан илгари сурилган ибтидо – бир раками хакидаги гояни мутлаклаштириб, ундан илохий фикрларни исботлаш учун фойдалан-дилар.

Ал- Хоразмий яшаган ва ижод килган даврда илмий билиш ва илмий махлумотлар туплашда тавсифлаш усулини куллаш, яхни кузатилган факт ва ходисаларни кайд этиш кснг ёйилган эди. Бу усул уша давр табиий-илмий фанларнинг ривожланишида катта ахмиятга эга булди.

Хоразмийнинг алгебра (алжабр) га оид асарлари уша даврдаёк бутун Европага катта шухрат козонди, лотин тилга таржима килинди, куп асарлар давомида асосийукв кулланмаси булиб хизмат килди. Америкалик таникли олим Д. Сартон узининг “Фан тарихига кириш” номли асарида Мусо ал-Хоразмийнинг фан тараккиётидаги буюк хиссасини юкори бахолаб, уни уз даврининг буюк математиги, бахзи шарт шароитларни хисобга олганда, барча даврларнинг буюк дахоларидан бири, деб тахрифлайди.

Урта асрларнинг буюк олимлари учун, айникса, Хоразмий ижодиёти учун комусий билимдонлик хос булиб, у фаннинг жуда куп сохаларида самарали изланишлар олиб борди. Бу, албатта, уша давр илм – фанининг табиат, атроф-мухит ва ижтимоий ходисаларни урганиш борасида олиб борган изланишлари урта аср Шаркида илгор табиий-илмий ва фалсафий фанларнинг бундан кейинги равникига катта тахсир курсатди.

***Ахмад ибн Мухаммад ал-Фаргоний*** IX асрда араб халифалари Хорун ар-Рашид ва унинг угли Махмун томонидан Богдод шахрида ташкил этилган “Байт ал-хикма” да Мусо ал- Хоразмий билан илмий ижодий иш олиб борган ва уз асарлари билан жахон илм-фани ва маданияти ривожига салмокли хисса кушган буюк олим ва мутафаккирдир.

Комусий билим сохиби булган Ахмад Фаргоний айнгикса математика ва астрономия сохасида улмас асрлар яратди. У оламнинг илдмий манзарасини янгича идрок этди. Гарчи Птолемей (II аср)дан то Коперник (XIII асргача) Ер бутун коинотнинг маркази, барча планеталар унинг атрофида айланиб туради, деган илмий гоя – геоцентризм назарияси устунлик килиб келган булса

хам, Ахмад Фаргоний уз илмий тадкикотларида бунга шубха билдирди. У Ер энг кичик юдуздан хам кичикрокдир ва бунга асос сифатида Ер радиуси осмон радиусларидан анча озлигини курсатди. Ахмад Фаргоний биринчи булиб Ер меридианининг узунлиги 40 минг 800 км. эканлигини аниклади. Унинг илмий жасоратига Абу Райхон Беруний юксак бахо берган эди.

Ахмад Фаргоний геоцентрик назария тула хукмрон булган бир шароитда Ер эмас, Куёш бутун коинотнинг марказидир, деган хулосага кела бошлаган, уз илмий асарлари билан геоцентрик назариянинг узил-кесил карор топиши учун замин хозирлаган эди.

Ахмад Фаргоний яшаган даврнинг фалакиёт илми бутун коинотни 8 кисмга – Куёш, Ой, Меркурий, Венера, Марс, Юпитер, Сатурн ва 1022 та юлдуз сферасига ажратар эди. Ахмад Фаргоний илми нужум (астрономия) тарихида биринчи булиб ана шу сфералар радиусларини аниклади. Шунингдек, у экватор билан эклиптика текисликлари хосил киладиган доимий бурчак 23 даража 35 минут эканлигини исботлади. *(к.: Узбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан.Т.,1995,33-34бет).*

Махлумки Птолемей Куёш,Ой, Ер оралигидаги масофани аниклаган эди. Ахмад Фаргоний бунга планеталар ва юлдузлар масофасини хам кушди. У Ой ва Куёш тутилишларини хам тадкик этди, натижада астрономия келгусида руй бериши мумкин булган вокеаларни айтишга имкон берувчи илмга айлана бошлади. Ахмад Фаргоний Ер экваторида Куёш икки марта зенитда булишини, осмон кутблари горизонт текислигида ётишлигини исботлаб берди.

Ахмад Фаргоний олиб борган илмий кузатиш ва тадкикотлар ушу даврдаёк амалий касб эта бошлаган. У Нил дарёсининг гидриометероло-гик табиатини урганишга имкон берувчи нилометр барпо этди. Бу ноёб иншоот хозиргача сакланиб колган булиб, Миср Араб Республикаси давлати томонидан тарихий ёдгорлик сифатида сакланиб келинмокда.

Ахмад Фаргоний замондошларига ер майдони етти иклимга булиниши яхўи махлум эди. Мусо ал-Хоразмий Бухоро, Самарканд, Хоразм, Тошкентни бешинчи иклимга киритди. Бу иклим икккинчи иклимдан авввало географик кенгликлар билан чегаралаганлиги туфайли жой хароратини хам ифодалаган. Ахмад Фаргоний хар бир иклимдаги кундуз узунлиги, унинг узгариш конуниятлари ва осмон кутбиниинг баландлигини аниклади.

Ахмад Фаргоний томонидан илмий асосланган иклим тушунчаси кейинчалик Европа олимлари томонидан эҳтироф этилди. Кейинги аср-ларда иклим тушунчаси урнига тропик, субтропик, экватириал, арктика, антрактида, кутблар, совуклик кутби сингари тушунчалар вужудга келган булса хам, Ахмад Фаргоний томонидан асос килиб олинган коидалар Ян-гича ахамият ва мазмун касб этаяпди.

Ахмад Фаргонийнинг "Китоб фи усул илм ан-нужум" ("Юлдузлар илмининг усули тугрисида китоб") асари унгша оламшумул шухрат келтирди. Бу асар куп асрлар давомида астрономия буйича комус вазифасини бажариб келди.. Асарнинг 1145 йили Ионна Севил, 1175 йили Херард Кремон томонидан лотин тилига таржима килиниши, 1493, 1533, 1537, 1590 йилларда Европанинг жуда куплаб мамлакатларида нашр килиниши хам жахон илмий жамоатчилиги томонидан Ахмад Фаргоний хизматларининг эҳтироф этилиши ва муносиб бахоланиши эди.

Ахмад Фаргонийнинг "Ал Фаргоний жадваллари", "Ой Ернинг устида ва остида булганида вактни аниклаш рисоласи", "Устурлобни куллаш коидалари хакида китоб", "Етти иклим китоби", "Устурлоб ясаш хакида китоб" асарлари Хиндистон, Миср, Германия, Франция сингари мамлакатларнинг мухтабар кутубхоналари олтин фондида сакланмокда.

Ахмад Фаргоний илмий асарларининг XII асрлардаёк араб тилидан лотин тилига таржима килиниши ва Европада кенг ёйилиши Уйгониш даври тонгида алохида ахамият касб этди. Жахон илмий жамоатчилиги унинг асарларини катта кизикиш билан урган бошладилар ва унинг асарларидан астрономия буйича мухим кулланмиа сифатида фойдаланди-лар. Европаликлар Ахмад Фаргонийни "АлЪфраганус" днб улуглайдилар. XVI аср италЪян уйгониш даврининг машхур шоири Данте узининг "Илохий комедия" асарида Ахмад Фаргонийнинг илмий-фалсафий караўла-рини тараннум этган ва уни жахоннинг буюк дахолари каторига куйган эди.

Миллий мустакиллик шарофати билан буюк аждодларимизнинг жахон илм-фани ва маданияти хазинасидан муносиб урин олган асарларини урганиш, уларнинг дахосидан бахраманд булиш, улар билан фахрланиш имкониа эга булаяпмиз. <u>1998 йили ЮНЕСКО Халкаро ташкилотининг ташаббуси ва республикамиз хукумати карори билан буюк ватандошимиз Ахмад ал-Фаргоний таваллуди-</u>

нинг 1200 йиллик юбилейининг мамлакатимизда ва бутун жахонда кенг нишонланиши хам улуг олимнинг гоялари ва илгор карашлари бархаётлигидан ва инсонпарварлик рухи билан сугорилганлигидан далолатдир.

Урта асрларда Марказий Осиё фалсафаси тараккиётида чукур из колдирган буюк файласуф мутафаккирлардан бири ***Форобий***дир.

Форобий яшаган ва ижод этган даврда Урта Осиё узок давом этган боскинчилик урушларидан кейин арабларга буйсундирилган ва халифалик таркибига кирган эди. Ислом дини IX асрда Фароб вилояти жойлашган Сирдарё киргокларигача таркалган булиб, Фаробдн Ши-молда хали мусулмон динининг кабул килмаган кучманчи туркий халклар яшаганлар. Тарихий маҳлумотларга кура Фаргона ва Шош турклари кадимги узбекларнинг арабларга карши кузголонларида актив иштирок этганлар. Манбаларнинг курсатишича озодлик учун кураш Форобий даврида хам анча кучли булгаи. Бу шубхасиз булажак олим дунёкарашига таҳсир курсатади.

Иккинчи томондан бу даврда Урта Осиёда халифаликдан ажралган мустакил феодал давлат Сомонийлар давлати вужудга келди. Бу давлатнинг сиёсий, иктисодий ва маданий жихатдан гуллаган Бухоро шахри булган. Уша даврдаги араб халифалигининг йирик маданий маркази Багдод араб тилидаги маданиятнинг табиий илмий тафаккур хамда ижтимоий фалсафий таҳлимотлар ривожининг марказларидан бири булиб колди. Бу даврга келиб Багдод грек фани ва маданияти нихоятда кенг ейилди. Бу ерга халифаликнинг турли четкаларидан фан ва маданият намоендалари окнб кела бошлади. Хорун ар Рашид, айникса Ал-Маҳмун халифалиги даврида фан ва ижтимоий тафаккурининг ривожланиши учун кулай шароитлар яратилди.

I. Абу Наср Мухаммад ибн Тархон Форобий тахминан 870 йилда Сирдарё буйидаги Фароб кишлогида тугилди. У туркий кабиладан келиб чиккан, шунинг учун баҳзи адабиётларда уни ат Туркий деб хам атайдилар. Унинг отаси камокхона сокчиси булган. У бошлангич маҳ-лумотни она юртида олади. Кейинчалик уз билимини ошириш учун Баг-додга келиши билан турли фанлар ва тилларни ургана бошлайди, Форобий илм билан шугулланишга кадар кози булган. Кейинчалик бу ишни ташлаб факат илм билан шугулланган.

Форобийнинг Багдодда яшаган даври 909-930 йилларга тугри келади. Кейин бошка шахарларда яшаган. 941 йилда эса Дамашкка келган. Шахар чеккасидаги богда каровул булиб ишлаб, кечалари илм билан шугулланган. "Фозил шахар ахолиларининг фикрлари" асарини хам уша ерда езиб тугатди. 950 йилда вафот этади. У Дамашкдаги "Бобал-сагир" кабристонига дафн этилган. Форобий уз илми ва заковати билан катта обру казонган булса хам, жуда камтар булган, факирликда, мухтожликда яшаган, дунёга,пулга эхтиборсиз караган.

Унга курсатилган илтифотлардан куп холларда возкечган. Бу хакда тадкикотчиларнинг олиб борган изланишлари гувохлик беради. Урта аср фанининг барча сохаларини чукур билимдони, заковатли олим, олийжаноб инсон булганлиги учун хам уни "Ал - муаллим ас - соний" (иккинчи муаллим) яхни иккинчи АристотелЪ деб атаганлар. Форобий бизга жуда бой ва ранг-баранг мерос колдирган. Унинг илмий ютук ва хизматларини Урта аср авторлари хам, хозирги замон олиму-фузалолари хам тан олганлар. Энг кучли Форобийшунос олим Ахмад Оташ Форо-бийнинг 160 асари номини келтиради. Форобий асарлари тугриси-даги махлумотларни дунёнинг турли мамлакатларида шахарлар, хусу- сан Ленинград, Москва, Тошкент, Боку, Козон, Кохира, Бейрут, Дамашк, Истамбул, Берлин, Лондон, Париж, Мадрид, НЪю-Йорк, Хайда- робод, Исфахон, Бомбей, Техрон ва бошка куплаб шахарларнинг турли китобхоналарида давлат ва шахсий кулезма фондларида учратиш мумкин.

Унинг жуда куп асарлари гарб ва шарк тилларига араб тилидан-рус, инглиз, француз, испан, турк, узбек, ва бошка тилларга таржима килинган ва килинмокда.

Унинг асарлари тематик жихатдан урта аср илмининг карийиб барча сохаларини уз ичига олади. Лекин бахзи олимлар Форобийнинг бу хусусиятларини инкор килиб, у асосан АристотелЪ асарлари шархловчи-си деб унга нотугри бахо берадилар. Форобий асарларини икки группага ажратиш мумкин.

1. Кадимги грек философлари, табиатшуносларининг илмий мерос-ларини изохлаш, таргиб килиш ва урганишга багишланган. 2. Фанининг турли сохаларга ва мустакил оригинал асарлар, уларнинг мустакил равишда хал килишга багишланган рисолалар.

Форобий АристотелЪнинг хамма асарларига ва бошка грек мутафак-кирларининг жуда куп асарларига шархлар езган. Лекин

Форобий факат шархчи булиб колмасдан, балки жуда куп қимматли оригинал асарлар езган олим хамдир.

Форобийнинг мустакил асарларини мазмунига караб куйидаги гу-рухларга булиш мумкин.

1. Фалсафанинг умумий масаларига, яҳни билимнинг умумий хусу-сиятлари, конуниятлари ва турли категорияларга багишланган асарлар: "Субстанция хакида суз", "Масалалар манбаи", "Конунлар хакида китоб", "Фалак харакатининг доимийлиги хакида" ва бошкалар.

2. Инсонни билиш фаолиятининг фалсафий томонларига багишланган, яҳни билишнинг шакллари, боскичлари ва усуллари хакидаги асарлар. Мантик (логика)нинг турли муаммоларига доир асарлари хам шунга киради: "Катталарнинг акли хакида суз", ёшларнинг акли хаки-даги суз", "Мантик хакида катта кискартма китоб", "Мантикка кириш китоби", "Исбот китоби", "Жон (рух)нинг мохияти хакида китоб", "Фалсафага изохлар" ва бошкалар.

3. Материянинг микдори, фазовий ва хажмий муносабатларни урга-нишга багишланган, яҳни математика фанлари - арифметика, геометрия, астрономия, ва музикага оид асарлар: "Хажм ва микдор хакида суз", "Фазо геометриясигакириш хакидаги кискартма китоб", "Астрономия коидалари хакида катта китоб", "Музика хакида суз", "ритмлар туркум-лари хакидаги катта китобва бошкалар.

4. Материя хоссалари ва туркумларини, ноорганик табиатнинг, хайвонлар ва инсонлар организмининг хусусиятларини урганувчи, яҳни табиий фанлар - физика, киме, оптика, медицина, биология, ва шу кабиларга багишланган асарлар: "Физика асослари хакида китоб", "Алкиме илмининг зарурлиги ва уни инкор этувчиларга раддия хакида макола", "Инсон аҳзолари хакида рисола", "Хайвон аҳзолари тугрисида суз" ва бошкалар.

5. Тилшунослик, шеҳрият, нотиклик санҳати, хаттотликка оид асар-лар: "Шеҳр ва кофиялар хакида суз", "Риторика хакида китоб", "Лугатлар хакидаги китоб" ва бошкалар.

6. Ижтимоий - сиёсий хаёт, давлатни бошкариш масалаларига ахлок, тарбияга багишланган, яҳни хукукшунослик, этика, педагогика ва шу кабиларга доир асарлар: ""Бахт саодатга эришув йуллари хакида рисола", "Шахарни бошкариш", "Уруш ва тинчлик турмуш хакида китоб, "Фазилатли хулклар" ва бошкалр.

Манбаларнинг курсатишича, Форобий фалсафий мазмундаги шеърлар езган. Форобий меросининг бу сохаларидаги мухим характери шундаки, у узи шугулланган хар бир фан сохасида узидан илгари эришилган ютукларини чукур урганган ва эгаллаб олган. Лекин у бу ютукларни оддий такрорлаш, кайта тиклаш ёки шарх килиш билангина чегараланиб колмасдан, балки фаннинг хамма сохаларида хам прогрессив оригинал фикрларни баён килган. Бу хакда жуда куп манбалар ва тадкикотлар далолат беради.

Форобийнинг борлик, унинг тузилиши ва категориялари хакидаги таълимоти унинг "Уюнул масоил", "Китоб ал-жадав", "Мунозара китоби", "Акциденция ва жисмлар мавжудлигининг ибтидоси хакида", "Фозил шахар ахолисининг фикрлари хакида" ва бошка асарларида баён килинган. Форобий бошка куп файласуфлар каби фалсафанинг бош масаласини идеализм позициясида хал килади.

Форобий фикрича борлик олти боскичдан иборат булиб, бу боскичлар айни вактда бутун мавжуд нарсаларнинг асосидир, улар бир-бири билан сабаб ва окибат муносабатлари билан богланган. Булар куйида-гилар:

*1. Биринчи сабаб - худо.*

*2. Иккинчи сабаб - осмон жисмлари.*

*3. Учинчи сабаб - фаол акл (худонинг иродаси, яратув-чанлик хусусиятлари)*

*4. Туртинчи сабаб - жон.*

*5. Бешинчи сабаб - шакл.*

*6. Олтинчи сабаб - материя.*

Мавжуд нарсаларнинг хаммаси шу олти асосдан келиб чикади. Бу олти сабаблар уз характери, принципи ва имкониятларига кура икки (имконият ва вокелик) турга булинади. Биринчи турга мохиятан уларнинг мавжудлиги зарурий равишда келиб чикмайдиган нарсалар киради. Булар "вужуди мумкин" деб аталади. Бунга биринчи сабабдан бошка хамма сабаблар киради. Иккинчи турга - мохиятидан уларнинг мавжудлиги хамма вакт ва зарурий равишда келиб чикадиган нарсалар кирди. Бу "вужуди вожиб", яъни уз-узича мавжуд нарсалар деб аталади. Бу биланФоробий биринчи сабаб худо мавжуд деган хулосага келади.

Бу олтита асосларнинг хаммаси бир еклама пастга караб борувчи сабаб - окибат оркали узаро боглик.

Форобий системасига мувофик дунёнинг пайдо булиши узаро сабаб -окибат муносабатида булади.

Форобий тахлимотига кура моддий жисмлар олти турга булинади:

1) Осмон жисмлари. 2) Аклли хайвонлар. 3) Аклсиз хайвонлар. 4) Усимликлар. 5) Минераллар. 6) Турт элемент, яхни тупрок, сув, хаво, олов. Ана шу турт элемент жисмлик ва моддийликнинг асоси булиб, материянинг энг оддий турларидир. Колган бештаси эса шу турт элементнинг турлича кушилишидан вужудга келади.

Бундан ташкари эса бешинчи элемент - эфир бор. Форобий Аристотелдан фарк килиб, унингча эфир колган 4 элементдан уз тузилишига кура фарк килади, бошка жихатдан эса улар умумийдир дейди. Моддийликнинг характерли хусусияти ва белгиси Форобий тахлимотича - буй, эн ва чукурликдир.

Форобий шундай килиб, дунёга, коинотга асос килиб, моддийлик хусусиятини олади. У "Шахар сиёсати" асарида шундай ёзади:

"Мана шу олти турнинг йигиндиси оламни ташкил этади: "Форобий тахлимотича хамма нарсалар учун умумий тур оламдир. Унинг оддий тукима гиштчалари эса турт элементдир. Форобий тахлимотича жисм моддийлик, абадийлик хусусиятидан ажралмасдир. Жисм шаклининг тузилиши, табиат ва хаказо буйича узгариши мумкин. Лекин турт элемент ва улар билан бирга моддийлик, абадийлик колади. Бундан ташкари Форобий дунёнинг чексизлиги хакида гапиради. Унинг тахлимотича жисмлар харакатда булади. "Харакатнинг эса замонда ва маконда бошланиши ва охири булиши мумкин эмас" дейди.

Фаробий сабабият масалсида хам илгор фикрларни илгари суради. Унинг тахлимотича, жисмлар бир-бири билан узаро сабаб окибат муносабатидадирлар. Олам сабабий богланган нарсалар занжирдан иборат. Хар бир жисмнинг шу занжирда уз урни бор. Форобий харакат деганда АристотелЪ позициясида туради ва уни оддий урин алмашиш деб механистик тушунади. Масалан, у шундай деб езади: " Оддий жисмларга микдорий харакат, шунингдек, тугри чизикли харакат хосдир. Чунончи, тугри чизикли харакат икки хил булади, улардан бири марказдан кочувчи, иккинчиси марказга интилувчи харакат. Мураккаб жисмларнинг

куп озлиги, турт элементнинг кандайлигига богликдир. "Демак, жисмларнинг табиий харкати, уларнинг табиий урнига марказ ва интилиш окибатида юз беради."

Фаробий тахлимотича жисмлар хилма-хиллигининг сабаби уларда у ёки бу ибтидонинг куп озлигига богликдир.

Фаробий узининг борлик тугрисидаги тахлимотида шакл ва материянинг узаро муносабати масаласига катта эхтибор беради. Унинг фикрича шакл ва материя нарсалар пайдо булишининг икки зарурий сабабидир. Демак, Фаробий улар уртасида кисман алока урнатган булса хам, уларни алохида мустакил равишда мавжуд булган сабаблар деб карашда АристотелЪ сингари шаклнинг етакчи ролини тахкидлайди. Бирок табиат ходисаларини тахлил килишда Фаробий шаклнинг бирламчилиги хакидаги АристотелЪ нуктаи назарини енгишга харакат килди, хамда материя ва шаклни узаро богланган ва тенг кимматли деб ибтидо олиб карайди. Масалан, Фаробий " Масалалар манбаи" деган асарида бу хакида шундай деб езганди: "Табиий шакл материядан холи яшай олмагани каби материя шаклдан озод яшай олмайди".

Фаробий материя ва шаклни бирликда олиб карайди. Аристотелдан фарк килиб, етакчи урин бермайди. Материя шаклнинг эгасидир. Шакллар сон-саноксиздир. Материя эса ягона. Унинг узгариши, бир шаклдан иккинчи шаклга утиш тарзида юз беради.Материя йук булиб кета олмайди. Эски шакл эса йукликка айланади. Шакл ва метериянинг алокаси имконият ва вокелик тарзида талкин этилади. Конкрет жисм предметга нисбатан материя асос, пойдевор, мохият сифатида узида имкониятни, яхни предметни потенциал холатини акс эттиради. Шакл эса бу имкониятни амалга ошишининг, кандайдир массанинг хакикий предметга айланишининг моменти, воситасидир.

Фаробий фикрича, хар кандай нарса, предмет аввало имконият-холатида булади.Нарсалар ва жисмлар сабаб,- окибат муносабатлари туфайли узаро богланишга булади, нарсаларнинг пайдо булиши ва узгариши эса имкониятнинг вокеликка айланишида ифодаланган муайян обхектив зарурятга буйсунади. Демак,унинг детерминистик тасаввури зарурятнинг ва муайян конунятнинг обхектив мавжудлигини тан олиш билан узвий богланган. Фаробийда, шунингдек, нарсаларнинг вужудга келишида карама-каршиликлар, зиддиятларнинг роли хакида фикрлар хам учрайди. Масалан, У шундай деб езади :"Бир нарса факат икки нарса билан

амалда: ё турли замондан, ехуд турли томондан иккита карама-карши борликка эга булиши мумкин.

Мавжуд карама-карши нарсалар амалда карама-карши шаклларга хам эгадир ва нарса икки карама-каршидан бирини олади" .

Бошка бир жойда Фаробий кандайдир муайян нарса пайдо булгунга кадар ундан олдин икки карама-карши имконият мавжуд булади ва улардан бирининг йук булиб кетиши натижасида муайян предмет вужудга келиши, деб курсатади.Лекин шуни хам унутмаслик керакки, АристотелЪ сингари Форобий хам харакат, ривожланишини карама-каршиликларни натижаси деб билади.

Фаробий фалсафий системасида мухим урин эгаллаган масалаларидан яна бири субстанция ва акценденция масаласидир. Форобий система-сида субстанция материя категориясига жуда якин туради ва нарсаларнинг мохиятини ифодалаш учун хизмат килади. Масалан, осмон, юлдузлар, ер ва унинг таркибий кисмлари: сув, тошлар, усимликлар ва хайвонларнинг турли хиллари субстанциядир. Турли элемент оддий субстанциялар булиб, улардан мураккаб субстанциялар хосил булади. Форобий акценденция деб предметлар-нинг хар хил узгарувчан сифат, белги ва хусусиятларини тушунади. Шундай килиб унингча субстанция нарсаларнинг мохиятни, акценденцияси эса субстанциянинг турлича куринишларида намоён булишини ифодалайди.

Акценденция мустакил холда яшай олмайди, у субстанцияга ташки ха рактеристка беради ва уткинчидир, яхни нарсадан ажралган холда, на товуш, на ранг, на хиднинг булиши мумкин эмас, акценденция бир неча турга булинади. Микдор, сифат, муносабат, замон, урин, холат, харакат ва бошкалар. Акценденция узининг узгарувчан хусусиятига кура шаклга якин туради. Демак, Фаробий субстанция ва акценденция масаласини хал килишда илгор фикрларни илгари суради.

Фаробийнинг борлик, субстанция ва акценденция, имконият ва вокелик хакидаги, шакл ва бошка фалсафий категориялар хакидаги фикрни илгари суришга хизмат килади. Материянинг абадийлиги хакидаги фикр Фаробийнинг стихияли, ноаник шаклда булса хам, дунёнинг эволюцион тараккиёт тугрисидаги тасаввурга олиб келади. Форобий тахлимотига кура, осмон жисмларининг узаро кушилиши ва узаро тахсирида моддий нарсаларнинг асосини, бирламчи курилиши материалларини ташкил килувчи турт элемент вужудга келади. У турт элементни содда субстанция деб атайди. Бу

элементнинг турлича бирикувидан мураккаб субстанциялар жисмлар ва аввало хар хил минераллар кейин усиш ва озикланиш кобилияти билан фарк килувчи усимликлар вужудга келади. Ривожланишнинг учинчи боскичи жониворларнинг пайдо булиши билан характерланади. Уларга харакат килиш кувватидан ташкари, хис этиш, сезиш кувватлари хам хосдир. Энг олий боскичда аклли хайвон инсон пайдо булди. Нутк ва аклга эга булган мураккаб субстанциянинг такомиллашувида хар бир боскич мавжуд нарсаларда янги хусусият ва си-фатларнинг кушилиши билан характерланади. Жисм канчалик мураккаб ва токимиллашган булса, унда хусусият ва сифатлар шунчалик куп булади. Нутк ва аклга эга булган мураккаб субстанциянинг, яхни инсоннинг бехосдан эмас, балки аста-секин ва изчил равишда минераллардан ва усимликлардан ва хайвонлардан кейин пайдо булиши хакидаги фикр Форобийнинг купгина асарларида "Фозил шахар ахолисининг карашлари хакида", "Шахар сиесати", "Масалалар манбаи" ва бошкаларда учрайди. Бирок айрим мураккаб процесслар ва ходисаларни, масалан, рухий кувватлар табиатини, яхни сузиш нутк каби ходисаларни тушунишда Форобий уз тахлимотидаги материалистик йуналишни изчил давом эттира олмаган.

У уз даври учун характерли булган мистик - идеалистик тасаввурларнинг асири булиб колади. Рухий кувватларни Форобий кандайдир мустакил ибтидо-олам рухининг мавжудлиги билан тушунтиради. Олам рухи унингча, кувватлар пайдо булишининг сабабидир. Шундай килиб, Фаробийнинг борлик тугрисидаги тахлимоти карама-карши зиддиятли характердадир.

2. Фаробийнинг билиш хакидаги тахлимоти унинг фалсафий система-сида ва умуман уша давр фалсафий фикри тараккиётида мухим урин тутади. Фаробийнинг фикрича, одам табиат ривожининг якуни булиб, уз рухий сифатлари билан хайвонот оламидан фарк килади. Бирок табиатда пайдо булган одам ундан ажратилмайди. Фаробий одамнинг пайдо булишини бир томондан табиат ривожи умумий жараёнининг давоми, иккинчи томондан, мазкур узлуксиз эволюцияда сифат жихатдан янги боскич деб карайди, бинобарин у одам билан табиат уртасидаги узаро муносабтларни еритиб беради. Умуман Фаробий одам табиатини тахлил килганда унга биологик, физиологик, рухий, интелектуал ва ижтимоий-сиёсий нуктаи назардан ендошади. Фо-робийнинг билиш назариясида одам билувчи субхект, табиат эса билиш

обхекти сифатида олиб каралади. Обхект субхектга кадар мавжуд булади.У шундай езади: "Сезилувчи нарса сезувчиларга кадар мавжуд булгани сингари, билинувчи нарса хам билишга кадар мавжуддир".

Табиатни билиш мумкинлигига хеч кандай шубха йук. Одам бунинг учун куп восита ва усуллар - сезги, тасаввур ва энг мухими, акл идрокдан фойдаланади.

Фаробий талкинида одам - аввало хайвондир. Сезиш одамга хам, хайвонга хам хосдир. Шу билан бирга аклга эга. Мана шу акл билан рух одамнинг табиий ибтидоси хисобланади. "Аммо бу ибтидолар - деб езади Фаробий, одамнинг табиий ибтидоси тахсири остида камол топиб, инсонга айланиш учун кифоя килмайди, чунки инсон булиб камолатга эришуви учун сузлаш ва касб хунарга мухтождир". Форобийнинг тахрифлашича, кишини ураб олган дунёни билиш жараёни турт холатни уз ичига олади:

а) Обхектив мавжуд нарса, буюмлар.

б) Турли рухий кувват ёки билиш воситаларига эга булган одам.

в) Буюмларни билиш ахзоларига тахсири.

г) ИнЪюкс жараёни, унинг тури, шакл ва боскичлари.

Фаробий барча рухий кувватларни (харакат килиш кобилияти) иккига-харакатланувчи ва билувчи кувватларга булади. Харакатланувчи кувватларни Фаробий уз навбатида усимлик, хай-вонот ва кишига хос кувватларга, билиш кувватларини эса хайво-ний ва инсоний кувватларга ажратади. Рухий кувватлар дейилган-да, Фаробий харакат килиш кобилиятини англайди. Фаробий фикрича одам пайдо булгандан кейин даставвал озиклантирувчи кувват вужудга келади. У овкатланишни амалга оширади. Инсон ибтидолари хисобланган рухий кувватлар сузлаш куввати, сезиш куввати харакатланувчи кувват, хаел кувватидир. Сузлаш куввати шундай кувватки, унинг ёрдамида киши билим ва хунар эгаллайди, фойдали нарсаларни зарарли нарсалардан фарклайди. Харакатланувчи кувват эхтирос ва газаб ёрдамида киши ниманидир истайди ёки ундан холи булади. Хаел куввати, киши куз унгидан нарсалар йуколгандан кейин уларни бевосита сезгандан кейин образларни саклаш ва кайта тиклашдан иборат. Булардан ташкари сезилган нарсаларни бирлаштириш ва ажратиш хам хаел кувватига хос булиб олинган натижаларни айримлари образлар комлекси хакикий, яхни сезгиларга мувофик булиш, бахзилари эса елгон булиши мумкин. Кувватларнинг айримлари хайвонларга хам хосдир.

Умуман Фаробий билиш процесси хакида шундай езади: "Инсонда унинг бошлангич вужудга келишида, яхни ибтидосида озиклантирувчи кувват пайдо булиб, унинг ёрдамида инсон овкатланади. Бундан сунг ундан тери оркали сезиш куввати вужудга келиб бу кувват ёрдамида инсон иссик-совук кабиларни сезади. Кейинчалик шундай кувват вужудга келадики, унинг ёрдамида тахм, маза сезилади. Бундан кейин, шундай кувват вужудга келадики, унинг ёрдамида инсон олдин сезиб ва хозир уз фаолиятидан ташкари булган нарсаларининг образини саклаб колади. Бу хаел куввати булиб хиссий кабул килинган образларни турли тартибда комбинация килиш функциясини бажаради. Сунгра инсонда аклий кувват вужудга келиб, унинг ёрдамида инсон онги ва абстракт тушунчалари оркали фикр юритади. Гузал нарсаларни хунук нарсалардан фарк килади. Санхат ва фан тугрисидаги билимга эга булади, аклий имкониятлари доирасида истаган нарсаси билан шугулланади". Албатта, унинг бу тахлимоти билиш назариясининг ижобий хал килишга якинлашиб келган. Фаробий рухий жараёнларнинг хаммаси физиологик асосларга организмда содир булувчи муайян моддий процессларга боглик холда олиб карайди, масалан, унинг тахлимоти буйича кувватларни хар бири муайян ахзо воситаси оркали вужудга келади. Мазкур кувватлар ахзолардан ажралган холда яшай олмайдилар. Хар бир рухий кувватни организмнинг муайян кисми харакатга келтиради. Киши организмининг асосий маркази юрак ва миядир. Юракнинг табиий фаолияти оркали организмнинг хамма кисми харакат- га келишга, уз функциясини бажаришга кодирдир. Иккинчи марказ - миянинг асосий вазифаси рухий кувватлар устидан хукмронлик килиб туришдан иборат. Фаробийнинг жон ва тана тугрисидаги карашлари хам диккатга сазовардир. У жон рухнинг олий нерв системалари физиологик жараёнларнинг табиий хусусияти деб карашдан узок. Жон унингча, одам танасига нисбатига нисбатан шаклдир, мана шу жон билан тана кушилиши натижасида одам пайдо булади. Жон субстанцияси моддий эмас,бирок у танада яшаши мумкин. Унинг фикрича, жон улмайди. Тана чириб йуколиб кетади. Аммо одам жони йуколмайди. У мангуликка юз тутади, ва хеч качон кайтиб келмайди, кайтадан шаклланмайди. Танни ташлаб чиккан жонлар гуе хаммаси бирлашади ва мангу нарсаларга айланиб колади. Лекин шуни унутмаслик керакки, жоннинг улмаслиги тугрисидаги

Фаробийнинг тахлимоти тимсолий символлик характерда булиб, инсон билимининг тупланиши кишилик маданиятининг узлуксиз тараккияти тугрисидаги фикрларни хамма инсонийлик ва инсон рухининг (оллох фазилатлари сингари) абадийлик хусусиятига эгалиги хакидаги гуманистик гоялари узида ифодалайди. Фаробийнинг фикрича, хар кандай сезги обхектив мавжуд буюмлар муайян физик ахзоларга курсатган ташки тахсирининг натижасидан иборат. Мана шу физик хоссалар сезги тахсир этиб уларни тахсирлантиради, хамда уларда акс этади, муайян из, белги колдиради. Бундан куриниб турибдики, Форобий сезгининг физик ва физиологик табиатини тушунтиришга харакат килган. Форобий сезги ахзоларининг конкрет буюмларининг муайян томонлари, хусусиятлари билан бевосита алокада, табиий туknашувда булишини кайд килади.Бунда у сезгининг ташки буюмларни факат изи, образи аник, белгиси коладигн мумга ухшатади. Фаробий билишининг хиссий боскичини биринчи галда сезгиларни билишнинг бошланишн деб хисоблайди, уларга катта ахамият беради ва ташки дунёнининг билишнинг зарур воситаси деб тахрифлайди. У хотира, тасаввурнинг билишнинг хиссий боскичи билан боглаб уларни сезгилар билан тафаккур уртасидаги куприк деб хисоблайди. Сезгининг дастлабки билимининг манбаи деб хисобланган Фаробий буюмнинг ёки ибтидоси уша буюмнинг узига мос келса сезги хакикий булади, дейди. Билиш жараёни Фаробий тахлимотига кура ташки хислат, сезгилар билан тугамайди. Билишининг иккинчи юкорирок боскичи аклий билишдир. Реал дунё хиссий билишнинг хам предмети хисобланади. Билишнинг бу иккинчи шакли биринчи галда бир-бирида обхектив борликни кандай томонларини акс эттириш билан фарк килади. Масалан, у шундай деб езади: " Акценденцияларнинг беш сезги хис этади, улар уртасида хеч кандай восита йукдир, масалан куриш, узича рангни хис этиш шу билан у ок ва корани фарк килади, эшитиш узича овозни хис этади, хид сезгиси хидларни кабул килади, тахм турли тахмни, мазани кабул килади, тери сезги буюмларнинг холатини сезади. Субстанциянинг факат акл кабул килади ва бунда акценденция акл билан субстанцияси уртасида воситаси булиб хизмат килади.

Акл ранглар остида шу рангга эга булган нарса борлигини, овоз кетидан овоз келаетган нарса мавжудлигини билади. Аклнинг бошка сезгилар билан муносабати хам худди шундай, "

Умуман Фаробий сезги ва акл муносабатини шундай ифодалайди." Буюм образлари уч хил усул билан вужудга келади. Улардан бири буюм образини сезишида, иккинчиси аклда, учинчиси жисм ёки буюмда ифодаланишида. Образнинг буюмда ифодаланишига келганда шуни айтиш керакки, у бирор буюм ёки жисмнинг иккинчи жисмга таҳсир этганда вужудга келади. Бу бир жисмнинг узидан ташкари булган иккинчи жисм образини ёки хусусиятини кабул килишдан иборат. Масалан, темир оловга якинлаштирилганда у олов образини кабул килади, яҳни кизиб туради. Бундай холларда бирор буюм образини кабул килувчи буюм таҳсир килувчи буюмга ухшаб кетади. Жисм образининг сезгида ифодаланишига келганда шуни айтиш керакки, бу образларнинг сезги аҳзоларига таҳсирисиз булмайди. Жисм образининг аклда вужудга келиши тугрисида шуни айтиш керакки, бунда аклдан ташкарида булган жисмнинг образи буюм холати ва материясига боглик булмаган холда мустакил равишда вужудга келади. Демак, жисм унга тегишли барча нарсаларни мавҳумлашган ва ажралган холда пайдо булади. Умуман сезгидан вужудга келган образ хира, ноаник булиб, муайян жисмларнинг соясидир. Баҳзилар акл жисмларининг образини хис этилган буюмларни бевосита сезиш оркали акс эттирилади деб уйлайдилар.

Демак, Фаробий фикрича, акл конкрет ташки буюмлар билан сезги оркали богланади. Акл айни вактда обҳектив реалликни хам акс эттиради. Аммо акл хиссий билишдан акс эттириш усули ва характери билан фаркланади. Буюмнинг ташки узгарувчан хусусияти ва белгилари сезги оркали кабул килинса, бу холда акл буюмларнинг тургун жихатларини, хусусияти ва белгиларини негизи (субстанцияси) ни билиб олади. Хиссий билиш таҳсирланиш натижасида вужудга келади. Бунинг учун муайян холатда турувчи конкрет буюм булиши талаб этилади.

Аклий билиш эса бундай талаб килинмайди. Умуман Фаробийнинг билиш ва унинг икки асосий боскичи - сезги ва акл оркали хамда уларнинг узаро алокасидаги таҳлимотнинг принциплари шулардан иборат:

1. Сезгиларнинг хам: шунингдек аклнинг хам обҳектив турли хусусиятларга эга булган жисм, яҳни одамга боглик булмаган обҳектив реалликдир.

2. Сезги ва акл обҳектив реалликни билишнинг иккита усули булиб, улар бир-биридан фарк килади.

3. Сезгида тер, тахм, хид, куриш ва эшитиш ёрдамида буюмлар бутун конкрет сифатлари билан белгиланган холда, аклда эса ана шу конкрет сифатларсиз олинади.

4. Сезгида буюмларнинг мухим булмаган томонлари акс эттирилади, аклда эса жисмларнинг сезилган сифатлрини мавхумлаштириш оркали уларнинг мохияти билинади.

5. Жисмларнинг мохияти аслида мустакил мавжуд эмас, уни хал этиладиган конкрет сифатларини ажратиб булмайди, аммо мохиятини билиш максадида акл уларни бундай сифатлардан ажратади, аклнинг фаолияти хам ана шундайдир.

6. Билишнинг ана шу икки усулига кура баён этиш ва укитишнинг хам икки тури мавжуд:

а) хис этиладиган сифатлардан фикрлашга томон бориш, яхни конкретдан обстрактга бориш.

б) жисмларнинг фикрланувчи томонларидан уларнинг сезиладиган сифатларга, яхни абстрактликдан конкретликка караб бориш яхни Фаробий тили билан айтганда сезгига тегишли тартиб ва аклга тегишли тартиб. Биринчи усул математикага тегишлидир. Иккинчи усулдан жисмларнинг у ёки бу томонларини чукуррок билиш максадида факат бошка фанлар фойдаланади.

7. Барча математик тушунчалар энг аввало тушунчалар борликдан ажратилган булиб, мавжуд жисмларни муайян томонларини умумлаштиради. Форобий билиш назариясининг характерли моментларидан бири аклнинг узи, унинг тури хакидаги тахлимотдир. Аклни Фаробий назарий ва амалий аклга ажратади. Назарий акл фанни, фалсафани эгаллашдир. Амалий акл кувват билимини эгаллаш йул-йурикларга оиддир. Узининг билиш процессидаги сунгги боскичида акл фаол аклга айланади, - дейди у. Дунёвий вокелик космик акл билан кушилиб кетади. Абадийлик ва мангулик хислатига эга булади. " Аклнинг мангулиги инсониятнинг мангулидир", "Инсон аклнинг натижалари, мевалари, ютуклари хам бадийликка мансубдир", - дейди Фаробий. Бу назария инсон аклининг, у оркали фалсафанинг чексиз кудратини, кучини исботлашдан иборатдир.

8. Форобий дунё карашининг якунловчи кисми, инсон жамоаси, ин-соннинг ижтимоий мохияти, унинг кутган орзу-умидлари, инсоний муно-сабатлар каби масалалардир. Фаробий Урта аср шароитида биринчи булиб, инсоннинг ижтимоий мохияти ва инсон жамоаси тугрисида янги тахлимот яратди. Унинг фикрича, инсон-

нинг ижтимоий мазмуни, унинг хаёти, бахт-саодати, интилишлари, унинг узига, реал хатти харакат-ларига богликдир. Шуни таҳкидлаб утиш зарурки, Фаробийда жамият тушунчаси учрамайди: унинг урнида шахар Мадина тушунчаси кулла-нилади.

Фаробий инсон жамоасининг катта-кичиклигига кура уч турга булади:

1. Буюк жамоа - дунёдаги барча халкларнинг бирлашуви.
2. Урта жамоа - бир халк ёки миллатни бирлаштирувчи жамоа.
3. Кичик жамоа - алохида бир шахар давлатини бирлаштирувчи жамоа.

Фаробийнинг фикрига кура, халклар бир-бирларидан табиий одатлари, ахлоклари хамда феҳл-атворлари ва тили билан фарк килади.

Фаробийнинг айтишича одамларнинг энг такомиллашган жамоаси - бу шахар давлатидир. Кишлоклар шахарлардан кейин турувчи ва шахарлар озик-овкат билан таҳминловчи жамоалар хисобланади. Бу ерда биз Платон ва Аристотельнинг шахар давлатлар (полислар) хакидаги таҳлимотларининг Фаробий сиёсий карашаларига таҳсирини курамиз.

Фаробий шахар-давлатларни икки тоифага булади:

1. Ал-Мадина Ал фозила
2. Ал-Мадина Ал Жохилия

Унинг таҳкидлашича, агарда барча шахар ахолиси узаро бирликда иттифокда яшаб, бир-бирларига ёрдам курсатсалар, бундай шахарлар фазилатлидир.

Фаробий уз асарларида давлат атамасини ишлатмайди. Аммо у шахар жамоалари деганда, шахар давлатларини назарда тутади. Давлатнинг келиб чикиши сабабларини Фаробий одамларнинг жамоа булиб яшаган эхтиежларинидеб билади. У давлатнинг асосий вазифаси хакида фикр юритиб, унинг вазифаси фукаронинг бахтли хаётини таҳминлаш булса, ташки вазифаси эса, уз ахолисини ташки хужумлардан химоялаш, мухофаза килиш, деб хисоблайди.

Фаробийнинг дин хакидаги гоялари узига хосликка эга. Унинг фикрига кура, дин жамияти идора килиш учун зарур булиб асосий вазифаси жамият учун, инсон учун бахт-саодати учун хизмат килиш керак.

Фаробий давлатнинг шакли масалаларига тухтатилиб, шох донишманд ва уз лавозимига лойик киши булишини эҳтироф

этади. Унинг фикрига кура, давлат бошлиги хар томонлама етук шахс булиши керак. Аммо бу ерда шуни айтиш керакки, Фаробий якка хокимлик тугрисида гапирар экан, унинг олдига 12 талбни куйди. Шу нарса эхтиборга моликки, Фаробийнинг узи хам ана шу 12 фазилатни хаммаси ягона бир кишида булишига шубхаланиб, давлатни бир киши эмас, балки бир неча киши бошкариши керак, деган гояни илгари суради. Бу ерда Фаробийни якка хокимлик шакли доирасида чекланиб колмасдан, балки уз давридан илгарилаб кетганини курамиз.

Президентимиз И.А.Каримов бобоколонларимизнинг бой мажозий меросини урганишнинг назарий ва амалий ахамиятини назарда тутган холда " Давр шу куннинг зарур муаммоларини хал этишга интилиш ба- робарида (она тарихнинг илгор анханаларидан сабок олишни хам та-козо этади.)

Кадимий Мовароуннахр ва Хуросон фарзандларининг жахон илму зиеси тарихига зарвараклар ила битилган асарлари оз эмас. Имом Бухорий, Ал-Беруний, Ибн Сино Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Рудакий, Улугбек, Жомий, Навоий, Бобур, Абдулла Кодирий, Чулпон, Фитрат ва бошка юзлаб зотларни жахон яхши билади... " - деб тахкидлаган эди.

***Мухаммад Ибн Ахмад Абу Райхон Беруний*** 973 йил йилнинг 4-октябрида Хоразмда тугилган. Форс тилида "Абу Райхон" - райхоннинг отаси, ва "Берун" - шахар ташкарисидаги кишлок-махносини бериб, Беруний кадимги Хоразм шахри атрофидаги кишлоклардан бирида- дунёга келган. Ва шунингдек, купгина тарихчиларнинг махлумотига кура Беруний бутун умри давомида райхон усимлигини ектирганлиги сабаб унинг кулогида хар доим мана шу райхон усимлигининг кичик бир шохчасиникистириб юрган. Демак, унинг Абу Райхон дея тахаллус олиши хам бежиз эмас.

Асли исми Мухаммад ибн Ахмад булган Беруний уз замонасининг энг буюк комусчи олимларидан эди. У ешлигидан отасиз усди ва хаётнинг барча кийинчиликларини тортишига карамай уша пайтдаги махлум булган барча фанларни урганди. Унинг 10-15 ешлик чогларидаек, кейинчалик устози булиб колган Абуносир ибн Ирок билан учрашуви ва у билан хон саройида килган сухбатида хам Беруний уша даврдаги махлум булган барча фанлар, хусусан, математика, геометрия, астрономия, тилшунослик ва мусика каби фанлар буйича чукур билимга эга эканлиги билан

сарой ахлида катта таассурот колдиради. Унинг дунё хакидаги теран фикрлари уша пайтдаек юзага кела бошлаган эди, диндаги баҳзи бир елгон акидаларни уша пайтдаек англаб етганди-ки, буларни кейинчалик уз илмий ишларида асослаб берди. Беруний узининг бутун хаёти давомида 150 дан ортик илмий мерос - асар езиб колдирди ва шуларни 45 таси астрономияга оид. У комусчи олим булишига карамай, лекин асосан, астрономияга оид ишлари купчилигини ташкил килади. Узининг астрономик жадвалида оламнинг маркази ер эмас, балки куёш эканлигини курсатди ва барча планеталар каторида ер хам Куёш атрофида айланиши хакидаги гелиоцентрик назарияни яратди. Коинотдаги барча планеталар каторида ер хам тортишиш кучига эга эканлиги хакидаги гоя 500 йил кейин инглиз олими И. НЪютоннинг бутун дунё тортишиш конуни оркали уз илмий тасдигини топди. "Масҳуд жадвали" номли асарида купгина халкларнинг календари, кун, ой ва йилларини изохлади, тарихий вокеалар жадвалини берди ва барча махлум юлдузларни туркумларга булди.

Абу Райхон Беруний юксак тафаккур сохиби эдиким, ва бу илмий фикрлари оркали дин ахллари томонидан кувгун остига олинади ва 995 йилдан бошлаб бир мунча муддат хорижий давлатларда умр кечиришга мажбур булади. 1010 йилда уз ватани Хоразмга кайтиб келгач Маҳмун академиясига ишга таклиф килиниб, бу ерда у Абу Али ибн Сино, философ Абу Сохил Масихий, Абуя Хасан ибн ал-Хуммор, устоз Абуносир ибн Ирок каби илм сохиблари билан иш олиб боради. Уша пайтда Берунийнинг Ибн Сино билан учрашуви хамда биргаликда иш олиб бориши такдирнинг, тарихнинг энг буюк инҳоми дейиш мумкинки, уларнинг хамфикр булиб, бир-бирининг таҳсирида килган илмий ишлари хамма даврда ва хозирда хам бир хилда ахамиятли ва энг зарур илмий мерослардан саналади. Айтиш мумкинки, улар бир-бирининг таҳсирида узларини кашф этган эдилар. Лекин, уларнинг юксак кобилият сохиби булганликларини хам инкор этиб булмайди, албатта.

Беруний 23 ешиданок уз илмий асарларини ярата бошлаган. Улар астрономия, математика, география, минералогия, философия, тилшунослик, тарих ва бошка фан сохаларига оид эдики, буларнинг купчилик кисми бизгача етиб келмаган. Унинг "Астрономияга калит" номли асари том маҳнодаги илмий асар булиб, ислом динига бутунлай зид эди-ки, бу асар дин пешволари томонидан йук

килиб юборилган деган фаразлар бор. "Ал Асарул бако" (кадимги халклардан колган едгорликлар) номли йирик илмий асарида Урта са Якин Шарк мамлакатлари турли халкларининг илмий фикр тарихини еритиб, изохлаб берди, утмишдаги астрономик тахлимотларни кайта ишлади ва шунингдек купгина халклар йил хисобини ва диний хайитларининг солиштирма анализини берди. "Хиндистон тасвири" номли асарида Хиндистоннинг маданияти, урф-одати, дини ва фалсафий карашлари хакида кенг махлумотлар бор.

Беруний кайси фан билан шугулланмасин барчасида кенг махлумот-лар бериш билан бир каторда уша сохада имконият учун гоят хаётга ахамиятга эга булган фалсафий гояларни илгари сурган. Унинг фалсафий карашларига тухталадиган булсак, аввало шуни айтиш керакки, у оламни яхлит бир бутун сифатида тасаввур этади. Унингча оламдаги барча нарсалар доимо харакатда ва бутун борлик мана шу харакат асосига курилгандир. "Олам азалий... фалак чексиз бушликка жойлашган жойлаш-ган" - деб езади Беруний. Оламдаги булиб турадиган барча узгаришлар, тузилиш ва бузилишлар, пайдо булиш ва йуколишларнинг узига хос сабаблари бор-дея уктиради. У табиатда махлум конуният бор, табиатдаги ходисаларни уша конуниятларга, табиатнинг укига асосланиб изохлаш керак - дейди. Берунийнинг билиш жараёни сезгидан бошлаб тафаккурда давом этади. Билиш жараёнида хиссий билиш - сезги, идрок, хотира кабиларга катта эхтибор беради ва уларсиз табиат ходисаларини хатто тасаввур хам килиш мумкин эмаслигини тахкидлайди. Борлик - абадий - дейди у - материя доимо узгариб, харакат килиб, янгиланиб, турли шаклга кириб туриши хам доимийдир. Ва шунингдек, бизнинг коинотдан ташкари яна бошка куплаб оламлар борлиги хакидаги фаразларни хам уртага ташлайди. Беруний худонинг борлигини эхтироф этади, лекин, унинг моддий оламдаги иштироки жуда камдир деб уктиради.

Абу Райхон Беруний хаёти давомида жудаям кимматли илмий мехросларни колдирганки, унинг махлумотлари ундан кейин Шаркда хам, Гарбда хам куплаб олиму-мутафаккирларнинг етишиб чикишига тахсир килди ва куплаб илмий кашфиетлар килинишига олиб келди. XIII - асрнинг йирик олими екут Хамавий тахкидлашича, замона ундан сунг, илм ва аклда унга тенг келадиган бошка одамни курмади. Унинг хакида Шаркда "тинчликни

машаккатдан, кечани кундуздан ажратмаган, кули калам ушлашдан, мияси фикрлашдан, тили баён этишдан хеч качон тухтамаган, уз тахсили ва камолоти учун йилнинг хамма кунларидан унумли фойдаланган, деган гап таркалган". Абу Райхон Беруний билан айни бир вактда, биргаликда ишлаган, илм билан мшгул булган Шаркнинг буюк мутафаккирларидан бири, бу - *А б у  А л и  и б и  С и н о* дир. У 980 йили Бухоро ёнидаги Афшона кишлогида, Сомоний Нух ибн Мансур саройи амалдори оиласида тугилган. У хам Беруний каби замонасида махлум булган барча фанлар билан шугулланди ва жуда улан ютук-ларга эришди. Айникса, Гиппократ, Гален ва уз ватандоши, машхур табиб Закариё ар-Розий (864-925) нинг асарларини урганиб тиббиёт фанининг ривожига хам жуда катта тахсир курсатди. Ибн Сино уз хаёти давомида бор-йуги эллик етти йил умр курган холос, шундан факатгина 18 йилини илм фанга сарфлаган. Унинг колган умри куп вакт зиндонда, талон тарож булиш ва улим хавфи остида утди. Аммо, шу йиллар давомида езган асарлари 400 дан ортикни ташкил этади ва шулардан 242 таси бизгача етиб келган, булардан 80 таси фалсафа, илохиет, тасаввуф, 43 таси табобат, 19 таси мантик ва 26 таси рухшуносликка багишлангандир. У 17 ешидан бошлаб итоб еза бошлаган ва мана шу даврида езгн илк китоби хам фалсафий булиб, у "Рухий кучлар тугрисида тадкикот" деб номланади. У асосан араб ва форс тилларида ижод килган.

Ибн Синонинг табобат сохасидаги илмий ишлари уша даврда хам ва хозирда уз ахамиятини йукотгани йук. Айникса, унинг сарой подшохи-нинг касалига даво топиб, уни даволашининг узи хам дин пешволарига карата килган биринчи зарбаси эди. Ва "Китоб ал конун фиттиб" номли асари XVIII - аср урталаригача Шарк ва Гарб мамлакатларида тиббиёт фанларининг укитилишида асосий кулланма вазифасини утагандир. "Бу асар куп асрлар давомида Лиан, Рим, НеаполЪ, Венеция, Лувен ва бошка шахарларда лотин тилида 30 мартадан ортик кайта нашр этилди.

Ибн Сино анатомия билан шугулланиб касаллик ва унинг сабабларини аниклади ва бу оркали беморларни даволади. Инсондаги психик ходисалар организмга ва унинг ахволига боглик эканини, киши рухи фаолиятини билиш учун бош мия ва нерв системасини урганиш лозимлигини уктирди. Ва бундан ташкари, касаллик таркатувчи микроблар кашф этилишидан неча асрлар аввал, Ибн Сино - сув оркали ксаллик юктирувчи кандайдир бир

номахлум нарсаларборлигини курсатган эди. Табиатдаги ходисалар бир-бирига боглик эканлигини алохида уктириб утди, яхни унинг тахкидлашича, вулконлар ер кимир-лашига богликлиги, гояларининг пайдо булиши эса ер остида тупланиб колган сувларининг харакати туфайли содир булади.

Ибн Синонинг фалсафадаги урнини юкори даражада белгилашган ва шунинг учун хам уни "Шайхур раис" деб аташганки, бу ном "Олимлар бошлиги" деган махнони беради. Бундан ташкари яна уни "Хаким ул-вазир", "Хужжат ул-хакикат" каби номлари булганким, булар унинг алохида нуфузли шахе, хурмат-эхтиборли киши булганлигидан далолат беради. Гарбда эса уни Авиценна номи билан барча илм ахиллари тан олгандирлар.

Ибн Синонинг фалсафий карашлари шаклланишида Платон, Аристот-елЪ, Фаробий сингари комусчи олим ва файласуфларнинг асарлари мухим манба булиб хизмат килди. Уларнинг асарларини чукур урганиш баробарида уз даврида содир этилаетган вокеа ходисаларга илмий фалсафий бахо берди.

У "Донишнома" асарида фалсафани асосан, уч киемга булади: физика (табобат тугрисидаги тахлимот); логика (табобат ва инсонни билиш йуллари тугрисидаги тахлимот); метафизика (борликни бутунлай билиши тугрисидаги тахлимот)

Унинг эхтироф этишича, моддий олам мангу, у хеч ким тамонидан яратилмаган, турли шаклларга утиб турувчи борлик бу материядир ва у хамма буюмлардан олдинмавжуд булиб, буюмлар эса мана шу материядан пайдо булгандир. У худо борлигини инкор этмайди ва мана шу уринда унинг фалсафий карашларида ички бир карама-каршилик борлигини курамиз. Унинг фикрича, худо моддий олам ишларига аралашмайди, у биринчи туртки беради холос, ундан сунг олам уз конуниятлари асосида ривожланади, материя булмаса худо хеч нарсани ярата олмайди деб уктиради Ибн Сино. Лекин, шунга карамай унинг ижтимоий-сиёсий гоялари нихоятда куп кирралидир. Унинг гоялари, тахлимоти марказида инсон, унинг хаёти, яшаш тарзи ва камолоти тугрисидаги фалсафий масалалар асосий уринни эгаллайди. Жамиятнинг пайдо булишида кишилар уртасидаги узаро муносабатга мухим ахамият беради ва бу жараёнда тил ва тафаккурнинг ролига юкорига бахо беради. Ибн Сино АристотелЪ сингари инсонни билишда гарчи, уни "сиёсий махлук" деб атасади, лекин бу масалада анча илгарилаб кетганини курамиз. Унинг тахкидлашича, инсон сиёсий махлук

булса хам, уларнинг жамоа булиб яшашларининг асосий шарти узаро инсоний хамкорликлари, муносабатларидир. Бунинг учун шу жамият аҳзоларининг барчасига бирдай тааллукли булган аклга мувофик конунлар ва одил суд булиши керак. Ва бундан ташкари жамият аҳзоларининг барчаси ижтимоий фойдали мехнат билан шугулланишлари керак, деб хисоблайди у. Шу уринда, жамият аҳзоларини у уч гурухга булади:

1) подшолар
2) хунармандлар
3) Харбийлар

У жамиятда куллар булишини истисно этди. Жамият аҳзоларини мана шундай гурухларга ажратиб, куйидаги изохни беради: "Мулохазали (одам)лар биладиларки, агар одамларнинг барчаси подшо ёки машхур кишилар булганларида эди, уларнинг узлари оч колган булар эдилар; агар хамма одамлар карам ишчиларга ва итоаткор фукароларга айланганда, улар орасида хукмдорлар хам, султонлар хам булмаганда эди, барибир улар яшай олмаган ва халок булган булур эдилар; шунингдек хамма одамлар мол-мулк ва бойлик жихатдан тенг булганлари такдирда хам бир кисм кишилар бошкалар учун ишламаган, бир-бирларига узаро ёрдам бермаган ва бир-бирларига мукофот хам хадя килмаган булардилар. Агар хамма одамлар камбагал ва мухтож булганларида эди, улар кашшоклик ва камбагалликдан кирилиб кетган булардилар. Демак, мол-мулк даражасига караб пайдо буладиган тафо-вутлар одамлар ижтимоий хаётининг туб сабабидир". Ибн Сино бу каби социал табакаланишга жуда куп тухталди ва уларга диний нуктаи назардан ендошиб куйидагича фикр билдирди: "Худо одамларни факат мол-мулк даражаси жихатдагина эмас, балки акл ва тафаккур жихатдан хилма-хил килиб яратган". Лекин, давлат бошкаришда хукмрон табакаларнинг ахлокий жихатдан пок булиши кераклигини хам алохида таҳкидлади, хукмдорларнинг уз калбини доимо такомиллаштириб бориши давлат учун мухим эканлигини уктирди. Кишиларни тинч-тотув яшашга даҳват этиб, боскинчи хукмдорларнинг "кофирларга карши мукаддас уруш" гоясини коралади ва асир килиб олинган кулларни тенг хукукли кишилар деб хисоблади.

Курамизки, Ибн Синонинг дунё хакидаги, уни билиш ва бошкариш борасидаги фалсафаси инсонпарварлик гояси билан курилгандир. У мана шу карашлари билан кадимги, антик давр

файласуфлари карашларидан анча илгарилаб кетди ва кейинги авлодга узига хос бир шамчирок булиб йул курсатди - дейишимиз мумкин.

## 2. *Урта асрларда диний фалсафий карашлар ривожи.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Тасаввуф фалсафаси, Яссавия тарикати, Накшбандия тарикати, Хадис илми.***

Урта асрлар фалсафасида диний фалсафий карашлар хам алохида урин тутади. IX-XII асрларда равнак топган ва жахон фалсафий тафаккури тараккиётидан мухим урин тутган араб мусулмон фалсафаси асосан дунёвий илм-фан хулосаларига таянар ва тарихан кадимги юнон фал-сафаси билан узвий боглик эди. Бирок ислом оламида илмий фалсафадан кескин фаркланадиган ва маҳлум маҳнода унга нисбатан мухолифатда булган тасаввуф фалсафаси кенг ривожланди ва XVIII аср охирларигача ижтимоий-фалсафий тафаккурда етакчи мавкени эгаллаб келди. Марказий Осиёда IX-XII асрларда вужудга келган илмий фалсафанинг илмий гоялари Испания оркали Гарбий Европага утди ва ривожланишда давом этди.

*Тасаввуф фалсафаси* Марказий Осиё халкларининг ижтимоий-сиёсий хаёти, фикрлаш ва хаёт тарзини тула акс эттирар, узгарган давр талабларига тез мослашар эди. Унинг яшовчанлиги ва ижтимоий-сиёсий хаётда етакчи мавкени эгаллаб келишининг туб сабабларидан бири хам ана шунда эди.

Тасаввуфнинг кенг оммалашувини таҳминлаган мухим омиллардан бир унинг суз санҳатидан, бадиий адабиёт имкониятларидан самарали фойдаланиш эди.

Буюк тасаввуф юксак дидли шоир бадиий суз устаси, улуг донишманд ва мутафаккир хам эдилар. Улуг мутасаввуф шоирлар бадиий адабиётни янгича гоя, мазмун ва тимсоллар билан бойитдилар. Бадиий эстетик онг тараккиётида янгича адабий окимга асос солдилар. Шундай килиб, бадиий адабиёт тасаввуф гояларининг омма уртасида кенг таргиб этишнинг мухим воситасига айланди.

Бинобарин, тасаввуф фалсафасининг туб мохиятини билиш тасаввуф адабиётининг узига хос хусусиятларини билишни такозо этади. Таникли рус шаркшуноси Е.Э. БертелЪс асримиз бошларидаёк "Тасаввуф ва тасаввуф адабиёти" асарида "Тасаввуф адабиё-

тини урганмасдан туриб урта асрлар мусулмон Шарки маданий хаёти хакида тасаввурга эга булиш мумкин эмас.. бу адабиётдан хабардор булмасдан Шаркнинг узини хам англаш кийин", - деб ёзган эди.

Тасаввуф диний фалсафий тахлимот сифатида VIII аср урталарида даставвал Сурия ва Ирок сингари араб мамлакатларида вужудга келди. Унда исломгача булган буддизм мажусийлик (христианлик) ва хиндуизмнинг таркидунёчилик гоялари, махнавий камолотга эришишга доир тахлимотлари мужассамлашди. Бирок тасаввуф ислом дини асосида ша-клланди ва ривожланди.

Тасаввуфда комил инсон гояси марказий урин тутади. Мутасаввуфлар махнавий баркамолликка эришиш деганда Аллохнинг васлига етишиш, у билан уйгунлашишни назарда тутганлар. Тасаввуфда Аллохнинг васлига етишишнинг 4 боскичи ажралиб курсатилган. Булар:

1. *Шариат;*
2. *Тарикат;*
3. *Марифат;*
4. *Хакикат;*

Тасаввуфда муршиб ва мурид, сулук ва солик тушунчалари жуда мухим урин тутган. Муршид(рашид) йул бошловчи, мурид(мурод) илохий максад сари интилувчи, демакдир. Муридлар муршидлар рахнамолигида ягона максадга турлича йулдан боришлари ва уз муродларига эришишлари мумкин эди. Шунинг учун тасаввуфда турлича сулук (тарикат)лар вужудга келган. Албатта, уларнинг келиб чикиши тарихий шароит талабалари билан бевосита боглик булган.

Марказий Осиёда етишиб чиккан тасаввуф фалсафаси ва адабиётининг машхур вакили ***Ахмад Яссавий*** XI аср охирларида хозирги Туркистоннинг сайрам кишлогида дунёга келди ва 1166 йили вафот этди. У 7 ёшида отаси Шайх Иброхимдан етим колди. Дастлабки махлумотни Ясси шахрида машхур турк машойихи Арслонбобдан олди. Унинг вафотидан кейин Бухорога бориб, машхур мутасаввуф Юсуф Хамадоний кулида тасаввуф буйича тахлим олди.

А. Яссавийнинг фалсафий ахлокий карашлари "Девони хикмат" асарида уз ифодасини топди ва бу асар унга катта шухрат

келтирди. Бу асарнинг XX аср бошларида Козон ва Тошкентда куп марта нашр этилганлиги хам улуг мутафаккир асарларининг халкимиз уртасида кенг ёйилганлигидан далолат беради.

Совет хокимияти йилларида Ахмад Яссавийнинг адабий фалсафий мероси илмий асосда урганилмади. Кейинги йилларда илмий манбаларда Ахмад Яссавий тасаввуфнинг йирик номаёндаларидан бири эканлиги, унинг ижодий мероси узбек адабий тили ва бадиий адабиётининг ноёб ёдгорлиги эканлиги тахкидланса хам, унинг меросига бирёклама ёндашиб келинди. Катор китобларда "Ахмад Яссавий ижоди диний-мистик характерга эга, у золимларга буйсуниш, бу дунёдан воз кечиш каби гояларни илгари сурди... Умуман Яссавий ижоди Урта Осиё халклари тарихи ва адабиётида реакцион ролЪ уйнади" каби нохолис ва ноилмий фикрлар таргиб килинди.(*к.: Узбек Совет Энциклопедияси.1-ж.,Т.,1971,617-бет; Узбек адабиёти.1-ж.,Т., 1959, 73-бет)* Холбуки "Девони хикмат"да илгари сурилган гоялар юкоридаги дахволарнинг асоссиз эканлигини курсатади.

Барча фикрлар сингари Ахмад Яссавий ижоди муайян ижтимоий-тарихий мухитда шаклланган, уша давр хусусиятлари, муаммо ва зид-диятларни акс эттирган. У истибдод хукм сурган, мехнаткаш халк бошига чексиз машаккатлар ёгдирилган, молу дунёга хирс куйиш авж олган, очлик, имонсизлик авж олган мураккаб шароитда яшади ва ижод килди. Улуг мутафаккир замона носозликларига бефарк карай олмади. Унинг шехрларида турк хукмдорлари булган корахонийлар билан корахитойлилар уртасидаги урушларнинг дахшатли окибатлари уз ифодасини топди. Улуг мутафаккир шоир молу дунёга хирс куйиш авж олган жамиятдаги шафкатсизлик ва махнавий кашшокликни аёвсиз танкид килди. Адолатсизлик, зулм ва кашшоклик хукм сурган жамиятда инсоний мехр шафкат ва диёнат завол топишини афсус надомат билан кайд этди:

На онода рахм колди, на отода,
Ого, ини бир-бирига можарода.
Мусулмонлар дахво килур, ичар бода,
Мастлик билан кариндошдин тонди, курунг.

*(к.,Ахмад Яссавий. Хикматлар. Т; 1990, 6-бет.)* Бундан кейин хам шу манбага мурожаат килинади).

Ахмад Яссавийнинг "Девони хикмат" асари туркий адабиётнинг ноёб ёдгорликларидан бири булиб, у ислом дини, калом фалсафаси ва тасаввуфидан, уша даврнинг ижтимоий-сиёсий тартиб ва муаммоларидан, оддий мехнаткаш халк хаётидан яхши хабардор эканлигидан гувохлик беради. Улуг шоир захматкаш, гариб етим ва кашшок кишиларга мехр шафкат кузи билан каради. Кишиларни мехр-шафкатли булишга чакирди.

Окил эрсанг гарибларни кунглин овла,
Мустафодек элни кезиб, етим изла.
Буюн товлаб дарё булиб тошдим мано...
Гариб,факир, етимларни килгил шодмон,
Хаклар килиб азиз жонинг айла курбон.
Таом топсанг, жонинг била килгил эхсон,
Хакдин эшитиб бу сузларни айдим мано.

*(Уша манба 42-бет).*

Ахмад Яссавий уз даврининг фарзанди сифатида ислом дини мафкураси, шариат ахкомлари ва тасаввуф сулукларини чукур эгаллади. Уз даври савиясидан анча илгарилаб кетди: тасаввуфнинг Яссавия тарикатига асос солди.

Улуг мутафаккир ишк,хакикат, диенат, каноат, адолат сингари масала-ларда ислом динининг мукаддас акидаларига таянади. Унинг шеърияти-даги илохий мазмун, калб тугени, илохий хакикат - Вужуди мавжуд (Аллох) билан мулокот унга интилиш ва илтижо килиш сифатида акс этди. Яссавий илохий ишкнигина тан олди, чунки у мукаммал, мусаффо, бегараз ва гузалдир. Инсон ана шу ишкгагина интилсагина, пок диенатли ва комил була олади. Ана шундагина у баднафслик ва жохилликдан кутулиш мумкин.

Яссавий ахлокий фалсафасининг мазмунини бу дунёдан воз кечиш эмас, балки хак йулида жамиятни фиску-фасод, кибру-хаво,разолат ва нодонликдан тозалашдан иборат булганинтилиш ташкил этади. У ёмонлик, жохиллик ва молпарастлик сингари иллатларга ружу куйган жамиятдан юз угиришга дахват килди. Шу махнода мутафаккир хик-матлари инсон калбини ларзага келтиради.Унинг хикматларидан исёнкор рух "хакикат дахво килган кози имомлар","харом еган хокимлар","дунё меники деб жахон молин йиккан амалдорлар","окни каро килган муллою

мударрислар", "эл устига миниб олган, тотлиг-тотлиг еб, турлук-турлук кийган"ларга карши нафратда уз ифодасини топди.

Яссавий хамиша мазлумлар томонида туриб, кишиларни етим есирларга мехр шафкатли булишга чакирди, мазлум мехнаткашларнинг хак хукукларини химоя килди:

Гарибларни кургон ерда огритмангиз.
Гарибларга оччигланиб суз отмангиз.
Заиф куриб гарибларга тош отмангиз,
Бу дунёда гариблекдек бало булмас.

*(Уша жойда, 8-бет).*

Яссавий хикматларидаги асосий образ Оллох булиб, шоир бутун вужуди билан Уни танишга ва узликни Унинг ишкига багишлашга чакирди. Бахзи адабиётларда асоссиз равишда дахво килганидек Яссавий дунёвий хаётни тарк этишга эмас, балки инсоннинг махнавий камолоти йулида гов буладиган нафсни тийишга дахват килди. Бу жихатдан унинг кураш хакидаги фалсафий карашлари хам янгича мазмун касб этади. Инсон хаётидаги энг машаккатли кураш нафсни таслим этишга каратилган курашдир:

Нафс йулига кирган киши расво булур
Йулдин озиб, тойиб, тузиб,гумрох булур,
Ётса, купса, шайтон била хамрох булур,
Нафсни тепкил, нафсни тепкил, эй бадкирдор.
Нафсинг сени охир дамда гадо килгай,
Дин йулини орат килиб, адо килгай,
Улар вактда иймонингдан жудо килгай,
Окил эрсанг нафси баддан булгин безор.

Нафс инсоннинг ботиний душмани, унга таслим булган киши аввало уз менлигидан, эрк ва хузур халоватидан, иймон эхтикодидан, одамийликдан махрум булади. Ана шу ички душманнни енга олган инсоннинг кадр кимматини хеч поймол эта олмайди. Бинобарин Яссавий инсонни турли камчилик ва нуксонлардан покланиш учун курашга чакирди ва бу курашни Аллох йулида олиб бориш зарурлигини таъкидлади.

Ахмад Яссавий уз замонасининг окил ва фозил фарзанди сифатида ислом дини гояларига хамиша содик булди. Аллохнинг куч кудрати ва танхолигига иймон келтирди, Мухаммад пайгамбарнинг уммати эканлиги билан фахрланди. Ислом динининг давр синовларидан утган мустахкам гоялари заминида туриб умумбашарий кадриятларни кенг таргиб этди. Узининг бутун онгли хаётини комил ва фозил инсон шахсини шакллантиришга, мазлумлар ахволини оз булсада яхшилаш ва мулкдорларни инсоф диёнатли булишга чакиришга багишлади. Шунинг учун хам у хамма даврларнинг улуг донишманди, инсоний баркамол-ликнинг тимсоли булиб келди.

Яссавий фикрича, инсон хаёти канчалик уткинчи, укубатли булмасин, у комилликка интилиши керак. Камолот йулини танлаган киши виждон овозига кулок солади. Ана шундагина у Оллохнинг васлига етиши, узини барча нуксон ва камчиликларни холос этиши мумкин. Инсон Оллохга якинлашиб боргани сари узидаги гунох ва камчиликларга карши кабнинг ботиний муросасизлигини чукуррок ва теранрок англай бошлайди.

Мутасаввуфларнинг фикрича, борлик худди Олллохнинг куч кудрати, хусни жамолини акс эттирувчи кузгу сингаридир. Бирок табиатни яратишдан максад ИНСОНдир. У Оллохнинг суйган бандаси, Оллох бутун борликни ана шу инсон учун яратди. Демак инсон хам уз навбатида ана шу мухаббатга сазовор булиши керак. Оллохнинг ишки бамисоли шароб(май) дир, унинг кадахи эса инсон калбидир. Шу кадахга ишк майи канча куп куйилса, инсоннинг маънавий баркамолликка булган интилиши хам шунчалик кучаяди.

Тасаввуф таълимотига кура инсон Оллохга етишмок учун шариат, тарикат, маърифат ва хакикат боскичларидан утиши керак. Маърифат манзилида инсон Оллохнинг мохиятини тула англаб етади, илму ахлокда баркамолликка эришади, уз менлигидан кечиб, Оллох билан уйгунлашади. Куриниб турибдики, инсон Оллох

томонидан яратилган булса хам, Унинг Оллохдан фаркли томонлари мавжуддир. Инсон уз-узини енгиб махрифат сари интилган сайин хакикатга эриша олади. Шундан кейингина фонийлик машаккатлари тугаб боқий хаёт бошланади.

Яссавий такаббурликка карши хокисорлик фалсафасини илгари сурадн. У такаббурликни коралаdн, уни адолат ва диёнатнинг душмани, кулфат ва мусибатларни сабабчнси деб курсатди:

Ахли дунё халкимизда саховат йук,
Подшоларда, вазирларда адолат йук.
Дарвишларнинг дуосида ижобат йук,
Турлук бало халк устига ёгди, дустлар.

*(Уша манба 28-бет).*

Шоир такаббурлик ва манманлик инсонни камолотга бориш йулидан оздирувчи ва инсон маҳнавиятига зид кусур сифатида курсатди. Бу иллатга карши халол мехнатни улуглади:

Банда булсанг манманликни зинхор ташла,
Сахарларда жонинг кийнаб тинмай ишла,
Йулдан озган гумрохларни йулга бошла,
Бир назарда дилларини сафо килдим.

*(Уша манба 91-бет).*

Яссавий подшо ва амалдорларни мехр шафкатли ва одил булишга чакирди. Унинг фикрича, барча кишилар Оллох томонидан тенг яратилган, шунинг учун хам улар бир-бирларига мехр мурувват курса-тишлари, илохий ишк йулида риёзат чексаларгина мехрожга чикишлари Оллохнинг жамолига восил булишлари мумкин.

Донишманд фикрича, мехр бир дарахт булса, саховат унинг мевасидир. Подшо ва амалдорларнинг жохиллиги ва адолатсизликлари окибатида ана шу дарахат завол топади: одамлар уртасида мехр окибат кутарилади, риёкорлик, каллоблик ва шафкатсизлик кучаяди. Ана шуларнинг барчаси Оллохни танимаслик, уни унутиш ва ишксизлик окибатида:

Куз ёшингни риё килма, хакни тани,
Хак-тахлосуйганларни гирён килур.

Яссавий фикрича, инсоний баркамолликка эришишда кишиларнинг рухан соглом булиши мухим ахамиятга эгадир. Кайси юртда маҳнавий кадриятлар паймол килинса, адолатсизлик хукм сурса, уша ерда нопок ва жохил кишилар юкори мавкега кутари-лади. Нодонлик - халк кулфати ёвузлик акл идрок котилидир. Молпараст-

лик, баднафслик, риёкорлик - ана шуларнинг барчаси нодонликнинг доимий йулдошидир. Шунинг учун хам улуг мутафаккир кишиларни нодонликдан юз угиришга чакирди:

Дуо килинг нодонларнинг юзин курмай,
Хак-таоло рафик булса бир дам турмай.
Бемор булса нодонларни холин сурмай,
Нодонлардин юз минг жафокудум мано.

*(Уша манба 30-бет).*

Яссавий нодонликка карши донолик тушунчасини илгари сурди. Донолик унинг назарида идеал тушунчадир. Шунинг учун хам унинг доно ва окил илм ахлига булган талдаби хам юксакдир. У хушомадгуй ва лаганбардор олимни золим деб атади, Хушомад оркали олимликка эришмокчи булган илм ахлини ихтиёрий равишда золимлар сафига утувчилар деб хисоблади.Олимларни хакнкат йулида риёзат чёкишга ва илм йулида фидойилик килишга дахват этди. Унинг фикрича, олимлик йулида захмат чёкиш уз хузур халоватингдан воз кечишдир. Давлатпараст ва молпараст нокасларга буйин эгмаслик олим ва донишмандларга хос хислатдир:

Дунёпарт нокаслардан буйин товла,
Буйин товлаб, дарё булиб тошдим мано.

Яссавий фикрича, онг ва калбни махрифат нурлари биланёритиш чинакам инсоний саодатдир. Инсоннинг махнавий бойлиги хамма нарса-дан мукаддас ва азиздир. Шунинг учун хам у инсоннинг узидан мохият излади.

Улуг мутафаккир камтарлик ва олихимматлик сингари инсоний фазилатларни улуглади, инсоннинг куч-кудратига астойдил ишонди ва шарафлади.

Яссавий олам, она-замин, элу-юрт хакида ёзар экан, уларни хар бирида ватанни курди ва кишиларни ватанга содик булишга чакирди.

Шундай килиб, Ахмад Яссавий олам ва инсонни Оллох яратганлигига астойдил ишонди. Бирок Оллох инсонни узининг ердаги ноиби сифатида яратганлиги хам хакикатдир. Инсон уз хаёти давомида камчилик ва хатолардан озод булиши кийиндир. Ана шу нуксонлардан озод булишга, узликни махнавиятга ва инсоний баркамолликка багишлашга дахват килиш Ахмад Яссавий ахлокий фалсафасининг туб мохиятини ташкил этади.

Ахмад Яссавий "Курхон"да баён этилган гояларга таяниб, инсоннинг яратувчан фаолиятига, акл-идрокига каттик ишонди. Унинг фалсафий-ахлокий карашларининг битмас-туганмас кадр-киммати хам ана шундадир.

***Мухаммад ибн Жалолиддин Баховуддин Накшбанд*** 1318 йили Бухоро якинидаги "Касри хиндувон" кишлогида дунёга келди. Бу кишлокда улуг мутафаккир ва донишмандлар таваллуд топганлиги шарафига унинг номи кейинчалик "Касри орифон" деб аталган. Баховуддин ёшлигиданок дехкончилик, наккошлик касбларини эгаллаган. Бутун умр буйи халол мехнат билан яшашга интилди. У мусулмончиликда иймондан сунг биринчи уринга халол мехнатни куйди.

Баховуддин Халил ота вафотидан кейин Амир Кулолга мурид булди, узини тарикат йулига багишлади. Баховуддин бошка машойихлардан фаркли равишда увайсий эди, яни Навоийнинг тушунтиришича, агар шайхнинг пири махлум булмаса ва "машойихдин бирининг рухи ани тарбият килгон булса, ани Увайсий дерлар ". Баховуддиннинг рухи Абдухолик Гиждувоний томонидан тарбият топди.

Баховуддин тарикат ахлининг биз юкорида келтирган саккиз коида ("Калимаи кудсия")сининг "хилват дар анжуман" ва "хилват дар ватан" коидаларига сидкидилдан амал килди: хонанишинлик ва узлатни тарк этиб, зохир юзидан одамлар орасида, ботинан Оллох ёди билан яшади, катта машаккатлар эвазига булса-да, улуг авлиёларнинг мозорларини зиёрат килди, турк машойихлари сухбатига ошикди. Баховуддин Накшбанд, Юсуф Хамадоний, Ахмад Яссавий ва Абдухолик Гиждувоний томонидан илгари сурилган илгор гояларни янада ривожлантирди ва уларни уз тахлимотида мужассамлаштирди. Хусусан, Абдухолик Гиждувонийнинг "Даст ба кору дил ба ёр" шиорини "Дил ба ёру даст ба кор" тарзида ислох килди, бу билан махнавиятнинг бирламчи ва махнавий поклик билан килинадиган мехнатгина камолот омили эканлигини тахкидлади. Баховуддиннинг шогирди Шайх Мухаммад Порсонинг гувохлик беришича, Накшбанд: ибодат ун кисмдан иборат, унинг туккиз кисми халол мехнат килиш, бача касблардан дехкончилик ва богбонлик халолга якиндир, дер эдилар *(к. Иззат Султон Баховуддин Накшбанд абадияти. Т. 1994, 36-бет).*

Шундай килиб, накшбандия тарикати учун хос булган хусусиятлардан бири халол мехнат хисобига яшашдир. Харом йуллар билан топилган лукмадан келадиган балоларни даф этиб булмайди. Навоийнинг ёзишича, накшбандия тарикатига мансуб муршид ва мурид одобининг биринчи шарти - "ул адабдурки, яхши ва ёмонга ва улуг ва кичикка бажо келтирурлар. Андокки, барча халойикка узларини кичик ва камрок тутарлар ва барчага хизмат хузурида булурлар. Хаттоки уз фарзандларига, ходим ва мамлук (кул)ларига хар неча алардин бекоидлик (одобсизлик) курсалар, кушунат билан (куполлик билан) аларга суз демаслар, балки насихатни юмшог ва чучук тил била килурлар, хаттоки угригача" *(к. Иззат Султон Баховуддин Накшбанд абадияти. Т. 1994, 58-бет).*

Накшбандия тарикатининг яна бир мухим хусусияти шунда эдики, мамлакат ва халк манфаатлари йулида килинган хар бир савобли иш бир марта Каҳабатуллохга Хажга бориб келишга тенг хисобланарди. Накшбандия тарикатига мансуб суфийлар тасаввуфнинг умумий гоясидан келиб чикиб, инсон калбини Оллохнинг уйи деб, хисоблайдилар. Калб поклиги учун интилиш, инсонни эҳзозлаш, маҳнавий камолот сари интилиш, Оллохнинг васлига восил булиш - соликнинг хаётини маҳноси шу эди.

Баховуддин Накшбандгача булган барча шайхлар, мутасаввуфларда уз насл насабини Мухаммад алайхиссалом билан боглаш анҳанаси мавжуд эди. Шунингдек улар узларини каромат сохиби килиб курсатар эдилар. Баховуддин Накшбанднинг бу масалаларда булган карашлари бутунлай бошкача булган. Навоий ёзади: "Биров алардин сурдиким, сизнинг силсилангиз не ерга етар? Алар дедиларки, киши силсиласи билан хеч ерга етмас. Алардин каромат талаб килдилар. Алар дедилар-ки, бизнинг кароматимиз зохирдур: бовужуди бу навҳ гунох нёки ер юзида бора олурмиз".

Баховуддии Накшбандхизматкор ёки кул сакламас эди. Бунинг сабабини сураганларида "Алар дебдуларки, качон бу бандалик хожалик била рост келур?".

Баховуддин Накшбанд кишиларни уз тилакларидан воз кечиб, бошкаларнинг манфаати учун ишлашга даҳват этган. Хожа Ахрор уз устози Баховуддии Накшбанд тарикатида булишни орзу килган кишиларга: "Бу тарик багоят дакик (кийин) турур. Уз муродидин утмак, бошка кишининг муродига иш етмак улуг иш турур, сизлардин бу иш келмас", - деган.

Баховуддин Накшбанд умрининг охиригача Бухорода яшади ва 1389 йили 71 ёшида вафот этди. Шамсиддин Солийнинг "Комус ал-алхам" китобида айтилишича, Баховуддин Накшбанднинг вахз ва насихатларидан иборат "Хаётнома" шехрий манзумаси ва тасаввуфга оид "Далил ал ошикин" асари машхур булган, бирок бизгача етиб келмаган. Лекин шунга карамай унинг тасаввуфга оид панд-насихатлари Хожа Ахмад Порсонинг "Рисолаи кудсия, Макомоти Хожа Накшбанд", Абу Мухсин Мухаммад Бокир Алининг "Макомоти хазрати Хожа Накшбанд" китобларида сакланиб колган.

Баховуддин Накшбанд вафотидан кейин мухжизакор авлиё, авом халк манфаатларининг химоячиси, балоларни даф этувчи валий сифатида шухрат козонди.

Унинг тахлимотини таргиб этиш ва ундан мадад сураш Марказий Осиёдагина эмас, балки кушни ислом мамлакатларида хам кенг ёйилди. Оддий халк вакилларигина эмас, балки хукмдорлар, темурийлар, олим ва шоирлар хам унинг муриди булдилар.

XV асрдан бошлаб Накшбандия Кодирия тарикатидан кейин дунёга кенг таркалган тарикат булиб колди. У Марказий Осиё ва Хуросондан Кохира ва Боснiягача, у ердан Гансу ва Суматрагача, Шимолий Кавказдан Хиндистоннинг жанубидан, Арабистоннинг Хижос вилоятигача етиб борди (хозирги пайтда Покистоннинг Лахор шахрида Накшбандия тарикатининг Жахон маркази ишлаб турибди, унинг рахбари Зулфикор Ахмад Накшбандий).

4.*Сунгги феодализм даврида Марказий Осиёда табиий - илмий ва ижтимоий - фалсафий фикрлар ривожи (А.Навоий, Улугбек, Бобур ва бошк.)*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Навоийнинг фалсафий карашлари, Улугбекнинг табиий илмий карашлари, Бобурнинг ижтимоий сиёсий карашлари.***

Темурийлар даврида эса фан, ижтимоий-фалсафий фикрлар тараккиётига катта тахсир курсатган шахслардан бири - буюк олим, давлат арбоби ***Мирзо Улугбек***дир.

Мирзо Улугбекнинг давлат арбоби, олим сифатида камол топишида Амир Темур хам суюкли бобо, хам темурийлар сулоласининг хазоротли асосчиси, хам узокни кура олган сиесатчи, давлат арбоби, катхи иродали, доно хукмдор, чапдаст ботир, шижоатли кахрамон жангчи сифатида хал килувчи тахсир

курсатган. Улугбекнинг ижтимоий-сиёсий, илмий карашлари шаклланишига отаси Шохрух Мирзонинг таҳсири хам катта булган.

Улугбек узининг "Зижжи Улугбек" ёки "Зижжи жадиди Курагоний", "Бир даража синусини аниклаш хакидаги рисола", "Рисолайи Улугбек" каби астрономик асарлари билан бир каторда "Тарихи улус арбаҳа", унинг мухтасари "Шажараи атрок" накоралар билан ижро этиладиган бир неча мусикий асарлар хам колдирган. Навоий ва Абу Тохирхужа курсатишларича, шеърлар хам ёзган, тиббиёт масалалари билан жиддий кизиккан. Колаверса фалакиетчилар, риезиетчилар, барча илм вакилларининг Даврa (Академия)сини шакллантирган, унинг ишида узи хам фаол иштирок этган.

Мирзо Хайдар Дуглатнинг "Тарихи Рашидий" сида: "Мирзо Улугбек тарихнавис донишманд эди (ва) "Турт улус (тарихи)ни (хам) езиб кол-дирган эди" деб курсатилган.

"Торихи улус арбаҳа", ва "Шажараи атрок" башарият тарихи энг давр-лардан бошлаб баён этилади. "Тарихи улус арбаҳа" уз унвони, "Мукад-дима"си, 3 фасл, 3 макола, майда боблардан иборат. Унда пайгамбарлар тарихи, шажараси, туркий-мугулий сулолалар - Чигатой, Жужи, Ботухон ва Улуг Коон Мункэхон улуслари тарихи, улар билан темурийлар сулоласининг муносабатлари, шараф ва нуфузлари хакида кимматли махлумотлар берилади.

Мазкур асарларда Улугбекнинг ижтимоий-сиёсий, хукукий караш лари, давлат курилиши ва уни бошкаришга оид муносабати уз ифодасини топган. Бунда айникса Туркий-мугулий Ясо-Тузукларнинг кулланилиш кулами билан мусулмон хукуки - Шариат конунчилигининг кулланиш ва таҳсир куламининг узаро муносабати диккатга сазовардир.

XV ва ундан кейинги асрларда Туркистондаги ижтимоий, фалсафий фикр ривожида ***Алишер Навоий***нинг мероси мухим урин тутади.

Навоий дунёкараши асосларини унинг "вахдат-ул-вужуд" (пантеизм) таҳлимотига кушган хиссаси, Калом, шариатга, тасаввуфга булган муносабатининг фавкулодда жихатлари, ориф-лик дунёкараши ва ахлокий-дидактик позицияси, сиесат, давлат, фозил жамият, оила, Комил Инсон ва шахе тугрисидаги бир бутун назариялар ташкил этади. Навоий узининг Одил подшо, фозил жамият тугрисидаги карашларида Низомий, Жомий каби мусулмон маданияти, фалсафасининг тамал тошларини куйган,Абу Наср Фаробий,

Ибн Мискавайх, Ибн Сино ва бошка Шарк арастучилари-перипатетикларининг, яхни машшоийй унлар

илгари сурган фозил шахар ( алмадинат-ул фозила ), Фозил Рахис, Комил Инсон тахлимотларидан келиб чиккан.

Махлумки, Фаробий Сайф-уд-давлатнинг давлатини, Шайх-ур-Рахис Ибн Сино уз даври подшоси Алох-уд-давлатнинг давлатини Фозил шахарга, уларнинг узларини эса Комил Инсонларга айлантиришга урингандар. Навоий хам " Хамса" ва бошка асарларидаги орзу-хаеллар, Одил подшо, одил давлат тугрисидаги гоялар билан чекланмай, Хусайн Бойкаро давлатини - Одил давлатга, унинг узини эса Одил подшохга айлантиришга каттик уринган, бу йулда узининг бутун кучи, сиёсий иктидори, нуфузи ва иродасини, сиёсий мавкехини сарфлаган. Гап хар икки холда хам гоянинг нотугри ёки "гайриилмийлигида " эмас, балки бу гояларни амалга ошириш имконини берадиган жамият юксак ишлаб-чикариш - " табиий тарихий тараккиёт боскичига" эришмаганлигидадир.

Энди Навоийнинг суфийлиги масаласига келайлик. Албатта Навоий уз даврининг кишиси сифатида урта аср мусулмон маданияти, рухияти, онги ва тафаккури, кадриятлари рухида тарбияланган, ва демак, уша хаёт тарзи ва маданиятнинг узаги булмиш тасаввуф тахлимотидан четда шаклланиши, ундан тамомила фориг Булиши мумкин эмас эди. Навоий амалда айнан ана шундай тахсил ва тарбия топганлиги, айникса, Фаридиддин Атторнинг "Мантик-ут-тайр" ига ихлос куйганлиги, накшбандийчилик тахлимотини чукур билганлиги ва Жомий билан биргаликда ва унинг етакчилигида Хужа Убайдуллох Ахрор, Абдуллох Ансорий ва бошка пирларга кул берганлиги юкоридаги фикрни тасдиклайди.

Навоийнинг умуман Ислом, Калом, Шариат, айникса тасаввуфдаги эгаллаган мавкехининг узига хослиги шундаки у накшбандийликнинг хаётбахш фалсафаси оркали суфизмдаги энг инсонпарвар, хаётда, инсондаги эхтикодий поклик ва тозаликни сезувчи, кадрловчи ва хаётни, инсонни кадрлашга, Инсон шахнини юксак тутиш, химоя килишга чакирувчи маломатия тахлимотига махнавий жихатдан онгли равишда эргашган ва узининг бутун хаёти давомида унинг кадриятларига гоявий риоя килган.

***Захириддин Мухаммад Бобур*** (1483-1529) темурийлар сулоласининг энг буюк вакиллиридан бири, Хиндистонда "Буюк мугуллар" салтанатини курган, туркий, араб-мусулмон, форс-тожик, хинд

маданияти, бадиий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлокий ва диний-тасаввуфий фикрига катта хисса кушган мутафаккирдир.

Тахтга 12 ешида утирган Бобур Шайбонийхон билан хал килувчи жанглар олиб борган, 1500-1506 йилларда бор-йуги 20-23 яшар еш бир йигит эди. Темурийларга хос харбий салохият, уруш санхатини, ута чапдастликни эгаллаганлигига карамай Бобурнинг катта тажрибаси йук эди.

Холбуки, бу пайтда Шайбонийхон еши улуг нихоятда тажрибаси мохир саркарда сифатида шухрат топган, катта кушинини салтанат куриш, кушни мамлакатларга бошлаб боришда кузи пишган, хотиржамлик

билан иктидори уз ривожининг авж буржига кутарилаетган давлат рахнамоси булган етук зот эди.

Иккинчи давр - 1506 йилдан кейинги Афгонистон ва Хиндистон даври. Бу даврда Бобур нафакат сиесатчи , сулола асосчиси, аклли харбий лашкарбоши, балки жуда иктидорли олим, исломий илмлар, шариат, хамда тасаввуф ирфони, тарикатлар билимдони, мухлиси, буюк суз устаси, шоир, вохиз эди. Унинг ижтимоий-фалсафий, сиёсий, хукукий, бадиий-ахлокий, ирфоний карашлари у колдирган жуда бой махнавий мерос - Девонлари, "Бобурнома" асари, Шариат асослари баёни булган "Мубайййан" рисоласи, бадиият назарияси буйича "Аруз рисоласи", Хужа Ахрор Валий "Рисолаи волидия" сининг туркий назмий баёни, мусика, лашкаркашлик буйича рисолалар, у узи яратган ва куллай бошлаган махсус алифбо "Хатти Бобурий", туркий-мугулий конунчилик анханасида тузилган "Тузукоти Бобурий" лар бизгача етиб келган. Бундан ташкари Бобурнинг "Васияти", угиллар, кизлари, якинлари билан, Пир шайхлар сиесатчилар, бошка давлат рахбарлари билан олиб борган езишмалари, элчилик номалари, вакфлари, сон-саноксиз Улуфа, Суюргол, фармон, ерлик нишонлари хам бизгача етиб келган.

Бобурнинг ижтимоий-фалсафий, бадиий-ахлокий, сиёсий ва хукукий, ирфоний, ислохчилик карашлари нихоятда кенг камровли, чукур, уз давридан илгари кетган инсонпарвар, илм ва акл мухиби дунёкарашини ифодалар эди. Бобур дунёкарашининг бош йуналишлари, инсонпарварлик, илм-махрифатпарварлик, санхатсеварлик, бадиият, шехр санхатлари, ватанпарварлиги - уз Ватанни севиш, кумсаш ва айни пайтда бошка халклар, миллатлар, диний эхтикодларга эхтикодий багри кенглик, хурмат муносабатида

булиш, конуний, хукук анханаларини устун санаш, пок зотлар, азизлар авлиелар, улар кайси дин жамоадан булмасин, олдида узини хокисор тутиш, юксак хижоатлилик, мардлик, ахлокий поклик, хайр ишларни килишдир.

Бобур тузган "Рисолаи волидия" асари хам унинг фалсафий, илмий-ирфоний, ижтимоий, ахлокий карашларида алохида урин тутади. Асар 1528 йилда, Бобурнинг, отасининг Накшбандийя - Хожагония тарикатига, хусусан Хужа Ахрор Валий Фукаротийга акди иродатини ифодалаш учун, Пирнинг "Рисолаий волидия" сини туркий назм билан баён этган. Бу китобда хатто Бобурнинг " Убайдуллох тадбирлари туфайли шох булдим", деган эхтирофи мавжуд.

Хуллас, Урта асрлар даври Марказий Осиё файласуфлари, мутафаккирлари, тасаввуф илми сохиблари хамда буюк давлат арбоблари мисолида жахон фани ва маданиятида учмас из колдирди.

***Мавзуни такрорлаш учун саволлар:***

1. *Марказий Осиёда урта асрларда илм-фан ва маданият ривожланиши учун кандай омиллар туртки булиб хизмат килди?*
2. *Хоразмий, Фаргонийнинг табиий-илмий карашлари ва уларнинг жахон маданияти ривожида тутган урни кандай?*
3. *Форобий, Беруний, Ибн Синоларнинг табиий-илмий ва фалсафий карашларининг жахон илм-фани тараккиётидаги урни кандай?*
4. *Тасаввуф фалсафасининг мохияти ва унинг асосий вакиллари кимлар? Яссавия тарикати ва Накшбандия тарикатининг мохияти нимадан иборат?*
5. *А. Навоий, Улугбек ва Бобурнинг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий карашларининг мохияти нимадан иборат?*

## 4-Махруза: Гарбий Европада фалсафий фикрлар ривожи.

**Режа:**

1. *Кадимги Юнонистон ва Римда фалсафий фикрлар ривожи.*
2. *Урта асрларда Гарбий Европада диний - схоластик фалсафа ривожи. Номинализм ва реализм.*
3. *Уйгониш даврида табиий - илмий ва фалсафий карашлар ривожи.*

*4. Янги даврда француз маҳрифатпарварларининг фалса-фий карашлари. Инглиз субҳектив идеализми.*

*1.Кадимги Юнонистон ва Римда фалсафий фикрлар ривожи.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Кадимги Юнон фалсафаси, Милет мактаби, Фалес фалсафаси, Анаксимандр, Пифагор фалсафаси, Демокрит фалсафаси, Платон фалсафаси, АристотелЪ фалсафаси***

***Кадимги Юнон фалсафаси***нинг вужудга келган даври эрамиздан аввалги, VI асрларга бориб такалади. Бу даврда Юнонистоннинг ижтимоий тузумнинг алмашинуви яҳни-ибтидоий жамоа тузумининг кулдорлик тузуми билан урин алмашинуви юзага келганди. Экспулатациянинг кучайиши мавжуд диний - мистик карашларнинг, гояларни пучга чикарди. Натижад кишилар онгида дунё хакида борлик хакида бошкача тасаввурлар пайдо була бошлади-ки, бу тасаввурлар бирмунча аник булмаса хам,хар холда илмийлик касб эта бошлади. Негаки, диндаги-"подшолар худонинг ердаги вакилидир, уларга тинмай тоат-ибодат килиш, сигиниш ва х.к.о." каби гоялар инсонлар калбида норозилик кайфиятини уйготди ва бунинг окибатида мавжуд тузумга карши кузголонлар була бошлади. Ва бу кузголонлар асосида норозилик илк фалсафий фикрлар юзага келишига туртки булди. Бундан ташкари, юзага келган шароит, яҳни кулдорлик тузуми Кадимги Юнонистонда шахар ва кишлокларнинг пайдо булишига ва бу шахар ва кишлокларда узаро мехнат таксимоти вужудга келтирди. Савдо-сотик ривожланди ва бунинг натижасида Юнонистон билан катор Шарк мамла катлари ва бошка давлатлар уртасида узаро савдо муносабатлар урнатила бошлади. Савдо муносабатларининг усиши, кишлок хужалигининг ривожланиши ва хнарманчилик саноатининг тез тараккий этиши кадимги Юнонистонда табиатни билишга, фаннинг ривожига эхтиёж кучайтирди. Натижада математика, физика, астрономия, география, санҳат, адабиёт, фалсафа каби фанлар юзага келди ва ривожланди.

Кадимги Юнон фалсафаси табиат хакидаги илмлар билан бир бутун холда, хаёт тажрибаси ва Кадимги Шарк мамлакатларида эришилган фан ютуклари асосида пайдо булди.

Юнон фалсафасини биз фалсафа тарихида ***"М и л е т   м а к т а б и"*** деб ном колдирган ва шу мактабга асос солган Милет шахри вакиллари булмиш Фалес, Анаксемандр ва Анаксеменлар-

дан бошлаб урганамиз. Чунончи улар хакли равишда кадимги, илк юнон фалсафасининг асосчилари, номоёндалари эди.

*Ф а л е с* (эрамиздан аввалги 624-547 йиллар) уз даврининг хар сохада етук билимдон кишиси булиб, у астроном, математик, географ, физиолог олим, сиёсий арбоб хамда философ эди.У куёш тутилишини олдиндан айтиб берди ва у айтан даврда (ЭРАМИЗДАН АВВАЛГИ 585 ЙИЛДА ) куёш тутилди. У ернинг куёш атрофидаги айланиш харакати йил давомида 365 кунга тенг эканлигини аниклади. Кичик айик юлдузини кашф этди. Фалес тахлимотига кура бутуни борликнинг асосини суюк моддасув ташкил этади, табиатда содир буладиган барча нарса ва ходисалар сувдан ташкил топган ва улар бутун харакати яна сувга айланади. Чунончи у ерни хам сувдан ташкил топган деб уктиради: ер - думалок , усти текис ва атрофини океанлар ураб олган холда кема сингари сувда сузиб юради. Сув-оламдаги барча нарсаларнинг доимий ва моддий асосидир, у мангу , лекин ундан келиб чикан нарса ва ходисалар вактинчадир.

Фалес худолар борлигни инкор этмайди-ю, лекин уларнинг дунё ишларида иштирокини жуда кам деб белгилади. Унингча бу дунё, олам - моддий мангудир, у йукдан бор булган эмас ва бордан йук хам булмайди.

*А н а к с и м а н д р* (610-546) Фалеснинг шогирди булиб, у биринчи булиб планеталар билан юлдузлар фркини тушунтирди. Куёш соатини ихтиро этди ва географик хариталар тузди. Унинг тахлимотига оламнинг моддий асосини мангу харакат ва узгаришдаги номаЪлум модда - апейрон ташкил этади. Аперондан иссик ва совук, нам ва курук каби бир-бирига карама-карши томонлар ажралиб чикканким, ва бу карама-каршиликлар уртасидаги муносабатдан сув вужудга келган. Сувни куриши окибатида олов,хаво ва пайдо булган. Унинг фикрича оламда шунга ухшаш дунёлар куп булиб,улар мангу харкатдаги апейрондан ташкил топгандир.

Ваклар утиши билан улар йук булади ва урнига шунга ухшаш дунёлар юзага келади.Сувнинг, денгизларнинг куриши натижасида хайвонот олами пайдо булган-деб уктиради Анаксимандр. Ва шу жумладан, инсон хам худо томонидан яратилган эмас, балки сувдан чиккан баликлардан пайдо булганди."Милет мактаби"нинг сунгги вакили булган ***Анаксимен*** (585-525) борликнинг асосини сув хам эмас, анейрон хам эмас, балки хаво ташкил этади деб

тушунтиради.Унинг такидлашича, хаво-мангу харкатда ва карама-каршилик хусусиятига эга,у гох сийраклашади, гох куюклашади. Мана шу карама-каршилик муносабатида хаводан олов,шамол сув ва тупрок ажралиб чиккан ва булардан хам уз навбавтида бошка нарса ва ходисалар юзага келгандир.Хамма нарсанинг манбаи хаво ,хамма нарса ва ходисалар хаводан пайдо булади ва хавога айланади, - деб уктиради.

Анаксимен худо борлигини эЪтироф этса-да, лекин у хам вактинча , у оламни яратмаган, балки худонинг узи хам хаводан яратилгандир -дейди.

"Милет мактаби" вакиллари мана шундай содда материалистик карашлари билан фалсафа тарихида мухим из колдирдилар. Лекин уларга карама-карши уларок,уз фалсафий карашлари билан майдонга чиккан оким вакиллари хам борки, улардан бири Пифагор ва унинг тарафдорлари.

*Пифагор* (эрамиздан абввалги 580-500) йиллар ва пифагорчилар оламнинг моддий асосини сон ташкил этади деб тушунтирадилар. Уларнинг таҳлимотича, барча нарсалар устки кабатлар билан уралаган, устки кабатлар чизиклар билан уз навбатида, чизиклар хам нукта билан чегаралангандир. Шунинг учун хам оламдаги нарсаларни яратган сабаб, оламни идора килувчи куч, бу сондир деб даво киладилар. "Уларнинг фикрича, "2" раками барча худоларнинг онаси,барча нарса ва ходисалар асоси; "2"-раками карама-каршиликлар;", "3"-раками учта "1" раками ва уларнинг карама-карши томонларининг бирлиги жисмни ташкил этади; "4" раками - табиатдаги 4 элементнинг образидир; "10" раками - энг мукаддас булиб, осмондаги ун юлдуз ва уларнинг ун доираси образи хамда хисоблаш ва сонлар мистикаси асосидир. Шундай килиб, пифагорчилар оламни билиш сонни билишдир деб уктирадилар. Улар сонларни илохийлаштирган булсаларда,лекин фан тараккиётига, хусусан математика фани ривожига уз тадкикотлари билан (Пифагор теоремаси) улкан хисса кушганлар.

Кадимги Юнонистоннинг машхур файласуфларидан бири *Гераклит*дир. У Эфес шахри вакили булиб (эр. ав. 530-470 йй.) йирик табиатшунос, сиёсий арбоб, уткир философлардан эди. Гераклит пифагорчиларга карши чикиб, оламнинг моддий асосини олов ташкил этади деб курсатади. Хамма нарса оловдан ташкил топган: "Оловнинг йук булиши хавонинг пайдо булиши, хавонинг йук булиши сувнинг пайдо булиши, ернинг йук булиши сувнинг

пайдо булиши, сувнинг йук булиши хавонинг пайдо булиши ва аксинча, хавонинг йук булиши оловнинг пайдо булишидир - деб уктиради ". Бу тасаввурга диалектик нуктаи назардан ёндашиб у - хамма нарса доимий харакатда, хамма нарса бор ва шу вактнинг узида йук, чунки хамма нарса окиб боради ва узгариб боради, хамма нара доимо мавжуд ва айни пайтда йук дея тахкидлайди. Олам муттасил харакатда ва унинг моддий асосини олов ташкил этади дея изохлайди.

"Оламни хеч ким, хатто худо хам яратмаган, конуниятли тарзда енгиб турувчи абадий бархаёт олов мавжуд ва у конуниятли тарзда учади, аввал хам шундай эди, хозир хам ва бундан кейин хам шундай булади".

Унинг фикрича киши онги утнинг, оловнинг уткинчи холат турларидан биридир. Гераклит дунёни билиш мумкинлигини эхтироф этади. Унинг билиш процесси сезгидан бошланади ва тафаккурда давом этади. Куз олдимиздаги барча нарса ва ходисаларнинг сезги ахзоларимиз оркали курамиз, сезамиз, лекин уларнинг хакикий мохиятини эса тафаккур, фикр ёрдамида англаймиз - дейди у.

Гераклит мана шундай килиб, фалсафа тарихида биринчилардан булиб диалектикани бошлаб берди ва унга асос солди. Курамизки, Юно-нистонда бу даврлар фалсафа фани юкори даражага кутарилган. Лекин, эрамиздан олдинги V-асрда кадимги Юнонистондаги юз берган юксак тараккиёт анчайин ахамиятга моликдир. Юнонистон билан Греция уртасида булиб утган урушдан сунг бу даврда Юнонистоннинг иктисоди тубдан якунланди, сиёсий хаёт, маданият ривожланди. Шу билан бирга табиат фанларининг тараккий этиши фалсафий гояларда хам уз аксини топа бошлади. Бу даврнинг машхур файласуфлари деб табиб Эмпедокл (эр. ав. 490-430й), Анаксагор (эр. ав. 500-428й), Левкипп (эр. ав. 500-440й), Демокрит (эр. ав. 460-370й)ларни курсатиш мумкин. Улардан хам кайсиси фанда мухим из колдиргандир. Лекин Левкипп ва Демокритнинг карашлари айникса ахамиятга моликдир. Улар фанда атомистик караш-ларни бошлаб бердилар.

Атомистик карашларнинг асосчиси *Левкипп*дир. У асли Милет шах-ридан булиб, унинг тахлимотича бутун моддий олам - атомлардан ташкил топгандир. Атом - унинг тахкидлашича энг кичик, булинмас моддий заррача булиб, демак бутун борлик мана

шу атом ва бушлик- лардан иборат ва улар зарурият асосида мангу харакатда. Левкиппнинг бу тахлимоти кейинчалик *Демокрит* давом эттирди. Демокрит фаолияти Юнонистоннинг фан ва маданияти ривожидаги жуда катта ролЪ уйнади. У асли Абдер шахридан булиб, астроном, математик, физик, физиолог, табиб, мусикашунос, рухшунос,тилшунос ва энг мухими уткир философ эди. Унинг тахлимотича олам, бутун борлик моддий булиб, атом ва бушликлардан иборатдир.

Табиатдаги барча нарсалар мана шу атомларнинг турли куринишидаги бирикувидан ташкил топган. Атомлар мангу харакатда булиб, харакат эса уларнинг зарурий ва мангу холатидир. Бирок харкатни у шунчаки, атомларнинг бир-бирига урин алмашиши деб тушунди, лекин харакат узаро тукнашув асосида юзага келишини у англаб етмади. Шунинг учун хам харакат материянинг уз-узидан харакати эканлигини тушунмади.

Демокрит жон (рух) хакида куйидаги фикрларни билдиради, унинг фикрича жон танни харакат манбаи булиб, у оддий атомлардан иборат ва улар бошка атомлардан шуниси билан фаркланадики, улар шаклда думалок, нозик ва ута харакатчан булади. Тан улиши билан жон хам улади, чунки оламда тандан мустакил жон йук, улим эса мана шу атомларнинг узаро бир-бирлари билдан тукнашуви натижасида уларнинг парчаланишидан юз беради.

Демокрит узининг билиш назариясида билишни 2 га булади, булар - "коронгу" ва "хакикий" билимлар. Сезги органлари оркали олинадиган билимларни у "коронгу" билмлар деб, тафаккур оркали англанадиган билимларни у "хакикий" билимлар ажратади.

Демокрит шу тарика узининг фалсафий гояларини ифодалади ва шу гоялар билан кадимги юнон фалсафасида жуда куп урин эгаллади. Фалсафа тарихи узининг бутун бир мохияти билан гоялар курашидан иборатдир. Бу кураш иккита бир-бирига карама-карши булган окимлар курашидан иборатким, лекин хар кайсиси хам тарихда махлум из колдирган, узларининг кайсидир бир гоялари билан бу фаннинг ривожига хисса кушганлар. Шуни айтиш керакки хар икки карама-карши оким вакилларида хам асоий эхтибор борликни, дунёни билишга каратилгандир ва турлича талкин килгандир. Худди шунингдек, Демокритнинг фалсафий гояларига, карашларига карши Платон майдонга чикди.

*Платон* (эр. ав. 427-377й) узининг фалсафий карашларини асосан "Базм", "Тээтет","Федон" номли асарларида баён этгандир. У уз карашларида Демокрит ва Гераклитни каттик танкид остига олади. Борликни асосан иккига-гоялар дунёси ва моддий оламга булади. Унинг таҳкидлашича гоялар дунёси харакатсиз ва узгармас булиб , у фазо ва вактга боглик эмас,у бирламчидир ва моддий олам эса "гоялар дунёсини " соясидир .У узининг билиш назариясининг сезги ва тафааккур билан боглайди.Сезги оркали олинадиган билмларни у хакикий эмас деб белгилайди. Моддий оламни сезгилар оркали билиш мумкин ва демак ,бу билим-моддий олам унингча хакикий эмас. Моддий олам вактин-чалик харкатда ва узгаришда:"гоялар дунёси " эса мангу деб хисоблайди. "Гоялар дунёси "ни факатгина соф тафаккур оркали билиш мумкин.

Платоннинг фалсафа тарихида унинг хам уз урни бор. Чунончи, у билиш, назариясида тафаккурнинг, умумий тушунчаларининг, ахамияти-ни алохида таҳкидлаб утди. Бирок, унинг гояларининг дастлаб химоячиси, тарафдори ва сунгра унга кескин карши чиккан файласуф-лардан энг биринчиси унинг шогирди *Аристотелъ* булди. "Кадимги дунёнинг энг буюк мутафакк-кири"деб ном олган Аристотелъ (эр. ав. 384-322й), Стогир шахрида тугилган. 18 ёшида платон академиясига укишга кириб, 20 йил ундан тахлим олади. У А. Македонскийнинг тар-биячиси эди. Унинг "Метофизика", "Физика", "Жон тугрисида, "Амалий китоб", "Категориялар", "Этика","Сиесат" каби асарлари бизгача етиб келган.

АристотелЪ Платоннинг "гоялар дунёси" хакидаги фикрларини кескин рад этди. Чунончи у - "Агар моддий олам ", "гоялар дунёси" нинг иккиламчи шакли экан, яҳни унинг сояси экан, у холда нега "гоялар дунёси" харакатсиз узгармас, мангу,"моддий олам "га эса харакатда, узгаришда ва вактинчалик характерга эга? - деган хакли саволни куяди ва "моддий олам "билан "гоялар дунё"си уртасидаги сабабий богланиш йуклигини очиб ташлайди. Платон карашларида акс этган гоя - "гоялар дунёси" бирламчи булиб, "моддий олам"даги нарса ва ходисалар "гоялар дунёси"нинг, "копияси" эканлиги хакидаги фикрга карши чикди, АристотелЪ аксинча, гоялар нарса ва ходисаларнинг копияси ва уларнинг хеч кандай айирмаси йук дея таҳкидлайди.

Мана шундай ва шунга ухшаш томонларда АристотелЪ Платонии кескин рад этди, лекин баҳзи жойларда Арастунинг Платонга озгина ён берган жойлари хам борким ва буни карама-карши булагни икки оким орасида Аристотелнинг иккиланиши деб хам тушуниш мумкин. Лекин у жамиятни бошкариш хакида, мантик илми буйича (мантик фанининг барча мухим масалаларини ишлаб чикди) жуда куп илмий ишлар ёзиб колдирди-ки, бу унинг кадимги юнон файласуфлари орасида энг машхурликка олиб чикди.

Худди шундай атомистик назариянинг тарафдорларидан яна бири, кадимги юнон файласуфларидан *Эпикур* эди.(эр. ав. 341-270й.)

У Демокритнинг атомистик назариясини ривожлантириб, атомлар-нинг хажми ва огирлиги жихатидан фаркини таҳкидлади. Унинг укдиришича, атомлар огир булганлиги учун у доим пастга ва доим харакатда булади. У худоларга ишонмайди ва оламнинг чексизлиги хакида гапириб, биз яшаётган дунёга ухшашлигини уктиради. Юнонис-тондан сунг кадимги Римга утган кулдорлик ва кулчилик тузуми римда табиий фанларнинг, шунинг баробарида фалсафанинг ривожланишига шароит тугдирди. Кадимги Римда кулчилик тузуми эрамиздан авввалги IV асрларга бориб такалади. Бу даврларда кулчилик маданияти энг юксак чуккисига етди ва шунинг учун хам Римда огир саноат, савдо, адабиёт, санҳат ва фалсафа хам ривожланди. Эрамиздан олдинги III-I асрларда юзага келган бир канча кузголонлар кулдорлик тузумининг узаро емирилишига олиб келди. Худди шу даврда яшаган ва ижод этган кадимги Римнинг энг машхур файласуфларидан бири Лукреций Тит Кар саналади.

*Лукреций* (эр. ав. 99-55й) уз фалсафий карашларида Эпикур оркасидан борли. Унинг таҳкидлашича, оламда жисм ва бушликдан бошка хеч нарса йук олам атомлардан иборат булиб, атомлар борликнинг мангу, булин-мас, майда ва харакатчан зарраларидир. Улар жисм, шакл ва огирликка эга. Лукреций таҳлимотича атомлар уч хил харакат килади:

1) Туртки натижасида,
2) Огирлик натижасида,
3) Атомларнинг уз - узидан тугри йулдан чекиниши окибатида. Унингча, харакат материясиз булмайди ва харакатнинг манбаи худо эмас, балки материянинг узидир.

Лукреций хам Эпикур сингари диннинг энг ашаддий душманларидан эди. Унинг фикрича улимдан, худодан куркиш кишиларда олам ва табиат хакидаги билимларнинг етишмасли-гидан келиб чикади. У рух (жон) хакида гапириб, рух енгил, нозик ва харакатчан атомлардан ташкил топган ва шунинг учун хам рухнинг фаолияти тана фаолиятига боглик деб курсатади. тана улиши билан рух хам улади, улмас рух булиши мумкин эмас - дейди.

Куриниб турибдики, дастлаб кадимги Миср, Хиндистон ва Хитойда юзага келган фалсафий карашлар Юноннстон ва Римга утиб янада тараккий этди. Ва уларнинг кейинчалик гарбий Оврупо ва Шарк мамлакатларининг маҳнавий хаётидаги таҳсири анчайин салмокли булди.

Европада урта асрлар феодализмининг карор топиши ва фалсафий тафаккур тараккиётида янги давр бошланиши билан характерланади. Бу даврда дин дунёкараш ва мафкурага айланди.

Бу даврда антик фалсафа, илм-фан, санҳат, сиесат хукукшунослик ва умуман, кадимги цивилизациядан юз угирилди. инсоният тафаккурининг барча сохалари жумладан фалсафа хам черков акидаларига мослаш-тирилди. Фалсафа уз хаётий томирларидан, реал хаётдан ажралиб *схоластика* (*италЪянча "схола" - школа*)га айлантирилди. Шунинг учун хам урта аср фалсафасининг йирик номоёндалари асосан буюк дин арбоблари ислохиётчилари эдилар. Бу даврда монастрлар махрифат марказлари хисобланар ва катор маданий юмушларни бажарар эдилар.

Фан ва фалсафий билимлар даражаси анча паст эди. Бу даврда юнон фалсафасининг илгор анҳаналари унутилди, Платон ва Аристотелнинг таҳлимотлари турлича талкин этилди. Купинча уларнинг таҳлимот-ларидан диний акидаларнинг тугри илмийлигини асослаш максадида фойдаланилди. Бир суз билан айтганда, урта асрларда фалсафа уз мустакиллигидан махрум булди, черковнинг итоаткор малайига айланиб колди.

*2.Урта асрларда Гарбий Европада диний - схоластик фалсафа ривожи. Номинализм ва реализм.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Фома Аквинский фалсафаси, Реализм, Номинализм, Иоан Росцелин, Иоанн Дунс Скот, Рожер Бекон фалсафий карашлари.***

Урта асир Гарбий Европа схоластик фалсафасининг йирик вакили италиялик файласуф ва ислохиетчи ***Фома Аквинский*** (1225-1274) эди. У расмий католик дини мафкурасини атрофлича ишлаб

чиккан мутафак-кирдир. Фома Аквинский АристотелЪ фалсафаси оркали христиан дини акидаларини фалсафий назарий жихатдан асослашга харакат килди. У шаклни бирламчи, моддий предметларни эса унинг ижодий махсули деб хисоблади. Фома Аквинский ана шу гоядан келиб чикиб, дунёда турли шакллар бор, жон хам ана шу шакллардан биридир, жон бирламчи улмас шакл булиб тана жондан ажралиши биланок халок булади, деган гояни илгари сурди. Мутафаккирнинг фикрича, фалсафа ва диннинг максади худонинг мавжудлигини исботлашдир.

Фома Аквинский ижтимоий тенгсизликни худонинг иродаси билан боглади. Христиан дини бошлиги папанинг хукукини худонинг хукуки билан тенглаштирди.

У космология сохасида хам маҳлум карашларини илгари сурди. Бу карашларда Аристотелъ ва Птолемейнинг геоцентрик назариясини таргиб этди. Унинг фикрича, олам маконда чекланган ва замонда уз нихоясига эга булиб, факат илохий куч билангина харакат кила олиши ва мавжуд булиши мумкин. Табиатдаги предмет ва ходисаларни факат сезгилар воситасида билиш мумкин. Бирок оламнинг мохиятини, яҳни худони билишдан кура уни севиш мухимрокдир. Бу билдан Фома Аквинский черковни назарий жихатдан мустахкамлашга харакат килди. Шунинг учун хам XIX асрнинг 70-йилларига келиб, Фома Аквинскийнинг фалсафий назарияси, яҳни томизм католик черковининг расмий фалсафаси сифатида кабул килинди.

<u>Урта асрларда диний мафкура хукмрон мавкени эгаллади. Бу давр фалсафаси реалистлар ва номиналистларнинг турлича назариялари уртасидаги гоявий кураш асосида ривожланди.</u>

***Реализм*** тарафдорлари умумий "универсалия" лар реал нарсадан олдин ва улардан ташкарида яшайдилар, деб хисоблаганлар. ***Номина-листлар*** эса, аксинча, айрим буюмларни борлигини эҳтироф этиб, "универсалия" ларни инкор килдилар. Улар умумий гоялар факат инсон фикридагина мавжуд булади ва умумий тушунчалар сифатида яшайди, деб таҳлим берганлар. Демак, бу давр фалсафасининг диккат марказида умумий тушунчанинг мохяти масаласи турган.

Реализмнинг йирик вакиллари: Фома Аквинский ва АнселЪм Кон-терберийский (1033-1109) дир. Реалистларнинг фикрича, умумий тушунчалар обҳектив мавжуд булиб, мустакил мохият сифатида табиатдаги айрим предметларга ва кишиларга нисбатан

бирламчидир. Моддий оламнинг айрим ва якка предметлари эса иккиламчидир. Фома Аквинский номиналистларга эхтироз билдириб, умумий тушунча (худо)ни бирламчи, табиатдаги предметларни эса иккиламчи, деб изохлади. Фома Аквинский уз фалсафий карашлари билан номиналистларни реалистлар билан келнштиришга, урта аср схоластик фалсафаси ва илохиётшунослигини мустахкамлашга харакат килди.

Номиналистларнинг йирик вакиллари сифатида ИОАН РОС-ЦЕЛИН(1050-1112), ИОАНН ДУНС СКОТ (1265-1308)ни курсатиш мумкин. Уларнинг тахлим беришича, табиатдаги алохида предметлар, уларнинг хусусиятлари реал ва бирламчидир, умумий тушунчалар эса иккиламчидир.

Шундай килиб, бутун урта аср фалсафасидаги универсалияларнинг мохияти тугрисидаги бахслар логика ва гносеологиянинг бундан кейинги ривожига, айникса, янги замон файласуфларининг карашларига кучли тахсир курсатди. Номинализм элементлари Спиноза асарларида хам учрайди. Номинализм тарафдорларидан бири булган инглиз олими РОЖЕР БЕКОН (1214-1294) даставвал дин арбобларини, князларни, кейинчалик эса папанинг ахлоксизликка берилиб кетганлиги учун аёвсиз танкид килди. У фалсафани айрим фанларнинг тадкикот натижаларини якунлайдиган умумий назарий фан, деб хисоблади. Бекон табиий билим-лар: математика, физика, астрономия билан муваффакиятли шугулланди ва келажакда фанда жуда куп кашфиётлар килинишига астойдил умид боглади.

Кулдорлик ишлаб чикариш усулидан феодализмга утилиши билан жамиятнинг ижтимоий, иктисодий, сиёсий, мафкуравий ва махнавий хаёти тулик феодалларнинг кулига утади. Кадимги цивилизация, кадимги фалсафа, сиёсат ва юриспруденция (хукукшунослик) ер билан яксон килинади. Махнавий билим ихтиери поплар кулига утади.. Диний расм-русмлар ва кондалар хар кандай тафаккурнинг бошлангич нуктаси ва асоси булиб колади.

Христиан догмаларининг асосларини ифодаловчи - "патристика", унинг йирик вакиллари Тер Тулиан (150-222), Августин (354-430) ва христиан фалсафаси шаклланиб, Гарб мактабларининг мажбурий дарслигига айланган схоластика (юнонча Shola - мактаб) бир неча йиллар давомида хукмрон мафкура булиб колган эди.

Табиатни урганиш, хур фикрлаш гунох хисобланиб, инквизиция (черков суди) буйруги билан жазога тортилади, кувгин килинади.

*3.Уйгониш даврида табиий - илмий ва фалсафий карашлар ривожи.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Н. Кузенский, Макиавелли, Т. Моор, Николай Коперник, Иоган Кеплер, Галилиео Галилей,***

Уйгониш даврининг йирик вакилларидан Николай Кузанскийнинг фикрича, худо энг олий ва мутлок борлик булиб, табиатни ва инсонни яратган. Айни вактда табиат бир канча хусусиятларга кура, энг аввало макондаги чексизлиги ва вактдаги абадийлиги билан худога ухшашдир. Унинг "Барча нарсалар худода булгани каби худо барча нарсалардадир", деган ибораси оркали Худо табиий олам нарсаларида номоён булиш ва нарса кайтадан худода жамланиши тугрисидаги гояни илгари суради.

***Н. Кузенский*** уз карашларида гуманистик фалсафанинг асосий муаммоси хисобланган инсон масаласига хам катта эҳтибор беради. Машхур сиесатчи Николло Макиавеллини (1469-1527 й.) уйгониш даврининг биринчи социологи дейиш мумкин. У эгоизм, моддий ман- фаатдорлик инсон фаолиятининг асосидир, деган гояни илгари суради. "Одамлар, - деб езади у, - ота-онасининг улимини йукотган ол-мулкига нисбатан тезрок унутадилар".

***М а к и а в е л л и*** давлат мавжудлигини дин(черков)га боглаб тушунтирган урта аср фалсафий фикридан фаркли уларок давлат хукукий тартибот органлар оркали конунлар асосида бошкарилиши кераклигини айтади.

Макиавелли "Подшох" деб номланган асарида давлатнинг куч-кудратини конун ташкил этиши лозимлигини, бунга эришиш учун турли йуллардан фойдаланиш мумкинлигини баён килади. "Кудратли давлат тузмокчи булган хукмдор бир канча, жумладан, шер ва тулки хусуси-ятларига эга булиши керак", - деб езади у. Халк манфаатларини ифодалайдиган жамият кандай булиши керак? Инглиз гуманисти ва давлат арбоби Томас Моор (1478-1535) узининг Утопия" асарида бу саволга жавоб беришга харакат килади. У халкнинг азоб-укубатда яшетганлигини чукур кайгу билан езар экан, бунинг асосий сабабини хусусий сабабини хусусий мулкдан кидиради. Хусусий мулкни кишилик жамиятнинг асоси, деб билган Макиавеллидан фаркли уларок Т.Моор уни ижтимоий зулмнинг бош сабаби деб курсатади. "Утопия"да тасвирланган

жамиятнинг характерли белгиси унда хусусий мулкнинг йуклиги, мускул кучига асосланган оддий жисмоний мехнатдир.

*Т. Моор* гоялари италиялик файласуф ва социолог Томаззо Компа-нелло (1568-1639) томонидан ривожлантирилди. Компанелло италиялик-ларни Испания зулмига карши курашига бошчилик килади, бирок соткинлик натижасида бу кураш маглубиятга учрайди. Компанелло эса 27 йил камокда етади. У шу ерда 1602 йилда машхур "Куёш шахри" асарини езади. Бунда у одамлар жамоа булиб яшашиши кераклигини, жамоа манфаати уни ташкил этган ахзолари манфаатидан юкори туриши лозимлигини баён килади. "Куёш шахри"да тасвирланган жамиятда хам "Утопия" даги сингари хусусий мулк булмайди, аммо мехнат бу ерда такомиллашган: кул мехнати урнини техника эгаллаган: мехнат маж- буриятдан эхтиежга айланган.

Махнавий хаётда бу давр табиатни урганишнинг кучайиши, черков, дин тахсирига карши курашнинг авж олиши, фалсафа ва бошка гуманитар фанларнинг равнаки билан тавсифланади. Бу даврни одатда Ренесанс - Уйгониш даври деб атайдилар. Уйгониш давридан бошлаб фан гоят тез сурхатлар билан ривожлана бошлади.

Поляк астрономи *Николай Коперник* (1473-1543 йиллар) оламнинг гелиоцентрик системасини яратди. Бу назарияда айтилишича, одамнинг маркази Куёш булиб, унинг атрофида бошка сайёралар билан бир катор Ер хам айланиб туради. Унинг бу тахлимотига Птолемейнинг геоцентрик системаси билан алоканинг узилишини билдирарди. Бу назария, шунингдек, алоканинг узилишини билдирарди. Бу назария, шунингдек, оламни худо яратганлиги хакидаги диний афсонага хам зарба берди. Коперникнинг гелиоцентрик назарияси материалистик дунёкараши умумий ривожининг табиий илмий замини булди.

Немис астрономи *Иоган Кеплер* (1571-1630) гелиоцентризм назариясидан келиб чикиб, сайёралар холатини кузатиш асосида сайёралар харакатининг уч конунини кашф килди. Бу Коперникнинг Куёш системаси тузилиши манзарасининг аниклаштиришга ва бутун оламнинг тортилиш конунини очишга имкон беради. Шунинг билан бир каторда Кеплернинг кашфиетлари дунёга диний нуктаи-назардан карашга путур етказди. Лекин шуни хам эсдан чикармаслик керакки, Кеплернинг дунёкараши диний идеалистик тушунчалардан хам

холи эмасди. Италия олими ***Жордано Бруно*** (1548-1600 йиллар) хам "Уйгониш даври"нинг йирик вакилларидн булиб, схоластик фалсафага ва Рим Католик черковига карши кураш олиб борди. Бруно, Коперник кашфиетидан фойдаланиб, мазкур фалсафий коидаларнинг физик ва астрономик мазмунини аниклаштирди. У тупрок, хаво, сув, олов ва эфирдан иборат. Ер билан осмон оламнинг физикавий якка жинслигини тасдиклайди, деб уктиради.

Бруно тахлимотича, моддий олам бирламчи булиб, онг эса иккиламчидир: моддий олам мангу, у хеч кандай худо томонидан яратилган эмас: бордан йук, йукдан бор булмайди: у чексиздир: моддий олам чексиз турларда ифода этилади, лекин бу чексиз нарса ва ходисалар бир-бири билан узаро алокада, бирликдадир. Куёш системасидан ташкари яна саноксиз дунёлар, куёшлар, ерлар мавжуд, дунё - бепоен, моддий олам унинг кичик бир кисмидир, ер са бепоен оламнинг заррачасидир.

Брунонинг тахлимоти, унинг хатти-харакатлари черков томонидан каттик танкид остига олиниб, черков судининг хукми билан 1600 йил 17 февралида Римдаги Гуллар майдонида гулханда ендирилган. Италян олими ***Галилиео Галилей*** (1564-1642 йиллар) хам "Уйгониш даври"нинг буюк олимларидан биридир. У оламдаги барча нарса ва ходисалар моддий асосга эга, олам бенихоя, материя абадий, табиат ягона булиб, механика конунларига буйсунади, деб тушинган.

Галилей Кадимги Юнон мутафаккири Демокритни устоз деб тан олиб, оламдаги нарса ва ходисаларнинг моддий асосини атом ташкил килади деган гояни куллаб-кувватлаган.

Галилей инсон уз онгида табиат конуниятларини билишга кодир, кузатиш, тажриба табиатни билишнинг бошлангич нуктасидир, ходиса-ларнинг ички мохиятини билиш эса билишнинг олий боскичидир, билиш жараёни эса хиссий ва аклий билимдан иборат, деб хисоблайди.

Илмий тажрибага асосланган математик усулнинг асосчиларидан бири булган Галилей механика ва астрономия сохасида мухум дунёкараш ахамиятига эга булган бир неча илмий кашфиетлар килган. Унинг кашфиетлари гелиоцентрик назариянинг тугрилигини, оламнинг чексизлик гоясини, ер ва инсон жисмларининг моддий жихатдан бир-бирига ухшашлигини, табиатнинг мавжуд конунлари ва уларни билиш мумкинлигини исботлаб берган. Галилей 1632 йили "Олам тузилишининг икки асоси -

Птоломей ва Коперник системаси хакида диалог " номли асарини нашр килади. Унинг асари нашрдан чиккандан кейин Галилей черков судига берилган. Инквизициянинг сикуви остида Галилей мажбурий равишда уз гояларидан кечганлиги хакида суз берган.

XVII-XVIII - асрларда Гарбий Европада , асосан феодализм тузумининг кириб келиш даври булди. Бу даврда табиатни илмий билиш процесси тез усди. Савдо муносабатларининг ривожланиши денгизда кемасозликнинг тараккиётига янги шахарларнинг пайдо булиши бир катор фанларнинг эхтиежини хусусан астрономия, математика ва механика сингари фанларнинг эхтиежини кучайтирди. Н. Коперникнинг гелиоцентрик назариясининг таҳсири тобора кучайди, Кеплер планеталарнинг харакат конунини очди, Галилейнинг механика назарияси вужудга келди. НЪютон механиканинг асосий конунларини очди. Таббиёт фанларидаги бу каби илмий ютуклар янги дунёкарашни вужудга келтирди.

*Янги даврда француз маҳрифатпарварларининг фалсафий карашлари. Инглиз субҳектив идеализми.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***ВолЪтер, Жан Жак Руссо, Дидро,Ламетри, Гелвеций, ГолЪбах, Френсис Бекон, Томас Гоббс, Рене Декарт, Б.Спиноза, Дж. Беркли, Р. Авенариусларнинг табиий илмий ва фалсафий карашлари.***

XVII- асрнинг иккинчи ярмига келиб Гарбий Европада хусусан Францияда бу янги илмий дунёкараш шундай эди-ки, у асосан фалсафа ва буржуа сиёсий карашлари уртасида уз аксини топди. Бу кураш 1789-1794 йиллардаги буржуа инкилобида яккол куринди. Инкилобни тайерлашда француз файласуф ва махрифатпарварлари Волътер, Жан Жак Руссо, Дидро,Ламетри, Гелвеций, Голъбах ва бошкалар айникса, мухим ролЪ уйнадилар. Улар дин ва схоластикага асосланган фалсафага хамда Франциядаги социал сиёсий тартибларга карши кескин курашдилар.

***XVIII-аср француз материалистик фалсафаси*** узига хос хусусиятларга эга. Чунки унинг вужудга келишида утмиши-гоявий маданий меросининг ижобий таҳсири катта эди. Айникса, Декарт, Спиноза, Бекон, Гоббс, ва Локнинг фалсафий карашлари таҳсири катта булди ва XVII асрга нисбатан мустахкамрок табиий илмий таянчга эга эди. Бу даврда механика, математика, астрономия каби фанлар каторига медицина, физиология, биология сингари фанлар кушилди. Бу эса француз файласуфларининг материя ва харакат тугрисидаги тасаввурларнинг кенгайишига

ёрдам берди. Француз файласуфлари инглизлар таҳлимотидаги бирекламаликни бартараф этдилар. Шу сабаб, улар яшаган даврда табиат фанлари, хусусан, физика, химия, биология сингари фанлар хали шаклланмаган эди. Француз файласуфлари биологик ва ижтимоий ходисаларни механика конунлари асосида исботлашга ва тушунтиришга харакат килдилар. Материянинг булинмас ва узгармас атомлардан иборат эканлигини эҳтироф этиб, унинг факат физикавий таҳрифини бердилар. Уларнинг фикрича, инсоннинг сезги аҳзоларига таҳсир килувчи барча нарсалар материядир. *Голбах* таҳлимотича материя жисмларнинг турлича кушилувчидан иборатдир. Материя абадий, у бордан йук булмайди ва йукдан бор булмайди. Материя табиатдан ташкаридаги кучга мухтож эмас, у бепоендир. Материянинг тухтовсиз харакатини предметлар ва уларнинг хоссаларини узгартириб туради. Француз материалистларининг фикрича, табиатнинг асосий мохияти амал килиш, таҳсир этиш ва харакатдир. Улар гоялар хакида фикр юритиб "тугма гоялар"нинг булишини рад этадилар. Уларнинг таҳлим беришича, оддий гоялар сезгиларимизнинг махсулидир. ГолЪбах: "Хар кандай гоялар сезги ва хиссий кабул килишнинг манбаи булган предмет образидир" - деб езди.

Француз файласуфлари динни хар томонлама танкид килдилар. Диннинг пайдо булиши кишиларнинг табиат кучлари олдидаги ожизлиги, илмсизлиги ва нодонлиги деб хисоблайдилар. Голъбах узининг "Табиат системаси" асарида динни кескин танкид остига олиб, худо одамни эмас, балки одам худони яратган деб езди. Унинг фикрича дин кишилар онгини заифлаштиради, ижодий кобилиятини сусайтиради ва хурофат кулига айлантиради.

Ламетри узининг “Киши - машина ” номли асарида, инсон махорат илан ясалган механизмдир, унинг организмини механикага таяниб рганиш керак, деган гояни илгари сурган эди. Гелвеций эса узининг фалсафий карашларида ахлок ва ижтимоий - сиёсий масалаларга купрок эҳтиборни каратади. У - киши фазилатлари мухим ва тарбия махсулидир, деган гояни илгари сурди.

Француз маҳрифатпарварлари сезгилар билиш манбаи эканлигини, билиш обҳектив борликнинг киши онгида акс этиши эканлиги асослаш билан тафаккурнинг билишдаги роли ва ахамияти хам кайд этдилар.

Янги илмий дунёкараш XVI - XVIII асрларда Франция билан бир каторда Англияда хам тез уса бошлади. Бу даврда Франция, Нидерландия, Испания сингари Англия хам тез тараккий этди, фан даврга мос равишда рирожланиб борди. Фаннинг рифожланиши ва ишлаб чикаришнинг усиши материалистик фалсафанинг тараккиётига токазо этди.

Худди мана шундай бир даврда янги давр материализмининг асосчиси - ***Френсис Бекон***нинг философик ва илмий ижодий фаолияти кенг ривожланди. Унинг асосий философик ишлари "Янги органондир". У схалостикага карши хужум бошлади ва Платон ва Пифагор идеализмига карши курашди. Бекон тахлимотича, фаласафанинг асосий предмети - материя ва унинг тизимини урганишдир. Унингча, олам моддий: материя, табиат - бирламчи, онгимиз эса иккиламчидир. Материя бошлангич кучга ва конунга эга, у барча предмет ва ходисаларнинг асоси ва бош сабабидир. Материянинг микдори доимийдир, у камаймайди ва купаймайди, хеч нарса йукдан бор ва бордан йук булмайди. Бекон тахлимотига кура, материя бузилмас шаклларга эга, шакл эса материянинг сифат аниклигидир, моддий шакллар зичлик, сийраклик, совуклик, огирлик, иссиклик каби турлича харакатланувчи оддий сифатларнинг моддий ифодасидир. Бекон бу ерда, материя - турли сифатларга эга демокчи. Унингча, материя доим харакатда, харакат эса материянинг ички, тугма хусусияти, материянинг интилиши, кийналишидир. Бекон материянинг сифати турличалигини, харакат материянинг обхектив, ички хусусияти эканини диалектик асосда тушунсада, бирок, у асос-эхтибори билан метафизик эди. У моддий оламдаги тараккиётни инкор этди, харакатнинг формаларини ун туккизга булди, унингча бу формалар узгармас булиб, хар доим бир доирада кайта-кайта такрорланади. Шунинг учун хам унинг гоялари метафизик характерга эга эди.

У табиат мохиятини, конунларини билиш мумкинлигини инкор этувчи Платон гояларини каттик танкид остига олди. Бекон биринчи булиб "билиш - кучдир" деган гояни, инкорни уртага ташлади. Унингча, табиатни билиш манбаи - тажрибадир, Чунки, сезги оркали табиат тугрисида йигилган далилларни тажриба оркали текшириш, аниклаш, камчиликларни тулдириш зарур. Табиат тугрисидаги билимлар сезгиларга караганда тажрибада тулароkдир.

Беконнинг мана шундай гояларини системалаштирилган йирик философлардан бир *Томас Гоббс*дир. Гоббс - философ, мантикшунос, математик, эстетик, давлат ва хукук назариячиси эди. Унинг асосий фалсафий асарларидан - "Жисм тугрисида", "Инсон тугрисида", "Граждан тугрисида ", "Левиафан " ва бошкалардир. У схоластикага узил - кесил зарба берди. Унинг тахкидлашича, олам - материядан, жисмлар йигиндисидан иборат: оламда жисмоний сабабдан бошка нарса йук; оламдаги хамма нарса ва ходисалар - борликнинг турли формадаги ифодасидир. Унинг тахлимотича, олам - моддий, борлик эса мангудир, лекин айрим жисмлар эса - вактинчадир, чунки улар вужудга келади ва йуколади. У - оламни - бирламчи, онг, тафаккур эса иккиламчи деб, тафаккурни фикрловчи материядан ажратиш мумкин эмаслигини тахкидлади ва мана шу ерда у Бекон гояларини ситемалаштирган эди. Материя ва унинг заррачалари хажм, шакл ва механик харакат каби хусусиятларга эга булиб, улар узунлик, тенглик ва буйга эгадир. Демак, бор булиш-микдорга, шаклга, хажмга эга булишдан иборат.Булардан маЪлумки, у материяни факат математик маЪнода, яЪни микдор томондан тушуниб, нарса ва ходисаларнинг сифатий фаркини инкор этади. Хид, маза, ранг каби сифатларнинг эса обЪектив характерини рад этади. Борлик, Гоббс фикрича, доим харакатда. Унингча, харакат борлик ёки нарсаларнинг узаро урин алмашинувидан иборатдир. Жисм харакатининг сабаби унинг узида эмас, балки бошка жисмда, харакат килувчи жисмдан ташкаридадир.

Гоббс билиш жараёнларини хам чукур тахлил килди. Унингча, билиш сезгидан бошланиб аклда, тафаккурда давом этади ва якун топади.Бирок у сезгиларни механистик маЪнода тушунди. Унингча, сезги обЪектив реалликни субЪектив образи, нерв системасининг хизмати эмас, балки ташки моддий заррачаларнинг организмдаги харакатидан иборатдир. У дин тугрисида гапириб, худо ва хеч кандай гайритабиий куч йук, дин ва фан бир-бирига зид эканлигини таЪкидлади. Бирок, у бу масалада хам изчил эмас эди, унингча, дин давлат учун оммага карши курашда фойдали булиши мумкин.

XVII-асрнинг энг йирик мутафаккирларидан яна бири франциялик *Рене Декарт* (1596-1650) эди. Унинг асосий фалсафий асарлари-"Философиянинг боши"," Метод хакида мулохазалар", " Акл рахбарлиги учун коидалар" ва бошкалардир. Унинг фалсафий

карашлари дуамистик характерга эга. Унинг фикрича, оламнинг асосида иккита, бир-биридан мустакил, бирламчи сабаблар, моддий субстанция, “фикрловчи субстанция” ёки худо ётади. Унингча, олам-материядан иборат, материя эса мангу ва чексиздир. Бу ерда Декарт оламнинг охири бор деб даЪво килувчи схоластикага каттик зарба берди. Грекларнинг атом булинмас-деган фикрини нотугри, материя корпускулалардан иборат, корпускулалар (моддий заррачалар) сунгсиз булина беради-деб узгартирди. Унинг таЪлимотича, материянинг мохияти унинг хажмида, моддий заррачалар доим харакатда, харакат эса предметларнинг урин алмашинувидан иборатдир. Материя ва харакат доимий , улар йуколмайди.

Декарт механик харакатни осмон жисмлари ва ходисаларига хам биринчи булиб тадбик этди. Дунёвий материя аввал бир холатда булиб, доим айланма харакатда эди. Харакат жараёнида материя уч элементга булинди: ер элементи (йирик), хаво элементи (думалок), олов элементи (юпка, нозик). Айланма харакат жараёнида материя марказидан энг каттик ва зич элементлар четга чикариб ташланди ва кейинчалик улардан планеталар вужудга келди. Харакатланувчи материянинг марказида колган енгил элементлардан кейинрок Куёш ва юлдузлар ташкил топди. Шу равишда олам аста - секин хозирги холатга келди. Декартнинг бу мухим мулохазаси - хар кандай микдор- узгарувчан, деган яна бир диалектик хулосага олиб келди. Бирок, харакатни механистик тушуниш Декартни харакат сабаби материядан ташкарида, худога боглик, деган хулосага олиб келди.

Декарт сезги ахзоларимизга ва уларнинг фаолиятига ишонмади. Унингча, куз, кулок, тил, бадан ва бурун ташки дунё тугрисида нотугри хабар беради. Шунинг учун, Декарт тахлимотича, билишнинг манбаи хам, билимларимизнинг хакикатлик улчови хам - тафаккур, аклдир. Декарт тахлимотича, мадомики хамма сезгиларимиз шубхали экан, демак, менинг шубхаланишимгина шубхасиздир. Ва бундан у “Мен фикрлаяпман - демак мавжудман” - деган машхур иборасини вужудга келтирди.

Декарт материализмини гоявий жихатдан янада ривожлантирган илгор мутафаккир ***Б.Спиноза*** (1632-1672) дир. Спиноза голландиялик буюк олим ва XVII - аср фалсафасининг таникли вакили хисобланади. У бадавлат яхудий оиласида дунёга келди, ёшлигидан “Таврот” билан шугулланди, сунг Декарт фалсафаси

билан танишгандан сунг Христиан дини билан бутунлай алокасини узди. Бунинг окибати уларок яхудийлар уни уз динлари ва жамоасидан четлатдилар.

Спинозанинг асосий асарлари - “Этика ”, “Декарт фалсафаси принциплари”, “Илохий-сиёсий трактат” ва бошкалардир. Унинг фалсафий системаси марказида “моддий субстанция” тушунчаси ётади. Унинг фикрича,моддий субстанция хеч нарсага, хатто худога хам мухтож эмас. Спиноза Декарт карашларидаги дуализмни катъий рад этди ва дунёнинг асосида факат бир субстанция ётишини эЪтироф килди. Унинг фикрича, табиатда икки субстанциянинг булиши мумкин эмас, бир субстанция иккинчисининг сабаби була олмайди. Субстанция чексиз ва доимий булиб, унинг яратилиши хам, йукотилиши хам мумкин эмас. Субстанция узидан ташкарида мавжуд булган кандайдир ташки куч билан богланган эмас ва уз олдига максад хам куя олмайди, бу жихатдан табиатдан фарк килмайди, балки табиатнинг узидир. Спиноза узининг материалистик карашларини пантеизм билан никоблади. Унингча, субстанция- моддий оламнинг узидир. Бирок, субстанцияни у худо деб билади. Спинозанинг худоси эса мохияти буйича табиатнинг узидир.

Спиноза оламни билиш мумкинлигига асло шубхаланмади. унинг фикрича билиш жараёни уч боскичдан иборат булиб, у моддий дунё тахсирида вужудга келган сезги ва хисларимизга асосланувчи тасаввур-ларимиздир. Хакикий билишнинг асоси аклдир. Спиноза узининг рацио-налистик назариясига геометрик методга таянади ва амалиётдан узок-лашган акл оркалигина умумий хакикатга эришиш мумкин деган хулосага келди.

Декарт рационализмига зид равишда сенсуализм (лот. “сезги”, “хис”) ни асослашга харакат килган файласуф *Жонн Локк*дир. Жонн Локк (1632-1703й) XVII аср Англия фаласафасининг йирик номоёндаси булиб, у схоластикага карши курашда мухим ролЪ уйнади. Узининг фалсафага доир “Киши акли тугрисида тажриба” асарида билиш назариясини биринси уринга куйди. Жонн Локк тугма гоялар хакидаги назарияни танкид килди. Худо гояси ноаник ва чалкаш, деб хисоблади. Унинг тахкидлашича, кишилар билими ва турли туман гояларнинг манбаи хиссий тажрибадир. Барча билим ва гояларимиз тажриба ва сезгиларимизни келиб чикканидир. Кишилар тайёр тугма гояларга эга булмайдилар ва эга булиши хам мумкин эмас. Унинг тахлимотича, турли шароитда

яшовчи кишиларда нарса ва ходисалар, яхши ва ёмон тугрисидаги тушунчалар, билимлар хам турлича булади, чунки бу билимлар - турли шароитда ташки дунёда олинган, бор нарсаларнинг образидир, - Локк сенсуализмининг мохияти хам айнан, мана шундадир.

Унинг тахкидлашича моддий оламни билиш ташки дунё нарса ва ходисалари сеги ахзоларимизга тахсир этиб, сезги ва хислар вужудга келтириши билан бошланади. Билиш процессининг биринчиси - хиссий билиш боскичи ташки дунё тугрисида оддий гоялар (сезги) беради. Тафаккур эса, бу тартибсиз гояларни системалаштиради, яхни бир-бири билан кушиб, моддий дунё нарса ва ходисалари тугрисида туларок тушунча хосил килади.

Бизни ураб олган табиий мухит - сезгиларимизнинг манбаидир. Сезги ва тушунчаларимиз - ташки моддий дунёнинг сезги ахзоларимиз оркали инхикосидан иборатдир. Психиканинг хамма бойлиги бир оз узгартирилган сезгилардан иборат.

Жонн Локк оламнинг моддийлиги, материя бирламчи ва онг иккиламчилигини тахкидлаш билан бирга, материя сифат жихатидан турли туман эканини инкор этди. Унинг фикрича материя хажм, шакл ва харакат ёки тинчлик каби хусусиятларга эга булиб, бу хусусиятлар бирламчи сифатлардир ва обхектив характерга эга. Унингча, ранг, маза, хид ва товуш каби сифатлар иккиламчи сифатлар булиб, улар киши сезги ахзоларига хос субхектив сифатлардан иборатдир. Жонн Локк иккиламчи сифатларнинг обхектив характерини инкор этиб, субхектив диалестик хулосага келди.

XVII - аср инглиз фалсафасининг ривожланиши капитализм карор топиши билан узвий боглик. Бу даврда капитализмни ривожланиши, буржуазиянинг иктисодий ва сиёсий жихатдан кучайиб бориши XVII асрнинг охирларига келиб мафкура сохасида хам кескин бурилиш ясади. Буржуазиянинг материализм ва идеализмга карши кескин кураш бошлаб, динга мурожаат кила бошлади. Ва бу даврда - янги шароитда Англияда субхектив идеализм ривожланди.

Бу давр субхектив идеалистик фалсафасининг йирик номоёндалари *Жорж Беркли* (1684-1753й) ва *Давид Юм* (1711-1775й) эдилар.

Беркли уз олдига идеализм билан динни хар томонлама куллаб-кувватлашни максад килиб куйди. Шу максадда аввало, материя

тушунчасини танкид килди, обҳектив реалликни инкор килди. Унингча, материя мавҳум тушунча булиб, уни хеч ким курган эмас,чунки материя тугрисида хеч кандай сезгилар йигиндиси (комплекс) ни хосил килиш мумкин эмас.

Беркли оламнинг борлигини "Мен" билан боглади. Оламни "Мен" ва сезгилардан бошка хеч нарса йук, оламдаги нарсалар сезгилар йигиндисидан иборатдир. У "Мен" бор - олам бор, "Мен" йук - олам йук! деган хулосага келди.

Билиш - дейди Беркли, бу - куриш, эшитиш, таҳм билиш кабилардир. Биз билишда сезгиларимиздан ташкарига чика олмаймиз. Демак, нарсаларни сезсак - бор, сезмасак - йук. Мана шу нарсага асосланиб, Беркли инсон сезгиларидан ташкаридаги обҳектив реалликнинг мавжуд-лигини инкор этди. Унинг субҳектив идеалистик фалсафани асослашга багишланган асарлари "Киши билишининг принциплари тугрисида трактат" (1710), "Уч сухбат" (1713) ва бошкалардир.

Давид Юм карашлари Беркли идеализмидан фарк килса хам, мазмунан унга анча якиндир . УобЪектив оламнинг мавжудлигини рад этмади, "обЪектив олам мавжудми?" - деган саволга; "билмайман "- деб жавоб берди. Унингча, обЪектив реаллик мавжуд деган ишонч кучли булсада , буни хозирча на фан , на амалиёт исбот кила олди. Табиат биздан сир саклайди- дейди у , фикрини давом эттириб - шунинг учун хам уни била олмаймиз. Бизнинг билиш обЪектимиз обЪектив реаллик эмас, балки субЪектив сезгиларимиз холос. Юм обЪектив реаллик борлигига шубха билан каровчи скептизм асосчиларидан бири эди. У инсон билимларининг обЪектив реалликка мос келишига шубха билан каради ва нарса ва ходисалар уртасидаги сабсбий богланишларни билиш мумкинлигини инкор этди. Унинг фикрича , кишилар нарса ва ходисаларнинг такрорланиши туфайли бир ходисанинг иккинчисини сабаби сифатида куришга одатланганлар. Шунинг учун хам кишилар ходисалар уртасидаги хакикий сабабий богланишни очишга ожиздирлар. Ва у обЪектив сабабиятни инкор этгани холда субЪектив мавжудлигини этироф этди. Сабаб ва окибат категорияларига сезгиларнинг хусусияти сифатида каради.

XVII аср охири ва XVIII аср бошларида Россияда схоластика ва динга карама - карши уларок *рус материализми* юзага келди. Бунинг асосчилари *М. В. Ломоносов* ва унинг давомчиси *А. Н. Радишчев* эди. Бу даврда Россия Гарбий Европадаги бошка

мамлакатларга нисбатан анча колок мамлакат эди. Россия майда феодал князликларга булинган булиб, уни узок асрлар давомида немис, швед, татар, мугул, турк ва бошка боскинчилар талон тарож килиб келдилар. Россия узининг жуда кенг ва бой майдонларига, куп сонли ахолисига эга булсада, лекин денгиз йулига эга эмас ва бунинг окибатида бошка мамлакатлар билан зарур иктисодий алокалари йук хисоби эди. Бундан ташкари мамлакат ичкарисидаги зулм ва экспулатация окибатида синфий зиддиятлар хам кескинлашиб бораётган эди. Бу каби зиддиятлар идеология сохасида хам уз аксини топган эди. М. В. Ломоносовнинг фаолияти мана шу даврда, аникроги XVIII - асрнинг 40 - йилларида бошланди.

М.В. Ломоносов (1711-1765й) АрхангелЪск губерниясининг Холмогор уездида урта хол дехкон оиласида тугилди. У 1730 йилда Москвадаги Славян-грек-лотин академиясида, сунг хорижий мамлакатларда тахлим олиб 1741 йили Россияга кайтиб келди ва Фанлар акдемиясида уз фаолиятини бошлади. У Россиянинг энг буюк ва истедодли комусчи олими эди. Фалсафа сохасида эса у материалист эди. У идеализмни кескин рад этди. Фалсафанинг асосий масаласини хал этишда материализмнинг бирламчи ва онгнинг эса иккиламчилигини тахкидлади. Табиатдаги барча нарсалар материядан ташкил топган, уларнинг мохияти хам материядир - деб курсатади у. Материя - табиатдаги нарсаларни барпо этувчи моддий асос ва мохиятдан иборат, нарсаларда юз берувчи ходисаларнинг сабаби - уларнинг моддий табиатидир. Моддий жисмлар, унингча, материя ва шакл бирлигидан иборат булиб, уларнинг шакли материяга богликдир. Шаклни мазмунга нисбатан бирламчи деб дахво килувчи идеалистик фикрларни рад этиб, у, шакл - мазмуннинг ифодаси деб тахкидлади. М. В. Ломоносов оламнинг моддий бирлигини тахкидлаб, материя, хажм, шакл, утказмаслик, сустлик ва механик харакат каби обхектив хусусиятларга эга деб курсатди. У биринчи булиб материянинг атом - молекуляр тузилиши тугрисида тажрибага асосланган табиий - илмий фаразни майдонга ташлади. М. В. Ломоносов, олам - муттасил харакат асосига курилгандир - деб уктиради. У табиатдан ташкари биринчи туртки тугрисидаги назариларни рад этиб, "бирламчи харакатнинг боши булиши сира мумкин эмас, лекин мангу давом этиши лозим" - деб курсатади. Табиатдаги хар кандай узгаришларнинг манбаи - харакатланувчи материядир.

Шунинг учун хар кандай узгариш факат харакат оркали вужудга келади.

Унингча, харакат икки хил булади:

1) Умумий харакат. Бу - бутун жисмнинг урин алмаштириш харакати-дир.

2) Ички харакат. Бу - жисмнинг ичида уни ташкил этувчи заррачалар харакатидир

Унинг билиш назарияси хам табиий - илмий карашлар, билан узвий богланган М. В. Ломоносов тахлнмотига, билиш обхекти, манбаи - обхектив реалликдир, сезгилар обхектив реалликнинг сезги аҳзоларимизга тахсири натижасидир, кишилар факат сезиш жараёнидагина фикрлайдилар. Билиш жараёнида тажриба мухим урин эгаллайди. Унингча, тажриба билишнинг асосидир. Нарса ва ходисаларнинг ички сабабини, хусусиятини билиш учун хиссий тажриба тафаккур бирлиги зарур - деб уктиради у.

Россияда М. В. Ломоносов тахлимотининг бевосита давомчиси А. Н. Радишчев хисобланади. У 1749 йил Саратов губерниясининг Кузнецк уездида бой помешчик оиласида тугилган. Бошлангич махлумот олиб, сунг Германияга укиш учун юборилади. Уша пайтда Германияда хукмрон булган метофизика ва Лейбниц - ВолЪф идеализми уни кизиктирмайди, XVIII аср француз материалистлари асарларини кунт билан урганади. Ва сунгра М. В. Ломоносов, Кеплер, НЪтон ва бошка олимлар кашфиётларини урганиб уларнинг тахлимотлари изидан боради. унинг фалсафий дунёкараши “Петербургдан Москвага саёхат”, “Инсон, унинг улиши ва улмаслиги тугсида ”, “Ушаковнинг хаёти” ва бошка асарларида ифода этилган.

У “биринчи сабаб” тугрисидаги назарияларни рад этди. Унингча, олам моддий, материя эса - мангудир. Материя инсонгача бор булиб, у уни билувчи инсондан мустакил ва узига мавжуддир. У материянинг йуколиши тугрисидаги фикр курук хаёлдан иборатлигини тахкидлайди, нарсалар ва харакат (куч) микдори оламда хеч вакт купаймайди ва камаймайди.

А. Н. Радишчев тахлимотича, табиатда моддий жисмлардан бошка нарса йук ва булиши хам мумкин эмас, табиатдан ташкарида эса факт эмас, балки хаёлгина бор холос. Ва узининг жон тугрисидаги тахлимотида - жон тандан ажралда олмайди, акеинча, у билан бирга усади, улгаяди, мустахкамланади, карийди ва халок булади деб уктиради.

У узининг билиш назариясида куйидагиларни таҳкидлади. “Инсон нарсалар тугрисида хабардор булиш кучига эга. Демак, у билиш кучига эга”. Билишнинг манбаи - хиссий тажрибадир. Хиссий тажриба эса ташки моддий борликнинг киши сезги аҳзоларига таҳсири натижасида моддий дунёни хакикий билиш, Радишчев таҳлимотича киши онгида факат хиссий тажриба билан тафаккурнинг бирликдаги фаолияти асосида вужудга келади.

Ломоносов ва Радишчев табиат сохасида материалист, жамият сохасида эса идеалист эдилар. Уларнинг хизматлари дин ва схоластик фалсафага карши курашда, фан ривожида мухим ролЪ уйнади.

*Мавзуни такрорлаш учун саволлар:*

1. *Кадимги Юнонистон ва Римдаги илк фалсафий карашлар кандай булган?*
2. *Урта асрларда Гарбий Европада фалсафий фикрлар ривожига кандай хусусиятлар хос?*
3. *Уйгониш даврида табииётшунослик ривожи ва унинг фалсафий карашлар тараккиётига таҳсири кандай булган?*
4. *Француз маҳрифатпарварлари фалсафий фикрлар ривожига кандай хисса кушди?*
5. *Инглиз субҳектив идеалистларининг фалсафий карашлари мохияти нимадан иборат?*
6. *Рус материалист файласуфлари Ломоносов ва Радишчевларнинг фалсафий фикр тараккиётидаги хизматлари нимадан иборат?*

## *5-Маҳруза: Немис классик фалсафаси*

***Режа:***

1. *И. Кант - немис классик фалсафасининг асосчисидир.*
2. *ГегелЪ фалсафаси.*
3. *Л. Фейербахнинг фалсафий карашлари.*
4. *Маркс ва ЭнгелЪс фалсафаси ва унинг тарихий чекланганлиги.*

### *1. И. Кант - немис классик фалсафасининг асосчисидир.*

Таянч тушунча ва иборалар: *Кант фалсафаси, Кант субҳектив идеализми, Кант агностицизми.*

***Немис классик фалсафасипинг*** асосчиси *Иммануил Қант* (1724 -1804йй.) булиб, унинг карашларида идеалистик ва материалистик таълимотлар биргаликда учрайди. Қант фалсафасининг хусусияти шундаки, у материализмни идеализм билан келиштиришдан хамда бир-бирига карама-карши булган фалсафий окимларни бир ситемага бирга кушишдан иборатдир. Унинг фалсафасини икки даврга: танкидий фалсафагача булган (Х--асрининг 70 - йилларигача) ва танкидий фалсафага булиш мумкин. Қант уз фалсафасининг дастлабки даврларида табиатшунослигининг фалсафий масалалари билан шугулланди. У 1785 йилда энг йирик асари "Бутун умумий табиий тарих ва осмон назарияси "да Қуёш системаси коинотдаги бошлангич катта туманликни айланма харакат килиш натижасида келиб чиккан деб хисоблайди. Бу жараённинг сабаби "дастлабки туртки" эмас, балки узаро тортилиш ва итарилиш орасидаги зиддиятдир. Шу сабабли Қуёш ситемасидаги барча сайёралар, жумладан ер хам Қант таълимотига кура, узок давом этган табиий тарихий тараккиетининг махсулидир. Қантнинг бу хулосаси унинг табиат ходисаларини диалектик тарзда тушунганлигидан далолат беради. Лекин у илмий материалистик карашларини дин билан боглашни лозим топди. Унингча, табиат ходисаларининг маълум тартибга, муайян конуниятга буйсунишида Худонинг кароматн бор. 18 асрнинг 70 - йилларидан бошлаб Қант фаолиятининг иккинчи даври бошланди ва "Соф аклни танкид" (1781), "Пролегоменлар" (1783), "Мухокама кобилиятини танкид" (1790) каби асарларида узининг трансцендентал ёки танкидий идеализм тизимини асослайди. Бу асарларида у уз эътибрини инсоннинг билиш кобилятн ва имконият-ларини тахлил килишга каратиб, объектив реалликнинг мавжудлиги-ни эътироф этади ва уни "нарса узида" деб атайди. Лекин унингча "нарса узида"ни билиш мумкин эмас.

Қантнинг фикрича, "нарса предметлар бизнинг онгимиздан ташка- рида мавжуд, бирок улар нимадан иборат эканлигини биз билмаймиз ва хеч качон била олмаймиз хам ... Биз объктларни бизнинг сезгиларимизга кандай туюлса шундай

билишимиз мумкин, аммо аслида улар кандай, буни биз била олмаймиз".

Қант инсон билимини икки гурухга ажратади. 1. Тажриба асосида хосил буладиган билимлар(апостериор) 2. Тажрибагача ёки унга боглик булмаган билимлар (априори). Фазо? вакт, сабабият каби тушунчалар априор билимлар шакли булиб, булар тажриба натижасида хосил килинадиган билимлардан устун туради. Тажрибавий билмлар алохида-алохида олинган, бир-бири билан богланмаган ходисаларни ифодаласа, тажрибагача булган априор билимлар эса ходисалар уртасидаги умумий сабабий ва зарурий богланишларини, яъни конуниятларни ифодалайди.

Дуне конунларининг объектив хусусиятга эга эканлигини Қант мутлако тан олмайди. Унинг фикрига кура, кишиларнинг идроки та- биатга конунлар ато килади, шунинг учун инсон акли табиатга мослашиши керак эмас, балки табиат инсон аклига мослашиши лозим.

Қантнинг фалсафа тараккиетидаги хизматларидан бири шу булдики, у кейинчалик Гегель томонидан диалектикани яратишда асос булиб хизмат киладиган антиномияларни курсатиб утди.

Қантнинг тахлимотига кура, инсон акли табиатан антиномияли-дир, яни зиддиятларга иккиланувчидир. шунинг учун карама-карши фикрларни баб-баравар исботлаб бериш йули билан асослаб бериш мумкин. Масалан, олам хам нихоялидир ва хам чегаралари йукдир, булинмас заррачалар (атомлар) бор ва бундай зарралар йук ва х.к..

Унингча, бу зиддиятлар хар кандай холда факат зохирийдир.

Қант ахлок масалаларига хам катта эътибор берди. Унинг нуктаи назарича, жамиятдаги хар бир кишининг хулк атвори , иродаси объектив реалликдан тамомила ажралган ва узгармасдир. Ахлокнинг асоси кишилар онгидаги амр фармондир.

Қант мутлак буйрукни (катъий императив) этиканинг асосий конуни деб эълон килди. Бу буйрук унингча, хатти харакатнинг мазмунига мутлако боглик булмаган холда хулк-атворнинг ялпи умумий конуни була оладиган коидага амал килишини талаб этади.

Қант буржуа конун коидаларини мутлаклаштиради, уни хамма давр синф ва ижтимоий гурухлар учун умумий деб эълон килади.

Қант жамият хаётининг тарихий жараёнида антогонизмларнинг роли, абадий тинчликни баркарор килишда турли давлатлар учун узаро фойдали алокаларни ривожлантириш хакидаги таълимоти фалсафанинг кейинги ривожланишига ьоят катта таъсир курсатди.

**2.*ГегелЪ фалсафаси.***

**Таянч тушунча ва иборалар:** ***Ге ГегелЪ обҳектив идеализми, ГегелЪ диалектикаси, ГегелЪ идеалистик системаси, ГегелЪ фалсафасининг рационал магзи, ГегелЪ фалсафасида система ва метод уртасидаги зиддият.***

***ГегелЪГ*** **(1770-1831йиллар) фалсафаси 18 асрнинг охири 19 асрнинг бошларидаги немис идеализмининг чуккиси ва нихоясидир. Гегель тугрисида суз борганда унинг фалсафасидаги икки томонини диалектик усул ва метафизик консерватив системасини фарк килмок**

**зарур. агар диалектик усул узида "рационал магизни" - тараккиет тугрисидаги таълимотда гавдалантирган фалсафа шакли булса, унинг догматик идеалистик системаси эса консерватив тараккиетнинг тухтаб колишини талаб этади ва шунинг натижасида диалектик усулга тубдан зиддир.**

**ГегелЪ обҳектив идеализ нуктаи назарида туриб "олам акли", "олам рухи", "мутлак ьоя" билан ифодаланган кандайдир рухий ибтидоий табиат ва жамиятдаги барча ходисаларнинг асосидир, реал дунеда табиат ва жамиятдан илгари рухий ибтидо, "мутлак ьоя", Худо мавжуд булган деб хисоблайди.**

**ГегелЪ таҳлимоти буйича мутлак ьоя уз тараккиетида уч боскични : тезис, антитезис, синтезни босиб утади: 1) идеянинг уз багрида, "соф тафаккур стихиясида" ривожланиши. Бунда идея бир-бирига боглик булган ва бир-бирига утиб турадиган мантикий категориялар тизимида уз мазмунини очиб курсатади; 2) идеянинг "узга шакл" - куринишида, яхни табиат шаклида ривожланиши ; 3) идеянинг тафаккурда ва тарихда ривожланиши. Бу босичда мутлак ьоя яна уз-узига кайтади ва**

инсон онги ва фаолиятининг турли куринишларида уз мазмунини пайкаб олади. Тараккиетининг бу диалектик ьояси унинг "Логика фани" (1812-1816 йиллар) деган асарида аник ифодаланган. Логика ГегелЪ тизимида марказий урнини эгаллайди ва уч булимдан иборат: 1.Борлик тугрисидаги таҳлимот. 2. Мохият тугрисидаги таҳлимот. 3. Тушунча тугрисидаги таҳлимот. Мазкур таҳлимот тизимида ГегелЪ мутлак ьоянинг уз-узича ривожланиши ва шу билан бирга уз-узини билиши диалектикасини очиб беради.

Гегелнинг табиатдаги барча ходисалар "мутлак ьоянинг", "рух" нинг турли куришишларидан иборат деган фикри дунени Худо яратган деб хисобловчи диний таълимотнинг бошкача баен килиши эди.

Аммо Гегелнинг фалсафий тизимида ижобий томонлари, яҳни "рационал магзи" хам мавжуд эди. Бу унинг диалктиаси ва билиш назариясида уз аксини топган. Бу эса унинг "Логика фани" асарида баен

этилган. Бу асарида ГегелЪ диалектиканинг уч асосий конуни 1. Қарама-каршиликларнинг бирлиги ва кураши конуни. 2. Микдор узгаришларининг сифат узгаришларига утиши конуни. 3. Инкорни-инкор конуни мохиятини чукур ва атрофлича асослаб беради. Шунингдек, мазкур асарда фалсафанинг барча даражалари хам тавсифланиб берилган.

Билиш назариясига Гегелнинг кушган хиссаси шундан иборатки,

у логика (мантик) ва билиш назариясининг бирлигини асослаб бериш билан бир каторда диалектик мантикнинг биринчи кенгайти-рилган тизимини яратади.

Гегел Қантнинг "нарса узида" ва дуализм ьояларини каттик танкид килиб, билиш жараёнининг хусусиятлари, хакикатга эришиш диалектикаси каби масалаларини хар томонлама асослаб берди. У диалектика конуниятларини табиат ва ижтмоий фанларга татбик этиб фалсафанинг хамма сохаларида чукур из колдирди. ГегелЪ мантик хакидаги таҳлимотида мавжуд олам билан назарий ва амалий фаолиятнинг мухим конуниятлари алокадор эканлигини курсатиб берган эди.

3. *Л. Фейербахнинг фалсафий карашлари.*

**Таянч тушунча ва иборалар:** ***Фейербах материализми, Фейербахнинг дин тугрисидаги карашлари, Фейербах материализмининг антропологик характери.***

Немис классик фалсафасининг буюк вакили файласуф *Людвиг Фейербах* (1804-1872 йиллар) дир. Унинг тарихий хизмати фалсафа-ни узок давом этган идеализм боткогидан куткарганлиги, материализмни кайта тиклаганлигидир.

Фейербах фалсафа антропологик йуналиш тарафдори эди. Улар тахбирича инсон табитнинг бир кисми, унинг гултождир. Шунинг учун дунёдаги хамма нарса инсонга хизмат килиши лозим. Фалсафанинг мавзуси инсон ва унинг фаолитидир. Дин инсонга унинг вафотидан кейинги дуне хакида йул курсатса, фалсафа унга шу дунеда кандай яшаши кераклигини курсатади.

Фейербах курсатадики, табиат факат инсон оркали уз-узини най- кайди ва узи тугрисида фикрлайди. Тафаккурни борликдан, онгни материядан ажратиб куювчи идеалистларин у кескин танкид килиб, тафаккурнинг борликка муносабати масаласи энг аввало инсон масаласи эканлигини таъкидлайди, чунки англаш ва фикр килиш инсонининг хусусиятидир. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, Фейербах нуктаи назарича инсон аник бир шароитга ижтимоий, синфий муносабатларга боглик эмас, у соф "биологик" инсондир.

Фейербах тахлимотига кура, фазо ва вакт материянинг борлик шакллари атрибутидир,харакат эса материянинг мавжудлик усулидир. Лекин у материя харакатининг турли-тумаплигини кура олмайди ва шу сабабли материянинг харакати масаласида XVII-XVIII аср материалистлари тутган йулдан борди. Фейербах материя харакатининг сабаби ички карама-каршиликлар кураши эканлигини англай олмади.

Фейербах Гегелнинг идеалистик фалсафаси дин билан якин алокада деб хисоблайди. Шу туфайли, унинг фикрича, диндан кутулиш учун Гегелнинг иделизмидан мутлак озод булиш лозим, чунки Гегелнинг "мутлак ьоя"си диндаги Худо тушунчаси билан бирдайдир. Унинг 1841 йилда ёзилган "Христианликнинг мохияти" асари билан Гегель фалсафасидаги карама-каршиликни хал килди ва янгидан матриализм галабасини эълон килди. Бирок, Фейербах Гегел фалсафасини, унинг идеализмини танкид

килиш жараенида ундаги "рационал магизини" кура олмади, яхни у Гегелнинг диалектик усулини, ундаги узаро богланиш ва тараккиёт тахлимотини унинг идеализми билан бирга рад этди.

Фейербах дунс ва унинг конунларини билиш мумкинлигини инкор килувчи Қант агностицизмини танкид килди. Фейербах "нарса узида", яхни биздан ташкарида мавжуд булган дунени тула билиш мумкин деб тахкидлаган. У моддий дунеда инсон томонидан хали билинмаган нарса ва ходисалар жуда куп эканлигини таъкидлайди, лекин инсон уларни фан ва амалиетнинг тараккиети давомида билиб олишга кодирдир деб хисоблайди. Фейербах нуктаи назарича, билиш назариясининг асоси обхектив оламни инсон ва унинг тафаккурини ташкаридан мустакил мавжуд эканлигини эътироф этиш, билиш жараёни моддий дунениг инсон онгида акс этишини тан олишдан иборат.

Фейербах материалистик сенсуализм фикрида туради. Лекин у сезги ижтимоий амалий фаолият билан боглай олмайди. Мавхум тафаккурдан норози Фейербах хиссий кузатишга мурожаат килади, лекин у хиссиетни тажрибавий, инсон хиссий фаолияти каби тушунмади. Бу ерда Фейербах материализмининг суст, кузатувчанлик хусусиятини аник килиб курсатган.

Фейербахнинг асосий камчиликларидан бири унинг уз матриализ-мини жамият сохасига татбик кила олмаганидир. У факат табиат ходи-саларини изохлашда, яъни "пастдан" материалист, жамият ходиса-ларини изохлашда, эса "юкоридан" идеалист эди. Бундан ташкари маълумки, Фейербах атеист эди. У "Худо одамларни эмас, балки одамлар Худони яратган" деган фикрни билдирган эди. Лекин у динни бутунлай тугатмокчи эмас, балки мавжуд христиан динининг урнига янги динни яратмокчи булади.

Буюк немис классик фалсафасининг асосчилари Гегель ва Фейер-

бах уз утмишдошларига нисбатан диалектика ва материализмга онд бир неча янги фалсафий ьояларни ишлаб чикиб, бу фанни янада юксак боскичга кутардилар.

4.*Маркс ва ЭнгелЪс фалсафаси ва унинг тарихий чекланганлиги.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Маркс фалсафаси, ЭнгелЪс фалсафаси, Маркс - ЭнгелЪс фалсафасининг тарихий чекланганлиги.***

Немис классик фалсафасида Маркс ва ЭнгелЪс фалсафаси унинг таркибий кисми хисобланади.

Маркс томонидан майдонга ташланган ва ЭнгелЪс хамкорлигида яратилган фалсафий карашлар XIX аср маданий хаётида алохида ахамиятга эга.

Маркс ва ЭнгелЪс фалсафий карашларининг шаклланишида немис классик фалсафаси мухим ролЪ уйнайди. Маркс узининг фалсафий карашларини мехнаткаш халкнинг озодлиги учун курашни назарий жихатдан асослаб беришга каратди. Хеч кимга сир эмас :бошлангич капитал жамгариш даврида мехнаткаш халкнинг кашшокликда яшагани, ишсизликнинг купайгани, капиталистларнинг бойлик оркасидан кувиб инсонгарчиликка карши товар, пулга муккасидан кетгани хам рост. Мана шу кашшоклар дунёкарашининг ифодаси сифатида Маркс фалсафаси пайдо булди ва шаклланди. Бу масалаларни хал килиш учун кишиларнинг дунёга булган муносабатларини, табиат фанлари ютукларини, иктисодий муносабатларни чукур урганиши керак эди.

Маркс фалсафага кишиларни махнавий озод килиш воситаси деб каради. Шунинг учун жамиятни акл билан бошкариш кераклигини тахкидлади ва шунга кура фалсафани уз даврининг махнавий квинтэссияси (энг биринчи мохияти) деб атади. Агар ГегелЪ тафаккур, гоя тараккиёти тугрисида гапирган булса, Маркс бу гоянинг иктисодий сабаби бор, чунончи гоялар ижтимоий муносабатлар асосида пайдо булади, деб курсатди. Маркс янги дунё тугрисида фикр юритар экан, бу янги дунё амалий фаолият, инкилобий харакат билан амалга оширилади, дейди. Маркс инсон юксак кадрият экан, уни озод килиш кераклигини тахкидлайди. Инсон давлатдан, бир-биридан бегоналашар экан, бу бегоналашишнинг иктисодий сабаби бор, деган гояни илгари суради. Шунинг учун иктисодий бегоналашишнинг асосини ташкил этади деб курсатди.

Маркс мехнатдан бегоналашувнинг турт томонини курсатиб берди: 1. Ишчи моддий нехматлар яратиш учун мехнат килар экан, натижаси унга тегмайди, унга бегона зеро, хузурини бошкалар куради.

2. Мехнат жараёни ишчилар учун огир ва мажбурий, ундан завканмайди, чарчайди, толикади. Чунки у мехнат килишга мажбур, ишлаш ёки ишламасликни танлай олмайди. Мехнат жараёнидан ташкаридагина у озод булиб уз эрки билан иш килади.

3. Мехнат сабабли ишчи уз табиатидан хам узоклашади. Табиат билан бевосита алокада булмайди, факат мехнат воситаси, предмети оркалигина муносабатда булади.

4. Мехнат одамларни бир-биридан узоклаштиради. Ишчиларни бир-бирига бегона килиб куяди.

Мехнатдан бегоналашув ижтимоий муносабатларнинг хам асосидир, чунки бу жараёнида ишчилар факат уз мохиятидан узоклашибгина колмайди, балки, бегоналашади. Инсон мохияти бегоналашади ва у товар ишлаб чикаришга каратилади. Буларнинг хаммасини сабаби ху сусий мулкчилик, деб карайди Маркс. Хусусий мулкчилик инсонни мо-хиятидан узоклаштирибгина колмай, уни кашшоклаштиради, унинг кучини кушимча киймат сифатида олди-сотдига айлантиради, деб курсатади. Шунинг учун пролетариат хусусий мулкни йукотиб, ижтимоий мулкни ташкил этиш керак. Бу социалистик инкилоб асосида юз беради, деб тушунтиради Маркс. У иктисодий муносабатларни текширишда хам, тарихий жараённи урганишда хам диалектик методни куллади.

Маркс ва ЭнглеЪс диалектик метод билан материалистик караш асосида диалектик материализмни яратдилар. Диалектик материализмни табиат, жамият, тафаккурнинг умумий конунлари хакидаги фан сифатида тахлил этдилар. Шундай килиш, диалектик материализм марксча фалсафа сифатида шаклланди.

Маркс ва Энглеъс диалектикани табиатгина эмас, жамият тараккиётига хам тадбик этдилар. Жамиятни бир боскичдан иккинчи боскичга утувчи тарихий жараён сифатида ургандилар. Улар ижтимоий-иктисодий формация хакидаги таҳлимотларида жамиятни беш боскичга булдилар. Жамиятни ибтидоий тузумдан кулчиликка, ундан феодализмга, сунг капитализм ва коммунизмга утувчи ижтимоий-зарурий жараён деб тушунтирдилар. Булар хаммаси XIX аср фалсафий карашларига кучли таҳсир этди. Марксизм таҳлимоти, дунёкараши тобора ривожланиб борди ва шуролар даврида мутлаклаштирилди, ута мафкуралаштирилди. Хар кандай бошка крашлар унга карама-карши куйилган холда талкин килинди.

Биз марксча фалсафанинг ижобий томонларини, инсоният фалсафий тафаккури тараккиётига кушган муносиб хиссасини тугри ва хакконий бахолашимиз керак. Маркс капиталистик ижтимоий-иктисодий муноса-батларни хар томонлама тахлил килиб, жахонга иктисодий назариянинг асосчиси сифатида танилди. Уларни урганишга диалектик методни татбик этганлиги хам унинг ютугидир.

Маркснинг кушимча назарияси ишлаб чикариш, фан-техника та- раккиетининг маълум даражаси нуктаи назаридан тугри бахоланганлиги, бу назариянинг бутун жахон иктисодчилари томонидан тан олингани ва бугун хам, ундан унумли фойдаланилаетгани хам тугри. Маркс инсонни тахлил килишда унинг ижтимоий томонига алохида эътибор бериб, инсон мохиятини "ижтимоий муносабатлар мажмуи" деб тахрифлаганини хам купчилик файласуфлар тан олади. Маркс тарихий тараккиётда эркинлик ва зарурият диалектикасини, тарихда халк оммасининг урнини тугри курсатиб берган. Маркснинг фалсафага кушган яна бир хиссаси инсон амалий фаолиятининг ахамиятини атрофлича текширганидир. Унга билиш жараёни сифатида эмас, балки инсон мав- жудлигининг асосий шарти: инсоннинг борликка булган муносабати- нинг узига хос махсус шакли сифатида каради.

XX аср фалсафасидаги жуда катта узгаришлар юз берди. Маркс, ЭнглеЪс диалектик материализмнинг мутлоклаштириш тоталитаризм мафкурасига хизмат килишини курсатди. Маркснинг революцион тахлимоти хам, жамият тугрисидаги замини эканлиги аён булиб колди. Маркснинг динга, хусусий мулкка булган муносабати хам ута салбий эканлиги хаммага маълум.

### *Мавзуни такрорлаш учун саволлар:*

*1. Немис классик фалсафасининг узига хос хусусиятлари ва жахон фалсафа-сида тутган урни кандай?*

*2. И. Кант фалсафаси ва унинг мохияти нимадан иборат?*

*3. ГегелЪ обьектив идеализми ва унинг жахон фалсафаси тараккиётидаги ахамияти нимадан иборат?*

*4. Л. Фейербах фалсафасининг мохияти ва ахамияти кандай?*

*5. Маркс ва ЭнгелЪс фалсафий карашларининг тарихий чекланганлиги ту-файли давр синовидан утмаганлигининг сабаби нимада?*

## 6- Махруза: XX аср фалсафаси

**Режа:**

1. XX асрда фалсафий карашлар ривожланишининг асосий хусусиятлари.
2. XX аср фалсафасининг асосий окимлари.

*1. XX асрда фалсафий карашлар ривожланишининг асосий хусусиятлари.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***XX аср фалсафаси, XX асрда илм-фан ва техника ривожи, XX асрда ижтимоий, сиёсий ва иктисодий тараккиёт.***

XX аср инсоният тарихида алохида сахифа булди. Зеро, бу асрда жамият ривожида ижтимоий сиёсий, иктисодий, илмийтехникавий узгаришлар борасида мисли курилмаган ютукларга эришилди. Кишилар тафаккур тараккиётида ноанҳанавий усуллар кулланилиши окибатида улкан дунёкараш усиши руй берди. Фанниг ишлаб чикариш билан богликлиги кучайиб техника ва технологиянинг кескин усишига олиб келди. Бир пайтлар тушдек туйилган предметлар аср охирига келиб кишилар турмушини оддий элементига айланди. Сунҳий моддаларни синтез килиш, генетика сохасидаги муваффакиятлар кулга киритилди. Инсон акли, тафаккури, имкониятлари чексиз эканлигиги XX аср, шубхасиз, тасдиклади. Чунки, бугунги кунда инсонга микродунё ходисалари, хужайралар олами, коинот сирлари аён, уларнинг купчилигини жилови инсон кулида. Электроника ва автоматика сохасидаги янгиликлар асрнинг мужизаси булиб колди.

Фаннинг бундай кескин ривожи инсон онгига уз навбатида бир катор фалсафий муаммоларни хам куйди.

XX аср, айникса, ижтимоий сиёсий хаётда руй берган ходисалар эҳтиборга сазовордир. Улкан тарихий вокеалар башариятнинг маҳнавий хаётида акс этибгина колмай, балки куплаб муаммолар юзасидан одамзотни чукуррок уйлашга, теранрок тафаккур килишга ундади.

XX аср фалсафий карашлари ривожи хам ушбу чукур узгаришларни узида акс эттириб, даврма-давр уз замони рухини ифодалаган холда ривожланиб келяпти. Биргина мисол, XX асрнинг бир неча ун йилликлари мобайнида марксча-ленинча фалсафа хукмрон мафкура булиб яшади. Бошка барча фалсафий таҳлимотлар ана шу фалсафа мезони билан улчаниб, тугрилик, илмийлик ва изчиллик даражалари белгиланадиган булди. Фалсафа

узининг фанлик мохиятини йукотиб, мафкура куроли вазифасини бажарди. Ижтимоий тараккиётдаги тургунлик фалсафада хам тургунлик холатини, хилма-хил фалсафий карашлар шаклланишининг бугилиши холатини келтириб чикарди. Бирок XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб, ижтимоий – сиёсий тараккиётдаги вазият тубдан узгарди. Коммунистик мафкуранинг тамойиллари узини окламади, марксча –ленинча фалсафа эса хакикий хаётдан йирок, догматик карашлардан иборат таҳлимот эканлиги очик – ойдин маҳлум булди. Собик Иттифок тузуми парчаланиб кетди, у билан бирга унинг мафкураси ва фалсафаси хам йукка чикди. Купгина халклар, жумладан узбек халки хам мустакил тараккиёт йулини танлади. Окибатда мамлакатимизда туб янгиланиш даври бошланди. Бинобарин, тарихий тараккиёт энди истиклол рухига мое булган эркин замон фалсафасини, бир пайтлар йул берилмаган миллий гоя миллий мафкура ва кадриятлар устивор булган жахон фалсафасининг таркибида узининг муносиб урни булган янги фалсафани шакллантириш заруриятини кун тартибига куйди бундай хусусиятни XX асрда жахон фалсафаси ривожида хам устивор булганлигини куришимиз мумкин.

Жахон фалсафий карашлари ривожида марксча фалсафий таҳлимот-лардан ташкари карашларни умумлаштириб «номарксча» фалсафа деб номланадиган булса, бу фалсафа хам жамиятдан узилиб колган эмас эди, балки унинг талаб ва эхтиёжларини акс эттирган холда доимий изланишда булди. Унда Гарб жамиятининг хусусиятлари ифодаланган холда, албатта, ана шу жамият манфаатлари учун хизмат килди. Шунинг учун XX аср фалсафасининг хусусиятларини Гарб мамлакатларида бу даврда руй берган иктисодий, гоявий-сиёсий, маданий, маҳнавий, илмий – техникавий ривожланиш жихатларидан келиб чиккан холда англашга харакат килиш тугри булади.

2.XX аср фалсафасининг асосий окимлари.

Таянч тушунча ва иборалар: ***Прагматизм, махизм, экзистенциализм, неопозитивизм, неотомизм, герменевтика, синергетика.***

Барча даврдаги сингари XX аср фалсафаси хам турли оким ва йуналишлар куринишида ривожланди. Буларнинг орасида ***прагматизм, махизм, экзистенциализм, неопозитивизм, неотомизм*** кабиларни кайд этиш мумкин. Шу уринда феноменология, танкидий рационализм, герменевтика, синергетика,

фалсафий антропо-логия каби фалсафий окимларни, поспозитивизм, неокантчилик, неогегелчилик сингари даврга мослашувчан йуналишлар хам фаолият курсатганлигини эслаш ортикча эмас. XX асрга келиб кенг таркалган окимлардан бири прагматизмдир.

*Прагматизм* юнонча pragmatos сузидан олинган булиб, «иш» , «хатти - харакат»деган махнони англатади. Унинг асосчиси йирик америкалик файласуф Чарлз Сандрс Парсдир. Прагматизм фалсафасининг туб мохияти фойдали фаолиятга ундовчи, фойдага эришиш йуллари ва усулларини таргиб этиб, мулохаза юритишга дахват этувчи тахлимотдан иборат. « Фойда » тушунчаси прагматизмда «тажриба», «амалиёт» тушунчалари билан айнанлаштирилади.

Бу махнода прагматизм АКШ ижтимоий – маданий турмушининг инхикосидан иборат. Шунинг учун у АКШнинг иктисодий, махнавий эхтиёжларига хизмат килади ва уларнинг манфаатларини ифодалайди.

Прагматизм эркин бозор иктисодиёти фалсафасидир. У хар кандай бизнесни, хар кандай «фойдали» фаолиятни куллаб-кувватлашда методология булиб хизмат килади. Бу эса, уз навбатида, АКШ бизнесменлари, ишбилармонлари, менеджерлари, сармоядор ва сиёсатдорлари орасида кенг ёйилишига олиб келди.

XX асрда кенг таркалган фалсафий окимлардан бири экзистенциализмдир.

*Экзистенциализм* лотинча «экзостенция» сузидан олинган булиб, «мавжудлик», «мавжуд булмок» деган махнони англатади. Экзистенциализм Россияда пайдо булган (Бердяев, Шестов.) .У биринчи жахон урушидан сунг Германияда кенг таркалди. Бу ерда Хайднгтер, Яснерс, Бубар каби немис файласуфлари катта ролЪ уйнашди. Экзистенциализм уз мохиятига кура, XX аср махнавий эхтиёжларига жавоб тарзида шаклланди. Асрда руй берган тушкунлик, парокандалик, айни пайтда кутарилиш ва технологик тараккиёт окибатлари экзистенциализм фалсафасида уз ифодасини топди.

Экзистенциализм мураккаб ва зиддиятли фалсафадир. Унда турли фалсафий окимларга хос унсурлар хам мужассамлашган.

Бу тахлимотнинг марказида «мавжудлик» ёки «мавжуд булмок» категорияси туради. Бу оким тарафдорлари экзистенция деганда кишининг хаёти давомида хаёт ва улим оралигида бошдан

кечирадиган ички кечинмалари, рухий холатларини тушунишади. Уларнинг фикрича, фалсафанинг вазифаси «инсонга борликда мавжуд булиши»нинг мохиятини тушунтириб беришдан иборат.

Экзистенциализм вокеиликка субЪектив тарзда муносабатда булишдан иборат. Вокеиликни бу оким фикрича, индивидуал мавжудлик, хар бир кишининг эмоционал тасаввури ва тушунчалари, кечинмаларида кандай акс этса, худди шундайлигича англаш таргиб этилади. Борлик Экзистенциалист фикрича, субЪектнинг уз мавжудлигини хис этишдир.

Инсон уз экзистенциясини яҳни мавжудлигини чукур маҳнавий зиддият, рухий тушкунлик холатидагина англай олади. «Улим» мавжудликнинг сунгги нуктасидир.

Шундай килиб, Экзистенциализм инсон хакидаги фалсафадир. Ижтимоий – сиёсий сохада эса Экзистенциалистларнинг карашлари бир - бирига карама – каршидир. Уларнинг баҳзилари каршилик курсатиш харакати намояндалари булсалар, баҳзилари уз дунекарашлари билан ута либералдирлар.

Экзистенциализмнинг зиддиятли таҳлимот эканлиги шундаки, унинг баҳзи намоёндалари сунгги даврларида уз фалсафий таҳлимотларига пушаймон билан карай бошлашган. Масалан, бу таҳлимотда зурликнинг окланиши, маҳнавиятсизликка хайрихоҳлик каби карашлар уларни кейинчалик шубхага солган.

XX аср фалсафасида диний – фалсафий оким сифатида кенг ёйилган карашлардан бири неотимизмдир.

*Н е о т и м и з м* XIII аср италян файласуфи Фома Аквинскийнинг диний – фалсафий таҳлимоти булган томизмни XX асрга келиб тиклашга уринувчи таҳлимотдир.

Неотимизмнинг маҳнавий хомийси Рим католик черкови булса, унинг келиб чикиши Ватикандандир. Неотимизм утган асрда иайдо була бошлаган эди, XX асрга келиб кенг таркалди. Рим папаси неотомизмни католик черковининг расмий мафкураси деб хам эҳлон килган. Неотомизм Англия, Италия, Франция, Испания, ПолЪша, Скандинавия, шунингдек, Лотин Америкаси мамлакатларида кенг таркалган. Неотомизмнинг асосий вакиллари Францияда Э. Жилсон, Маритен, Италияда У. Падовани, Ф. Олджати, К. Фабро, Германияда А. Демар, И. Лоц, М. Грабман, В. Бруггер кабилар хисобланади.

Неотомизм таҳлимотига кура, илм ва диний эҳтикод бирликда, хамжихатликда булиши лозим. Диний эҳтикод ва илмий билимлар

бирлашса бир-бирларини тулдирадилар хам. Дин ва фан аслида бир максадга йуналтирилган икки йулдир. Бу максад деганда Неотомистлар тангрини билишни назарда тутишади.

Хар кандай эҳтиkоднинг манбаи, Неотомистлар фикрига кура, тангрининг амридир. Инсон аклий билишининг манбаи эса унинг тафаккуридир. Бутун борликнинг, жумладан, инсоннинг хам яратувчиси Тангри булгани боис, унинг тафаккури хам яратувчи куч томонидан хадя этилган. Демак, инсон акл – заковатининг туб максади – тангрининг иродасини, унинг мархаматини англаш, уни билишдир. Фалсафа хам ана шу максадга эришишга ёрдам беради. Неотомистлар фикрича, «Фалсафа – илохиётнинг хизматкоридир». Ана шу тарзда Неотомизм фалсафани дин билан боглашга уни илохиётга хизмат килдириш учун уринади.

Неотомистлар даҳво килишларича, моддий реаллик билан бирга рухий реаллик хам мавжуд. Уларнинг фикрича, илмий билишнинг чегараси, табиатдаги нарса ва ходисалар оламидир. Диний акидалар илмий билиш учун коронгу нарса. Чунки диний акидалар илмий билишдан юкори туради. Зеро, инсон акл-заковати Тангрини билишга кодир эмас. Инсон факат у яратган моддий оламнигина била олади.

Неотомизм фалсафаси бугунги кунда хам куплаб тарафдорларига эга.

XX асрда кенг ёйилган фалсафий окимлардан яна бири неопозитивиз-мдир.

*Неопозитивизмнинг* кузга куринган асосчиларидан бири Австриялик мантикшунос ва физик олим Мориц Шлик (1892-1936) хисобланади.

Неопозитивизм расман XX асрнинг 20 – йилларидан шакллана бошлади. Мориц Ўлик бошчилигида Вена Университетида таникли математик, физик, социолог олимлар иштирокида тузилган «Вена тугараги» номли уюшма аҳзолари уша даврнинг умумий методологик муаммолари билан шугуллана бошлашади. Бошда, улар уз карашларини «мантикий эмпиризм», деб аташади. Уларнинг фикрича, билишнинг чегараси «тажриба» оркалигина маҳлум булади, шунинг учун «эмпиризм» деб аташган. Мах, Пирсон кабиларнинг карашларини асос килиб олганликлари учун «позитивизм», XX аср «мантикий тафаккурда» руй берган инкилобий янгиликларга эҳтибор каратганликлари боис «мантикий» факат илмий методларнигина тугрилигини тан олиш-

ганликлари учун «илмий» деган тушунчалардан асос сифатида фойдаланишади.

Неопозитивизм фалсафаси асосан уч турга булинади : биринчиси – «мантикий позитивизм» ; иккинчиси «лингвистик тахлил» ; учинчиси «конвенционализм ва физикализм» номлари билан машхурдир.

Мантикий позитивизмнинг мохияти, билишда мантик семантик ва бошка формал фан сохаларига ортикча бахо бериб, уларни фалсафадан устун куйишдан иборат. Шунинг учун бу оким тарафдорлари фалсафа абстракт тушунчалар асосида эмас, балки илмий билиш ва символларнинг мантикий тахлили билан шугулланиши лозим деб дахво килишади. Ана шу тарика мантикий позитивизмда фалсафанинг дунекараши ва методологик ахамияти инкор этилиши билан бирга, мантик, математика каби фанларнинг курбонига айлантирилади.

«Лингвистик тахлил» фалсафаси номли неопозитивизм куриниши 30–йилларда пайдо булган. Унинг мохияти хам «мантикий позитивизм»га анча якин, методологик жихатдан эса битта асосга эга. Агар «мантикий позитивизм» да асосий этибор тимсол ва белгиларни мантикий зиддиятлардан халос этиш илмий билишни математик мантик ва математика принциплари каби ихчам ва аник атамаларга кучиришга дахват этилса, «лингвистик тахлил» фалсафасида эса улар илмий тилни кундалик турмуш тили даражасига якинлаштиришни асосий максад килиб олганлар. Уларнинг фикрича, гуёки тадкикот обхектининг бевоситалигини унинг кургазмалилиги билан, яхни хиссий образи билан якинлаштиришга эришилар эмиш.

Умуман олганда «лингвистик тахлил» фалсафасининг асосий максади илмий ва кундалик билиш сохасидан хар кандай фалсафани суриб, чикаришдир. Куриниб турибдики, неопозитивистлар XX аср фанининг туб узгаришларини, янгича илмий тафаккур услубини фан ва техникавий ижодиётда урнатилишини уз фалсафий карашлари асосида талкин килишади. Бундай хусусият неопозитивизмнинг учинчи куриниши конвенционализм ва физикализм учун хам хосдир.

Конвенционализмнинг мохияти илмий тадкикот максадида кулланиладиган атамалар «конвенция», яхни келишув, шартлашув асосида фанда бутунлай «эркин» кабул килиниши керак.

Физикализмнинг мохияти, гуёки, кандайдир универсал тил

ёрдамида барча фанларни умумлаштириш ва бирлаштириш мумкин. Бундай универсал тил вазифасини физикалистлар фикрича, факат математика ва физика фанларигина бажара олади холос. Физикалистлар 30 – йилларда Европадан АКШга кучиб утишади ва бир катор университетларда уз тадкикотларини ривожлантириб, хаттоки, «Умумлаштирилган билимлар комуси » ни яратишга хам уринишади. Бирок, бундай орзулар тула амалга ошмайди. Факат бир нечта маколалар эҳлон килишга муваффак булишади холос. Физикалистлар хам уз хулосаларини асослашда субҳект учун кулай ва маҳкул булган тил воситаларининг бирлигидан келиб чикишади, илмий назариянинг обҳектив томонини узларича бахолаб, инсон билиши билан боглик булган турли воситаларга бахо бериб, уларни мутлаклаштирадилар.

Хулоса килиб айтганда, неопозитивизм мохият эҳтиборига кура кандайдир оралик фалсафий таҳлимотни яратишга уринишдан иборат.

Шубхасиз, неопозитивизм ижобий томонларга хам эга. Бу, аввало, хурфикрлилик, илмий билишнинг янги томонларини излаш, анҳанавий билиш методларидан воз кечиш кабиларда куринади. Неопозитивизм таҳсирида Гарбда кибернетика, генетика, сематика, автоматика, телемеханика, компЪютерсозлик каби фан сохалари гуркираб ривожланди. Инсон аклий фаолиятини моделлаштириш ва формаллаштириш муаммолари гнесеология кун тартибига куйилди ва уларни хал этиш йулларини очиб беришга кумаклашди.

Мантик, лингвистика, математик мантик каби фан сохалари хам неопозитивизм таҳсирида анча илгарилади. Фан ва фалсафанинг аникликка, бир маҳноликка интилиши гуманитар ва ижтимоий фанлар сохасида эса математикалашув, формаллашув каби билиш усулларидан фойдаланиш сингари ижобий анҳаналарга асос булди.

Ижтимоий – сиёсий карашлари билан хам неопозитивистлар гуманизм, демократия гояларини ёклаб, авторитар хокимият, тоталитар давлатларни танкид килиб чикишди, масалан, неопозитивизм тарафдорларидан Б. РосселЪ изчил равишда тинчлик ва демократия учун курашчи булган булса, К. Поппер булса, тоталитаризмга карши курашиб, совет тузуми давридаги «ёпик жамиятни», Сталин катагонларини уз вактида каттик танкид килган эди.

XX аср фалсафасида муайян урин олган фалсафий окимлардан яна бири Герменевтика номи билан шаклланди.

*«Г е р м е н е в т и к а»* юнонча «изохлайман» , «тушунтираман» деган махнони англатади. Герменевтика афсонавий юнон Худоси Гермес номидан олинган.

Герменевтиканинг ривожланиши XX асрда техника тараккиёти билан боглик. зотан унинг мохияти техника ютукларини мантикий талкин килиш муаммолари билан боглик.

Махлумки, XX асрга келиб инсон тафаккури тараккиётида улкан муваффакиятларга эришилди. Зотан унинг мохияти техника ютукларини мантикий талкин килиш муаммолари билан боглик.

Махлумки, XX асрга келиб инсон тафаккури тараккиётида улкан муваффакиятларга эришилди. Кишилар макродуне конунларидан микродуне конунларини очишга киришдилар. Вокеиликни урганишнинг янгича мехер, усуллари илмий билиш сохасида кескин куйила бошлади. Кибернетиканинг пайдо булиши бир канча лингвистик, мантикий, механик, психологик, техник муаммоларни келтириб чикарди.

Герменевтика илмий-техникавий тараккиёт туфайли пайдо булган муаммолар такозосидан келиб чиккан фалсафий окимдир. Хусусан, электроника, микроэлектроника, компютерсозлик, информацион жамият ва маданият тараккиёти герменевтика ютуклари туфайли руй берди.

Хозирги даврда, куплаб Герменевтика масалалари психологлар, мантикшунослар ва файласуфлар томонидан кенг урганилмокда.

Кейинги йилларда фалсафий адабиётларда кенг учраётган окимлардан яна бири синергетикадир.

*С и н е р г е т и к а* уз мохиятига кура, диалектикага алЪтернатив окимдир. Унинг тарафдорлари фикрича, бутун борлик ва вокеилик риво-жининг асосини зиддиятлар, карама-каршилик эмас, балки турли томон-ларни муросага келтириш ташкил этади. Тараккиётнинг асосига диалек-тика дахвосига кура, зиддиятларни куйиш, доимий бекарорлик, конфлик-тлар кабиларни келтириб чикаради. Синергетика вакиллари дахвосича эса, ривожланишнинг асосий йули - томонларни келиштириш, муросага келтиришдан иборат. Демак, мохиятига кура, муросасозлик фалсафасидан иборат булиб, хозирги даврда бу борада мунозаралар давом этяпти.

Шундай килиб, XX аср фалсафаси мазмун мохияти ва шаклига кура ранг-баранг булиб, узига хос бир ривожланиш даврини бошдан кечиряпти. Унда асрнинг ютуклари, муваффакиятлари билан бирга, муаммолари ва зиддиятлари хам акс этган. Жахон

тараккиётининг янги аср арафасидаги хозирги бурилиш даври фалсафа фани олдига хам бир катор долзарб муаммолар ечиш заруриятини кечиктириб булмайдиган вазифа сифатида куймокда.

**Мавзуни такрорлаш учун саволлар :**

1. ХХ аср фалсафасининг хос узига хос хусусияти нимадан иборат ?
2. ХХ аср фалсафасининг асосий окимлари кандай ?
3. ХХ аср фалсафасий йуналишларидаги умумийлик ва фарк килувчи жихатлар нималардан иборат ?
4. ХХ аср фалсафасий окимларининг ижобий томонлари нималардан иборат?

## *7 – Маҳруза: Материя ва борлик хакидаги фалсафий таҳлимот.*

*Режа:*

*1. Борлиқ - фалсафий категория, унинг мазмуни ва моҳияти*
*2. Борлиқнинг асосий шакллари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги*
*3. Фалсафада субстанция ва материя тушунчалари, ҳаракат, фазо ва вақт.*

### *1. Борлиқ - фалсафий категория, унинг мазмуни ва моҳияти*

Таянч тушунча ва иборалар: борлик, йўклик,борлик хакида фалсафий фикрлар, борлик жихатлари.

Олдинги маорузаларимизда фалсафий тафаккур тараққиётининг энг қадимги даврлардан бошлаб бугунги кунга қадар босиб ўтган боскичлари тўЪрисида қисқача тўхталиб ўтдик. Шу нарса маолум бўлдики, истисносиз барча фалсафий тизимларда, мутафаккирлар қарашларининг ҳамма даражаларида инсон атрофини ўраб олган, унинг онги, фикри ва қарашларига ўз таосирини ўтказиб турган олам, Коинот, нарсаларнинг нимадан таркиб топганлиги масаласи, шунингдек нарса-ҳодисаларнинг чексиз кечиши нима эканлиги масаласи қўйилади. Кейин эса инсоннинг ўзи, маонавий олам тўЪрисида фикр юритилади. Гап, деман, борлиқ тўЪрисида кетмоқда.

Шундай экан, борлиқ нима?

Хар қандай фалсафий фикр борлиқ тўЪрисидаги тушунчадан бошланади. Борлиқ нима деган масала ҳамиша фалсафий тафаккур юритишнинг асоси бўлиб келган. Бу масала фалсафа пайдо бўлган пайтидан бошланган, фалсафа тарихининг узоқ давом этган босқичларида борлиқ масаласи у билан ёнма-ён яшади. Бу абадий муаммодир, унинг мазмуни ниҳоятда чуқур.

Кишиларнинг олам тўЪрисидаги илмий- фалсафий дунёқарашини таркиб топтиришда уларнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун борлиқни фалсафий тушуниш масаласи ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Хозирги замон фалсафий адабиётларида “борлиқ” сўзини тор ва кенг маонода тушиниш ҳолларига дуч келамиз. Тор маонода “борлиқ” онгга боЪлиқ бўлмаган обоектив оламни билдиради; кенг маонода - бу барча мавжуд нарсалардир.

Юқорида тилга олинганидек, борлиқ масаласи қадимдан олимларнинг диққат-эотиборини жалб этиб келган. Борлиқ тўЪрисидаги дастлабки тасаввурлар қадимги достонларда, эртакларда, диний мадҳияларда, тасаввурларда учрайди. Бу масалада қадимги Ҳинд, Хитой, юнон ёдгорликлари катта материал бериши мумкин.

Қўҳна Ҳиндистонда яратилган қадимги диний мадҳияларда, хусусан “Махабҳарата”, “Ригведа”, “Рамаяна”, “Упанишад”ларда одам-нинг яратилиши хусусида гап борганда, “йўқлик” ва “борлиқ” ҳақида маолумотлар берилади. “Ригведа”да айтилишича, оламнинг пайдо бўлишида “асат”деб аталувчи ибтидо бош ролни ўйнаган. “Асат” имконий борлиқ, яони “йўқлик” демакдир. “Асат” аста-секин “сат”-”мавжудлик”ка айланган.

Қадимги Хитойда кенг тарқалган даосизмнинг асосчиси Лао-цзининг фикрича, “борлиқ” асосида “дао” ётади. У “ци” элементи билан биргаликда ҳаёт негизини ташкил этади. Қадимги юнон фалсафасида, айниқса Гераклит қарашларида бу масала муҳим ўрин тутган. Унинг фикрича, айни бир жисм айни вақтда ҳам “мавжуд”, ҳам “мавжуд эмас”. Демокрит айтадики, “борлиқ” “йўқлик” бўлишини талаб этади. Борлиқ “қаттиқлик”ёки моддийликдир. “Йўқлик” эса “бўшлиқ”дан иборат, аммо ҳар иккаласи ҳам мавжуддир. Платон борлиқ деганда моддий жисмларни тушунган. Нарсалар борлиЪини Ъоялар дунёси борлиЪидан фарқлаган. Платон борлиқни “чин” ва “чин бўлмаган”га бўлади. Ъоялар дунёси “чин”, нарсалар дунёси эса “чин бўлмаган”га киради. Платон оламни нарсалар борлиЪига бўлиб юбориш билан

бирга, айни вақтда "Ъоялар" дунёси мавжудлигини нарсалар борлиЪи билан қўшишга уринади. Кўринадики, борлиққа оид дастлабки тасаввурларда борлиқ ҳақидаги масала оламнинг пайдо бўлиши муаммоси билан узвий боЪланиб кетади.

Борлиқ тўЪрисидаги масалалар билан Марказий Осиё мутафаккирлари ҳам шуЪулланганликлари маолум. Айникса, тасаввуф фалсафасида бу нарса ўзига хос тарзда ҳал этилади. Тасаввуфнинг борлиқ тўЪрисидаги таолимоти пантеистик руҳдадир. Бинобарин, пантеизм табиат билан худони бирлаштириб юборувчи таолимот сифатида намоён бўлади. Тасаввуф намояндалари оламни, ундаги турли-туман нарсаларни худо нурининг ифодаланиши деб тушунтирадилар. Шунингдек, тасаввуф таолимотича, худо ва у яратган нарсалар бир-бирлари билан боЪланган, ўзаро акс этувчи бирликни ташкил этади. Чунончи Жомий шундай ёзади: "Тангрини оламдан ажралган деб ҳисоблама, зероки, барча олам тангридадир, Тангри эса оламда. "(Қаранг: Б. Искандаров. Тасаввуф фалсафаси. Т. 1995, 21б. )

Борлиқ муаммосининг ҳаётий илдизлари ва фалсафий маоноси бор. Борлиқ ва йўқлик тўЪрисидаги тасаввурлар қандай пайдо бўлган. Инсоният қадимги замондан бошлаб олам борлиЪи, ўз борлиЪи, ўзгалар борлиЪи устида бош қотирган. Олам азалдан борми? Ёки яратилганми? Одамлар-чи? Одам туЪилади, яшайди, вояга етади, бир кун келиб оламдан кўз юмади, у бор эди, бўлган эди, энди йўқ, ломакон баЪрига сингиб кетади, йўклик сари йўл олади. ТуЪилиш бор экан, ўлим ҳақ. Бу ҳаёт қонуни. Самад ВурЪун тўЪри таокидлаганидек, "тўрт фаслни ўтказмоқлик табиатга бир қонун, туЪилмоқлик ва ўлмоқлик бу ҳаётга бир қонун".

Инсон ҳаётидаги фожиалар ичида энг даҳшатлиси ўлимдир. Ўлиш ваҳимаси одамлар иродасини ўзига ром қилган. Ўлим нима? У борлиқми ёки йўқликми? Одамлар бу нарсани билишга қизиққанлар, жавоб излаганлар. Чунончи, В. Шекспир ўзининг "Гамлет" трагедиясида Гамлет тилидан қуйидагиларни баён қилган эди: "Яшаш керакми, ўлиш керакми? Надир афзал? Мана масала. Ўлиш унутилиш, у қандайин диёрки, унга борган йўловчи кўп, аммо ундан қайтган бирор бир йўлчи йўқ. "

Демак, борлиқ деганда кенг маонода мавжудлик тўЪрисидаги энг умумий тушунча назарда тутилади. Борлиқ ва реаллик Ъоят кенг тушунчалар сифатида синонимлардир. Борлиқ мавжуд барча

нарсалар, кўринадиган ва кўринмайдиган нарсалар. Булар — моддий нарсалар, жараёнлар (физик, кимёвий, биологик, ижтимоий, руҳий, маонавий ва х.к. ), бу — уларнинг хоссалари, алоқалари ва муносабатларидир. Энг чуқур фантазиянинг маҳсулоти бўлган эртаклар, мифлар, энг нозик хаёллар — булар ҳам маонавий реалликнинг кўринишлари сифатида, борлиқнинг таркибий қисми сифатида бордир.

Борлиқнинг антитезиси, тескариси "Йўқлик" ҳисобланади. Борлиқ ва Йўқлик бири-бирисиз мавжуд эмас, агар уларнинг бир-бирига ўтишини йўқ қилинса, ҳамма нарса ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Нега? Чунки ҳаракат тўхташи мумкин: мавжудлик ўзининг муҳим, асосий ва ажралмас белгиларидан маҳрум бўлади. Энг қаттиқ кристаллар, юлдузларнинг улкан тўпланиши, у ёки бу ўсимликлар, ҳайвонлар, инсонлар гўё Йўқликдан келиб чиққандек бўлади (улар худди шундай тарзда ҳеч қачон бўлмаган), борлиққа айланади. Нарсаларнинг борлиЪи қанчалик узоқ вақт давом этмасин, охирга етади ва мазкур конкрет сифат тарзида, шахсан шу инсон тарзида Йўқликка кетади.

Борлиқ ва Йўқлик муаммоси шу қадар ҳаётийки, у ҳозирги кунда ҳам долзарб бўлиб турибди. Инсониятнинг яшаб қолишини таоминлаш, борлиЪини таоминлаш, термо-ядро урушининг Йўқлик сари даҳшатли қадам қўйишининг олдини олиш ҳамма вақт муҳим масаладир.

Олам борлиЪи вақт ичида абадийми - ўткинчими? Фазода-чи? Маконда чекланганми ёки чекланмаганми? Ҳаёт ва мамот масаласи-чи? Бу саволлар борлиқ категориясини илмий ўрганишни кун тартибига қўяди. Яхлит олам борлиЪи билан одам борлиЪини қиёсласак, инсон ҳаёти капалак умрига қиёс эзгулик. Ҳаёт шу қадар тез ўтадики, конкрет одамнинг ҳаёти жуда қисқа эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Биз, одамлар — ўткинчи умр билан доимий олам борлиЪини солиштиришга ўрганиб қолганмиз. Баозан шундай савол қўямиз: одам ақл-фаросатга эга бўлса-ю, умри ўлчоЪли бўлса, наҳотки, у ҳаётга қайта келмайди. Одам борлиЪи ва олам борлиЪи ўртасида наҳот шундай "адолатсизлик" бўлса? Борлиқ муаммосининг қўйилиши ва ҳаётий маоноси ана шунга ўхшаш саволларда кўринади.

Борлиқ ҳақида гапирганда, унинг муҳим жиҳатларини назарда тутиш лозим. Булар нималардан иборат?

Борлиқнинг биринчи жиҳати шундаки, бир бутун яхлит оламнинг доимийлиги ва алоҳида нарсалар, организмлар, одамлар, уларнинг ҳаёт фаолиятининг ўткинчи характери, борлиқнинг ўта зиддиятли эканлиги. Бошқача айтганда, олам нисбий турЪунлик, ўзгармаслик ва ўзгарувчанлик бирлигидан иборат. Олам ўз борлиЪи ва мавжудлигига кўра ранг-баранг ва бир жинсли эмасдир. Борлиқнинг иккинчи жиҳати худди мана шу — олам борлиЪининг бирлиги ва хилма-хиллигида намоён бўлади. Оламнинг мавжудлиги унинг бирлигининг зарурий шарт-шароитидир.

Олам одамнинг иродаси ва онгидан ташқарида мустақил яшайди. Аммо одам ўз ақли, билими, меҳнати билан барҳаёт табиат ва унинг ўткинчи жисмларини бир-бири билан боЪлаб туради. Шу билан бирга жисм ва руҳ, табиат ва жамият ўртасида, одам билан ўзга одам ўртасида муҳим тафовутлар мавжуд. Булар олам жисмларининг хилма-хиллигидан нишонадир. Шу билан бирга хилма-хилликда уйЪунлик ва бирлик мавжуд. Масалан, оламда тана ва руҳ, табиийлик ва ижтимоийлик қўшилиб, ажралмас бирликни ташкил этади.

Демак, хилма-хил нарсалар, табиат, одам, жамият - барча хилма-хиллик ўзаро бирлашиб, ўткинчимас, балки чексиз оламнинг яхлит бирлигини ташкил этади.

Борлиқнинг фалсафий муаммоси яна учинчи жиҳатга ҳам эгадир. Бу обоектив ва субоектив реалликнинг ўзаро бирлиги масала-сидир. Оламда буларнинг барчаси теппа-тенг мавжуддир. Табиат, олам, жамият мавжуд эди ва мажуд бўлади. Улар - реал воқелик. Олам обоектив реалликни ифодаласа, онгни субоектив реаллик деб аташ мумкин.

Шундай қилиб борлиқ бир бутун олам, ундаги моддий ва маонавий мавжудотлар реаллиги, улар ўртасидаги энг муҳим алоқалар, хилма-хилликдаги яхлит бир бутунлик, нарсаларга барқарорлик берадиган сифат ва белгиларнинг йиЪиндисидир. Борлиқ тор маонода материя: табиат, моддий нарсалар мажмуи, кенг маонода ҳам моддий, ҳам маонавий реалликдир.

2. Борлиқнинг асосий шакллари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги

Таянч тушунча ва иборалар: **борлиқ,борлиқнинг шакллари, нарсалар, жараёнлар борлиги, инсон борлиги, маҳнавий борлик, ижтимоий борлик.**

Борлиқнинг фалсафий маоносини чуқуррок тасаввур этиш учун унинг конкрет шаклларини кўриб чиқиш лозим бўлади. Зероки, борлиқнинг мана шу аниқ шаклларини интеграциялаш унинг фалсафий категориясини яратишга олиб келади.

Фалсафа ўзининг умумлаштириш салохиятидан келиб чиқиб, борлиқни, мавжудотни турли гурух ва қатламларга бўлади. Хар бир гурух, хар бир қатлам учун умумий бўлган жихатларни очишга интилади. Борлиқнинг турли шаклларига хос бўлган умумий жихатлар негизида айрим буюм-ходисалар турлича гурухларга бирлаштирилади. Булар борлиқнинг хилма-хил шакллар тарзида юзага келади.

Фалсафий адабиётларда борлиқнинг қуйидаги шакллари мавжудлиги эътироф этилади :

1. Нарсалар, жараёнлар борлиЪи: биринчидан, айрим нарса, жараён, табиат ходисалари борлиЪи; иккинчидан, бир бутун табиат борлиЪи, инсон яратган нарса-жараёнлар борлиЪи.

2. Инсон борлиъи: биринчидан, одамнинг биологик зот сифатидаги борлиЪи; инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатидаги борлиЪи.

3. Маонавий борлиқ: биринчидан, индивидуаллаштирилган маонавият ; иккинчидан, обоективлаштирилган маонавият.

4. Ижтимоий борлиқ: биринчидан, алохида инсон борлиЪи; иккинчи-дан, бир бутун жамият борлиЪи.

Энди борлиқ шаклларининг хар бирини алохида-алохида кўриб чиқайлик.

**Нарсалар, табиий жараёнлар борлиЪи.** Табиий борлиқнинг биринчи кўриниши инсонга қадар, инсондан ва унинг онгидан ташқарида, унга боЪлиқ бўлмаган нарса-ходисалар, жараён ва холатларни ўз ичига олган табиат хисобланади. Буларни одатда "бирламчи табиат" ибораси билан тушунтирадилар. Табиий борлиқнинг бу шакли инсон фаолиятининг дастлабки шарти сифатида мавжуд бўлган табиий нарса-ходисалар ва жараёнлардир. Инсон пайдо бўлгач, уларга таосир эта бошлайди, бу жараённинг узоқ ва мунтазам равишда амал қилиши оқибатида инсон қўли билан яратилган нарса-ходисалар ва жараёнлар юзага келади. Буларни олдингилардан фарқлаш мақсадида "иккинчи табиат" деб атайдилар.

“Бирламчи табиат” борлиқнинг алоҳида махсус шаклидир. Бунда бир бутун табиат борлиЪини унинг алоҳида нарсалари, жараёнлари, ҳолатлари борлиЪидан фарқ қилиш лозим.

Яхлит табиат борлиЪи фазо ва вақт доирасида чексиздир, у доимо ва ҳамма жойда мавжуд бўлган, мавжуддир ва мавжуд бўлади. Лекин табиатга хос бу асл хислат унинг алоҳида ходисалари, жараёнлари, ҳолатларига бир бутунича дахлдор эмас. Улар биз тасаввур этаётган ва идрок қилаётган тахлитда ҳамма ерда, ҳамма вақт бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Бинобарин, улар пайдо бўлиш, ўзгариш, ривожланиш, сўниш жараёнларини бошидан кечириб туради. Табиат бир бутун, ўткинчи эмас деб фикрлаганимизда, унинг яхлит ўзини эмас, балки табиатнинг айрим конкрет ходисаларига хос хусусиятни тушунган бўламиз, демак, табиат эмас, унинг алоҳида ходисалари ўткинчи. Шу манонода табиат ўткинчимас ва ўткинчиликнинг узвий бирлигидан иборат.

Инсонни қуршаб олган табиат тушунчасига табиатнинг ўзидан ташқари яна инсон яратган буюмлар ҳам киради. Инсон ақли ва меҳнати билан яратилган “иккинчи табиат” эканлиги юқорида таокидлаб ўтилди. У “бирламчи табиат”дан нимаси билан тафовут қилади? Аввалам бор, инсон қўли билан яратилганлиги, унга инсон меҳнати ва билими сарфланганлиги билан деб жавоб бериш мумкин. “Иккинчи табиат”да инсон меҳнати ва билимлари “предметлашади”, унда “ижтимоий руҳ” гавдаланади. “Иккиламчи табиат” маҳсулотлари муайян ижтимоий вазифани бажаради. Масалан, дастгоҳ. У мато тўқийди, инсон мақсадларини обоектив-лаштиради.

“Иккинчи табиат” жисмлари “биринчи”дан материал олади ва ўзига хос хусусиятга эга бўлади:булар илгари табиатда мавжуд бўлмаган реалликлар мажмуаси бўлиб, табиий- маонавий реалликни ифодалайди.

"Иккинчи табиат" - цивилизациялашган борликдир: телемарказ-лар, музейлар, театр, кийим-бош, компрютер ва ҳ. к.

Борлиқнинг ҳар иккала кўриниши ўзаро айният ва тафовут бирлигини билдиради. Бирламчи табиат чексиз, чегарасиз, ўткинчи бўлмаган борлиқ, лекин унинг айрим ходисалари, масалан, одам ўткинчидир. "Иккинчи табиат" да табиат қонунлари эмас, балки инсоннинг қайта яратувчилик қонунлари амал қилади. Ҳар икки табиат бири-бири билан ўзаро боъланган бўлса ҳам, улар ўртасида тўқнашув даражасига етиб борадиган муносабатлар ҳам бор. Бу

ўринда ҳозирги пайтда юзага келган экологик, энергетик муаммоларни эслаш кифоя. И.А.Каримов айтганидек, "табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик ҳалокатларга олиб келади" (И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсаЪасида. 112-113-Бетлар). Шунинг учун Ўзбекистон Республикасида экологик ҳавфсизликни таоминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар "бирламчи" ва "иккиламчи" табиат муаммоларини оқилона ҳал этишга йўналтирилган.

**Инсон борлиЪи.** Алоҳида одам борлиЪи ҳамда инсоният борлиЪи ўзига хос ҳодисадир. Шунингдек, уларнинг ҳар иккаласига хос бўлган умумийлик ҳам бор. Инсон жисми табиатники, шу маонода у жисмлар ичидаги жисмдир. Унинг табиатга тегишли бўлган жисми ўткинчи. Одам умрини нечоЪлик даражада узайтиришга уринмайлик, биринчи галда у табиат жисми бўлиб қолаверади. Айни вақтда одам инсон, инсоний моҳиятга эгалиги, ижтимоий муносабатларни ўзида гавдалантирганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уни "нарса" ёки "обоект" тушунчалари билан белгилаш унчалик тўЪри эмас. Минг афсуски, совет замонида инсон ишлаб чиқаришнинг оддий мурватига айлантирилган эди. Мустақиллик туфайли инсоннинг ҳақиқий моҳияти, миллий қиёфаси, тарихий ўрни тикланмоқда.

Биологик жиҳатдан одам танаси, жисми озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа моддий неоматларга катта эҳтиёж сезади. Инсон борлиЪи нечоЪлик қадар ўзига хосликка эга бўлмасин, биринчи галда у тана ва жон бирлиги, жонли мавжудотнинг тури сифатида яшаши учун зарурий моддий эҳтиёжларни қондириши зарурдир. Тана яшамаса, одам яшамаслигини исбот қилиш шарт эмас. Айни вақтда инсоннинг фикрлаши учун унга, танасига зарур моддий озиқ лозим. Бундан ҳар бир индивид ўзининг шахсий ҳаётини сақлаб қолиш ҳуқуқи келиб чиқади. Бундай ҳуқуқнинг бошланЪич нуқтаси ҳаётни, индивид ҳаётини таоминлаш ва ниҳоят инсоният яшаб қолишига эришишдан иборат.

Бу ерда яна шуни ҳам таокидлаш жоизки, инсоннинг табиий-биологик "ўлчови" эҳтиёткорликни талаб қиладиган ҳодисадир. Инсон организмига хос экологик баланс нисбати бузилса, фалокатли оқибатларга олиб келиши эҳтимолдан йироқ эмас. Шунингдек, инсон жисми унинг руҳияти билан узвий боЪланган. Тана ва руҳ соЪломлигининг аҳамияти ҳақида тўхтаб ўтиришнинг

хожати бўлмаса керак. Президентимизнинг 2000 йилни "СоЪлом авлод йили" деб эолон қилишининг тагида жуда катта маоно бор.

Ниҳоят, инсон меҳнат соҳиби сифатида ишлаб чиқариш билан боЪлиқ. Одам, унинг табиий эҳтиёжи ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд. Демак, табиий тана билан ижтимоий борлиқ ўртасида ўзаро узвий бирлик бор.

Инсон борлиЪининг ўзига хос хусусиятлари уч муҳим ўлчов-меёрга эга. Биринчидан, алоҳида одам-фикрловчи ва ҳис этувчи жисм. Иккинчи ўлчов инсоннинг ақлли моҳият эканлиги. Учинчидан, инсон ижтимоий-тарихий мавжудот. Демак, инсон табиийлик, жисмлилик, маонавийлик, индивидуаллик, шахсийлик ва ижтимоийликнинг йиЪиндисидан иборат.

**Маонавий борлиқ.** Маонавий ҳаёт - инсон борлиЪининг таркибий бўлаги. Маонавият инсон билимлари, ахлоқий, ҳуқуқий қарашлари тизими, бадиий ижодиётнинг меёр ва мезонлари мажмуидан иборат. Маонавий борлиқ — онг ва онгсизлик жараёнлари, табиий ва суноий тилларнинг моддийлашган шаклларида гавдаланган билимлардан иборат. Маонавий борлиқни унинг мавжудлик шаклларига қараб туриб икки турга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчисини индивид онги ва руҳияти билан боЪланган маонавий борлиқ (индивидуаллашган маонавий борлиқ), иккинчисини индивид онгидан ташқарида турувчи обоективлашган маонавий борлиқ дейиш мумкин.

Индивидуаллашган маонавий борлиққа қуйидагилар киради: алоҳида олинган кишининг ҳис-туйЪулари, ички руҳий кечинмалари, орзу-истаклари, хотираси, таассуротлари, фикрлари, хаёллари, қарашлари, Ъоялари, онг ости ва онгсизлик жараёнлари ва х к. Инсон фикрлари реаллик, лекин у маонавий кўринишдаги реаллик. Онгнинг барча шахсий ҳамда ижтимоий феноменлари борлиқ маоносига эга. Буерда фақат реалликнинг турлича даражалари бўлиши мумкин, холос.

Кўпайтириш жадвалини олиб кўрайлик. Бу реаллкми-йўқми? Албатта, реаллик. Қандай реаллик? Албатта, моддий, ашёвий эмас, балки маонавий-рамзий реаллик. Бу жадвалдаги кўпайтириш принципининг ўзи ҳам реаллик, албатта, идеал реаллик, бироқ энди у рамзий эмас, балки соф реалликдир.

Индивидуаллашган маонавий борлиқнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд: биринчидан, унда содир бўлаётган жараёнларни ташқаридан кузатиш мумкин эмас. Иккинчидан, унга хос бўлган

жараёнлар индивиднинг дунёга келиши билан шаклланади, оламдан ўтиши билан якун топади. Умуман борлиқнинг бу шаклини руҳиятшунослик фани устивор даражада ўрганади.

Обоективлашган маонавий борлиқ эса инсон онгида пайдо бўлган Ъоялар, фикрлар, қарашларнинг онг доирасидан ташқарига чиқиб, нарсалар шаклида гавдаланишини билдиради. У табиий ва сунъий тилларнинг образли белгиларида, муайян саноат асарларида, маданият обидаларида мужассамлашади. Унинг бир кўриниши нуткдир. Тил ўзида онгни реаллаштиради, юзага чиқаради, умуман тилда фикр моддийлашади. Тилнинг моддий воситалари товушлар, сўзлар, гаплар ва х.к. Бундан ташқари, инсоният яратган ёдгорликлар, китоблар, ноталар, ранглар, куйлар, рақслар, лойиҳалар, моделлар маонавий борлиқнинг обоективлашган кўринишларидир.

**Ижтимоий борлиқ** Ижтимоий борлиқ индивидуал, якка шахс ва жамият борлиЪининг бирлигини билдиради. "Ижтимоий борлиқ дейилганда, индивидуал якка шахс ва жамият ҳаётининг ҳамма томонлари эмас, балки фақат уларнинг моддий ҳаёти тушунилади". (Фалсафа. Ўқув қўлланма. Тошкент. 1999, 176-бет). Гап шундаки, кишиларнинг моддий ҳаёти уларнинг хоҳиш-иродаларига боЪлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларидан (уни ўзида жамловчи иқтисодий ҳаёт)дан иборатдир. Шу маонода ижтимоий борлиқ жамиятнинг яхлит моддий ҳаётини, моддий неоматлар яратиш ва ишлаб чиқариш жараёнида кишилар амалга оширадиган муносабатларни назарда тутади.

3. Фалсафада субстанция ва материя тушунчалари, ҳаракат, фазо ва вақт.

Таянч тушунча ва иборалар: **борлиқ, материя, субстанция, монизм, дуализм, фазо ва вакт, харакат, харакатнинг шакллари,оламнинг моддий бирлиги.**

**Борлиқ** муаммосини тўЪри тушуниш учун субстанция тушунчасининг мазмуни билан танишиш тақозо қилинади. **Субстанция** сўзи лотинчадан олинган бўлиб, моҳият деган маонони билдиради. Фалсафий маонода субстанция дейилганда даставвал борлиқ, табиат, жамият, инсон ва яхлит оламдаги барча нарса- ҳодисаларнинг асосини ташкил этадиган ё моддий, ё маонавий бирламчи нарса тушунилган. Масалан, олдинги маорузала-римизда кўрдикки,

баози файласуфлар субстанция деб сувни, бошқалари ҳавони, учинчилари оловнн, кейинчалик атомни, умуман олганда модаларнинг бирор бир конкрет турини назарда тутганлар. Марказий осиёлик ал-Киндий, Ибн Сино, Форобий ва бошқалар ҳам субстанция ҳамма нарсаларнинг моддий асоси, уларнинг моҳиятидир деган фикрга келишган. Бошқалар эса субстанция мутлоқ Ъоя, олам руҳи эканлигини қайд қилишган.

Фалсафа тарихида бу соҳада учта концепция таркиб топганлигини таокидлаш керак. Биринчи концепция монизм (юнонча - "монос". битта, якка) бўлиб, у икки шаклда - материалистик ва идеалистик тарзда оламнинг, борлиқнинг асосига ягона бир моҳиятни қўяди (ё материя, ё идея, икковидан бирини асос қилиб борлиқни тушунтиради).

Иккинчи концепция дуализм (лот. "дуа"- икки дегани) деб аталади ва борлиқнинг негизида иккита мустақил ибтидо (ҳам моддий, ҳам руҳий) тенг равишда туради, деб тушунтирди. Масалан, Аристотелр.

Плюрализм (лот. "плюрал" - кўплик) учинчи концепция бўлиб, борлиқни тушунтирганда унинг асосида кўплаб моддий ва маонавий асослар туришини исботлашга ҳаракат қилади. Масалан, қадимги хитой, ҳинд, юнон файласуфлари борлиқ олов, сув, хаво, ер, темир кабиларнинг бирикувидан юзага келганлигига ишора қиладилар, моддий нарсаларга устиворлик ролини берадилар. Бошқалари, предметлар идеал сезгиларнинг комплексидан ташкил топган, дейдилар.

Демак, субстанция масаласи борлиқ муаммоси билан узвий борлиқдир.

Энди борлиқ мавжудлигининг усуллари ва шакллари тўърисидаги масала билан танишиб ўтайлик.

Борлиқнинг мавжудлиги ўзгаришлар билан белгиланади. Ҳар қандай ўзгариш ҳаракатдир. Шундай қилиб борлиқ мавжудлигининг асосий усули ҳаракатдир. Биз бу ерда материя деган тушунча ўрнига борлиқ тушунчасини ишлаётирмиз. Материя борлиЪи борлиқ тушунчасидан тор маноога эга, чунки материя тушунчасига борлиқнинг ҳамма шакллари (мае. маонавий борлиқ) кирмайди. Бу эса борлиқ тўЪрисидаги тасаввурларимизнинг етарли шаклланмаслигига олиб келиши мумкин. Шу сабабли бу ерда "борлиқ" категориясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шундай бўлишига қарамай, "материя" тушунчаси ҳақида қисқа бўлса-да тўхтаб ўтиш лозим. Бинобарин "борлиқ" тушунчаси биринчи галда "материя" тушунчасида конкретлаштирилади. "Материя" категорияси, юқорида айтилганидек, обоектив реалликни ифодалайди. "Обоектив реаллик" нима? Бу - инсон онгидан ташқарида ва унга боЪлиқ бўлмаган нарсалардир; материя - билиб олинадиган обоектив реалликдир.

Бундай таориф жуда кенг ва материянинг онгга боЪлиқ эмаслиги ва ундан ташқарида мавжуд бўлиши, шунингдек уни билиш мумкинлигини хоссасини кўрсатади, холос. Бироқ материянинг яна шундай хоссалари борки, улар бутун материя учун ҳам, айрим олинган моддий обоект учун ҳам хосдир.

"Фазо" ва "вақт" фалсафий ва умумилмий фундаментал категориялар сирасига киради. Бунинг сабаби шундаки, улар борлиқнинг энг умумий ҳолатини акс эттиради ва ифодалайди.

Айтиш керакки, борлиқнинг тегишли шакллари ва турларига мувофиқ ҳаракат ҳам моддий ва маонавий шаклда юз бериши мумкин. Адабиётларда моддий ҳаракатнинг қуйидаги шакллари мавжудлиги қайд этилади: [механик ҳаракат, физик ҳаракат, кимёвий ҳаракат, биологик ҳаракат, ижтимоий ҳаракат.] Алоҳида инсоннинг ва жамиятнинг маонавий, тафаккур фаолияти билан боЪланган барча жараёнлар ҳаракатнинг идеал- маонавий шаклига киради.

Ҳар қандай моддий ва маонавий обоектнинг мавжудлиги уни ташкил этадиган элементларнинг ўзаро таосир этишлари туфайли юз беради. Масалан, атомлар ядро ва электронлар ўртасидаги муайян ўзаро таосир туфайли мавжуддир, тирик организмларнинг яшаб туриши, борлиЪи - органик молекула, хужайра ва органларнинг бир-бирига ўзаро таосири натижасидир. Жамият ҳам кишиларнинг фаолияти, инсоннинг табиат билан ўзаро таосири оқибатида мавжуд бўлади.

Моддий ҳаракат ва ҳар қандай ўзгариш ҳамда ўзаро таосирнинг манбаи зиддиятлар ҳисобланади. Маконда-фазода нарсаларнинг механик ўрин алмаштириши (ҳаракатнинг энг оддий кўриниши) ташқи турткилар туфайли юз беради. Материя ҳаракатининг бир қадар мураккаб шаклларининг сабаби мазкур система таркибидаги ички зиддиятлар оқибатидир. Ички зиддиятлар механизмини тавсифлаш анча мураккаб, бу кўпинча мантиқий хулосаларга олиб келиши мумкин.

Борлиқ ўз структурасига эга. Борлиқ мавжудлигининг асосий структурал шаклларига фазо ва вақт киради.

Инсон мунтазам равишда ўз бошидан ўзгариш, ҳаракат ва ривожла-нишни кечириб турган оламда яшайди. Ҳар қандай обоектнинг ўзгариши ва ривожланиши фазо ва вақтдагина рўй бериши мумкин, бошқача айтганда ўзгараётган ва ривожланаётган борлиқ фазовий ва вақт нуқтаи назардан структурага эгадир. “Фазо” ва “вақт” категориялари моддий ва маонавий тизимларнинг структура нуқтаи назаридан шаклини, тартибга тушганлигини, ўзгарувчанлигининг суроати ва даражасини экс эттиради. Демак, ҳар қандай обоект, ҳар қандай ҳодиса ва жараён фазо ва вақтдан ташқарида мавжуд бўла олмайди.

Фазо ва вақт деганда нима назарда тутилади? Биз кундалик амалиёти-мизда мазкур масалага алоқаси бўлган ниҳоятда кўп тушунчаларга дуч келамиз: “жой”, “кўлам”, “масофа”, “текислик”, “чуқурлик”, “узунлик”, “кенглик”, “узоклнк”, “яқинлик”, “торлик”, “бу ер”, “у ер”, “баландлик”, “пастлик”, “ўнг”, “чап”, “олдин”, “аввал”, “ҳозир”, “кейин”, “эрта”, “яқинда”, “узоқ”, “лаҳзада”, “бутун”, “кеча”, “эртага”, “ҳозирда”, “ўтмиш”, “келажак”, “шу пайт” ва х.к. Бу ва шунга ўхшаш тушунчалар умумий ва хусусий белгиларга эга бўлган воқеаларнинг фазо-вақт нуқтаи назаридан хусусиятларини билдиради. Борди-ю, бутун воқелик ходисаларнинг чексиз мажмуи сифатида қараб чиқиладиган бўлса, муайян вақт даврида барча нуқталарнинг нисбати ва тартиби фазовий ҳисобланади. Агар обоектив борлиқ мутлақо бир типда ва изотроп ҳолида бўлса эди, бу муайянлик фазо ва вақтни худди шундай тартибда белгилаган бўлур эди. Афсуски, бизни ўраб олган воқелик чексиз даражада ранг-баранг, шунга мувофиқ ҳолда борлиқнинг фазовий-вақтга хос структураси ҳам (структурали-ташкилий ва структуравий-кўламли) реалликнинг турли даражаларида турличадир. Адабиётларда ёзилганидек, фазо ва вақтнинг хоссалари материянинг хоссалари билан белгиланади, материя эса чексиздир, Ъоятда ранг-барангдир, демак, фазо ва вақт ҳам шунга кўра ранг-барангдир.

Олам тузилиши структуравий даражасининг турли босқичларида фазо ва вақтнинг ўзига хос специфик хоссалари бўлиши билан бирга энг умумий белгилари ҳам мавжуд бўлади. Бу белгилардан энг умумийлари фазо ва вақтнинг умумий хоссаларини билдиради.

Шу маноода фазо ва вақтнинг энг умумий хоссаларига қуйидагилар киради:

**Обоективлик.** Оламда мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси фазо - вақт структурасига эга бўлиб, фазо ва вақтда яшайди. Мавжуд бўлишлик дегани - фазода ва вақтда муайян, тегишли шаклга кириб яшаш деганидир. Мавжуд нарсаларнинг барчаси вақтнинг муайян босқичида фазонинг маолум нуқтасида юзага келади ва барҳам топади. Ҳар бир обоект фазодан ўрин олади ва вақт нуқтаи назаридан (ўткинчи) структурага эга бўлади. Бу нарса онгга эга бўлган ҳар қандай субоект учун ҳам хосдир. Энг муҳими, мавжуд нарсаларнинг фазо ва вақтда мавжудлиги субоект ва унинг онгига боЪлиқ бўлмайди.

Демак, фазо ва вақт реал мавжуд, улар инсон онги, иродасига боЪлиқ эмас.

**Абадийлик.** Абадийлик моддий олам мавжудлигини, чексизлигини билдиради. Абадийлик бутун моддий оламнинг умумий тавсифидир.

Абадийлик муаммоси узоқ замонлардан бери мутафаккирларнинг фикр-эотиборини ўзига жалб қилиб келади. Материалистик таолимотларда абадийлик умуман моддий оламнинг атрибути (белгиси) ҳисобланади. Идеалистик таолимотларда эса у идеалликнинг белгиси, атрибутидир. Чунончи, Алишер Навоий Оллоҳга мурожаат этар экан, унинг абадийлигини чуқур эотироф этган. Демак, исломда абадийлик Оллоҳнинг белгиси. Алихон тўра СоЪунийнинг "Тарихи Муҳаммадия" асарида абадийлик фақат Оллоҳнинг белгиси, илоҳий атрибут сифатида идрок этилади.

Ҳар бир одам вақт нуқтаи назаридан туЪилади ва ўлимга маҳкумдир, уни Оллоҳ яратган экан, бу — одамнинг тақдири азалидир. Руҳнинг эса боши бор-у, вақтда чегараси йўқ (абадий).

Абадийлик, мангулик, чексиз ўтмиш ва чексиз келажак исломда бир-биридан фарқ қилади. Абадийлик — демак ҳамма вақт мавжуд, чексиз ўтмиш дегани — азалийлик эса ҳамма вақт мавжуд бўлганликдир, чексиз келажак деганда эса ҳамма вақт мавжуд бўлади, деган маоно тушунилади. Фазо ва вақт ҳам материя атрибутларидан бўлиб, улар ҳам абадий. Абадийлик фақат вақтнинг характеристикаси эмас, айни вақтда фазонинг ҳам хоссасидир.

**Қарама-қаршилик.** Модомики, борлиқ моҳиятининг ўзи ўзгариш ва ривожланиш жараёнида намоён бўлар экан, шу принциплар асосида эса зиддиятлар ётади. Зиддиятлар фазо ва

вақтнинг энг моҳиятли тавсифи экан, шу туфайли воқеликнинг фазо - вақт структураси яхлитлик тусини олади, бинобарин, мавжуд воқелик турЪунлик ва ўзгарувчанлик, шакл ва мазмун, узликлилик ва узлуксизлик, миқдорий ва сифатий муайянликларнинг бирлиги асосида таркиб топади. Шундай қилиб қарама-қаршилик фазо ва вақтдан ажралмасдир.

Ҳар бир жисм муайян чўзиқлик - узунлик, эн, баландликка эга. Улар борлиқдаги муайян системанинг қисмларини ташкил этиб, бир-бирига нисбатан турли ўринни ишЪол қилади. Демак, фазо — ёнма-ён мавжуд обоектлар, материя ҳолатини мувофиқлаштириш шаклидир. Фазо обоектларнинг бир-биридан ташқарида (ёнида, пастида, тепасида, ичида, орқасида, қаторида, олдида ва х.к. ) ва муайян миқдорий муносабатларда бўлишида кўринади.

Воқеалар мавжудлик сифатида давомийлик, тараққиёт босқичларининг изчиллиги билан характерланади. Жараёнлар ё айнан бир вақтнинг ўзида, ё бирида олдин бириси; тун ва кун, йил фасллари сингари тартибда амал қилади. Бу — жисмнинг вақтда мавжудлиги ва яшаб туриши дегани. Вақт — ўзгараётган обоектлар ва улар ҳолатини мувофиқлаштириш шаклидир. Бунинг маноси шуки, ҳар бир ҳолат жараённинг изчил ҳалқаси ва бошқа ҳолатлар билан муайян миқдорий муносабатларда бўлади. Бу обоектларнинг ўрин олмашиши ва ҳолати тартиби вақтнинг структурасини ташкил этади.

Шундай қилиб фазо ва вақт — обоектлар мавжудлиги, мувофиқлигининг энг умумий шаклларидир. Уларнинг умумийлиги шундаки, улар барча предметлар ва жараёнлар борлиЪининг шакллари, улар чексиз оламда мавжуд ва келажакда ҳам шундай бўлади. Нафақат ташқи олам ҳодисалари, балки туйъулар ҳам, фикрлар ҳам фазо ва вақт орқали ўтади.

Фазо ва вақт ўзининг хусусиятларига эгадир. Фазо уч ўлчовлидир: узунлиги, эни ва баландлиги. Вақтнинг ўлчови эса биттадир: ўтмишдан бугунги кун орқали келажакка томон йўналиш. У қайтарилмасдир, такрорланмасдир.

Фазо ва вақтни тўЪри тушуниш, унинг моҳиятини англаб етиш умуман оламнинг илмий манзараси билан узвий боЪланган. Оламда ҳамма нарса тармоқланган, нисбий мустақил тузилмаларга ажратилган. Рўй бераётган жараёнлар уларнинг сақланиб қолишларини (қайта яратилишини) белгилайди, айни вақтда уларнинг ўзгаришлари ҳам тармоқлаштирилган, улар обоектлар

холатининг бир-бири билан ўрин алмашишида изчилликни таоминлайди.

Фазо ва вакт харакатланувчи борлик, материя билан ўзаро боЪланган. Фазо ва вактнинг умумий, айни ўзига хос томонлари хам бор:

биринчидан, фазо хам, вакт хам - обоектив.

иккинчидан, фазо ва вакт борлик, материя мавжудлигининг умумий шакли.

учинчидан, улар ўзаро узвий боЪланган.

тўртинчидан, улар борлик, материя ва харакат билан чамбарчас боЪланган.

бешинчидан, фазо ва вакт микдор ва сифат томонидан чексиз ва чегарасиз.

олтинчидан, фазо ва вакт ўз тузилишига кўра узлуклилик ва узлуксизликнинг бирлигидан иборат.

Фазо ва вакт тўЪрисидаги фалсафий карашлар мухим методологик ахамиятга эгадир. Айникса, кишиларнинг илмий дунёкарашини шакллантиришда уларнинг роли каттадир. Вактнинг такрорланмаслиги, кайтмаслиги инсон дунёда бир мартагина яшашини кўрсатади, унга кўра бу хаётни маонавий жихатдан тўЪри ташкил этиш, теварак-атрофни ўраб олган дунёга мехр-мухаббат билан муносабатда бўлиш инсон хаётининг маоно ва мазмунини ташкил этиш керак. Ёшларнинг Ватан ва вакт тўЪрисидаги окилона фикрларини шакллантириш, шу асосда хаёт кечиришларига кўмаклашишда фазо ва акт тўЪрисидаги фалсафий, илмий концепция мухим тарбиявий, марнавий омил бўлнб хизмат килиши мумкин.

**Мавзуни такрорлаш учун саволлар:**

*1. Борлик, субстанция ва материя тушунчаларининг мохияти нимадан иборат?*

*2. Борлик ва материянинг тузулиши ва хоссалари тугрисида нима дейиш мумкин?*

*3. Харакат нима учун материянинг мавжудлик шакли дейилади?*

*4. Харакат шаклларининг хилма-хиллиги ва узаро богликлиги тугрисида ни-ма дейиш мумкин?*

*5. Фазо ва вакт нима? Нима учун улар материянинг обхектив мавжудлик шакллари хисобланади?*

## *8- Маҳруза: Табиат - борликнинг ажралмас кисмидир.*

***Режа:***

*1. Табиат тушунчаси. Инсон табиатнинг олий махсулидир.*

*2. Табиат ва инсоннинг узаро богликлиги.*

*3. Экологик муаммолар, уларни бартараф этиш зарурияти ва йуллари.*

### *1. Табиат тушунчаси. Инсон табиатнинг олий махсулидир.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Табиат тушунчаси, ноосфера, экологик маданият.табиат билан жамиятнинг узаро муносабати, умумбаша-рий муаммолар, экологик тангликнинг келиб чикиш сабаби, географик мухит, экологик таҳлим.***

***Табиат тушунчаси*** - кенг маҳнодаги фалсафий тушунчалардан биридир. Табиат бенихоя хилма - хил шакл ва куринишлари билан инсонни куршаб турган моддий олам, бутун мавжудотдан иборатдир. Лекин табиат тушунчасини борлик тушунчаси билан айнанлаштирмаслик лозим. Борлик тушунчаси мазмун жихатидан кенг булиб ижтимоий, маҳнавий борликни хам уз ичига олади. Табиат тушунчаси анчайин тор маҳнода табиатшунослик фанларининг урганиш обҳекти сифатида хам тушунилади. Табиат фанлари табиатдаги нарса ва ходисаларнинг мохияти ва уларда мавжуд буладиган узгаришларни урганади.

Табиат тушунчаси материя тушунчасига якин туради. Демак, табиат хилма - хил жисмлардан ташкил топган материядир. Аммо одатда табиат тушунчасини муайян бир чегарада, яҳни инсон ва инсоният мавжудлигининг табиий шароитлари йигиндиси сифатида хам ишлатилади. Худди шу маҳнода, табиат тушунчаси инсон ва жамиятнинг табиатга нисбатан тарихий жараён давомида узгариб борадиган муносабати тизимидаги урни ва ролини ифодалайди. Шунинг учун бу тушунча нафакат табиий, балки инсон томонидан яратилган, унинг мавжудлиги моддий шарт - шароитлари - "иккиламчи табиати"ни курсатиш учун хам ишлатилади.

Маҳлумки, инсон билан табиат уртасидаги муносабатларнинг доимий равишда амалга ошиши ижтимоий ишлаб чикаришни тартибга солиб турувчи конун булиб, бусиз инсон хаётининг узи булмайди.

### *2. Табиат ва инсоннинг узаро богликлиги.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Инсон ва табиат. Экологик маданият, табиат билан жамиятнинг узаро муносабати, умумбашарий муаммо-лар, экологик тангликнинг келиб чикиш сабаби, географик мухит, экологик тахлим.***

*Инсоннинг табиатга муносабати*нинг асосини унинг фаолияти белгилайди, чунки, бундай муносабат учун материални унга табиатнинг узи беради. Шунга кура, табиатга булган муносабатнинг узгариши, уз урнида, инсоний фаолиятнинг характери, йуналиши ва куламини хам узгаришига олиб келади.

Айникса, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрга келиб табиатга вахшийларча муносабатнинг кучайиши унга жуда катта зарар етказа бошлади ва у умумжахон микёсида табиий мувозанатнинг бузилишига олиб келди. Натижада, жамиятнинг табиатга булган окилона муносабатини тахминлаш гояси уртага ташлана бошланди. В. И. Вернадскийнинг табиатга булган янгича карашлар тизимини уз ичига олган назарияси ноосфера яратилди. Ана шунга асосан табиатни химоя килиш ва атроф - мухитни мухофаза килиш тадбирлари ишлаб чикила бошланди.

Эндиликда,инсоният табиат билан жамиятнинг узаро тахсири ривожланишининг сифат жихатдан янги боскичи остонасида турибди. Буни табииётшунос олимлар юкорида айтиб утилган "ноосфера " билан изохламокдалар.

*"Ноосфера"-деганда нимани тушунамиз? **У биосфера*** билан кандай муносабатда? Бу саволларга жавоб бериш учун тушунчалар хакида тухталиб утмок максадга мувофик.

Ноосфера юнонча суздан олинган булиб, "акл, заковат " деган махноларни англатади.

*Ноосферанинг биосфера билан узаро муносабати* нимадан иборат?

Ноосферанинг шаклланиши учун бошлангич шарт - шароит - инсонни ураб олган табиий мухит, моддий тузилма - биосферадир.

Биосферанинг хозирги холати матери харакатининг биологик шакли ривожланишининг етук боскичи хисобланади. Уни янада ривожлантириш билан материя харакатининг ижтимоий шакли - жамият келиб чиккан.

Биосфера хакидаги тахлимотнинг асосчиси В.И. Вернадский ноосферани худди биосферага ухшаган моддий тузилма, деб хисоблайди. У инсоннинг ишлаб чикариш фаолиятини табиат тарихининг алохида боскичи, деб талкин этади. Ана шу фаолиятни

янада ривожлантириш билан тирик организмнинг бир тури булган "Хома Сапенс" бутун табиатни эгаллаб, бутун мавжудот ичида хукмрон кучга айланади. Илмий тафаккур ва инсон мехнати билан биосфера янги холатга - ноосферага утади. Вернадский учун ноосфера ер юзида аклли мавжудотнинг келиб чикиши ва инсон таҳсири остида вужудга келган Курраи Заминнинг моддий кобигидир. Дархакикат, инсон бу ёруг оламга келиб, табиатга таҳсир килади ва "иккинчи табиат"ни яратади. Вернадскийдан кейинги олимлар хам таҳкидлаганидек, "Ноосфера" биосфера ривожланишининг янада юкорирок боскичи булиб, унга инсоният жамияти ва у яратган барча нарсалар киради. Бу тушунча "жамият - табиат" нинг яхлит тизимига инсоннинг янгича ёндашиши билан боглик. Бундай ёндашиш хозирги замон шароитида *э к о л о г и к м а д а н и я т* ни шаклллантириш зарурияти билан келиб чиккандир.

Махлумки, табиат жамиятнинг вужудга келиши ва ривожланишининг табиий шарт - шароити ва моддий заминидир.

Жамият табиатнинг таркибий кисми булса, инсон унинг эволюцион тараккиётининг чуккиси. У жуда борганда икки миллиард йил давом этган жуда катта табиий жараённинг натижасидир. Зотан, табиатнинг бир кисми булган инсон мехнат ва узаро муомала килиш натижасида аста - секин ижтимоий мавжудот сифатида шаклланди. Шу тарзда табиат ва жамият муаммоси фалсафий - методологик нуктаи назардан биоижтимоий мавжудот булган инсон ва уни ураб олган табиий мухит билан узаро муносабати хакидаги муаммо булиб колди. Табиат инсон хаётининг асоси, унинг жисмоний ва маҳнавий ривожланишининг негизи булган. *Табиат ва жамиятнинг узаро таҳсири*нинг асосий ривожланиш боскичларига ва унинг асосий йуналишларига назар ташлар эканмиз, бунга ишонч хосил киламиз.

Кишилар дастлаб хайвонот оламидан кандай ажралиб чиккан булсалар, узларининг тарихини яратишга шундай кадам куйганлар: ярим ёввойи булиб яшаганлар, табиий кучлар олдида ожиз булганлар, уз кучларига ишонмаганлар, шунинг учун хам хайвонлар сингари яшаганлар.

Айни вактда табиатнинг жамиятга таҳсири эмас, балки жамиятнинг табиатга таҳсири масаласи хам кутарилади.

Тарихни табиат тарихи ва одамлар тарихига булиш мумкин. Бирок,уларни бир - бирига карама -карши куйиш ёхуд ажратиб

ташлаш мумкин эмас. Инсоният мавжуд экан, бу ёруг оламнинг икки томони узаро боглик ва узаро тахсирда булаверади. Табиат тарихи хакида тухталмасдан, факат кишилик жамияти тарихи хакида гапирар эканмиз, назарий жихатдан хам, амалий жихатдан хам жиддий методологик хатога йул куйганлар.

Айни вактда табиатнинг жамиятга тахсири эмас, балки жамиятнинг табиатга тахсири масаласи хам кутарилади. Тарихни табиат тарихи ва одамлар тарихига булиш мумкин. Бирок, уларни бир - бирига карама -карши куйиш ёхуд ажратиб ташлаш мумкин эмас. Инсоният мавжуд экан, бу ёруг оламнинг икки томони узаро боглик ва узаро тахсирда булаверади.

Инсон табиат фарзанди сифатида вужудга келади, лекин одамларга хос фазилатларни жамиятдан олади, уларни табиат бермайди. Инсон тугилган вактда нутки, инсоний хиссиётлари, фикр юритиши, шунингдек тик туриб оёк босиши, утириб туриши, фахмлаши кабиларни билмайди, уларни кейин урганади. Уларнинг хаммаси атроф - мухитнинг тахсири, бошкалардан инсоннинг урганиши натижасидир.

Шунинг учун бу узаро тахсир давом этиб келмокда. Жамият тарихи табиат ривожланиши тарихининг махлум бир давридан бошланади. Жамият хар доим табиатнинг ажралмас кисми сифатида мавжуд булаверади ва унга уз тахсирини утказаверади.

*3. Экологик муаммолар, уларни бартараф этиш зарурияти ва йуллари.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Экологик муаммолар, экологик муаммоларнинг умумбашарий характери, экологик танглик, географик мухит ва ифлосланиши, экологик муаммоларни бартараф этиш зарурияти, экологик муаммоларни бартараф этиш йуллари.***

***Табиат билан жамиятнинг узаро муносабати*** турли тарихий боскичларда турлича булганлигини ва уни адолатли хал этиш учун кураш хар доим давом этиб келганлигини тарихий фактлар ва кишиларнинг ижтимоий тажрибаси исботлаб келмокда. Шундай килиб, табиат ва жамиятнинг узаро муносабати тарихи бир - бири билан узаро боглик икки йуналишга эга. Биринчиси, узок утмишдан бошлаб, инсоннинг табиат устидан хукмронлигининг мехёри ва даражаси тобора кенгайиб борган, ишлаб чикариш сохасида, мехнат унумдорлигининг сарф киладиган моддалар ва энергия таркиби уса бориши сурхатлари тезлашиб

борган, хозирги замон илмий - техника тараккиёти инсоннинг глобал масштабда табиат устидан мутлак хукмронлигини тахминлаш учун кенг имкониятлар очмокда; иккинчидан, юкоридаги жараён билан бир вактда инсон билан табиат уртасида номувофиклик тухтовсиз усиб бормокда, унинг сифат жихатидан хар бир боскичи табиатга яксон килувчи тахсинр курсатиб, инсон мавжудлигининг заминини емирмокда. Ана шунинг окибатида атроф - мухит билан инсонларнинг узаро муносабати хакидаги тахлимот, яхни ***экология*** пайдо булди.

Демак, инсоният тарихининг хар кандай боскичида табиатга тахсирнинг имкониятлари жамиятнинг ишлаб чикариш кучларининг даражаси билан белгиланади. Масалан, энергетик муаммоларни хал этиш атом станцияларининг курилишини такозо этди. Бу нарса уз урнида радиоактив чикиндиларнинг атроф - мухитни ифлослантириш муаммосини келтириб чикарди.

Хозирги замонда жамият тараккиёти билан боглик булган бундай ***умумбашарий муаммолар*** анчагинадир. Улар инсониятнинг бундан кейинги такдири билан боглик. Шулардан бири, экологик муаммодир. Шунга кура, табиат инсондан узига нисбатан алохида эхтибор, мехр - мухаббат ва хайрихохлик талаб килмокда. Эндиликда, инсон табиатга, уни мухофаза килишга узининг бутун кучини, бутун махнавий бойлигини сарф килмоги лозим.

Экологик тангликнинг олдини олиш обхектив зарурият булиб, уни бартарафф этишдан бутун инсоният - дунёдаги барча мамлакатлар ва халклар манфаатдордир. Сайёрамизда хаётни саклаш буйича жахон микёсидаги халкаро хамкорлик килиш замонамнзнинг бош масалаларидан бири булиб турибди.

Айникса, кейинги ун йилликлар ичида табиатга ва унинг ривожла-нишига тахсири натижасида ер юзида жиддий узгаришлар содир булди. Табиат нехматларидан инсон ва жамият эхтиёжи учун фойдаланиш имкониятининг орта бораётганлиги окибатида, табиий мухит кескин узгара бошлади. Табиатга инсоннинг аралашуви бир томонлама характерга эга булиши билан табиат жиддий зарар курмокда. Ер куррасининг сирти, усимликлар олами, хайвонот дунёси, иклими, шунингдек ер ости бойликлари хам таниб булмас даражада узгариб кетганлиги бунга мисол булади. Ер, сув, хаво ифлосланмокда, радиоактив моддалар ва турли химикатлар, автомобилъ газлари шу кабилар билан захарланмокда. Атроф -

мухитнинг ифлосланиши ва табиатнинг захарлан-иши микёси ва куллами хакида жуда куп далилларни келтирадиган юзлаб китоблар босиб чикарилмокда. Биргина Орол такдири мисолида экологик тангликнинг накадар кенг куламда кучайиб бораётганлигини куриш мумкин.

Чорак аср давомида у ерда яшаб турган кишиларнинг куз унгида олти миллион гектар ерни уз ичига олган денгизнинг ярми куриб колди. Куриган ерлар кум ва туздан иборат сахрога айланяпти. Бунинг окибатида минтакада иклим узгаряпти, унумдор ерлар ишдан чикаяпти, усимликлар куриб битяпти, чорвачилик жиддий зарар кураяпти. Энг мухими, кишиларнинг саломатлиги ёмонлашиб касалликлар купайиб бораяпти. Шунинг учун хам Оролни хозирги холатида саклаб колиш факат ижтимоий - иктисодий ва сиёсий масала булибгина колмасдан, маънавий масала хамдирки, буни бартараф этиш умумбашарий ахамият касб этмокда.

Бугунги кунда жамият билан табиат уртасидаги мувозанатнинг бузилишини экологик танглик, деб атаймиз. Ана шу экологик тангликнинг олдини олишнинг кандай муммолари бор ва уларни бартараф этиш йуллари нималардан иборат?

Айрим олимлар *экологик тангликнинг келибчикиш сабаби*ни илмий - техника тараккиётининг ижтимоий окибатларига боглашади. Уларнинг фикрида жон бор, лекин масалани бартараф этиш учун бу асос була олмайди.

Бутун жахон тарихининг боришига назар ташлар эканмиз, эътиборли холатни курамиз. *Географик мухит*и яхши, табиий ресурсларга бой айрим мамлакатлар мавжуд, аммо улар ижтимоий - иктисодий жихатдан унчалик ривожланмаганлар. Аксинча, жахонда табиий ресурслари етарли булмаган, аммо ривожланиши юкори даражада булган давлатлар хам бор. Масалан, "япон мухжизаси"ни олиб карайлик. Иккинчи жахон уруши маглубиятидан, Хиросима ва Нагасаки шахарлари да атом бомбаси портлашидан сунг хосил булган култепалар урнида энг ривожланган мамлакат пайдо булди. Вахоланки, бу мамлакат нефт, кумир ва шу каби фойдали казилмаларни бошка мамлакатлардан сотиб олади.

Хозирги кунда табиатни кайта узгартиришга кодир буладиган хар кандай лойихалар хар томонлама сифатий - микдорий тахлил этилиб, аник хисоб - китоб килинаётганлиги хеч кимни шубхага солмайди. Бунинг учун математика узининг жуда бой имконият-

ларини ишга солиши мумкин. Экологик муаммоларни хал этишда математик моделларни куллаш буйича купгина илмий тадкикотлар мавжуд. Буларнинг хаммаси математик экология деган фаннинг янги тармоги вужудга келаётганлигидан далолат беради.

Шу уринда яна бир мухим холатга хам эҳтиборни каратиш лозим. Бу ерда гап, хозирги замон учун хаётий зарур булган гуманизмнинг, инсонийлик ва умуминсоний кадриятлар деган тушунчаларнинг маҳно ва мазмунига алохида эҳтибор бериш хакида боради. Бу нарса, жамиятни кайта куришда, уни сифат жихатидан янги боскичга кутаришда мухим ахамиятга эга. Бунинг учун кишилар уртасида *э к о л о г и к  т а ҳ л и м* ни жорий этиш ва айни бир вактда экологик тарбияси билан шугулланиш керак булади.

Ёшларнинг экологик онгини шакллантириш ижтимоий тарбиянинг мухим томонига айланиб бормокда. Инсонда "жамият ва табиат" тизимини ифодалаб берадиган, табиатга акл идрок билан муносабатда булишга каратилган карашлар билим ва эҳтикодлар йигиндиси экологик онг дейилади.

Экологик онгнинг асосида кишиларда гузаллик хисларини, табиатга мехр, хайрихохлик хисларини тарбиялаш ётмоги зарур. Экологик дунёкарашга эга булиш экологик маданиятни шакллантиради. Экологик маданиятли киши табиатни англабгина колмасдан, уни тула хис килади, унинг олдидаги масҳулиятини тушуниб етади.

Атроф - мухитни мухофаза килиш, табиий бойликларни авайлаб асраш, улардан окилона фойдаланиш - бугунги кундаги олийжаноб ва мураккаб вазифадир. Мамлакатимизда ушбу вазифани хал этиш умумхалк иши булиб колди. Зеро атроф мухитни мухофаза килмасдан туриб, халкимизнинг моддий фаровонлигини, турмуш даражасини яхшилаш хакида жиддий гап булиш мумкин эмас. Инсон узини ура олган дунё билан тула уйгунликда усмоги ва яшамоги лозим. Табиатни маглуб килмасдан, аксинча, унда ана шу уйгунликни топмоги, унинг кудратига кудрат кушмоги зарур. Табиатдаги хар бир узгариш, хар бир янгилик одам боласи калбига, шуурига таҳсир килмасдан иложи йук. Азалдан инсон табиатнинг энг гузал томонларини узлаштиришга, унинг улугворлигидан таҳлим олишга интилади. У мукаммаллик, уйгунлик, гузалликнинг олий андозасини табиатдан олади.

***Мавзуни такрорлаш учун саволлар:***

1. *Табиат деганда нимани тушунасиз?*
2. *Инсоннинг табиатдаги урни кандай?*
3. *Табиат ва инсоннинг узаро алокадорлиги кандай?*
4. *Хозирги даврда кандай муаммолар инсониятни ташвишга солмокда?*
5. *Умумбашарий муаммоларни хал этиш йуллари кандай?*

## *9-Маҳруза: Онг ва унинг мохияти тугрисидаги фалсафий таҳлимот.*

***Режа:***

1. *Онг вокеликнинг акс этишидир.*
2. *Онгнинг пайдо булишида мехнатнинг ва ижтимоий мухитнинг роли.*
3. *Онг ва уз-узини англаш. Онг - ижтимоий ходисадир.*

### *1. Онг вокеликнинг акс этишидир.*

Таянч тушунча ва иборалар. ***Инсон онги, онг, инстинктлар. Онг вокеликнинг олий шаҳикосидир.***

Инсон борликнинг бетакрор мавжудоти бир катор узига хос хусусиятларга эга. Уларнинг орасида инсон онги алохида урин эгаллайди. Зеро, ***онг*** табиат томонидан факат инсонгагина ато этилганки, бошка хеч бир зот табиатнинг бундай инҳомидан бенасибдир.

***Инсон онги*** фавкулотда мураккаб ходиса. Чунки, унинг ёрдамида инсон теварак- атрофидаги моддий олам, борликни узида акс эттиради. Шу боис кадим-кадимдан одамзот узининг онги, унинг мохияти ва табиати, кандай пайдо булиб. ривож топиб, мукаммаллашиб бориши, бутун борлик билан муносабати кабилар тугрисида уйланиб келади.

Фалсафа тарихида эса ушбу муоммолар юзасидан турлича билдирилган карашларни учратамиз. Жумладан, ислом тарихига кура, онг Оллох томонидан инсонга инҳом этилган неҳматдир. Фаробийда эса, инсон улгач, унинг рухи улмаслиги, жисмдан ажралган рух янги рухлар билан кушилиб, яшашда давом этиши тугрисидаги фикрни укиймиз.

(каранг: Фаробий Фозил одамлар шахри Т. 1993, 164- 165 бетлар)

Илмий фалсафа эса онгнинг мохиятини юксак даражада ташкил топган материк, яхни инсон миясининг хоссаси, унинг ёрдамида вокелик акс эттиришдан иборат, деб тушинтиради. Онг инсон миясининг хоссаси. Унинг мохияти вокеликни инхикос эттиришдан иборат.

*Онг* факат инсон миясига хос булган инхикос эттириш жараёнидир. Шу махнода инсон мияси онгнинг моддий асоси хисобланади. Инсон мияси материянинг энг мураккаб даражада ташкил топган туридир. Буни турли табиатшунослик фанлари хулосалари тасдиклайди. Хисоб-китобларга кура, инсон мияси 14-15 млрд.га якин асаб толаларидан иборат экан. Уларнинг хар бири муайян вазифани бажаради. Олимларнинг тахминича, агар инсон миясидаги нетронлар асаб толалари бажарадиган функцияларни моделлаштиришни имкони булганда эди, унда МДУнинг биносига тенг булган кибер нетик курилма ясаш мумкин буларди.

Инсон миясида вокеликни акс этиш жараёни мураккаб ходиса булиб, унинг физиологик асослари И.Павлов, Соченов тахлимотларида асослаб берилган.

Махлумки, материя харакати шакллари аслида борликнинг эволюцион тараккиётини акс эттиради. Материя харакатининг биологик шакли вужудга келиши хаётнинг пайдо булишини англатади. Тирик табиатнинг тарихий тараккиёти натижасида материянинг юкори шакли – одам мияси карор топди.

Одам мияси ва кишиларнинг асаб тизими сезги ахзолар ёрдамида вокеликни акс эттириш хусусиятига эга. Гарчи тахсирланиш, сезги вокеликдан тирик табиатга, хусусан, хайфонларга хам хос булсада, бирок одамнинг сезги ахзолари тахсирланишдан хосил буладиган инхикос тубдан фарк килади. Масалан, бургут инсонга нисбатан анча узокни куради, бирок одам буюмларда бургутга нисбатан, шубхасиз, куп нарсани куради, уларни бир-биридан ажратади ва бир бутун холда куради.

Хайвонларда хам рухият мавжуд. Фан инсон билан хайвонот дунёси уртасида биологик-физиологик махнода чегара йуклигини исботлаган. Бирок, хайвонлардаги рухият инстинктлардан иборат, холос.

***Инстинктлар*** - хайвонлардаги онгсиз хаёт, тажриба йигиндиси. Улар мутлако узгармас нарса эмас, балки инстинктлар билан алмашиниб туради. Инстинктларда гайритабиий сир йук, балки улар мураккаб шартли богланишлардан иборат.

Аммо, хайвонларнинг рухияти билан одам онги ва тафаккури уртасида сифат жихатдан жуда катта тафовут мавжуд.

*2. Онгнинг пайдо булишида мехнатнинг ва ижтимоий мухитнинг роли.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Онгнинг пайдо булиши, онгнинг пайдо булишида мехнатнинг роли, онгнинг пайдо булиши ва шаклланишида ижтимоий мухитнинг роли. Онг ва мия. Онг ва тафаккур. Онг ва тил. Онг ва кибернетика..***

Инсон онгнинг вужудга келиши ва ривожланишида мехнат хал килувчи ролъ уйнайди. Инсоният хайвонот оламидан узининг муайян максадга томон йуналтирилган мехнати натижасида ажралиб чикди, аникроги, ундан баландрок кутарилди.

Мехнат туфайли кишилик жамияти ибтидосида аста секинлик билан одам танаси ва киёфаси инсоний тус ола башлаган. Оддий мехнат куролларини яратиш ва ясаш зарурияти бу эволюцион жараёнда хал этувчи ролЪ уйнаган.

Инсон мехнати унинг ижтимоий хаётини узгартира олиши ва хаттоки, кайта куришига кодир восита эканлигини одамзот борган сари кучлирок сеза бошлади. Уз навбатида мехнат инсоннинг узини хам узгартириб борди. Окибатда, инсон мавжудот сифатида ижтимоий мохият касб этиб боргани сайин мехнатсиз мавжуд була олмаслиги аён була борди. Шунинг учун аста секинлик билан мехнат инсоннинг кундалик зарурий эхтиёжига айланиб борди. Мехнат айни пайтда инсоннинг бебахо бойлиги, унинг яшаши ва хаётининг асосий замини, шартидир. Одамзот кундалик эхтиёжи учун зарур булган манбаларни, улар хох моддий манба булсин, хох маҳнавий манба булсин, мехнат ёрдамида яратади. Бу жараёнда унинг онги, тушунчалари тасаввурлари хам бойиб, кенгайиб боради. Шунинг учун ишлаб чикариш ва такомиллаштириш жараёни онгнинг ривожланишига катта таҳсир курсатганлиги шубхасиздир. Мехнат куроллари авлоддан-авлодга оддий мерос булиб колмайди, балки улар доимий равишда такомиллаштириб борилади. Бинобарин, инсон уз билими тажрибасини кенгайтириб, узидан кейинги авлодга етказиб беради. Бу билан эса онгнинг усиши, ривожланиши ва такомиллишиб боришини таҳминлайди. Кейинги авлод эса, уз навбатида олдинги авлодлардан мехнат куролларини тайёрлаш, улардан фойдаланиш усулларини мерос килиб олиш билан бирга, уларни янада такомиллаштириб боради. Онг ана шу тарика менат билан тафаккурнинг бирлиги сифатида

намоён булади. Буюк аллома Беруний таҳкидлаганидек, инсоннинг энг асосий вазифаси ва урни мехнат билан белгиланади, инсон уз хохишига мехнат туфайли эришади.

Мехнат инсон онгини пайдо килган, шакллантирган ва камолга еткзган асосий омилдир. Кишиларнинг мехнат фаолияти уларнинг онгли мавжудот сифатида ривожланишининг энг асосий белгисидир.

Онгнинг шаклланишида яна бир мухим омил хам борки, унинг мохия-тини усиз тасаввур этиб булмайди. У хам булса, ижтимоий мухит омили.

Дархакикат, хар бир киши муайян ижтимоий мухитда тугилиб усади ва вояга етади. Булар: оила, махалла, кариндош-уругчилик, узаро фикр алмашув кабилардир. Бу омиллар хам кишилар онги карор топишида жуда мухимдир. Колаверса, уларнинг барчаси онгнинг ижтимоий табиатини шакллантиради.

Муайян ижтимоий мухит онг пайдо булишида зарурий шартдир. Кишилар узаро хамкорликда умр кечиришади, бир-бирлари билан доимий мулокатда булишади, фикр алмашадилар. Бу эса кишиларнинг онги, тушинчалари ва дунёкарашларини шаклланиши ва ривожланишида катта ролЪ уйнайди. Агар муайян давр мобайнида ижтимоий мухит омили булмаса онг пайдо булиши мумкин эмаслиги хам аён. Ёшлигидан такдир такозоси билан хайвонот дунёси мухитига тушиб колиши натижасида онг шаклланмай колган болаларнинг топилганлиги тугрисидаги манбалар, бадиий асарлар ушбу фикрни тасдиклайди.

Онг обҳектив вокеликнинг инсон миясидаги субҳектив инҳикосидан иборат. Бунда тафаккурнинг роли бекиёсдир.

*Т а ф а к к у р* мия ёрдамида обҳектив оламнинг тушунчалар, мухока-малар, назарияларда инҳикос этишнинг фаол жараёнидир. Бошкача айт-ганда, тафаккур вокеликнинг инсон миясида мавхумлашган, умумлашган акс этишидир. У аввало, ижтимоий тараккиёт махсули. Чунки, тафаккур кишиларнинг ижтимоий ишлаб чикариш жараёнида пайдо булади ва вокеликнинг мохия-тини очиб беришни таҳминлайди. Бунда мавхумлаш-тириш, тахлил килиш, умумлаштириш каби усул ва йуллар оркали вокеликнинг мохияти тушунча, гоя, назария кабиларда акс этади.

Онгнинг тараккиётида тил ва нутк хам гоят мухим ахамиятга эга. Тил фикрнинг ифодалаш воситаси сифатида мехнат ёрдамида пайдо булган. Инсоннинг узини хам тилини хам мехнат яратади.

Чунки инсон мехнат-сиз яшай олмайди, мехнат жараёнида эса кишилар хамиша бир-бирига ниманидир айтиш эхтиёжини, узаро мехнат килиш заруриятини сезадилар.

Тил тафаккур билан чамбарчас боглик. Инсонда нутк, тил булмаса, фикрлаш хам булмайди. Нутк фикрлаш куролидир. Тафаккурсиз тил, тил ва нутксиз тафаккур хам булмайди. Тил ва тафаккур айнан бир хил нарсалар хам эмас. Тафаккур обҳектив борликнинг инҳикоси булса, тил фикрнинг ифода этиш куроли, унинг узгаларга етказиб бериш, билдириш, бошкалар билан мулокат урнатиш воситасидир.

Онг билан тил кадимийликда тенгдир. Чунки тилсиз онгнинг пайдо булиши мумкин эмас эди. Жамият тараккий этиб боргани сари, тил хам ривожланиб боради. Кишилар фикр алмашиши имкониятидан махрум булганда эди, умуман узлари учун зарур моддий бойликларини хам ишлаб чикара олмаган, табиат кучларига карши курашишда хам ожизлик килган булардилар. Шунинг учун тил тафаккурнинг борлик шакли, тафаккур эса тилнинг мазмуниндир. Тафаккур ва онг инсон мияси-нинг махсули. Онгни хам, мияни хам тафаккурдан ажратиб бул-майди. Бирок, бундай онгни хам мия каби моддий бир нарсага тенглаштириб хам булмайди. Онгни моддийлаштириш, материянинг бир шакли ва куриниши деб уйлаш мутлако нотугридир. Бундай тушуниш *вулЪгар материализмдан* иборат. Бу оким намоёндалари (Молешотт, Бюхнер, Фогт ва бош.) жигар узидан зардоб айиргани сингари мия хам онгни, фикр ва тафаккурни узидан ишлаб чикаради, деб фикр юритилади. Бундай тушуниш онгни материя билан тенглаштириб, фикрнинг борликнинг бир куриниши деб хисоблашдир. Шу маҳнода вулЪгар материализм материя ва онг уртасидаги мавжуд фаркни инкор этишдан иборатдир.

Хозирги даврда фаннинг кибернетика сохаси жуда катта мувофак-киятларга эришди. Турли бошкарув тузилмаларини, бошкарув жараёнларини урганувчи кибернетика фани асосида ажойиб кибернетик курилма ва машиналар яратилди. Кибернетик курилмалар ёрдамида инсон мияси бажарадиган функциялар моделлаштирилмокда ва улардан мураккаб жараёнларни бошкаришда тобораенг кулланиляпти. Мураккаб ишлаб чикариш жараёнлари, замонавий техника ва транспорт восита-ларини, халк хужалигининг куплаб сохалари фаолиятини кибернетик машиналарсиз тасаввур этиб булмайди. Улар бугунги кунда огир матема-

тик хисоб-китобларни мохирлик билан бажараяпти, турли типдаги матнларни бошка тилга таржима килмокда, махорат билан шахмат уйнаяпти. Бундан ташкари, бу машиналар турли махлумотлар олишга, уларни "эда саклаб колишга" кодирдир, айни пайтда керакли махлумотни киска вакт ичида "хотирасидан" топиб бера олади. Бу эса бахзи кишилар орасида кибернетик машиналарнинг "кобилиятини" ортикча бахолашга олиб келмокда. Жумладан, уларнинг фикрича, бундай машиналар инсондан "аклдирок", кучлирок сезиш ва хаттоки, фикрлаш кобилиятига эгадир, деган хулосаларга олиб келяпти.

Кибернетика асосида инсон тафаккури имкониятларини моделлаш-тириш масаласини чукур фалсафий тахлил килиш эса, бу хулосаларнинг янглиш тасаввур эканлигини курсатади. Аввало, бундай кенг имконият-ларга эга булган машиналарнинг яратилиши билиш диалектикасининг конунларига зид эмас, бинобарин онг билан материя уртасидаги муносабатлардаги илмий алокадорлик хам бузилмаган. Кибернетик машиналарнинг имкониятлари билиш имкониятлари чексизлиги нуктаи назаридан чегараси йук албатта. Бирок, бу машиналарнинг инсондан кура аклдироклиги муаммоси жуда мунозарали масала. Кибернетика фанига асос солган машхур америкалик математик олим Н.Виннернинг узи хам хисоб машиналарининг имкониятларини катталаштириб юбормаган холда уларнинг фахм фаросатга ухшаш хислати булиши кераклиги тугрисидаги фикрни айтган эди. Академик А.Колмагаров хам уларнинг мураккаб системаларда, масалан тирик организмлар ва хатто инсон миясидек барча асосий хоссаларга эга булиши мумкинлигини тахкидлаган. Шунинг учун, унинг фикрича, бу автоматларни шартли равишда булса хам "тирик мавжудотлар"деб аташимиз мумкин.

Бирок, фанда кибернетикага нисбатан бошкача фикр хам мавжуд. Масалан невролог олим ПолЪ Косса фикрича, инсон яратган бундай машиналар инсон иштирокисиз хеч нарса кила олмайди. Машина инсон хохлаган холатдалигича, яхни ажойиб курол холидагича колаверади. Машинада фикрлаш кобилияти йук, у уз ижодчисининг фикрини акс эттиради холос. Чунки, у онг, англаш хусусиятидан бутунлай махрум.

Академик А.Берг эса кибернетика саноатида хам, фанда хам ижтимоий хаётда хам инсон урнини боса олмайди, хеч качон машина жамиятда мавжуд була олмайди, деб тахкидлайди.

Инсон хотираси мураккаблиги, самарадорлиги жихатдан машина хотирасидан анча устун туради. Кибернетик машинанинг "электрон мияси" иссик, совук, намлик, силкиниш, тебраниш каби таҳсирларга чидамсиз булгани холда, инсон мияси эса уларга нихоятда тез мос- лашади. Инсон мияси тежамли ишлаш билан бирга, жуда пухта системадир. Кибернетик машинанинг бирон механизми носоз булса, бутун машина ишлаш фаолиятини йукотади.

Кибернетик машинага хос барча маҳлумотлар унинг онгини тас- диклаш учун етарли эмас. Аксинча, фан ва техниканинг хар кандай тараккиёти сингари, кибернетик машиналар хам инсон амалий фаолия- тининг натижаси булиб, улар обҳектив борлик конуниятларига буйсунади. Фикр, сезги, онг, рухий фаолиятга дахлдор бошка барча нарсалар- инсон миясининг хоссасидир. Кибернетик курилма билан инсон мияси уртасида катта тафовут бор. Инсон мияси кимёвий, фи- зик, биологик хамда ижтимоий конунларга буй сунади. Инсон жамият- дан ажралган холда яшай олмайди. Инсон онги ижтимоий муносабат- лар доирасидагина пайдо булади ва ривожланади. Буларнинг барчаси кибернетик курилманинг "акли", "хотираси" мазмунига хос эмас. Демак, юкоридагилардан маҳлум булишича, инсон акли кибернетик курилмани яратди, уни такомиллаштирмокда. Инсон яратган машиналар инсон онгининг урнини боса олмайди, ундан устун хам тура олмайди. Чунки инсоннинг узи бундай аклли машиналарни яратди ва уни бошкаради. Машина инсонсиз дунёга келиши мумкин булмаганидек, усиз улик бир нарсадир.

*3. Онг ва уз-узини англаш. Онг - ижтимоий ходисадир.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Онг ва уз-узини англаш. Миллий уз-узини англаш. Онгнинг ижтимоий ходиса эканлиги.***

Инсон онги фаол ижодий хусусиятга эга. Инсон онги маахлум бир максадга томон йуналтирилган жараёндан иборат. Инсон онгида вокелик оддийгина акс этиб колмайди, балки бу инҳикос уни хеч ка- чон каноатлантирмайди. Натижада, у уз амалий фаолияти ёрдамида узгартиришга харакат килади, бунинг учун эса бу вокеликнинг ривожланиш конунларини билишга харакат килади. Инсон шу тарика уз онгида борликнинг субҳектив инҳикосини хосил килар экан, уз-узини хам, узининг максад ва мафаатларини, идеаллларини хам, уз маҳнавий киёфасини хам англаб боради. Бунда у уз атрофидаги вокеликдаги узининг урнини

ажратиб, узининг борликка муносабатини, нима килаётганини, кандай максад ёки манфаатни кузлаётганини узига хисоб бериб боради.

*Уз – узини англаш* онг билан бирга, инсоннинг моддий ва маҳнавий фаолиятлари асосида, унинг турмиш тарзи давомида ўаклланади. Уз-узини англаш кишиларнинг барча хатти-харакатлари учун хисоб бериш, уз фаолиятларини тугри ёки нотугри эканлигини аниклаш, уларни маҳкуллаш, тасдиклаш ёки рад этиш, коралаш кабиларда ифодаланилади. Уз-узини англаш ёрдамида инсонда уз-узига ишонч пайдо булади, характери шаклланади.

Уз-узини англаш инсоннинг фаолиятини белгиловчи нарсадир. Бинобарин, уз-узини англашни куйидагича тахрифлаш мумкин: инсон узини субҳект сифатида ажратиб уз билишини узига каратиш уз талаб ва эхтиёжларидан келиб чикиб иш юритиш, фаолият ва саҳй-харакатларини узи назорат кила олиши ва бошкариш уз-узига узининг

барча хатти-харакатлари, фаолияти, амалга оширган ва режалаштираётган ишлари хакида хисоб бериши уз-узини англаш дейилади. Демак, фалсафада уз-узини англаш инсоннинг узи билишинииг хам субҳекти, хам обҳекти булиши жараёнидир.

Уз-узини англаш хам ижтимоий-тарихий жараён булиб, у доимий ривожланиб боради. Бу жараёнда турли шаклларда намоён булади. Уз-узини англаш дастлаб уз-узини хис килиш шаклида кечади. Бу у узини теварак атрофдаги борликдан ажратиб уз фаркини англаб етади.

Уз-узини англашнинг навбатдаги шакли инсоннинг жамиятдаги уз урнини, ижтимоий мавжудот эканлигини, жамиятнинг бир аҳзоси, жа- миятнинг конкрет бир ривожланиш боскичи даври муайян маданият, ижтимоий гурухига мансуб эканлигини тушунишдан иборат. Уз- узнинг англашнинг юкори шакли, бу хар кишининг жамият фукароси сифатида уз хатти – харакатларининг мохият ва мазмунини тушунган холда, жамият олдидаги жавобгарлик бурчи ва мажбурятларини тулик англаб етиб фаолиятини ташкил этиш бу фаҳолият учун маҳсулиятларни хис этиш уз фаҳоляти устидан уз назоратини урнатиш уз фаолиятига бахо бера оладиган уз-узига хисоб бера олувчи шахс эканлигини тушунишдир. Уз – узини англашнинг бу шакли конкрет индивид билан боглик булган шаклидир. Инсоннинг уз узини англаши

ижтимоий муносабатлар оркали шаклланади ва намоён булади. Чунки, хар бир киши узини бошка кишилар билан, бошка кишилар эса узи билан таккослайди, у узини бошкалар билан киёслаб идрок этади ва шу асосда уз-узини англайди.

Уз-узини англашда инсон фаолияти узига хос куринишларда кечади. Бошкаларга нисбатан адолат, хакикат, ростгуйлик каби принциплар узига нисбатан хам ушбу тамойиллар куйилишини эслатиб туради.

Уз-узини англашнинг энг мухим куриниши миллатнинг уз-узини англашидир. ***М и л л и й у з – у з и н и а н г л а ш*** миллий гоя ва миллий мафкурани асосини ташкил килади. Чунки миллий уз-узини англаш миллат маданияти, мероси, кадриятларини билиш, ундан фахрла-ниш, авайлаб-асраш, бошка миллатлар маданий-маҳнавий мероси-дан фарк этиш, уни жахон маданиятининг таркибий кисми эканлигини фахм-лаш, уни доимий бойитиш ва ривожлантириш ишига маҳсул бир миллат вакили эканлигини хис этиш кабиларни уз ичига олади. Миллий узликни англаш миллат тараккиётининг устивор тамойилидир. Зеро, миллий маданий кадриятларни узлаштириш ва эгаллаш, уларни кайта идрок этиш ва яратиш ривожланишнинг асосий шарт-шароитлари-дир.

Миллий уз-узини англаш, шовинизм ва миллатчилик миллий уз-узини англашнинг бузилган куринишлари булиб, миллий уз-узини англашнинг бир томонлама, тор, уни буртириб юборишнинг окибатидир. Натижада шовинизм ва миллатчилик миллатни бир-бириданустун куйиш, бошкаларни менсимаслик муносабатида булиш туфайли миллий низоларни келтириб чикаради. Миллий уз-узини англаш эса, аслида, хар бир миллат маданияти, маҳнавияти миллий кадриятилари шу миллатнинг узлигини англаб етиш йулида хизмат килиши лозим. Бу эса пировард окибатда, жахон цвилизациясини хам тезлашувга олиб келади.

Собик иттифок парчаланиб мамлакатимиз мустакилликка эришгач миллий узликни англаш юртимиз ижтимоий ва маҳнавий тараккиётининг мухим омилига айланиб бормокда.

***Мавзуни такрорлаш учун саволлар:***

1. *Онг ва унинг мохияти нимадан иборат?*
2. *Онгнинг пайдо булиши ва ривожланишида мехнат ва*

*ижтимоий му-хит омилларининг роли нимадан иборат?*

*3. Онг ва тафаккур, онг ва мия, онг ва тилнинг узаро богликлиги кандай?*

*4. Уз-узини англаш нима? Миллий уз-узини англаш нима?*

## *10 - Махруза: Ижтимоий онг, унинг мохияти ва асосий шакллари.*

***Режа:***

*1. Ижтимоий онг, унинг шаклланиши ва мохияти.*

*2. Ижтимоий ва алохида онг. Ижтимоий онгнинг таркибий тузилиши.*

*3. Ижтимоий онг шакллари ва уларнинг узаро алокадорлиги.*

*1. Ижтимоий онг, унинг шаклланиши ва мохияти.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Ижтимоий онг, кундалик хаёт онги, ижтимоий рухият, мафкура, сиёсий онг, диний онг, хукукий онг, ахлок, эстетик онг .***

Ижтимоий онг жамиятнинг ишлаб чикариш муносабатларини узида акс эттирувчи, жамиятнинг умумий махнавий хаёт даражасини ифодаловчи хис, туйгу, гоя ва карашларнинг мажмуидир. У жамиятдаги сиёсий ва хукукий, ахлокий, фалсафий, диний, эстетик карашлар, кечинмалар шаклида намоён буладн.

Ижтимоий онг - ижтимоий борликнинг инхикосидир.

Ижтимоий борлик ижтимоий онгга боглик булмаган холда яшайдиган обхектив реалликдир. Кишиларнинг ижтимоий борлиги, моддий хаёт шароитлари кандай булса, ижтимоий онги хам шундай буладн. Лекин ижтимоий борлик билан ижтимоий онгнинг узаро богликлиги уларнинг айнан тенглигини билдирмайди.

Ижтимоий онг ижтимоий борликка нисбатан нисбий мустакилликка эгадир. Иж-тимоий онгнинг нисбий мустакиллиги унинг ижтимоий борликдан, кишиларнинг ишлаб чикариш ва сиёсий фаолиятидан узиб кетиши ёки оркада колиши хам мумкин.

Ижтимоий онгнинг нисбий мустакиллиги гояларнинг жамият тараккиётидаги фаол роли оркали хам намоён булади. Илгор гоя ва назариялар жамиятдаги илгор кучларнинг манфаати учун хизмат килади, жамиятнинг олга томон харакат килишини

осонлаштира-ди, етилган ижтимоий масалаларни хал ки-лишга кумаклашади, халк оммасини эскириб колган ижтимоий тузум синфларга карши уюшишга онгли равишда харакат килишда гоя туфайли омма сиёсий курашда узининг максад ва вазифаларини англаб олади, ундан куч кувват олади. Агар уларнинг ташкилотчилик, сафарбар этувчанлик, узгарувчанлик роли ва ахамияти булмаса, жамият хаёти ривожланишидаги энг мухим масалаларни хал килиб булмайди.

*Ижтимоий онг* – обҳектив реаллик-ни акс эттирувчи гоялар, карашлар, ижтимо-ий туйгулар, одатлар ва ахлокий карашлар йигиндисидан иборат булса, алохида онг эса – муайян бир синфга, ижтимоий гурухга, халк, миллатга ва элатга мансуб аник бир кишининг онгидир. У алохида бир кишининг миясида обҳектив вокеликнинг акс этиши жараёнида юзага келадиган фикрлари, туйгулари ва бошка рухий сифатларининг йигиндисидир. Алохида онг хам ижтимоий онг каби моддий хаёт шароитларининг, ижтимоий борликнинг инсон миясидаги инҳикосидан бошка нарса эмас. У вокеликни бирор шахснинг миясида, унинг максади ва манфаатлари билан боглик акс этишидир ва киши хаётининг узига хос шароитларига караб шаклланади.

Вокеликни акс эттириш даражасига караб ижтимоий онг кундалик хаёт онги ва назарий онгга булинади. ***Кундалик хаётон ги*** – кишиларнинг кундалик хаёт тажрибаси асосида стихияли тарзда вужудга келган хулосалар, карашлар йигиндисидир. Назарий онг мутафаккирлар, назариётчилар, олимлар томонидан ишлаб чикилган назарий билим-лар тизимини ташкил этади.

*2. Ижтимоий ва алохида онг. Ижтимоий онгнинг таркибий тузилиши*

Таянч тушунча ва иборалар: ***ижтимоий онг, алохида онг тушунчалари. Ижтимоий онг тузулиши: ижтимоий рухият, ижтимоий мафкура.***

Ижтимоий онгнинг структурасига ижти-моий рухият, психология ва мафкура киради.

*Ижтимоий рухият* – кишилар, синфлар, айрим ижтимоий гурухлар ва миллий хаётнинг бевосита мехнат ва

турмуш кундалик шароитлари тахсирида вужудга келадиган хиссиётлар, кайфиятлар, кечинма-лар, одатлар, фикрлар, хаёллар ва шу кабиларнинг тартибга тушмаган, назарий жихатдан асосланмаган, системалашган йигиндисидир. Унда кишиларнинг максадла-ри, манфаатлари ва муаммолари акс этади.

Ижтимоий рухият вокеликни, кишилар ижтимоий борлигини акс эттиришнинг биринчи, куйи даражасини ташкил этади. Буни оддий онг деб хам аташ мумкин. Оддий онг вокелик хакида кенг илмий хулосалар чикариш учун кифоя килмайди. У онглиликнинг энг содда , илмий системага тушмаган шаклидир, махлум махнода олганда, у алохида онгга бирмунча якин туради. Бирок оддий онг вокеликни акс эттиришнинг юкори шакли булган илмий системалашган онгнинг ташкил топиши ва ривожланишига материал булиб хизмат килади.

*Ижтимоий рухият* кундалик турмуш шароитлари тахсири остида вужудга келади ва шаклланади у хиссиёт, кайфият, кечинма-лар, ирода кизикишларда намоён булади.

*Мафкура* - ижтимоий гурухлар, миллатлар ва элатлар, сиёсий партиялар, оммавий харакатлар, жамоат ташкилотлари, давлат хокимиятининг, ижтимоий синфлар-нинг, сиёсий, хукукий, ахлокий, эстетик, диний, фалсафий каби карашларининг системалаштирилган илмий билимлар йигиндисидир. Мафкура усткурманинг бир кисми булиб, жамият моддий хаёт шароитларидан вужудга келади ва иктисодий муносабатларини акс эттиради.

Мамлакатимнзда хозир таркиб топаётган умумхалк миллий мустакиллик мафкураси “Халкимизнинг асрлар оша яшаб келган анханалари, урф-одатлари, тили ва рухи негизига курилган миллий мустакиллик мафкураси умуминсоний кадриятлар билан махкам уйгунлашган холда келажакка ишонч туйгусини одамлар калби ва онгига етка-зиши, Ватанга мухаббат, инсонпарварлик рухида тарбиялаши, халолликни, мардлик ва сабрбардошликни, адолат туйгусини, билим ва махрифатга интилишни тарбиялаш йулида хизмат килмоги лозим”, дейди И.А. Каримов.

### *3. Ижтимоий онг шакллари ва уларнинг узаро алокадорлиги.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Сиёсий онг, диний онг, хукукий онг, ахлок, эстетик онг.***

Ижтимоий онг шакллари хилма-хил булиб, уларнинг хар бири узига хос хусусият-ларга эга. Ижтимоий онг шаклларидан бири сиёсий онг булиб, у вокеликни , ижтимоий борликни узига хос усулда акс эттириши билан тавсифланади.

*С и ё с и й   о н г* – турли ижтимоий гурухларнинг давлат хокимияти , сиёсий ташкилотларга , уларнинг жамият хаётидаги ролига , бошка давлатлар ва миллатлар билан муносабатлар ва шу кабиларга карашларинг системалаштирилган назарий ифодасидир.

Сиёсий онг давлат фаолиятида ифодаланади ва бу фаолиятнинг бош йуналишини ташкил килади. Сиёсий хокимият учун курашишда , муайян сиёсий тартибни ва унинг иктисодий негизла-рини химоя килиш, асослаб бериш ва мустахкамлашда жуда мухим курол булиб хизмат килади.

Шунинг учун кишиларнинг сиёсий онгини шакллантириш ва ривож-лантириш катта ахамият касб этади. “Агар иктисодий усиш, тараккиёт,- дейди И.Каримов,- жамиятимизнинг танаси булса, махнавият- маЪрифат ва сиёсий онг етуклиги унинг рухи, акли ва жонидир ”.

Бугунги кунда буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун сиёсий етук, маЪрифатли, узининг утмиши, улуг кадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялаш жамиятимиз олдида турган долзарб вазифадир.

*Х у к у к и й   о н г* хам ижтимоий онгни бошка шакллари сингари кишилар ижтимоий борлигини узига хос куринишларида акс эттиради. Хукук ва хукукий онг жамиятнинг иктисодий ахволини белгилайди. Хукукий онг давлат томонидан белгиланган хукукий нормалар ва муносабатларга, конунларга, суд, прокуратура масалалари ва хоказоларга булган карашларнинг назарий ифодасидир. Хукук инсон хаётининг айрим томонларини эмас, балки унинг жамиятдаги бутун хаётини уз ичига олади. Хукук нормаси давлат томонидан белгиланган ва одамлар зиммасига юкланган узини тутиш ва хулк атвор коидаларидан иборатдир.

Давлатдан ташкари хукукнинг булиши мумкин эмас. Давлат органлари хукук нормалари ва коидаларини белгилайди, бекор килади, узгартиради, мажбур килиш чораларини куллаш йули

билан уларнинг бажарилишини тахминлайди. Мажбурловчи давлат аппаратисиз хукук хеч нарса эмасдир. Бинобарин,давлат хукуксиз, хукук давлатсиз яшай олмайди.

*Ахлок* хам ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида кишиларнинг жамиятдаги хатти-харакатлари, юриш туришлари, яшаш нормалари, принциплари, коидалари, шунингдек, уларнинг узаро бир-бирларига хамда ижтимоий бирлашмаларга булган муносабатларини ифодалайди. У ижтимоий онг шаклларидан, жумладан хукукий онгдан фарк килади. Хукукнинг ахлокдан асосий фарки шундаки, хукук нормаларининг бажарилишини давлат тизимининг, ахлок коидаларига риоя килишни тахминлаш эса жамоатчилик фикри билан амалга оширилади ва одатда ишонтириш кучига таянади. Ахлок жамият тараккиётининг илк боскичида пайдо булган. Унинг пайдо булишида кишиларнинг мехнат фаолиятлари, иктисодий муносабатла-ри хал килувчиролЪ уйнайди. Инсон хаётидан, уларнинг моддий хаёт шароитлари-дан ажралиб юзага келган ахлок жамиятда кишиларнинг хатти-харакатларини, хулк-атворларини тартибга солувчи эхтиёжлар мавжуд булганлиги учун келиб чикади.

Ахлок ва ахлокий муносабатлар котиб колган эмас, улар доимо узгарнб туради. Кишиларнинг хаёт шароитлари, даставвал моддий хаёт шароитлари, улар яшаб турган ижтимоий тузум узгариши билан ахлок ва ахлокий тушунчалар хам узгариб, такомилла-шиб боради.

Ота-боболаримиз эхтикод килиб келган ислом тахлимоти ва Шарк фалсафасида уз аксини топган умуминсоний ахамиятга молик одоб-ахлок коидалари мустакиллик шарофати билан яна кайта тикланиши халкимизнинг маданий - махнавий покланишн ва юксалншига хизмат килиб келмокда.

Ижтимоий онг шаклларидан яна бири – *э с т е т и к о н г* вокеликни бадиий образларда акс эттиради. Санхат – дунёни бадиий узлаштиришнинг мухим усулларидан хисобланиб, моддий дунёни билиш ва бадиий узлаштиришда кишиларга кумаклашади хамда бадиий тарбиянинг кудратли воситаси булиб хизмат килади. Санхатнинг мехморчилик, декоратив, амалий санхат, рассомчилик, хайкалтарошлик, графика, мусика-хореография, театр, цирк,

телекурсатув, кино, бадиий адабиёт сингари турлари мавжуд булиб, улар бир-бирларига ухшаш ва богликдир.

Санхатнинг манбаи – вокеликдир. Санхат обхектив вокеликни акс эттириш шаклларидир. Вокеликнинг санхатда акс этиши мураккаб, зиддиятли жараён; бадиий инхикос суст эмас, балки фаол жараёндир, санхат вокеликни билиш, узлаштириш воситасидир; амалиёт бадиий тасвирнинг хакикий эмаслигини билиш мезонидир.

Санхат жамият моддий хаёт имкониятлари асосида ривожланади ва унга хизмат килади. Унинг узига хос хусусиятларидан бири ворислик асосида боришидир. Хар кандай янги давр санхатни узидан олдинги давр санхатида булган хамма илгор нарсаларни кабул килиб олади ва ривожланади.

Тарихий тажриба шуни курсатадики, сиёсат, мафкура, адабиёт ва санхат бир-бири билан узвий богликдир, уларни карама-карши куйиб булмайди. Бир жамиятда яшаб туриб шу жамиятда мавжуд булган сиёсат ва мафкурадан четда туриш мумкин эмас.

Ижтимоий онгнинг туркумига диний онг хам киради.

*Диний онг* – кишиларнинг вокеилик, табиат, борлик, унинг мохияти, пайдо булиши, тараккиёти, унда инсоннинг урни ва мохияти, охирати тугрисидаги илохий карашлар йигиндисидир.

Диний онг ижтимоий онгнинг энг кадимий шаклларидан бири булиб, бутун инсоният тараккиёти жараёнида муайян махнавий ахамиятга эга булиб келган. Шунинг учун дин одамзот эришган буюк кадриятлардан биридир.

Ижтимоий онгнинг барча шаклларида унинг умумилмий, умумбашарий ахамиятга эга булган чукур мазмун, мухим гоя ва инсоний кадриятлар мавжуддир. Ижтимоий онг шаклларидан кайси бирини олиб курмайлик, унда алохида бир халк ва миллатнинг эмас, бутун инсониятнинг асрлар давомида кулга киритган, авайлаб-асраб келган билим бойликлари, бой хаётий тажрибалари, амалий фаолиятлари якунлари акс этганлигини хам курамиз.

Президентимиз тахкидлаганидек, “Мустакил Узбекистоннинг куч-кудрати манбаи – халкимизнинг умуминсоний кадриятларга содикли-гидир. Халкимиз адолат, тенглик, ахил кушничилик ва инсонпарварлик-нинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-

асраб келмокда. Узбекис-тонни янгилашнинг олий максади ана шу анҳаналарни кайта тиклаш, уларга янги мазмун багишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва хар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир".

Мавзуни такрорлаш учун саволлар:

1. *Ижтимоий онг нима? Ижтимоий онг ижтимоий борлик билан кандай богланган?*
2. *Алохида онг нима? Ижтимоий ва алохида онгнинг узаро богликлиги кандай?*
3. *Ижтимоий онг таркиби кандай тузилган?*
4. *Ижтимоий онг шакллари ва уларнинг узаро богликлигини кандай тушунасиз?*
5. *Мустакиллик шароитида ижтимоий онг ролининг ошиб бораётганлигини сузлаб беринг.*

## *11-Маҳруза: Умумий богланиш ва алокадорлик хамда ривожланиш хакидаги фалсафий карашлар.*

***Режа :***

1. *Борлик ва унинг хилма - хиллиги, унинг узаро богликлиги, ва алокадорлиги тугрисидаги фалсафий карашлар.*
2. *Диалектика ва унинг мукобиллари.*

*1.Борлик ва унинг хилма - хиллиги, унинг узаро богликлиги, ва алокадорлиги тугрисидаги фалсафий карашлар.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Борлик, диалектика, обҳектив диалектика, субҳектив диалектика, илмий диалектика, гегел диалектикаси*.**

*Борлик* тугрисидаги фалсафий таҳлимотга кура, унинг мохиятиятини англаб етишда борликни ташкил этувчи нарса ва ходисалар уртасидаги узаро богликлик ва алокаларни, уларнинг узгариши ва ривожланишларини билиш хам жуда мухимдир. Оламнинг бир бутун, яхлит илмий манзарасини хосил килишда ва у тугрисида назарий хулоса чикаришда бундай ёндашув, хал килувчи методологик усулдир. Бусиз борликни конкрет холатини, мохиятини, манбаи, сабаби, ривожланиши, харакатга келтирувчи кучи хамда тараккиёт йуналишини тушунишга имкон хам яратилмайди. Бу шундан далолат берадики, алокадорлик, умумий

богла-ниш ва ривожланиш тугрисидаги карашлар алохида узига хос фалсафий муаммо хисобланади.

Фалсафа тарихида барча фалсафий муаммолар билан бирга борликнинг харакатланиши, тараккиёти, умумий богланиш ва алокадорликда эканлиги тугрисидаги карашлар хам пайдо булган. Бу муаммолар фалсафада "диалектика тушунчаси" ёрдамида ифодаланган.

***Д и а л е к т и к а*** фалсафа тарихида, дастлаб, узаро бахс мунозара олиб борувчи кишиларнинг фикр ва мунозараларидаги карама- карши зид фикрларнинг тукнашуви оркали хакикатни аниклаш маҳносини англатган. Бу, айникса, антик давр файласуфларида яккол намоён булади. Улар уз мухокамаларида бир -бирларига мукобил саволларни бериб, бу саволларга хар томонлама ёндашув ёрдамида бир ёклама, тор жавобларни бартараф килишган. Натижада масалага мунозара давомида хар хил нуктаи назарларни билдириш туфайли, турли илмий, назарий, ахлокий, сиёсий, хукукий, ва шу каби вокеа - ходисалар тугрисидаги уз карашларини ишлаб чикканлар. Окибатда, антик давр мутафаккирлари диалектика деганда узаро бахслашув санҳатини, мунозара юритиш асосида хакикатга эришиш усулини тушунганлар. Масалан, шу даврнинг йирик мутафаккири Сукрот диалектикани узаро бахслардаги карама - карши фикрлар уртасидаги зиддиятларни очиб бериш оркали хакикатга эришиш санҳати деб тушунган.

Диалектикани бахс юритиш санҳати сифатида тушуниш урта асрларда хам давом этган. Унга мунозара санҳати сифатида хам караш урта асрларда яшаган Марказий Осиёлик мутафаккирлар, хаттоки Уйгониш даври вакилларига хам хос булган. Г. Галилейнинг " Дунёнинг икки системаси тугрисидаги бахс " асари бунга яккол мисол була олади.

Диалектика тушунчаси пайдо булган даврдан бошлаб хозирги кунгача умуман олганда гарчи у бошида тор маҳнода кулланган булсада, сермазмун фалсафий фикр юритиш, сухбат куриш усули сифатида инсоният маданияти ривожланишида сезиларли даражада ижобий ролЪ уйнайди. Диалектик фикр юритиш, мунозара маданияти мураккаб муаммоларни мухокама килиш, зиддиятларни ечиш, тугри хулосалар чикариш ва тушуниш махоратининг шаклланишида катта ахамиятга эга булди. Шу тарика диалектика

аста-секин карама - карши фикрлар асосида мунозара, бахс юритиш оркали зиддиятларни очиш усули сифатида караладиган булди. Инсон ижод тафаккурининг диалектик характери тугрисидаги карашлар шаклланди. Бирок вакт утиши билан диалектика факат кишиларнинг фикр юритиш жараёнигагина хос эмаслиги, балки у табиат ва жамиятдаги нарса ва ходисаларга хам хос, деб карала бошланди. Айникса, бу караш борлик шакллари ва турлари уртасидаги узаро богланиш ва алокадорликларнинг, уларнинг доимий усиши, узгариши, ривожланиши натижасида, бир холатдан иккинчи холатга утиб туришини аниклаб берувчи тахлимот сифатида янада ривожланди. Натижада, диалектика тушунчаси инсонни куршаб олган дунёни билиш, уни тушуниш усулидан вокеликнинг узидаги барча нарса ва ходисаларнинг узгариб, олдинги хусусиятларини узгартириб, илгари булмаган янги хусусиятлар хосил килиб боришни хам ифодалай бошлади. Шу асосда борлик ва вокеиликка хам диалектик караш карор топа бошлади. Бирок, бу жараён жуда кийин кечди. Чунки, узок даврлар мобайнида кишилар космосни, усимликлар, хайвонот дунесини хатто кишиларнинг узларини хам узгармас, доимо бир хилда туради деб тушунишган.

Дуненинг узгарувчан эканлиги тугрисидаги дастлабки тасаввурлар кадимги Хитой, Хиндистон ва Юнонистон файласуфларининг тахлимот-ларида илгари сурилди. Бу давр файласуфлари илмий далилларга эга булмаган холда, содда равишда борликнинг умумий узгарувчи характери хакида уз даврлари учун янги илгор фикрларни илгари суришади.

Фалсафада борлик ва вокеиликнинг ривожланиш гояси узок даврлар мобайнида шаклланди. Инсоният тараккиётда илгарилагани сайин нарса ва ходисаларнинг узгариши, дунёнинг узлуксиз харакатда, ривожланишда эканлигини, табиат ва жамиятдаги вокеа - ходисаларида куплаб даврий, такрорланиб турувчи ходисалар хам борлигини англай бошлаганлар.

Ривожланишдаги сифат узгариши, эскига нисбатан жиддий янгиликнинг пайдо булишини тушунишда уйгониш даври, Шарк ва Урта Осиё мутафаккирлари бир катор олдинга кетдилар. Уларнинг ривожланиш тугрисидаги карашларида кишилик жамияти тараккиётига тадбикан билдирилган уринишларни курамиз.

Ривожланиш ва тараккиёт гоясини бир бутун дуне ривожланиши гояси билан боглаб тушунишда дастлабки уриниш француз

файласуфи Р . Декарт фалсафасида учрайди. Унинг фикрича, борлик Худо томонидан яратилиб кейинги ривожланиш ва харакатига туртки берилган. Француз фалсафасининг бошка йирик вакиллари Валтер ва Руссо карашларида эса махрифатпарварлик билан сугорилган тарихий ривожланиш гояси илгари сурилган. Кондорсе эса жамиятнинг илгариланма, узлуксиз тараккиёти тугрисидаги тахлимотини яратди. Бу мутафаккирлар уз карашларида ахлок, дин, хукук кабиларни жамиятни харакатга келтирувчи, ривожлантирувчи кучлар эканлиги тугрисидаги гояларни илгари сурдилар.

Ривожланиш ва тараккиёт тугрисидаги гояларни умумлаштириш ва изчил асосда баён килиб беришда, шубхасиз, немис классик фалсафаси вакилларининг муносиб урни бор. Жумладан, унинг асосчиси И. Кант ривожланиш гоясини изохлашда узига хос бир катор назарияларни ишлаб чикиш билан бирга , у бу карашларини инсоннинг ахлокий ривожлани-шига хам жорий килишга уринди.

Диалетика тахлимотини ривожлантириш борасида, албатта, немис классик фалсафасининг энг йирик вакили Гегелнинг урни жуда каттадир. Гегелнинг улуг хизмати шундаки, у биринчи булиб бутун табиий, тарихий ва махнавий дунёни бир бутун, яхлит жараён шаклида, узлуксиз харакат килиб турадиган холда тасвирлаб берди, бу харакат ва тараккиёт жараёнининг ички богликлигини очиб берди.

Гегелнинг карашлари тараккиёт тугрисидаги диалектика тахлимотини янада бойитди, у диалектик тафаккур тарихида биринчи булиб диалектика категориялари ва конунларини баён килиб берди. Бирок, *Гегелнинг диалектикаси*да борликнинг ривожланиш жараёни тафаккур ривожи билан белгиланади. Шу махнода унинг карашларида диалектиканинг туб мохияти тескари талкин этилган.

Диалектика табиат, жамият ва тафаккур тараккиётининг, улардаги нарса ва ходисалар уртасидаги узаро алокадорлик ва богланишларнинг энг умумий конунлари тугрисидаги фандир. Диалектика бир бутун борликнинг ривожланиши тугрисидаги тахлимот сифатида моддий дунега хам унинг инхикоси булган махнавий дунёга хам, яхни инсон билишига хам мосдир. Шунга кура, диалектика таркибига *обхектив диалектика* ва *субхектив диалектика* киришини тахкидлаш лозим.

***Обҳектив диалектика*** - моддий дуненинг, ундаги нарса ва ходисаларнинг алокадорлик ва богланишлари, уларнинг харакати, ривож-ланиши ва тараккиётидир.

***Субҳектив диалектика*** - моддий дуненинг инсон миясидаги инҳикосига хос булган билиш жараёни субҳектив диалек-тикасидир.

Демак, агар обҳектив диалектика бизни ураб олган хилма - хил предмет ва ходисалардан иборат моддий дуненинг ривожланиш диалектикаси булса, субҳектив диалектика эса уларнинг инсон онгидаги инҳикоси - тафаккур диалектикасидир.

Субҳектив диалектика обҳектив диалектиканинг инҳикосидир. Шунинг учун обҳектив диалектика хамиша бирламчи. Бундай ёндашув ГегелЪ обҳектив диалектикасидан фарк килади. Мохиятига кура, Гегелда субҳектив диалектика бирламчи, белгиловчи мохият сифатида талкин этилган. Худди шу уринда Гегелнинг обҳектив диалектика тугрисидаги карашларида илмийликка путур етганлиги боис изчиллик хам йуколган.

***Илмий диалектика*** борликдаги алокадорликлар ва ривожла-ниш-нинг умумий конуниятлари тугрисида тугри, изчил йуналиш беради, дунени тушуниш, англаш, узлаштириш, шунингдек, узгартириш йулларини курсатиб берувчи назариядир. Илмий диалектика, оламнинг хакикий манзарасини яратиш, кишиларда илмий дунекарашни шакллантиришга ёрдам беради. Илмий диалектикага асосланган холда борликни урганиш, ундаги нарса ва ходисаларни узаро богликлик ва алокадорликда, доимий харакат ва узгариш хамда ривожланишда олиб каращдир. Унинг тараккиёти оддий илгариланма харакат ва узгаришдан иборат эмас, балки оддийдан мураккабга, пастдан юкорига, унчалик ривожланмаган куринишдан, янада мукаммалрок боскичга караб, спиралсимон тарзда борадиган равнак топиш жараенидан иборат. диалектиканинг таҳлимот сифатидаги туб мохияти ана шундан иборат.

2.*Диалектика ва унинг мукобиллари.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Софистика, эклектика, догматика, догматик тафаккур, софистик тафаккур, эклектик тафаккур***.

Диалектика кишилар учун вокеиликни билиш усулидир. Унинг ёрдамида дунега диалектик караш вужудга келади. Дунега диалектик караш эса барча нарса ва ходисаларни, уларни инсон

онгидаги инхикосини узаро алокадорлик ва богланишда, карама каршиликлар бирлиги ва курашда, микдор ва сифат узгаришларининг узаро бир-бирига утишида, эскининг янги билан доимий янгиланишида деб тушунишдир. Шунинг учун диалектика борлик ва вокеиликни, инсон билиш жараенини хамиша уз-узидан харакатда, узгариш ва ривожланишда, пайдо булиш ва йук булишда, бу узгаришларни ички манбаи, сабаби ва харакатлантирувчи кучи кандайдир бошка бир мавхум жойда эмас, балки нарса ва ходисанинг ичида, улар хамиша узаро богликлик ва алокадорликда хамда узаро муносабатда деб ургатади. Дунега диалектик караш, диалектик тафаккурни шакллантиради, диалектик тафаккур эса борликни бир бутун, яхлит холда, кандай булса шундай, уни кандайдир котиб колган бир нарса эмас балки доимий равнак топиш жараёнида олиб карашнинг асосидир.

Табиат ва жамиятда хамма нарса диалектик тарзда юз беради. Бирок, уни акс этириш, билиш натижасида тасаввур хосил килиш усулларида фарклар мавжуд. Шулардан диалектик тафаккур усулига хос булган хусусиятларни кайд этишда давом этиб айтиш лозимки, табиатшунослик ва жамият тараккиёти тахсирида диалектик тафаккур хам узгариб, такомиллашиб боради.

Тараккиёт натижасида даврнинг узгариши туфайли кишиларнинг тафаккур усуллари хам узгариб боради. Чунки, хар бир янги давр уларнинг олдига янги муаммоларни куяди. Янги муаммолар ечими эса, уларга янгича ёндашувни талаб килади. Окибатда, янгича фикрлаш ва янгича тафаккур шаклланади. Кейинги йилларда ижтимоий тараккиетдаги туб бурилишлар туфайли жахон халклари хамжамиятларининг вужудга келиши натижасида янгича тафаккур вужудга келаетганлиги фикримиз далилидир. Унинг асосини жамиятни диалектик тушуниш ташкил килади.

Диалектик тафаккур усули софистик, эклектик ва догматик тафаккур усулларидан тубдан фарк килади.

Тафаккурнинг софистик, эклектик ва догматик усуллари диалектик тафаккур усулининг мукобилларидир. Улар уз мохиятига кура метафизик усулдир. Фалсафада борликдаги умумий богликликлар, алокадорликлар, ривожланиш ва тараккиёт жараёнларини бузиб курсатишга уриниш, одатда, метофизик карашдан иборат. Диалектик тафаккурнинг мукобиллари гарчи бир -бирларига карама - карши булса хам, айни вактда, бир - бирларини

тулдирадилар ва диалектик тафаккурнинг мохиятини туликрок англаб етиш учун хизмат киладилар. Уларнинг хар бири тугрисида кискача тухталиб утиб, бунга ишонч хосил киламиз.

*Софистика* - юнонча суздан олинган булиб, билиб туриб, атайлаб хато асослар асосида, куп маҳноли сузларга асосланиб, хато асослардан ёлгон хулоса чикариш оркали фикр юритишдир.

Софистик тафаккур дастлаб кадимги юнон фалсафасида кенг таркалган эди.

Софистик тафаккур усули, Фаробий таҳбири билан айтганда, «ёлгантакам донолик» дир. Чунки, унда хакикатни атйлаб бузиб, ёлгон фикрни хакикат сифатида курсатишга уриниш мавжуд булади. Бундан кулланиладиган асосий максад сухбатдошни чалгитиш оркали мантикий боши берк кучага олиб киришдан иборат. Бундай тафаккур усулининг хакикий сабаби формал мантик конунларини бузилиши билан боглик. Софистик тафаккур усули санҳатда турли хил комик вазиятни яратишда кенг кулланилади.

*Эклектика* – юнонча танлайман, деган маҳнони англатади. Унинг мохияти турли карама-карши назарияни, карашларни кориштириб юборишдан иборат.

Эклектик тафаккур усули хам кадимги юнон фалсафасида пайдо булган эди. Урта асрларга келиб схоластиканинг авж олиши билан янада ривожланди.

Эклектик тафаккур усулида нарса ва ходисаларнинг мухим ва номухим, асосий ва асосий булмаган хусусиятлари, улар уртасидаги богликликлар аралаштириб ифодаланади. Нарса ва ходисаларга, уларнинг алокадорликларига муайян макон ва замонда, вазият ва шароитда ёндашмаслик, улардаги асосий ва иккинчи даражали томонларни хисобга олмаслик келиб чикади. Эклектик тафаккур усули, айникса, бошкарувда рахбарнинг амалий ва назарий фаолиятида турли масалаларни хал килишда катта халакит беради.

Эклектик тафаккур усули асосида хам формал мантик конунларни бузиш, улардан нотугри фойдаланиш, нарса ва ходисалар мохиятига, уларнинг узаро богликликларига юзаки ёндашиш ётади. Бундан кутилиш учун эса диалектик мантик конунлари даражасида фикр юритишни урганмок керак.

*Догматика* - юнонча, узгармас, котиб колган, акида деган маҳноларни англатади.

Догмастик тафаккур хам диалектик тафаккурнинг мукобиллари-дан бири булиб, фалсафадаги фан ва адабиётнинг янги махлумотла-рини хисобга олмай, узгармас тушунчалар ва коидалар билан иш курувчи тафаккур усулидир.

Догматик фикр юритиш буюмлар ва уларнинг фикрдаги инхикослари, яхни тушунчалар бир-биридан кейин ва бир-бирига боглик булмаган холда текширилиши лозим булган айрим-айрим, узгармас, котиб колган, хамиша бир зайилда турадиган нарсалардир, деб тасаввур килишдан иборат.

Урта асрлар фалсафасида диний акидаларга ишонишнинг кучайиши догматик тафаккурнинг кенг таркалишига олиб келди. Хозирги кунда ваххобийлик каби окимларнинг кириб келиши ва таркалиши хам догматик фикр юритишнинг окибатидир.

Догматик тафаккурнинг мавжудлиги инсон уз билиш жараёнида бахзан билишнинг бирон бир томони ёки бирон холатини ноурин мутлоклаштирш билан чамбарчас богликдир. Шунинг учун догматик тафаккур ривожланиш ва тараккиёт гоясини бузиб курсатиш билан бирга, унга гов булувчи тараккиётни инкор этувчи фикрлаш усули хамдир. Мохият эхтиборга кура, у диалектикани билмаслик ёки тушунмаслик билан боглик.

Догматик тафаккур, айникса, сиёсат ва бошкарувда жуда хавфлидир. Чунки, бунда у субхективизм, бюрократия, ижтимоий хётдан узилиш, ижодий фаолиятни бугиш, ташаббусни тусиш; прогрессив гоялар, назария ва тахлимотлардан воз кечиш, янгилик-ларни уз вактида пайкамаслик, истикболни олдиндан кура олмас-лик каби иллатларни келтириб чикаради. Шунинг учун бошкарув-даги рахбарларнинг догматик тафаккурга эга кисми жамиятга жуда катта зарар келтиришади.

Догматик тафаккурни олдини олиш учун диалектик тафаккурни хамма сохада кенг карор топтириш лозим. Чунки, факат диалектик тафаккургина бутун борликни яхлит бирликда, унинг хилма-хил-ликларини узаро узвий, чамбарчас алокадорлик ва богликликда, доимий ривожланиши тараккиётида олиб курашга имкон беради. Жумладан, диалектик тафаккур кишилик жамияти ривожида тарак-киётнинг тарихий эхтиёжларининг, башариятнинг янги цивилизи-ция томон одимлашда янги шакл ва мазмунга утиш зарурияти ва конуниятларини аниклашда ёрдам беради.

***Мавзуни такрорлаш учун савоолар:***

1. *Диалектика нима?*

*2. Фалсафа тарихида диалектика тугрисидаги карашлар кандай ривожланган?*

*3. Диалектика мукобилларининг мохияти нимадан иборат?*

*4. Диалектик тафаккур кайси жихатлари билан бошка тафаккур усулларидан устун туради?*

### *12-Маҳруза: Умумий богланиш ва алокадорлик шакллари.*

***Режа:***

*1. Алокадорлик ва богланишларнинг намоен булиши.*

*2. Алокадорлик ва богланишлар шакллари.*

#### *1. Алокадорлик ва богланишларнинг намоён булиши.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***диалектика, алокадорлик ва богланишлар, универсал, структуравий, детерминистик алокадоликлар***

Борлик тугрисидаги фалсафий таҳлимотга кура, махлум буладики, бутун борлик, гарчи, хилма-хил булсада, у айни пайтда бир бутун хамдир. Хилма-хил борликнинг бир бутунлиги тугрисида мулохаза юритар эканмиз, бир катор саволлар олдимизда кундаланг булади: борлик бутунлигининг асосида нима ётади ? Хилма-хил борликни бутун холатга келтирувчи тамойиллар борми? Агар бор булса, улар нималардан иборат ? Модомики, хилма - хилликдан иборат борлик бир бутун экан, бинобарин бу хилма-хиллик уртасида узаро алокадорлик ва богланишлар хам булиши табиий. Демак, бу богликликлар нималардан иборат ? Бу богликликлар, равшанки, борлик ривожи ва тарраккиёти ривожида хам намоён булса керак. Шундай экан, алокадорликларнинг ривожланиши жараёнида намоён булиши хусусиятлари нимадан иборат ? Ва нихоят, буларнинг барчасини акс эттирадиган ва урганадиган таҳлимотнинг мохияти нимадан иборат ?

Ушбу саволлар хар бир кишини хаёти давомида у ёки бу даражада узига жалб кила оладиган, уйлантирадиган муамолар сарасига киради, окибатда улар инсоннинг фалсафий фикр юритиш жихатларини шакллантиришда мухим ахамият касб этади. Ана шу боис бу саволлар юзасидан бош котириш муайян амалий ахамиятга хам эга.

Фалсафада ушбу муаммоларни урганадиган таҳлимот диалектикадир.

*Диалектика* - борлик хилма-хилликлари уртасидаги умумий богланишлар, алокадорликлар, бутун харакатланиши, усиши, узгариши ва ривожланиши тугрисидаги тахлимотдир. Ривожланиш ва тараккиёт, узаро алокадорликлар эса табиат , жамият ва инсон тафаккурига хосдир. Бинобарин, диалектика асосида борлик ривожланишини урганиш инсонга унинг мохиятини чукуррок англаш имконини бериш билан бирга дунёни узгартириш йулларини хам курсатиб беради. Аиа шу махнода диалектика методологик курол вазифасини хам утайди.

Диалектика, аввало, умумий богланишлар ва алокадорликлар тугрисидаги фандир. Уни урганиш диалектик фикр юритишни шакллантиради. Диалектик фикр деганда борликдаги барча нарса ва ходисаларни узаро богликликда ва алокадорликда хамда доимий ривожланиш ва тараккий этиш жараёнида олиб карашдир.

Табиатда хам кишилик жамиятида хам инсон тафаккурида хам хеч бир ходиса ёки вокеа узгариш ёки жараён бошка ходиса ёки вокеалардан узгариш ёки жараёнлардан ажралган алохида, уларга боглик булмаган холда, улар билан алокадорликсиз мавжуд булмайди. Аксинча, уларнинг барчаси доимо узаро богликликда булади, бир-бирини такозо килиб туради. Шунинг учун диалектиканинг узаро алокадорлик принципи ялпи умумий характерга эга. Чунки узаро алокадорлик ва богликлик бутун борликка, яхни табиат, жамият, инсон тафаккури хамда билиш жараёнига хосдир, айни пайтда алокадорлик ва богликликлар уз ичига камраб олган , моддий ва махнавий оламнинг чексиз холатлари богланиш ва алокадорлик туфайли мавжуд.

Инсон ана шу борлик ходисаларини билар экан, нарса ва жараён-ларнинг мохиятини урганар экан, албатта, конкрет нарса ва ходисани билиш обхекти килиб танлаганда уларни умумий богланишлардан фикран ажратади. Уларга хос булган хосса ва хусусиятларни очиб бериш учун эса бошка нарса ва ходисалар билан богликларини аниклаб, бирга олиб урганади. Борлик предметлари, ходисалари узаро мураккаб ва узвий богликда булгани боис, уларни билишда имкон кадар бу богликлик ва алокадорликларни аниклаб, уларга таяниб иш куриш лозим. Билиш диалектикаси буни такозо килади. Билишда бундай хар томонлама ёндашувга эришиш мутлак махнода жуда кийин булсада, лекин айнан шундай талаб, турли хатоликлар янглиш хулосалар чикаришдан асраб туради.

Диалектик ***алокадорлик ва богланишлар*** бир бутун борликни ташкил этган предмет ва ходисалар уртасидагина мавжуд булиб колмасдан, балки уларга тегишли булган барча белги хосса ёки хусусиятлар уртасида хам мавжуддир. Зеро , нарса ва ходисалар богликлиги уларнинг белгилари ёки хусусиятлари уртасидаги чамбарчас богликликларга таянади.

Алокадорлик ва богланишлар борликнинг турли сохаларида турлича намоён булади. Масалан макродунедаги богланишлар сайёралараро богланишлар, органик оламдаги богланишлар, кишилик жамиятидаги богликликлар ва х.к. Улар шу кадар ранг-баранг ва узига хоски, умуман олганда борликнинг ранг-баранглигига мос тушади. Бу алокадорлик ва богланишларнинг муайян турини конкрет фанлар урганади. Бунда хар бир фан борлик богланишларининг муайян турига хос мохиятини урганиш билан бирга алокадорликнинг хали номахлум, урганилмаган жихатларини очиб беради. Урганилаётган алокадорликлар борликнинг бошка сохаларига оид алокадорликлар билан биргаликда урганилса, оралик сохаларни урганувчи янги фанлар хам пайдо булиши мумкин. Масалан, биофизика, геофизика, физхимия ва бошкалар шулар жумласидандир.

Куриниб турибдики, турли фанлар бепоён борликдаги хилма-хил алокадорликлар ва богланишларнинг бирон турини урганади. Диалектика эса бир бутун борликка ва унинг турли куринишларига хос булган энг умумий алокадорлик ва богланишларни урганади. Диалектика урганадиган алокадорликлар уч турда булишини тахкидлаб утиш лозим: 1) универсал 2) структуравий 3) детерминистик алокадоликлар. Худди шу жихати билан диалектика бошка конкрет фанлардан фарк килади.

2. Алокадорлик ва богланишлар шакллари.

Таянч тушунча ва иборалар: ***Яккалик, хусусийлик ва умумийлик; бутун ва кисм; мохият ва ходиса; система, структура, элемент; мазмун ва шакл; сабаб ва окибат; зарурият ва тасодиф; имконият ва вокеилик;***

Диалектика урганадиган борликнинг энг умумий алокадорликлари ва богланишлари фалсафада куйидаги тушунчалар оркали ифодаланади:

а) Яккалик , хусусийлик ва умумийлик;

б) Бутун ва кисм;

в) Мохият ва ходиса;

г) Система, структура, элемент;

д) Мазмун ва шакл;

е) Сабаб ва окибат;

ж) Зарурият ва тасодиф;

з) Имконият ва вокеилик;

Бу тушунчаларни хар бирининг мохияти тугрисида тухталиш диалек-тиканинг канчалик серкирра тахлимот эканлигин тасдиклайди.

***Яккалик, хусусийлик ва умумийлик***

Яккалик хусусийлик ва умумийлик борликдаги нарса ва ходисалар уртасидаги богланиш ва алокадорликни ифодалаб, уларнинг мавжуд булиш шаклини ташкил этади. Чунки борликни ташкил этган жамики предмет ёки ходиса, яккалик, хусусийлик, ёки умумийлик куринишида мавжуд булади. Бунда яккалик дейилганда, факат алохида нарса ёки ходисагагина хос булиб, уни бошкаларидан фаркланириб турувчи индивидуал белги ва хусусиятлар бирлигига айтилади. Яккалик предмет ва ходисаларнинг бетакрор томон, жихат, белги, хосса ва хусусиятларини акс эттиради. Бинобарин, борликдаги барча нарса ва ходисаларга яккалик тегишли. Бирок, шундай булсада, купчилик нарса ва ходисаларга хос булган узаро ухшаш, бир хил такрорланувчи, белги ва хусусиятлар хам борлигини инкор этиб булмайди. Бу эас ***умумийлик*** деб аталади. Умумийлик, демак, борликдаги купчилик нарса ва ходисаларга хос булган умумий белгиларни акс эттиради.

Яккалик ва умумийлик бир-бири билан узвий боглик булиб, бир бирини такозо килиб туради. Яхни яккалик бор жойда албатта, умумийлик хам бор ва аксинча. Яккаликсиз умумийлик булмаганидек, яккалик мав-жуд булиши учун умумийлик булиши шарт. Вокеилик диалектикаси шун-дай.

Предмет ва ходисаларга хос алохида махсус хусусиятлар ***хусусийлик*** дейилади. Хусусийлик категорияси яккалик ва умумийлик уртасидаги узига хосликнинг мавжуд булишини англатади. Масалан, жамият тараккиётидан мисол келтириб, мамлакатимизнинг бугунги тараккиёти билан богласак, куйидаги мисолни келтиришимиз мумкин: Мустакил Узбекистон - Узбекистонда мустакил тараккиётнинг узига хос йули - Демократик, хукукий жамият кураётган давлат. Ушбу тушунчаларда, яккалик, хусусийлик, умумийликнинг бирлигини куриш мумкин.

Яккалик, хусусийлик, умумийлик диалектикасига кура, махлум шароитда улар бир – биларига утиб хам туради. Обхектив оламда , одатда хар кандай янгилик дастлаб яккалик сифатида вужудга келиб, сунг эса хусусийлик ва умумийлик характернни касб этади. Шу махнода бу тушунчаларда борлик ривожининг муайян конкрет моментлари ёки холатлари акс этгандир.

Яккалик, хусусийлик, умумийлик диалектикасини тугри билиш мухим гнесеологик ахамиятга эга. Зеро, умуман хар кандай билиш яккалик ва хусусийликлардан умумийликни билишга томон боради, билиш жараёнида бу тушунчалар янада янги далил ва махлумотлар ёрдамида бойиб ва чукурлашиб боради. Бинобарин, яккалик, хусусийлик, умумийлик диалектикасини яхширок англаб етиш борликнинг мохиятини янада теранрок тафаккур килиш демакдир.

***Мохият ва ходиса***

*Мохият* нарса ва ходисанинг ички энг мухим узаро богланишларини, бу богланишларнинг конуний алокадорлигини ифодалайди, ходиса эса шу нарса ва ходисаларнинг ташкил этувчи томонлар хусусиятлар ва богланишларнинг намоён булиш шакли, мохиятининг ифодаланишидир. Масалан, инсон хаётининг мохияти уни сермазмун утказиш, уз олдига куйган максади, томон интилишидан иборат булса, ходиса деганда ана шу максадга эришиш учун танланган йул, турли сахйи-харакатлар тушуни-лади.

Мохият ва ходиса умумий ва хусусий жихатларга эга:

1. Мохият ички алокаларни, ходиса эса ташки алокаларни ифодалайди.

2. Мохият ва ходиса доимо узаро бирликда булади, бирок, айни пайтда улар бир-бирига карама-карши хамдир. Шу сабабли улар хеч вакт бир-бирига айнан мос келмайди. Мохият ходисада яширин булади. Ходиса эса мохиятнинг намоён булиши булсада, хеч вакт унга тулик мос келмайди. Бундай карама - каршилик борлик предметларининг табиатидан келиб чикади ва билиш жараёнида хеч кандай мантикка зидликни келтириб чикармайди. Чунки агар нарсаларнинг намоён булиш шакли бўлган ходиса билан мохият уртаси бевосита мослик руй берганда эди, у холда билишда хар кандай фанга ўрин қолмаган бўлар эди. Фаннинг вазифаси борлик ходисаларини урганиш орқали яшириниб ётган мохиятларни аниклашдан иборат.

3. Мохият ходисага нисбатан доимийрок ва баркаррокдир.

4. Мохиятнинг доимийлиги ва баркорорлиги ходисанинг узгарувчан-лиги каби мутлак эмас балки, нисбийдир. Чунки уларнинг иккаласи хам узгариб туради. Факат мохият ходисага нисбатан секин узгаради. Шунинг учун у баркароррок.

Мохият ва ходиса умумий томонларга хам эга : а) хар кандай мохият ходисада намоён булади. ходиса эса хамиша мохиятнинг у ёки бу холдаги куринишидир;

б) мохият хам ходиса хам обҳектив характерга эга. яҳни уларнинг мавжуд булиши инсон онгига боглик эмас;

в) мохият хам ходиса хам доимо узгариш ва ривожланишда булади.

Диалектиканинг мохият ва ходиса категорияларини билиш фан ва амалиётда мухим ахамиятга эга.

*Бутун ва кисм*

Бизни ураб турган борликдаги барча нарса ва ходисалар куз унгимизда бир бутунлик сифатида намоён булади. Уларни урганиш натижасида эса турли кисмлар ва булаклардан хам иборат эканлигига ишонч хосил киламиз. Бу кисм ва булаклар узаро маҳлум конуниятлар асосида бирикиб, маҳлум тузилишдаги нарсалар, ходисалар ёк жараёнлар бутунлигини ташкил киладилар. нарса ва ходисаларнинг маҳлум бир гурухи узаро бирикиб эса бир системани хосил килади. Система эса муайян структурага эга булиб, уз навбатида у хам маҳлум элементлардан иборат булади. Бундаги бутун, кисм, системам, структура, кабилар диалектик богланиш ва алокадорликда булади.

*Бутун* - узаро диалектик алокадорликда булган кисмлар, булак-лар, томонлар, элементлар , компонентларнинг узвий бирлигидан иборат булган нарса, ходиса, ёки жараёндир. Масалан, бизни ураб турган олам - бир бутундир.

*Кисм* - бутун ташкил этган унинг таркибидаги булак, элсментлар, компонентлардир. Масалан, бир бутун оламнинг бир кисми табиатдир .

Бутун борликдаги предмет ва ходисаларга тегишли диалкетик категориялар булиб, улар хам узаро алокадорликдадир. Бутунни кисмдан ажратиб булмаганидек, кисм бутун билан бирга булади. Бутунга хос хусусиятлар кисм хусусиятлар асосида таркиб топади, ёки аксинча, бутун хусусиятлари кисм хусусиятларини белгилайди. Бутунни ташкил этган кисмлар узаро бир- бирлари билан таҳсир ва акс таҳсир холатида булади, ана шу таҳсир натижасида бутун ва

кисм ривожланиши руй беради. Шунингдек, обҳектив борликдаги конкрет бутун ва кисм бошка бир бутун ва кисмлар билан узаро богланиш ва алокадорликда булади.

Бутун ва кием категорияларини билиш оламнинг бирлиги муаммосини ва пировард окибатда бутун борликнинг мохиятини тугри англаб етишда мухим ролЪ уйнайди.

***Система, структура, элемент***

Борлик мохиятининг узига хослиги ундаги нарса ва ходисалар система, структура ва элемент алокадорлигига эга булишдир.

*Система* - борликдаги предмет ва ходисаларнинг узаро тартибли, изчил холда боглик булиб, бир-бирига таҳсир ва акс таҳсир окибатидаги конуний бирлигидир.

*Структура*- системани ташкил этувчи нарса предмет ходиса ёки жараёнларнинг тартибли тузилиши, кетма- кетлиги, таркиби, жойлашиши ва ифодаланишидир. Структура - системанинг туб хусусияти булиб, у муайян элементлардан ташкил топади.

*Элемент*- система структурасини ташкил этган, нисбий мустахкамликка эга булган тузилмадир. Хар бир система уз структурасига мос келадиган бир канча узаро узвий чамбарчас боглик булган элементлардан иборат булади.

Борликнинг бир бутунлик мохияти системалилик билан хам боглик. Чунки, системалар бирлиги борлик бутунлигининг асосини ташкил этади.

Системанинг карор топишида, албатта. унинг структураси мухим ролЪ уйнайди. Система структурасиз булмайди.

Структура, биринчидан, нарса ёки ходисанинг бир хил ёки хар хил жинслилигини, уни муайян элементларга булинишини; 2-дан нарса ёки ходисалар ташкил этган элементларнинг узаро богликлигини таҳсир ва акс таҳсир этиб туришини, уларнинг яхлитлиги ва бир бутунлилигини ; 3 - дан эса бу элементларнинг узаро богликлигини улар уртасида узвий богликлик мавжуд булишини ифодалайди.

Кейинги йилларда илмий тадкикот ишларида билиш обҳектига системали ёндашиш, структуравий тахлил этиш усуллари тобора кенгок кулланилаётганлиги кузатиляпти. Бу албатта тадкикот обҳектини чукуррок урганишга имкон беряпти.

## *Мазмун ва шакл*

***Мазмун*** - нарсага ёки ходисага айнанлик багишловчи узига хос жихатлар, жараёнлар, мухим элементлар ва узгаришларнинг йигиндисини акс эттирувчи тушунчадир.

***Шакл*** - мазмуннинг ташки куриниши, унинг мавжуд булиш усули, мазмун структураси, яхни тузилишини ифодаловчи нарса ва ходисаларнинг ички ва ташки томонларининг бирлигидан иборат. Хар бир нарса ёки ходиса мазмун ва шаклга эга булади. Мазмун ва шакл диалектик богланган булиб, мазмунсиз шакл ва шаклсиз мазмун булмайди. Шунинг учун мазмун ва шакл муайян предмет ва ходисанинг узвий алокадор булган икки томонидир.

Вокеиликда борликдан ажралган соф мазмун хам соф шакл хам булмайди. Мазмун ва шаклнинг узаро бирлигида мазмун шаклни белгилайди. Мазмун ва шакл диалектикасини билиш фан ва амалиётда мухим ахамиятга эга.

## *Сабаб ва окибат.*

Борлик ривожи ва тараккиётида сабаб - окибат диалектикасини билиш хам жуда мухимдир. Шунинг учун сабаб - окибат диалектиканинг мухим категорияларидан биридир.

Бир ходисадан олдин келиб, уни вужудга келтирган ходиса ***сабаб*** деб аталади. Сабабнинг тахсири натижасида юз берган ходиса ***окибат*** дейилади.

Вокеиликдаги хар бир ходиса сабабсиз руй бермайди. балки доимо уз сабаби булади. Айни пайтда, ушбу ходиса бошка ходисанинг юз бериши учун сабаб хам булиши мумкин.

Сабаб билан окибатнинг узаро богликлиги ***сабабият*** деб аталади. Сабабият ходисалар уртасидаги шундай ички богликни англатадики, унга кура хар бир ходиса кетидан албатта иккинчиси келади ва улар сабаб окибатли богланган.

Сабабият борликда умумий характерга эга. Сабабсиз окибат булмайди, хамма нарсанинг уз сабаби бор, сабаби номахлум ходисаларнинг борлиги уларни сабаби йуклигини англатмайди, балки хозирча фан ва амалиётда бу ходисанинг сабабини аниклашга муваффак булинмаганлигини билдиради. Ижтимоий амалиёт жараёнида кейинчалик бундай ходисалар-ни келтириб чикарган сабаб аникланади.

Сабаб ва окибат вакт жихатидан доимо кетма - кет булади. Бунда сабаб окибатдан олдин, окибат эса сабабдан кейин келади,

яхни сабаб хамиша окибатни келтириб чикаради. Бирок, бундай вокеилик ва борликдаги руй берадиган барча кетма-кет келувчи ходисалар бир- бири билан сабаб окибатли богланган деган хулоса келиб чикмайди. Масалан, фаслларнинг кетма-кет алмашинувидан олдин келадигани сабаб, кейингиси окибат дейиш мумкин эмас. Балки, бу ходисанинг хакикий сабаби Ернинг Куёш атрофида айлаиниши билан изохланади.

Шу уринда, сабабни бахонадан хам фарклаш мумкин. Бахона одатда окибатдан олдин руй берадиган бирон ходиса булсада, унинг сабаби була олмайди. Бахона окибатнинг содир булиши учун туртки булиши мумкин, бирок, унинг сабаби анча чукуррокда булади. Бахона эса шу махнода жуда юзаки ходисадир. Масалан, дарсда талаба томонидан олинган ёмон бахонинг сабаби, чирок учиб колиб дарс килмаслик, китобнинг йуклиги каби бахоналарда эмас, балки талабанинг дарс тайёрлашга нисбатан жуда масхулиятсизлигидир.

Борликда барча нарса ва ходисалар узининг обхектив сабаблари асосида пайдо булади ва ривожланади. Шу махнода жамият ривожи жамият ривожидан бироз фарк килади. Гап шундаки, жамият ходисалари кишиларнинг онгли, муайян максадга томон йуналтирилган фаолиятидан иборат. Онгли фаолият факат инсонларга хосдир. Кишилар амалга ошир-мокчи булган максадларини олдин обдон уйлайдилар, уни амалга ошириш режасини тузадилар, шу махнода юзаки караганда кишиларнинг фао-лиятида максадга эришув ташки шарт - шароитларга боглик эмасдай туюлади. Бирок, аслида бундай эмас. Жамият ривожи обхективлик билан субхективликнинг бирлигидан иборат. Натижада кишиларнинг ният – максадларига эришуви ташки обхектив сабаблар билан бирга ички субхектив сабабларни, яхни бу йулда тинмай интилиш, бутун куч-гайратини сарфлаши кабиларнинг бирлиги натижасида руй беради.

Диалектиканинг сабаб ва окибат категорияларини тугри англаб етиш чукур назарий ва амалий ахамиятга эга.

### *Зарурият ва тасодиф.*

***Зарурият*** деганда муайян шароитда катхий равишда келиб чикадиган, уз ички богланишларига кура келиб чикиши мукаррар булган вокеа ёки ходисага айтилади. ***Тасодиф*** деганда эса, нарса ва ходисаларнинг мохияти билан боглик булмаган ташки номухим

омиллар билан богликлиги туфайли айни шароитда юз бериши хам, юз бермаслиги хам мумкин булган вокеа ёки ходисага айтилади.

Зарурият ва тасодиф узаро боглик булиб, борликдаги нарса ва ходиса-лар ривожланишининг икки томонидир. Улар бир-бирлари билан боглик булиши билан бирга узига хос хусусиятларга хам эга. Жумладан, зару-риятнинг сабаби, узида булиб, унинг ички мохиятидан келиб чикади; зарурият нарса ва ходисалардаги мухим ва такрорланиб турувчи ички алокадорликлари натижасидир; зарурият илгариги ривожланиш давоми; зарурият албатта руй беради; зарурият умумий характерга эга; зарурият доимо конунийдир.

Тасодиф эса заруриятдан фарк этиб, муайян шароитда руй бериши хам, руй бермаслиги хам мумкин, у нарса ёки ходисанинг мохиятидан келиб чикмайди, у бекарор ва вактинчадир. Бирок, тасодиф хам сабабсиз руй бермайди, факат унинг сабаби узида эмас, балки ташки - шарт шароитидадир. Тасодиф борликдаги номухим богланишлардан келиб чикиб, ривожланишга белгиловчи таҳсир курсата олмайди. Тасодиф умумий эмас, балки, жузҳий, хусусий характерга эга. Тасодиф шунинг учун конуний эмас.

Зарурият ва тасодиф борликдаги нарса ва ходисалар уртасидаги алокадорликнинг бир шакли булиб, обҳективдир, яҳни уларниг содир булиши инсон хохишига боглик эмас.

зарурият ва тасодиф диалетик богликдир, Яҳни бир- бирисиз , алохида булмайди.

Фаннинг вазифаси вокеиликда алокадорлик ва боланишлар орасидан ички зарурий алокадорликлар билан бирга бу тизимдаги ташки тасодифларни хам аниклашдан иборадир.

### *Имконият ва вокеилик*

Имконият ва вокеилик хам диалектиканинг мухим категорияларидир.

***Вокеилик*** - реал мавжуд булган, яшаб фаолият кечираётган нарса ва ходисадир. Бирок, хеч бир ходиса ривожланиши давомида бирданига пайдо булмайди, балки дастлаб имконият даврини бошдан кечиради. Хар бир вокеилик пайдо булишидан олдин имконият холатида мавжуд булади.

***Имконият*** - вокеиликнинг куртак холатдаги куриниши, хали юзага келмаган вокеиликдир.

Вокеиликдаги ривожланиш жараёни имкониятларнинг диалкетик тарзда вокеиликка айланиш жараёнидан иборат.

Имконият ва вокеилик диалектикаси онгдан ташкари обхектив оламдаги богланишлар шаклидир.

Имконият ва вокеилик категорияларининг мохиятини, уларнинг узаро алокадорлик, диалектикасини урганиш ва билиш фан ва амалийётда мухим ахамият каст этади. Уларни фаркламасдан аралаштириб юбориш йук нарсани бор дейишга, ёки янгининг эски устидан галабасини тушунмасликка олиб боради.

Имкониятлар доимо реал ва мавхум булади. Реал имкониятлар муайян шарт-шароитларда доимо вокеиликка айланади. Мавхум имкониятлар эса куртаклигича колади ва вокеиликка айланмайди.

Шунингдек, имкониятлар янги , энди вужудга келаётган , ривожланаётган хамда эски умри тугаб бораётган реал кучлар сифатида прогрессив ва консерватив хам булиши мумкин.

Имкониятлар вокеиликка бирданига айланмайди. Балки эски вокеилик багрида куртак ортади. Ривожланиб муайн шароитда вокеилика айланади.

Ижтимоий тараккиётда имкониятларнинг вокеиликка айланиши ва уни урганиш мухим ахамиятга эга. Бунда жамият имкониятларининг руёбга чикишида субхектив омилнинг роли борлигини унутмаслик лозим. Бу ерда субхектив омил деганда кишиларнинг онгли актив амалий фаолияти тушунилади.

Субхектив омил обхектив шарт - шароитга таянади. Усиз хеч нарса кила олмайди, чунки обхектив шарт - шароит имкониятларнинг вокеи-ликка айланишида субхектив омилга нисбатан бирламчи ва белгиловчи-дир.

Умуман юкоридаги барча диалектика категориялари бир-бири билан чамбарчас боглик булиб, уларни билиш мухим методологик ахамиятга эга.

### *Мавзуни такрорлаш учун саволлар:*

*1. Борликдаги алокадорлик ва богланишлар кандай намоён булади?*

*2. Диалектика категорияларининг узига хос хусусиятлари нималардан иборат?*

*3. Алокадорлик ва богланишларнинг кандай шакллари мавжуд?*

*4. Жамият таракиётидаги алокадорлик ва богланишлар кандай хусусиятларга эга?*

***13-Маҳруза: Тараккиётнинг мохияти, боскичлари, сабаблари ва йуналиши.***

***Режа:***

*1.Ривожланиш, тараккиётнинг хусусиятлари.*

*2.Тараккиётда микдор ва сифат узгаришлари бирлиги.*

*3.Тараккиётда карама - каршиликлар бирлиги ва кураши.*

*4. Тараккиётда ворислик ва давомийлик (инкорни - инкор).*

*1.Ривожланиш, тараккиётнинг хусусиятлари.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Диалектика, конун, энг умумий, умумий ва хусусий конунлар, статистик, динамик конунлар*.**

***Диалектика*** умумий конун ва категориялар системасидан иборат ,бўлиб уларнинг йигиндиси дунёнинг бир бутунлигини ифодалайди ва у доимий ўзгаришда, ривожланишдадир. Конун деганда нима тушунилади? Бунга жавоб беришда шуни хисобга олмок лозимки, энг умумий шаклда конун моддий оламдаги турли хил нарса ва хадислар, жараёнлар ва вокеялар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро алокадорликда демакдир. Лекин бундан конун барча муносабатларни ифодалайди, деган хулоса чикармаслик керак. Масалан, мухим ва мухим бўлмаган, тасодифий ва зарурий, баркарор, ва бекрор, умумий ва хусусий муносабатлар бор. Конун бу муносабатларнинг барчасини камрай олмайди. Турли-туман алокалар, богланишлар ичидан у энг аввало, мухим алокаларни яхни, шундай муносабатлар-ни ифодалайдики, булар ташки шароитлардан эмас, балки нарса ва ходисаларнинг мохиятидан, унинг ички алоклардан келиб чиккан бўлади. Шунингдек , конун зарурий муносабатир. Чункий табиат ва жамиятдаги хар кандай конунга хос белги зарурийлик хисобланади. Конун тушунчасининг ўзи мажбурийлик, йуналиш курсатиб беради.

Конунинг мухим белгиларидан бири-нарса ва ходисалардаги умумий муносабатларни ифодалашдир. Агар конун шак шубхасиз юз бериш мумкин бўлган (зарурий белгиси) муносабатларини ифодалар экан, табиий равишда бу муносабатлар бир хил шароитда доимий ва хамма жойда (умумийлик) намоён бўлади. Ана шу маҳнода конун умумий муносабатлардир.

Конун нисбий баркарор муносабатлардан иборат, зеро у муайян хадисаларнинг ички табиатидан, унинг мохиятидан келиб чикадиган моддий дунё, нарса ва ходисаларнинг

алокаларини ифодалайди. Конун гох вужудга келиб, гох йуколиб кетадиган алокаларга асосла-ниши мумкин эмас. У нисбий баркарор муносабатларни такозо этади. Конуннинг нисбий боркарорлиги шу билан изохланадики, у бир хил шартларда мухим хусусиятлар сифатида табиатдаги нарса ва ходиса-лардагина эмас, балки ижтимоий хаётдаги вокеаларда хам яккол кузга ташланади. Шундай килиб, конун кўп киррали алокалар ва муносабатларнинг йигиндиси бўлиб, нарса ва ходисаларнинг мухим зарурий, умумий, нисбий баркарорликни ифодалайди. Бу билан конуннинг тахрифини етарли дейиш мумкинми? Йўк, мумкин эмас! Чунки, биринчидан, биз конун – бу мухим, зарурий, умумий, баркарорлик муносабатлар дер эканмиз, конунда ифодаланиб, унинг обхектив асосини ташкил киладиган алокларнигина кўрсатиб ўтган бўламизу, аммо бошка категорияларда, жумладан сабабият, зарурият, мазмун,мохият ва бошкаларда хам ифодаланади. Шубхасиз, юкорида санаб ўтилган белгилар хам конуннинг ўзига хос хусусияти хакида тасаввурни тўла очиб бера олмайди; учинчидан, конунга тахриф берганда, юкоридаги обхектив алокалар шаклларини оддий тарзда санаб ўтиладиган бўлсак, конун билан мазкур обхектив алокалар турларини ойдинлаштирган бўламиз. Шунинг учун конунни таЪриф-лашда унинг шундай хусусиятини ажратиш керакки,у мазкур категориянинг бошкаларидан фарк киладиган узига хос томонини белгилашга имкон тугдирсин. Бу хусусият шундан иборатки,табиат ва жамиятдаги хар кандай конун вокеаларнинг ривожланиш хусусияти ва йуналишини белгилаб беради, вокеаларнинг окими катхий, аник йуналишда булишини такозо этади. Махлум бир шароитда булишига карамай, бир уринда бир хил, иккинчи уринда бошка хил тарзда содир буладиган жараёнлар ва вокеаларни конуний деб булмайди. Биз бу жараён ёки вокеа конун кучига эга дер эканмиз, ундаги мухим, зарурий умумий ва баркарор муносабатларнинг ифодаланишинигина эмас, балки муайян вокеалар окимини, катЪий натижалар такозо килишини назарда тутамиз.

Конун вокеалар ривожининг хусусияти ва йуналишини билдирар экан, у узининг аниклиги билан фарк килади. Шунинг учун конуннинг пировард окибати кишиларнинг муваффакиятли фаолиятининг зарурий шарти булган хар томонлама унга мувофик келадиган талаб тарзида зохир булади.

Конун муайян бир шароитда намоён булади, моддий оламдаги нарса ва ходисаларнинг мавжудлиги ва ривожланиши учун маҳлум шароит конуннинг куриниши, харакати учун хам мажбурийдир. Шароит деганда вокеликдаги нарса ва ходисанинг яшаши ва ривожланиши учун зарур булган объектив омиллар йигиндиси тушунилади. Конун ва шароит бир-бири билан узвий богликдир, айни бир вактда уларни бир-бирига кориштириб ёхуд айнанлаштириб юбормаслик керак. Шароитнинг узгариши бир конуннинг бошкаси билан алмашнишига унинг харакат доирасини торайтириш ёхуд кенгайтиришга олиб келади.

Илгари мавжуд булган шароит тула йуколиб кетган такдирда унинг заминида амал килган конунлар уз урнини янги шароитга тугри келадиган янги конунларга бушатиб беради ; айрим холатда илгари мавжуд булган шароитлар кулайрок булмаса эски конунлар уз харакатини давом эттиради, аммо унинг куриниш доираси чегараланган булади ва нихоят, айрим холатда илгари мавжуд булган шароит анчайин кулай булса, конунларнинг амал килиши учун хам кенг уфклар очилади.

У ёки бу конун амал киладиган обҳектив шароитларни билиш катта амалий ахамиятга эга. Маҳлумки, кишилар обҳектив конунлар талабларидан келиб чикиб, уларга таянсалар, уз фаолиятларидан уларни хисоб-га олсалар тугри харакат кила оладилар. Бирок конуннинг харакати кузга ташлансада, бу харакатни кандай булса шундайлигича хис килишмумкин эмас. Лекин кишилар, у ёки бу конун намоён буладиган шароитни билар ва унга таЪсир этар эканлар, бу билан узлари истаган натижаларга эриша оладилар.

Шундай килиб табиат ва жамиатнинг хар кандай конуни узининг учта томони билан тавсифланади, чунончи: а) конун обҳектив асосга эга булиб, мухим зарурий, умумий ва баркарор муносабатларни ифодалайди; б) Конунинг харакати ўзига хос хусусиятига эга бўлиб, вокиялар ривожланиш катҳий муайян йўналиш натижасида тугилади; в) конун маҳлум бир шарт-шароитларда намоён бўлади.Бу жихатлар хисобга олган холда конунга куйидагича тахриф бериш мумкин.

***Конун*** – муайян шарт-шароитларда вокеалар ривожининг хусусияти ва йўналишини белгилайдиган, маҳлум бир катҳий натижани такозо этадиган обҳектив дунёдаги нарса ва ходисаларнинг мухим, зарурий, умумий, нисбий баркарор муносабатларидир. Конун илмий назарий ва амалий фаолиятда

обҳектив ўзаро алокаларнинг барча шаклла-рини синчковлик билан хисобга олишни таказо этади. Бу эса уларни ичида мухим, зарурий, умумий, баркарор алокаларни белгилашга ёрдам беради, айни замонда обҳектив конунларни тушунишимизга имкон беради.

Конун муайян бир натижаларни тугдириб, вокеалар ривожланиш хусусиятлари ва йўналишини белгилаб берар экан, бу нарса илмий ва амалий фаолиятга обҳектив конунлар асосида харакат киладиган мухим, зарурий, умумий, ва баркарор муносабатлар кўрсатибгина колмай, балки келажакда улар ривожининг йўналишини хисобга олиш талаб этади.

Табиат ва жамиятнинг хар кандай конуни маҳлум бир шарт-шароитда намоён бўлар экан, у илмий билиш жараёнида ва амалий фаолиятда мухим, зарурий,умумий ва баркрор алокалар маҳлум бир натижаларни кўзлаш мумкинлигини билишга имкон тугдиради.

Моддий вокеликдаги конунлар куп кирралиги билан тафсиланади.Табиат ва жамият конунлари обҳектив жараёнлар акс эттиришга карата фарк килади.

Табиат конунлари, ер юзидаги барча конунлар, жамият конунлари кишиларнинг ижтимоий муносабатлари билан богликлигини курсатади.. Яна бир фарки шуки, жамият конунларига нисбатан табиат конунлари аста-секинлик билан ўзгариб боради. Ижтимоий конунлар эса махлум бир давр мобайнида амал килиб сунгра, уз урнини янги конунларга бушатиб беради, баҳзилари уз кучини йукотади. Ибтидоий жамоа тузуми, кулдорлик, феодализм ва капиталистик тузумга хос конунлар, ўзгаришлар бунга мисол булиши мумкин.

Харакат килшиш доирасига караб конунлар: энг умумий, умумий ва хусусийга булинади. Моддаларнинг сакланиши ва айланиши конуни, энергиянинг бир турдан иккинчи турга ўтиш конуни умумий конунларга, хусусий конунларга эса, масалан, физикадаги Кулон конуни, химиядаги Менделеевнинг кимёвий элементлар даврий системаси кабилар киради.Фанда динамик ва статистик хусусиятга эга булган конунлар хам мавжуд. Статистик конунлар мутлок маҳнодаги зарурий конунлар эмас, улар эхтимолик сабаби булган богланишларни ифодалайди ва динамик конунлардан фарк килади. Статистик конунлар маҳлум шароитда булиш эхтимолини билдиради. Динамик конунларнинг богланиш сабаби, богланиш шакли булиб,бунда системани муайян холати унинг хамжихатлик холатларининг боглани-шининг маҳноли

тарзда аникланиши натижасида бошлангич шартларни билиш системасини ялпи ривожланишини олдиндан аник айтиш имкониятини беради. Динамик конунлари ташки таҳсирланган камрок боглик барча системалар узига хос тарзда амал килади.

Энг умумий конунлар туркумига диалектика конунлари киради. Булар: микдор узгаришларидан сифат узгаришларига утиш конуни: карама-каршиликлар бирлиги ва кураш конуни ; инкор инкор конунлар.

*2. Тараккиётда микдор ва сифат узгаришлари бирлиги.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***микдор узгаришидан сифат узгаришига утиш конуни, микдор, сифат, меҳёр, микдор ва сифат бирлиги, меҳёр маркази тугуни, сакраш, аста-секинлик билан ифодаланган сакраш, бир зумда шиддат билан буладиган сакраш.***

Микдор узгаришларининг сифат узгаришларига утиш конуни диалектиканинг асосий конунларидан биридир. Бу конуннинг мохияти шундан иборатки, нарса ва ходисалардаги сезиларли булмаган микдорий узгаришлар аста – секин туплана бориб, тараккиётнинг маҳлум бир боскичида меҳёрини бузади ва сакраш йули билан туб сифат узгаришларига олиб келади.

Моддий оламдаги хилма-хил нарса ва ходисалар бир-биридан уз сифати билан ажраб туради. *Сифат* - нарсаларнинг ички муайянлиги булиб,унинг катор хосса, белги, усусиятлари бирлигидир. Сифат нарса кандай булса, уни шундайлигича аниклаб беради. Нарсаларнинг сифати эса уларнинг хосса оркали намоён булади. Хосса нарса сифатининг бошка нарсалар билан узаро алокадорлигидаги ташки намоён булишидир. Биз нарсаларнинг ички сифатини маҳлум бир хоссаларида намоён булиши оркали биламиз. Хар бир нарса куплаб хосаларига яҳни асосий ва иккинчи даражали хосаларига эга булади. Масалан,метал зичлик, иссиклик, утказувчанлик чузилувчанлик каби хоссаларига эга. Сифат-жисмнинг барча хосаларини биргаликта богловчидир. Демак, сифат нарсанинг уммумилигини, яхлитлигини унинг нисбий баркарорлигини бир-бирга ўхшашлиги ифодалайди. У кенг маҳнода нарсаларни турли-туман хосалари йигиндисидир.Лекин сифат ва хосса айнан бир хил маҳнодаги тушунчалари эмас. Сифатнинг ўзгариши мукаррар сурҳатда хоссанинг ўзгаришига олиб келдик, бирок хоссанинг ўзгартиришга хар доим сифатнинг ўзгартиришга таҳсир

этавер-майди,айрим хосалар нарсалар нарсаларнинг сифатига тахсир этмасдан йук бўлиб кетиши мумкин.Сифат предмети доимилиги, нисбий баркарорлиги ифода этади.

Хар бир нарса муайян системада бир-бири билан боглик булади. Нарса кайси богланишлар системасига кирса, шу система боглик равишда турли сифатларга эга. Чунончи, "стол" муайян табиий металлардан, яхни дарахтдан ясалган булиб ,табиий сифатга эга. Шунинг учун у табиий конуниятга буйсунади. Айнан стол инсон мехнат натижаси булиб, ижтимоий сифатга ижтимоий сифатга хам эга ва ижтимоий конуниятга буйсунади. Ижтимоий сифат ўз навбада икки гурухга: биринчиси тартибдаги ижтимоий сифатларга ва иккинчи тартибдаги ижтимоий сифатларга бўлинади. Худуди ўша стол модомики инсон ихтиёжини кондирар экан, "аник (амалий ) хис" этиладиган нарса сифатида намоён бўлади. 2 томонда модомики, стол, эга экан у тавар сифатида гавдаланади. Бу ўринда стол "хаддан ташкари хис этиладиган нарса" тарикасида гавдаланади. Бу эса иккинчи томондан тартибли ижтимоий сифатларга мансубдир.

Нарсалар сифатлиги муайянлигидан ташкарида бир-биридан микдорий томонлар билан фарк килади. Микдор предметнинг хажм, ўлчови, огирлиги, харакати тезлиги ва шу кабилар билан тавсифланади.Табиат ходисалари каби ижтимоий ходисаларига хам микдорий томонга эга. Чунончи, сув ўз солиштирма огирлиги кайнаш ва музлаш даражасига эга, бир ижтимоий тузум бошка хусусият жихитидангина эмас, балки ишлаб чикарувчи кучлар тараккиёт, сурат, даражаси мехнат унумдор-лиги, маданият ва хокозолар билан фарк килади. Нарса ва ходисалардаги микдор ва сифатий томонлари доимий бир-бирини таказо килиб, бирликда булади. Хар кандай нарса микдори ва сифати бирлигига эга. Табиатда факт микдорга ва сифатга эга бўлган нарса йўк. Шунинг учун хамма нарсага сифати томондан берилган тавсия тўгри бўлади. Микдор ва сифатнинг бирлиги, ўзаро богликлиги мехёр тушунчаси ифодаланади. *Мехёр* – бу микдорий муносабатлар ва обхектив сифатга мос тузилмаларнинг мувофиклиги. Обхектнинг микдори ушбу сифат доирасидан чикмасдан муайян ораликда узгаради. Бу оралик чегаралари эса предметни муайян яхлитлигини, сифат ва микдор ўртасида ўзаро муносабатни ифода этади. Бу ўринда хар бир нарса, ходиса ўзига хос ўлчовга эга бўлади, чунки ушбу сифат хусусияти хар кандай микдор билан

эмас,балки муайян микдор билан уйгунлашади. Ушбу обҳектга хос бўлган микдорий ўзгаришлар доирасидан чикиш шу обҳектга хос бўлган меҳёрнинг бузулишига ва унинг янги сифатга ўтишига олиб келади. Меҳёрнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, назарий билимлар системасида у куйидагиларга ажратилган: 1.) Оддий меҳёр – алохида ўз ичига олган предмет ўлчови; 2.) системали субстанцияли меҳёр – ушбу системанинг элементи бўлган предмет ўлчови; 3.) аник меҳёр – барча хакикий муносабатлар йигиндиси булган предмет улчови. Ижтимоий хаёт коидалари турли-туман меҳёр муносабатларга эга. Бир меҳёрдан иккинчи меҳёрга утишнинг барча халкаси *меҳёр маркази тугуни* дейилади. Сифат, микдор ва меҳёр тушунчаларида кишиларнинг онгига боглик булмаган нарсаларни обҳектив ва энг умумий тавсифи ифодаланади. Шунинг учун хам айрим файласуфларнинг нарсалари сифатини субҳектив тушунча деб таҳкидлашларидан назарий жихатидан асоссиздир.

Диалектика микдор ва сифатни бирликда, доимий харакатда деб карайди. Микдор сифатга ва аксинча, маҳлум шароитда сифат микдорга утади. Нарса ва ходисаларнинг сифати обҳектив булсада, нисбийдир, чунки улар уртасидаги чегара узгарувчан булиб, уларни мутлаклашти-риш мумкин эмас. Худди шунингдек нарсаларнинг микдорий муайянлиги хам узгарувчандир. Модомики обҳектив олам доимий харакатда, узгариш ва ривожланишда экан, нарсаларнинг микдорий ва сифатий муайянлиги, уларнинг хоссалари хам узгариш ва ривожланиш-дадир. Микдор ва сифат узгаришларнинг аник холатини билиш фан ва ижтимоий амалиёт учун мухим ахамиятга эга. Хар кандай нарса ва ходисага микдор ва сифат узгаришлари хосдир. Микдор узгаришлар билан сифат узгаришлар уртасида катҳий конуният мавжуд булиб, бу конуният куйидагича ифодаланади: микдор узгаришлар сифат узгаришларининг тайёрлаб, хар бир аник холатда муайян туб сифат узгаришларни келтириб чикади ва шу холатда микдор узгаришларининг сифат узгаришларига утиши содири булади. Микдор узгаришларининг сифат узгаришларига утиш масаласига, уз навбатида, кадимги файласуфлар хам эҳтибор берганлар. Кадимги юнон файласуфларининг "ялтирок бош" ва "гарам" номи билан келтирилган мисоллари маҳлумдир. Сухбатдошга куйидаги савол берилади: агар бошдан бир дона соч толаси юлиб олинса бош ялтираб коладими, агар гарамдан бир дона уруг олинса, у гарамлик

холатини йукотадими? Натижа, йук деган жавоб булади. Бу хол бош ялтирамагунча, гарам эса йук булмагунча давом этади. Кадимги файласуфлар бу каби ходисаларни энг умумий конуниятларнинг намоён булиши натижаси деб эмас, балки соф мантикий гайритабиийлик деб карар эдилар. Микдор узгаришларнинг сифат узгаришларга утиш хакида Марказий Осиё мутафаккирларининг асарларида хам купгина махлумотлар мавжуддир. Ал – Хоразмий, Ал – Форобий, Ибн Сино, Беруний, Улутбекнинг математика, алгебра, астрономия, география, тиббиёт ва бошка сохаларга оид асрларида микдор (сон) билан сифат уртасидаги алокадорлик ва унинг хаётий ахамияти хакида батафсил тавсифлар берилган. "Мен,- деб ёзади Ал-Хоразмий,- арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларни уз ичига олувчи "Алжабр ва алмукобала хисоби хакида кискача китоб " ни тасниф килдим, чунки мерос таксим килишда, васиятнома тузишда, мол таксимлашда ва адлия ишларида, савдо ва хар кандай битимларда ва шунингдек, ер улчаш, каналлар утказишда (амалий) геометрия ва бошка шунга ухшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир". Уларнинг фикрича, микдор ва сифат узгаришларининг узаро алокадорлигини нафакат ва жамият ходисаларида, балки рухларда хам кузатиш мумкин. "Рухларнинг сифатининг ... узаро кушилиши окибатида уларнинг (аклий) кувватлари микдор жихатдан хам тобора ортади", деб ёзади Форобий. Микдор узгаришларидан туб сифат узгаришларига утиш конунини обхектив булиб, реал вокеликдаги нарса ва ходисаларнинг узига хосдир. Оламдаги барча узгаришлар аста-секин содир буладиган микдор узгаришларидан бошланади. Микдор узгаришлари муайян чегарада сифатнинг баркарорлигига (тургунлигига) тахсир этмайди. Микдор узгаришлар чегарадан чикиш билан сифатнинг баркарорлиги бузилади. Натижада сифат йуколиб, янги сифат юзага келади. Бу эса айнан микдор узгаришларининг сифат узгаришларига утиш конуни табиат, жамият ва тафаккурининг тараккиётида амал килади. Бу холнинг биз кимё фанида яккол килишимиз мумкин. Масалан, икки атом водород билан бир атом кислород сувнинг молекуласини ташкил этади.Агар бу элементларни бошкача нисбатда, яхни икки атом водородни икки атом кислород билан бириктирсак, у холда бир янги нарса – водород пероксиди хосил киламиз ($H_2O_2$). Тараккиёт жараёнида микдор узгаришлари туб сифат узгаришларига утиш билан бирга сифат узгаришлари микдори узгаришларига хам утади.

Микдор узгаришлари натижасида вужудга келган янги сифат муайян вактга мувофик келадиган баркарорликка эга булиб, шу микдор узгаришлари жараёнининг давом этиш учун шароит яратиб беради. Бу сифат узгаришларининг микдори узгаришларига утишдир.

Микдор узгаришлари билан сифат узгаришлари узаро чамбарчас богланган булишига карамай, улар айрим узига хос хусусиятларига хам эга. Чунончи :

**биринчидан,** микдор узгаришлари доимий юз бериб туради. Хатто ходисалар сифатининг нисби боркарорлигидаврида хам микдор узгаришлар аста-секин юз беради. Сифат узгаришларга утиш факат махлум бир даврда бошланади;

**иккинчидан,** микдор узгаришлари махлум вактгача предметга мухим тахсир курсатмайди. Сув нормал атмасфера босимида 100%С гача суюклик холатини йукотмайди. Сифат узгаришлари ходисалар тубида узгартириб, уни бошка ходисага айлантириш таказо килади;

**учинчидан,** микдор узгаришлари аста-секин утади ва куп холларда (муайян давргача) сезилмасдан утади. Сифат узгаришлари эса анча тез ,айрим холата тусатдан содир булади;

**туртинчидан,** сифат узгаришлар микдори узгаришларига караганда туб узгаришлар хисобланади.

Микдор узгаришлардан сифат узгаришлага утиш конунини мохиятини диалектика нуктаи назардан тахлил килиш бу конун метафизика тахлил килиш зиддир. Айримини файласуфлар микдор узгаришлари билан сифат узгаришларига утиш ажратиб бир-бирига карама-карши куядилар, айримлари эса факат микдор узгаришлари тан олади.

Микдор ва сифат узгариш жараёни тахлил килар эканмиз, назари ва амалий фаолият амалга ошаётганган узгаришлар механизмини эмас, балки уларни чукурлиги ва ахамиятини хам хисобга олиш мухимдир. Шунга асосан руй берадиган узгаришлар инкилоби ва тадрижий (эвалицон) га ажратиши мумкин.

***Бир сифат холатидан иккинчи сифат холатига утиш сакраш йули билан амалга ошириш.***

Сакраш нима? Сакраш табиат ва жамиятда содир буладиган сифат узгаришларини англатадиган фалсафий тушунчадир. Сакраш жараёни узлуксиз куринишга караганда анча тез утадиган

шаклдадир. Бу таракиёт жадал суратли давр булиб, эски, умр тугагунлар кадар кайта узгартириб янги тусга киради.

*Диалетик сакраш* микдор узгаришлардан сифат узгаришларига утиш узлуксизлигини узулишини билдиради. Сакрашлар доимий аста-секин билан микдор узгаришлар натижасида тайёрланади. Бундан шу назарда тушиш керакки, микдор узгаришлари нарса ва ходисалар бир текисдан оддий купайтириш ва камайтиришдан иборат эмас. Микдор узгариш-лари нарса ва ходисалар ижтимоий томоларни аста-секин сусайтиришни таказо этилади.

Сакраш, шунингдек, нарса ва ходисалар уртасида зиддиятларнинг хал килинишидир. Сакраш натижасида эски сифат билан унинг асосида харакат киладиган карама- кршиликлар бирлигини тугатиш ва инсон карама-каршилигилари бирлигига зид булган янги сифат вужудга келиши содир булади.

Нихоят, сакраш – эски сифатнинг инкор этилиши ва янги сифатнинг карор топишидир. Хар кандай нарса ва ходиса янгилик бунёд буладиган, эскилик бархам топадиган элементларни уз ичига олиб, икки карама-карши томонларга булинади. Сакраш илгор томоннинг галабаси ва консерватив(мутаассиб) томоннинг халокати, тугатилишидир. Сакраш натижасида эскидан янгига утиш амалга ошади. Шунга кура нарса ва ходисаларнинг ривожланиши илгарилаб боради.

Шундай килиб диалектик сакраш куйидаги жихатларга эга :

**биринчидан**, сакраш тараккиёт натижасида амалга ошадиган обхектив ва конуний жараёндир;

**иккинчидан**, сакраш тадрижийликнинг узилиб, микдор узгаришларидан туб сифат узгаришларига утишидир;

**учинчидан**, сакраш эски карама-каршиликларнинг бирлигини тугатиш ва янги сифатга мос келадиган карама-каршиликларнинг вужудга келиши туфайли пайдо буладиган зиддиятларни хал килишдир;

**туртинчидан**, сакраш нарса ва ходисаларнинг ривожланиб, илгарилаб боришидир.

Ходисаларнинг сифат хусусиятларига ва уларнинг ривожланиш шароитига боглик равишда эски сифатдан янги сифатга утиш турли шаклларда содир булади. Хар бир нарса, ходиса узининг аник инкор килиш усулига, уз навбатида аник сакраш шаклига эгадир.

Амалга ошиш муддатига боглик равишда ***аста-секинлик билан ифодаланган сакраш***дан ***бир зумда шиддат билан содир***

*буладиган сакраш*ни фарклаш керак. Бинобарин, кимёвий элементларни бириктириш жараёнида туб сифат узгаришлар шиддат билан, жуда тез содир булади. Аммо хайвонлар билан усимликларнинг ривожланиш жараёнида эски сифатдан янги сифатга утиш бир-мунча секин содир булади. Тез содир буладиган сакрашлар билан аста-секин микдор узгаришлари йули билан содир буладиган сакрашларнинг бир-бирндан фарк килишини хисобга олиш керак. Тез сакраш шундай хусусиятарга эгаки, у биринчидан, хал килувчи зарбанинг бирдан-бир ифодаси сифатида бажарилади. Бу сифатий утиш булиб даставвал бирданига эски тугатилади ва сунгра янги бунёд этилади. Иккинчидан, у бехостан тез содир булади. Ижтимоий хаётда тез сакрашга эски ижтимоий тузумни тугатиб, янги тузумни урнатадиган инкилоблар мисол була олади.

Аста-секин микдор узгаришлари йули билан содир буладиган сакрашлар эскини бир йула тугатиш билан эмас, балки узок вакт давомида эски сифатни янги сифатга айлантириш билан тавсифланади. Бундай сакрашга хаётнинг, инсонниг пайдо булиши ва хокозолар мисол була олади.

Демак, сакрашлар турли туман шаклларда амалга ошиши мумкин. Бунда нарса ва ходисаларнинг бир холатдан иккинчисисга утиш шакл-ларининг турли туманлиги нимага боглик? Сурок деган савол келиб чикади. Утиш шаклларининг турли туманлиги, биринчидан, нарса ва ходисаларнинг мохияти ва хусусиятларига, икккинчидан, унга мувофик келадиган шароитга богликдир. Масалан, ижтимоий хаётда содир буладиган микдор узгаришлар табиатдаги сакрашлардан тубдан фарк килади.

Хозирги шароитда жамиятимизнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маданий, маънавий хаётида руй бераётган жараёнлар уз мохиятига кура туб сифат узгаришларга киради. Шулар натижасида давлатимиз янги бир юксак боскичга кутарилади. Булар уз-узидан эмас, балки кенг халк оммасининг ижобий фаолияти, ижтимоий-сиёсий фаоллиги натижасида амалга оширилади. Бу туб узгаришлар мавжуд муаммоларни аста-секин бартараф этиш асосида кечади. Шунинг учун хам айрим пайтларда жамиятимиз тараккиёти секинлашиб кетиши хам мумкин. Лекин пировард – окибатида диалектика конунларига биноан унинг янги сифатга утиши мукаррардир. Куриниб турибдики, бу конун жамиятимизни илмий бошкариш ва унинг ривожланишида катта ахамият касб этади.

Мана мана шу реал муносабатлар карама-каршиликлар бирлиги ва кураш конунида акс этиб, диалектиканинг мохияти ва магзини ташкил этади.

Хамма нарса ва ходисалар ички зиддиятларга ва бир-бирига карама-карши булган томонларга эга.

Организм яшаб турган вактда унинг хужайралари тухтовсиз улиб, унинг урнига янгилари пайдо булади. Мана шу икки карам – карши йуналиш организмнинг яшаши учун зарур шароитни яратади. Бу жараённи тухташи организмнинг халок булишига олиб келади. Жамиятда хам узига хос зиддиятлар мавжуд. Ишлаб чикариш билан истехмол ишлаб чикарувчи кучлар билан ишлаб чикариш муносабатлари ижтимоий борлик билан ижтимоий онг уртасидаги зиддиятлар ижтимоий зиддиятлардан хисобланади.

***3.Тараккиётда карама - каршиликлар бирлиги ва кураши.***

Таянч тушунча ва иборалар : ***карама – каршиликлар бирлиги ва кураши коиуии, айиият, тафовут, зиддият, тукнашув, карама – каршиликлар бирлиги ва кураши, зиддият турлари .***

***Карама – каршиликлар бирлиги ва кураши конуни*** диалектика конунлари ичида марказий уринни эгаллайди. Бу конунга мувофик хар бир нарса бир – бири билан узвий алокада булган ва бири иккинчисини истисно этувчи карама – карши томонларга, кучларга эга. Бу карама – карши томон ва кучлар уртасидаги кураш тараккиётининг манбаини ифодалаб, эскининг йуколиши ва янгининг пайдо булишига олиб келади.

Карама – каршиликлар борлиги ва кураши конуни билиш жараёнида хам уз ифодасини топади. Махлумки, билиш жараёни бир – бирига узвий боглик булган хиссий ва рационал билишдан иборатдир. Хиссий билиш оркали инсон нарса ва ходисаларнинг факат ташки томонлари ва хусусиятлари тугрисида махлумот олади, мавхум тафаккур оркали эса уларнинг ички муносабатларини белгиловчи конуниятларни билади. Бу ерда хиссий ва рационал билиш бир жараённинг икки ажралмас, аммо бир – биридан фарк килувчи мухим томонларидир.

Карама – карши томонларнинг бирлиги нисбий, уткинчи хусусан узига хос зиддиятлар мавжуд. Ишлаб чикариш билан истехмол ишлаб чикарув-чи кучлар билан ишлаб чикариш муносабатлари ижтимоий борлик билан ижтимоий онг уртасидаги зиддиятлар ижтимоий зиддиятлардан хисобла-нади.

Маълумки, нарсалар турли – тумандир. Хамма томонлари билан айнан ухшаш булган икки нарсанинг узи йук. Нарсаларнинг тафовут даражаси хам бир хил эмас: мухим ва номухим ***тафовут***лар мавжуд.

Нарса ва ходисалардаги тафовутлар карама – каршиликлар асосини ташкил этади. ***Карама – каршиликлар*** деб шунга айтиладики, табиатдаги нарса ва ходисаларга мавжуд булган томонлар, хоссалар ва йуналишлар бир – бирини инкор килади, бир вактнинг узида бир – бирини такозо килади. Масалан, магнитдаги шимолий ва жанубий кутблар , электрнинг манфий ва мусбат зарядлари, атомдаги тортилиш ва итарилиш, ижтимоий хаётдаги ёвузлик ва эзгулик узаро бир – бирини инкор этади, айни вактда бири иккинчисини такозо этади.

Нарса ва ходисаларнинг карама – карши томонлари уртасидаги муносабат ***зиддият*** деб аталади. ***Тукнашув*** тушунчаси зиддиятдан фаркли уларок, нарса ва ходисаларнинг карама – карши томонлари кескинлашиб, уларнинг эски чегарадан биргаликда яшаши мумкин булмай колган холатини белгилайди. Зиддиятлар хамма вакт хам тукнашув билан тугамай, балки алохида шароитлардагина шундай холда булиши мумкин. Мана мана шу реал муносабатлар карам-каршиликлар бирлиги ва кураш конунида акс этиб, диалектиканинг мохияти ва магзини ташкил этади.

Хамма нарса ва ходисалар ички зиддиятларга ва бир-бирига карама-карши булган томонларга эга.

Куёш системаси хам карама-каршиликлар бирлигининг мураккаб намуналаридан хисобланади. Сайёралар системасининг маркази хисоблан-ган куёш билан бошка сайёралар уртасида шундай алокадорлик мавжудки, бу алокадорлик марказга интилувчи тортиш кучи ва марказма кочувчи – итарилувчи кучлар таҳсирида юзага келади. Шу карама-карши кучлар уртасидаги кураш куёш ситемасининг яшаши ва ривожланишининг асосий конуниятларини белгилайди.

Агар атомни олсак, бир атом моддаси хам, аввало, мусбат ва манфий электр зарядлари, протон ва электрон каби мураккаб карама-карши томонларининг йигиндисидир. Атом ядросининг узида тортилиш ва итарилиш каби каби карама-карши кучлар мавжуддир.

Органик дунёдаги ривожланишни хам карама-каршиликлар кураши-шисиз тасаввур килиш кийин. Хаётнинг узи шундай

карама-карши жараёндирки, бундай хусусиятга эга булиши билан бирга улар уртасидаги кураш мутлакдир. Давр утиши билан курашнинг бахзи аник шакллари билиш жараёнида хам уз ифодасини топади. Махлумкн, билиш жараёни бир – бирига узвий боглик булган хиссий ва рационал билишдан иборатдир. Хиссий билиш оркали инсон нарса ва ходисаларнинг факат ташки томонлари ва хусусиятлари тугрисида махлумот олади, мавхум тафаккур оркали эса уларнинг ички муносабатларини белгиловчи конуниятларни билади. Бу ерда хиссий ва рационал билиш бир жараённинг икки ажралмас, аммо бир – биридан фарк килувчи мухим томонларидир.

Карама – карши томонларнинг бирлиги нисбий, уткинчи хусусиятга эга булиши билан бирга улар уртасидаги кураш мутлакдир. Давр утиши билан курашнинг бахзи аник шакллари йуколиши мумкин, аммо карама – карши томонлар уртасидаги кураш хар доим булган ва булаверади. Шу билан бир каторда, карама – карши томонлар тараккиёт давомида турли хил вазифани бажаради. Карама – каршиликнинг мутаасиб томони нарса ва ходисани кандай булса, шундайлигича саклаб колишга интилса, илгор томони уни узгартиришга, ёки уни барбод килиб янгисини вужудга келтиришга харакат килади.

Карама – каршиликлар хакида Форобийнинг фикри алохида эхтиборга молик. Форобийнинг фикрича факат Оллохнинг шериги йук, шунинг учун илк борликнинг зидди булиши хам мумкин эмас. Лекин бошка хар бир нарса карама – карши харакатда булади. "Карама – карши булган хар бир нарса, бирга булса, - дейди Форобий – у албатта, бузилишга ва уз йули айнашга олиб келади. Зидларнинг хар бирининг табиати шундай булади, улардан бирининг кай ерда булишидан катхи назар бирининг йуклиги, иккинчисининг борлигини такозо этади. Зидди булиши мумкин булган хар бир нарсада ахвол шундайдир".

Диалектик зиддиятлар ички ва ташки, асосий ва асосий булмаган, антогонистик ва ноантогонистик, умумий ва хусусий, зарурий ва тасоди-фий, имконийлик ва хакакийлик шаклларида иборатдир.

Нарса ва ходисаларнинг харакат мохиятидан келиб чикадиган зиддиятларга ***ички зиддият*** деб аталади. ***Ташки зиддият***лар деб турли нарса ва ходисалар уртасидаги карама – каршиликларга айтилади.

Зиддиятларни ички ва ташки зиддиятларга булиш нисбийдир, чунки улар бир – бирига утиб туради. Махлум бир зиддият бошка нарса ва ходисага нисбатан ички ёки бошка бир муносабатда ташки зиддият булиб колиши хам мумкин. Диалектика ички ва ташки зиддиятларнинг бирлигини хисобга олиш билан бирга, уларнинг тараккиётидаги урнига бахо беришда хар томонлама ёндашишни талаб килади.

Метафизиклар факат ташки зиддиятларни тан олиб, нарса ва ходисаларда ички зиддиятлар мавжудлигини инкор этадилар. Улар тараккиёт манбаини нарса ва ходисаларнинг бир – бирига карама – карши тукнашувидан келиб чиккан ташки зиддиятдан иборат деб карайдилар.

***Асосий зиддият****лар деганда ходисанинг мавжудлиги ва ривожланиши вужудга келиши ва йук булиши ёки янги сифатнинг тугилишини уз ичига оладиган энг чукур мохиятини ифодалайдиган зиддиятлар тушунилади.*

Асосий ва асосий булмаган зиддиятлардан бош ва бош булмаган иккинчи даражали зиддиятларни фарклаш лозим. ***Бош зиддиятлар*** *деб ривожланишнинг у ёки бу боскичининг мохиятини белгилаб берадиган зиддиятларга айтилади*. Ходисалар тараккиёти боскичида бош ва бош булмаган зиддиятлар урин алмашиши, яхни бир шароитда бош булган зиддият янги бир шароитда бош булмаган зиддиятга айланиши хам мумкин.

Зиддиятлар уз хусусияти жихатдан антагонистик ва ***ноантагонистик*** булиши мумкин. Жамиятда ***антагонистик зиддиятлар*** бир – бирига карама – карши булга синфлар, табакалар уртасидаги муносабатлардан келиб чикиши мумкин. Бундан келиб чикиб антагонистик зиддиятларни факат синфий муносабатларга хос деган хулоса чикариш нотугри. Тарихий тажриба шуни курсатяптики, бундан зиддиятлар жамиятнинг барча томонларида намоён булиши мумкин. Улар факат синфий негизда эмас, балки этник, миллий, диний, иркий ва шунга ухшаш негизларда хам вужудга келиши эхтимоли бор. Бундан антогонистик зиддиятлар жамият ва алохида шахслар уртасида, турли давлатлар, ижтимоий – сиёсий системалар, сиёсий партиялар ва оммавий харакатлар уртасида хам пайдо булиши мумкин.

Антогонистик зиддиятларнинг мухим хусусияти уларни хал этишда мавжуд холатни бузишга олиб келадиган воситаларни куллашдадир. Худди мана шундай кенг махнодаги антагонистик

зиддиятлар бугунги кунда мавжудлиги хакида турли худудлардаги холатлар гувохлик беради.

Ижтимоий хаётдаги ноантагонистик зиддиятларга туб манфаатлар ва максадлари умумий булган табакалар, ижтимоий кучлар уртасидаги муносабатлар, шахар билан кишлок, аклий мехнат билан жисмоний мехнат уртасидаги мавжуд булган тафовутлар ва бошкалар мисол була олади. Уларни бартараф килиш хам антагонистик зиддиятлар сингари кураш асосида амалга оширилади, лекин бу кураш шакли, хусусияти жихатдан бошкачарокдир. Ноантагонистик зиддиятлар синфий тукнашувлар, инкилоб шаклида булиб, балки эски сифат элементларининг секин – аста йуколиб бориши ва янги сифат элементларининг вужудга келиши билан бартараф килинади.

Зиддиятлар хилма – хил шаклларда бартараф этилиши мумкин. Улардан бири эскининг емирилиб, янгининг карор топишидир, яҳни халк хужалиги, иктисодиётнинг эсади. Маҳлум бир зиддият бошка нарса ва ходисага нисбатан ички ёки бошка бир муносабатда ташки зиддият булиб колиши хам мумкин. Диалектика ички ва ташки зиддиятларнинг бирлигини хисобга олиш билан бирга, уларнинг тарккиётидаги урнига бахо беришда хар томонлама ёндошишни талаб килади.

### *2.3 Инкорни инкор этиш конуни*

Инкорни инкор конуни обҳектив оламнинг ва билишнинг турли сохаларда куплаб учрайган кенг таҳсир доирасига эга булган конундир. Агар арпа ерга экилса, у иссиклик ва намлик таҳсирида кукаради ва ундан усимлик пайдо булади. Эндиликда арпа (дон) узини (узи) инкор этади. Усимлик усади, гуллайди, чангланади ва нихоят янгидан арпа (дон) етишади, тафаккур оркали эса уларнинг ички муносабатларини белгиловчи конуниятларни билади. Бу ерда хиссий ва рационал билиш бир жараённинг икки ажралмас, аммо бир – биридан фарк килувчи мухим томонларидир.

Инкорни инкор конуни жамият маҳнавий хаётида хам намоён булади.Масалан, кадимги фалсафа таффаккурнинг материяга муносабатини ойдинлаштириб бера олмас эди. Лекин бу масалани хал килиш зарурияти танадан чикиб кетадиган жон тугрисидаги таҳлимотга, сунар бу жоннинг улмаслиги тугрисидаги даҳвога, нихоят монотезмга (бир худоликка) олиб келади. Шундай килиб, янгича карашлар эскисини инкор килди. Лекин фалсафа янада тараккий килиб бориши билан идеализм хам асоссиз булиб чикди

ва материализм томонидан инкор этилди. Хозирги замон материализми эски материализмнинг оддийгина тикланишидан иборат булмай, балки унинг мустахкам асосларига фалсафа ва табиатнинг икки минг йиллик тараккиётида эришилган ютукларни кушади. Умуман, энди бу фалсафа эмас, балки дунёкарашдир ва махсус реал фанларда тасдикланиши ва узини курсатиши лозим.

Метафизик йуналиш инкорнинг ижодий яратувчилик ролини тан олмайди, янгилик хеч качон эскиликни енгиб ута олмайди, деб хисоблайди. Бундан фаркли уларок, диалектик караш эски нарсани янги нарса инкор килишини илгари суради. Оламда хеч бир сохада узининг илгариги яшаш шаклларини инкор этмайдиган ривожланиш содир булиши мумкин эмас.

Хар бир жараён инкор килиш жихатига эга. Ички зиддиятлар туфайли тараккиёт жараёни эртами-кечми эски нарсанинг емирилишига ва янги нарсанинг вужудга келишига олиб келади. Вужудга келган бу янги нарса эскининг инкор килинишидир.

“Хар бир карама-каршиликда булган нарса, - дейди Форобий бошка томонидан буздирилиши лозим булади, биринчи эса уз табиати билан карама-карши томонидан инкор этилган булади. Бу эса унинг аслида (субстанциясида)билиш жараёнида хам уз ифодасини топади. Махлумки, билиш жараёни бир – бирига узвий боглик булган хиссий ва рационал билишдан иборатдир. Хиссий билиш оркали инсон нарса ва ходисаларнинг факат ташки томонлари ва хусусиятлари тугрисида махлумот олади, мавхума) мавжуд булган булади”.

Эскининг ривожланиш жараёнида емирилиши – инкорни инкор конунининг факат бир томонида унинг бошка томонини эскининг емирилиш жараёни билан бир вактда вужудга келадиган янги нарса ташкил этади. Бу янги нарса эскининг урнини эгаллаб, ундаги ижобий нарсаларни саклаб колган холда янги, янада юксакрок, илгор холатни ифодалайди.

Шундай килиб, тараккиёт бир-бирини алмаштириб турадиган боскичлардан иборат булиб, бир боскич иккинчи боскич томонидан, иккинчиси эса учинчиси томонидан инкор этилади. Эскининг емирилиб, янгининг пайдо булиши, тараккиёт жараёнида диалектик инкорнинг икки мухим ва ажралмас жихатидир.

Диалектиканинг инкор хакидаги тахлимоти куйидаги бир катор хусусиятлар билан тавсифланади:

**биринчидан,** эскининг янги томонидан инкор этилиши – кишиларнинг онги ва иродасига боглик булмаган обҳектив жараёндир. Инкор субҳектив, ташкаридан киритилган фикр эмас, балки обҳектив жараён тараккиётининг боскичидир.

**иккинчидан,** диалектик инкор ташкаридан киритилган куч ёки холат эмас, балки нарса ва ходисанинг ички ривожланиши натижаси, узини – узи инкор килишидир. Диалектик инкор нарсани бутунлай йук килиб юбориладиган фаолият билан ухшаш эмас, у шундай инкорки, унинг натижасида ривожланиш давом этишига, янги инкор содир булишига имкон яратилади.

**учинчидан,** диалектика хар бир нарса ва ходиса учун инкорнинг аник тури мавжуддир деб хисоблайди.

**туртинчидан,** диалектик инкор тулик инкор булмасдан, балки эскини янги билан боглаб турувчи жараёндир. Диалектик инкор янги билан эски уртасидаги ворисликни тавсифлайди.

**бешинчидан,** диалектик инкор тараккиётнинг оддийдан мураккабга, куйидан юкорига боришини тавсифлайди, бир сифатдан бошка сифатга утилади.

Фалсафада инкорни инкор конуни биринчи бор ГегелЪ томонидан тахрифланган. Унинг фикрича, дастлабки бир бутун фикр(тезис) бир бирига зид булган ижобий ва салбий, "ха" ва "йук" дан иборат икки фикрга булинади. Бутуннинг иккига булиниши – антитезис, инкордир. Карама-карши фикрлар кураши охирида бирикиб янги фикр(синтез, инкорни - инкор) хосил килади. Шундай килиб, Гегелнинг фикрича соф гоя уз тараккиётида уч боскичдан утади: тезис, антитезис ва синтез. Гегелнинг тахлимотига кура, нимаики соф гоянинг ривожланишига мансуб булса у моддий борликнинг хамма нарса ва ходисаларга мансуб.

Диалектик инкор янги билан эски уртасидаги богланишни буткул рад килади деб тушунмаслик керак. Янги канчалик илгор булмасин, у йук жойда пайдо булмади, балки эскининг кобигида аста-секин шаклланади. Шунинг учун хам эскида янгига утилаётганда эски бутунлай ташлаб юборилмайди балк унинг ижобий томонлари ва ривожланишни давом эттирилади. Демак янги билан эски уртасида ворислик мавжуддир. Диалектик инкорнинг мухим хусусияти ана шундан иборат.

Инкорни инкор конуни тараккиёти ворислик (илгарилаб бориш, анҳанавийлик) ва кайтарилувчанликнинг (даврийлик, эскига

кайтиш каби) бирлигини тавсифлайди. Натижада тараккиёт тугри чизикли эмас, балки "бурама" шаклда амалга ошади.

Тараккиёт жараёнининг илгарилаб бориш хусусияти эски урнига келадиган янги доимо янги булиб колмасдан, вакт утиши билан у хам эскиради ва уз навбатида инкор килинади, деган махнони англатади. Бунинг натижасида тараккиёт жараёни иккиланма инкор сифатида куринади.

Диалектик инкор тараккиётни ифодалайди. Масалан, сув киздирилганда бугга айланади, совутилганда эса яна сувга айланади. Метал киздирилганда суюк холатга, совутилганда эса каттик холатга утади. Бу ерда бир холатнинг бошка холат томонидан инкор этилишини курамиз. Лекин бу ерда ривожланиш содир булмайди, балки бир ходисанинг бошка ходиса билан алмашиниши содир булади. Диалектик инкор юкорида курсатилган инкордан фаркли уларок шундай зиддиятларни хал килишни максад килиб куядики, бунинг натижасида тараккиётда юкори боскичга эришилади.

Диалектик инкорнинг яна бир мухим хусусиятини айтиб утиш максадга мувофикдир. Иккинчи инкор эскириб емирибгина колмай, олдинги ривожланишдаги бутун ижобий томонларни умумлаштиради, яхни синтез килади. Бирок бу синтез олдинги рнивожлангишнинг айрим томонларини механик тарзда бирлаштириш эмас. Диалектик синтезда утмишнинг айрим элементлари олиб ташланганди, яхни бутунлай узгартирилиб, юкори боскичда бирлаштирилгандир.

Инкорни – инкор ривожланишининг махлум бир даврини тугаллайди, лекин у шу билан бирга кейинги харакат учун бошлангич нукта булиб хизмат килади. Иккинчи инкор харакатнинг шарт – шароитларини ифодалайди. Куриниб турибдики, инкор тушунчаси даврни хам ифодалайди. Бу давр шундан иборатки, махлум жараённинг тугалланиш боскичи янги диалектик давр учун бошлангич нукта булиб колади ва шундай хол чексиз давом этади. Бир муносабатда синтез булган нарса бошка муносабатда янги ривожланишининг бошлангич нуктасидан иборат булади.

Диалектик тараккиёт тугри чизикли харакат булмай балки аста – секин кутарилиб, кенгайиб боратдиган, бир – бири билан умумий ворислик йули билан богланган юксак боскичда бошлангич нукта жихатини уз ичига оладиган бурама харакатдан иборат.

Тараккиёт айрим холларда куйига караб боради. Бунга моддий тизимларнинг емирилиши, материа харакатининг мураккаб шакллари оддий шаклларга утиши мисол була олади. Аммо шуни айтиш керакки, тараккиётнинг оркага кайтиши илгарилама харакатдан вактинча четлашишдир.

Ижтимоий тараккиёт жамиятнинг ривожланиши хеч качон тухтаб колмайдиган, доимо узгариш ва тараккиётда булган, ишлаб чикариш усулининг табиатидан келиб чиккан конуний ва узгартириб булмайдиган жараёндир. У вактинча булган тебраниш ва чекланишларга крамасдан ибтидоий жамоа тузумидан хозирги давргача юкорига кутарилувчи йул булиб колмокда. Ижтимоий ривожланишнинг обҳективлиги ва такрорланмаслиги бунда ёркин намоён булади. Ривожланишнинг пастдан юкорига кутарилувчи йуналишини диалектик тушуниш доиравий харакат тугрисидаги метафизик назария билан хеч кандай умумийликка эга эмас. Баҳзи бир олимлар дунёда булаётган баҳзи боскичларнинг кайтарилишини оддий эскиликка кайтиш деб хисобламокдалар. Уларнинг фикрича, табиат ва жамият хаётининг ибтидоси ва интихоси бутунлай мос келувчи маҳлум давр цикл ёки айланма буйича булади. XVIII асрда яшаган Италиялик файласуф Ж.Д.Виконинг таҳкидлашича жамият уз тараккиётида уч даврни босиб утади.,чунончи 1) Болалик даври. Бу даврда динний дунёкараш ва зуравонлик хукмронлик килади; 2) Усмирлик даври. Бу даврда аристократлик, рицарлик ва етуклик ранвнак топади; Бошка бир файласуф О. Шпиинглер жамият узининг ривожланишида бунёд булиш (1), гуллаб яшнаш (2), инкирозга юз тутиш (3) даврларини бошдан кечиради, дейди. Унинг фикрича, инсоният тарихининг хозирги боскичи инкирозлар давридирки, шунга кура хозирги замон маданиятининг барча ютуклари бутунлай йук килиниши лозим эмиш.

Инглиз тарихчиси Тойнбининг таҳбирича, жамият тарихи коронги ва узаро алокада булмаган цивилизациядан иборат. Хар кандай цивилизация бир хил ривожланиш боскичларини босиб утади: бахор ва ёз, куз ва киш, ёки болалик, усмирлик, етуклик ва карилик. Тойинбининг курсатишича, хозирги замон шароитида Гарб цивилизацияси етуклик боскичидадир ва у келажакда ривожланиш хусусиятига эга. Америкалик профессор Райт эса жамият тарихи маҳлум бир боскичлардан, яҳни кахрамонлик асри, галаёнлик вакти ва тикланиш даврларининг шу тахлитда

такрорлани-шидан иборат, деб тасвирлаб беради. Унинг фикрича, хозирги цивилиза-циядан кейин инсоният факат оркага кайтиш билан ривожланармиш.

Тараккиёт юкорига кутарилиш хусусиятига эга булиб, у оддийдан мураккабга, пастдан юкорига томон боради. Масалан, микрооламда ривожланишнинг илгарилаб бориши кимёвий элементларда атом ядроси, атомларнинг молекулаларга ва кейинрок микроскопик жисмларга айланишида, коинотда эса унинг жисмларининг газ ва чангсимон материядан вужудга келишида намоён булади. Ноорганик материянинг органик материяга айланиши, хайвонот оламидан инсониятнинг ажралиб чикиши – тараккиётдаги материя харакатининг биологик шаклига ёркин мисол була олади. Ижтимоий ривожланиш хам тараккиёт сари боряпти.

Эскининг урнига янгининг келиши, унинг кундан – кунга мустахкам-ланиши, ривожланиши ва уларнинг ажралмаслиги тараккиётнинг бошла-ниш хусусиятини белгилайди. Янги эскининг урнини эгаллаб боришда эскидан ижобий мухим томонларни узида мужассамлаштириб, юкорирок сифат хусусиятларга айланади. Эскининг урнига келган янги дастлаб имконият куринишида булади. Бу имкониятнинг вокеликка айланиши маҳлум шарт – шароитлардагина амалга ошади. Ижтимоий хаётда Янги-ликнинг галабага эришувини таҳминлашда кишиларнинг фаолияти зарурдир.

Инкорни инкор конуни мустакиллик ва бозор иктисодиёти жараёнида руй бераётган ходисалар мохиятини илмий англашда катта ахамият касб этяпти. Янги жамиятни барпо этишга каратилган узгартиришлар хамма нарсани янгидан барпо этишни билдирмайди. Аксинча, жамиятимиз тараккиёти жараёнида эришилган ижтимоий – иктисодий, маданий, маҳнавий ютукларни саклаб колиш уларни янада бойитиб ривожлантиришдан иборатдир. Бу мазкур конуннинг талабидан келиб чикадиган мухим хулосалардан биридир.

***Мавзуни такрорлаш учун саволлар:***

*1. «Микдор», «сифат», «меҳёр» тушунчаларининг мазмунини очиб беринг.*

*2. Диалектик сакрашнинг турлари хакида тушунча беринг.*

*3. Микдор узгаришидан сифат узгаришига утиш конуни ривожланишнинг кайси томонини очиб беради?*

*4. «Тафовут», «карама-каршиликлар», «зиддият» тушунчалари уртасидаги фаркни курсатиб беринг.*

*5. Кандай зиддиятлар мавжуд? Улар хакида тушунча беринг.*

*6. Инкорни – инкор конуни ривожланишининг кайси бир томонини очиб беради?*

## *14 -Маҳруза: Билиш - вокеликни акс эттиришдир.*

***Режа:***

*1. Билиш вокеликнинг инҳикосидир.*

*2. Билиш жараёнининг диалектик хусусияти. Хиссий ва мантикий билиш.*

*3. Хакикат тугрисидаги фалсафий таҳлимот. Амалиёт - хакикатнинг мезонидир.*

*1.Билиш вокеликнинг инҳикосидир.*

Таянч иборалар: ***Билиш, скептицизм,агностицизм, инҳикос, билиш обҳекти, билиш субҳекти, оддий билиш ва илмий билиш.***

Инсоннинг узини куршаган дунёга булган муносабатларидан бири – ***б и л и ш*** дир. Инсон уз хаёти давомида факат ташки дунёни, яҳни табиат ва жамиятнигина билиб колмасдан, балки узини, узининг рухий - маҳнавий дунёсини хам билиб боради.

Фалсафа эса инсон билишининг энг умумий томонларини, кону- ниятларини ва хусусиятларини урганади ва очиб беради.

Фалсафа пайдо булганидан бошлаб, инсон билишининг табиати ва мохиятини нима ташкил килади? Унинг энг умумий конунятлари ва ху- сусиятлари нималардан иборат, деган саволларга жавоб кидириб ва жавоб бериб келди. Шу сабабли, фалсафада инсон билишининг фалса- фий муаммолари билан шугулланмаган бирорта хам фалсафий оким, бирорта хам файласуф йук. Аксинча, хамма фалсафий окимлар ва фалсафий йуналишлар бу сохага оид уз карашларининг маҳлум тизимини ишлаб чикканлар. Натижада, фалсафада инсон билишининг табиати ва мохияти хакида турли хил таҳлимотлар, турли хил карашлар келиб чикди.

Бир гурух файласуфлар инсондан, унинг онгидан ташкари дунё мавжуд эмас, дунё факат бизнинг онгимизда, бизнинг сезги ва идрок-ларимиз йигиндисидан (комплекси ва комбинациялари)дан иборат холос, бинобарин биз уз сезги ва идрокларимизнигина била оламиз, деган фикрларни билдирганлари маҳлум.

Бошка бир гурух файласуфлар эса инсонинг дунёни ва узини би- лишга шубха билан карайдилар, инсон дунёни тулик била

олмайди, дейишиб, инсон билишини чеклайдилар ёки дунёни билишни бутун-лай инкор киладилар. *С к е п т и ц и з м* тахлимоти вакиллари инсон билишининг нисбийлиги, унинг турли шароитлар ва вазиятлар билан боглик эканли-гини айтишиб, хамма эхтироф килувчи исбот талаб килинмайдиган инсон билимларининг булиши мумкинлигига шубхаланадилар.

Дунёни билишни кисман ёки бутунлай инкор килувчи фалсафий тахлимот булган *а г н о с т и ц и з м* вакиллари инсон дунёни билишга кодир эмас, деган гояни илгари суради. Масалан, инглиз файласуфи Д. Юм тахлимотига кура, билиш обхекти билимларимизнинг манбаи обхектив борлик эмас, балки субхектив сезги ва идрокларимиздир, биз уз сезги ва идрокларимиз чегарасидан ташкарида нима борлигини била олмаймиз.

Немис файласуфи И. Кант эса инсондан ва унинг онгидан ташка- рида обхектив борликнинг мавжудлигини эхтироф килган холда, унда- ги предмет ва ходисаларни *"нарсалар биз учун"* ва *"нарсалар узида"* булади. Унинг карашича, "нарсалар биз учун" ни инсон била олади, "нарсалар узида"ни эса инсон била олмайди. Кантнинг "нарсалар биз учун"ни - бу инсонни куршаб турган предметлар ва ходисалар , шу жумладан, табиат хам. "Нарсалар узида " эса: эркинлик,улмаслик, худо ва шу кабилардир. Уларни инсон хеч качон тулик била олмайди. Кант уз билиш назариясида эхтикодга урин колдириш, уни мустахкамлаш учун аклни танкид килади ва чеклайди. У инсон аклини назарий ва амалий аклларга булади, амалаий акл, унингча чекланган. Унинг карашича, инсон тажриба ва амалиёт билан хар кандай билишга хам эга булавермайди. Инсон билишида инсоннинг тажрибасигача унда *априор* (лот. apriori- сузидан олинган булиб, тажрибадан олдин дегани) билимлар булади. Бу априор билимлар туг- ма билимлардир. Инсон акли бу билимларга тажрибагача эга булгандир. Кантнинг фикрича, фалсафий билимлар айни шундай априор би- лимлардан иборатдир.

Илм-фан ютукларига асосланган файласуфлар эса инсоннинг дунёни ва узини билишни доимо эхтироф этиб келганлар. Кадимги Юнон файласуфлари инсон дунёни ва узини билиши, хакикатга эри-шиши мумкин, дейишган. Улар *хиссий* ва *аклий* билишнинг роли хакида хам кимматли фикрлар айтишган.

Урта Осиё мутафаккирлари Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улугбек, Навоийлар хам инсоннинг дунёни ва узини билиш

масаласи хаки-да тухталиб, инсон табиат ва жамиятни хамда узини билишга кодир, инсон билиши сезги ва идрокларидан бошланиб, тафаккурга томон ривожланиб боради, инсон акли - фаол, у билишнинг асосий куролидир, дейишадн. Улар инсон билиши маҳлум нарсалардан номаҳлум нарсалар томон ривожланиб боради, деб курсатишган.

*Тасаввуф фалсафаси* вакиллари эса уз карашларида инсоннинг хиссий билиши ташки билишни, аклий билиш эса ички билишни ташкил килишини айтишиб, уларнинг узаро богликлигини хам уктирганлар. Шу билан бирга, улар инсон дунёни ва узини билиши учун маҳнавий камолотга эришмоги лозим. Лекин бу камолотга эришиш учун курук интилиш билан эмас, балки укиш, урганиш, билимларни ва хунарларни эгаллаш, жамиятда бошка кишилар билан узаро мулокотда ва муносабтда булиш оркали юзага келади, дейишади.

XVII-XVIII аср Оврупо файласуфлари хам инсоннинг дунёни ва узини билиши хакида кимматли фикрларни билдирашади. Масалан, инглиз файласуфи Ф. Бекон, инсон билиши сезгиларидан бошланади, билишнинг манбаи тажрибадир, сезгилар оркали олинган далилларни

инсон тафаккур ёрдамида кайта ишлаб чикади, дейди. У инсон билиш жараёни фан ва амалиёт билан боглик эканлигини, уларга хизмат ки- лиши лозимлигини айтади. Француз файласуфи Декарт эса инсоннинг дунёни ва узини билиши масаласи хакида тухталиб, бирдан бир тугри билиш - тафаккурдир, дейди. У инсон билиш жараёни фан ва амалиёт билан боглик эканлигини, уларга хизмат килиши лозимлигини хам айтади.

Дидро, ГолЪбах, ГелЪвеций, ВолЪтер ва Ламметрийлар эса инсоннинг билиши масаласида фикр юритишиб, сезгилар тафаккурнинг асоси эканлигини, улар инсон билишининг куйи бошлангич боскичи, тафаккур эса энг юкори, мураккаб боскичи эканлигин айтишади Немис классик фалсафасининг вакили ХегелЪ эса инсон билишини мутлак рухнинг инсон киёфасида уз-узини англашидир, дейди. Немис классик фалсафасининг сунгги вакили Л. Фейербах эса инсоннинг дунёни билишини эҳтироф этиб, дунё инсондан ва унинг онгидан ташкарида мавжуд, инсон билиши табиатнинг, унинг сезгилари ва тафаккуридаги тугри инҳикоси эканлигини айтади. Инсонда, дейди у, дунёни билиш учун канча сезги аҳзоси керак булса, шунча сезги аҳзолари бор. Унингча,

сезгилар билиш жараёнининг бошлангич бос- кичи булиб, сезги аҳзолари инсонни ташки дунё билан боглайди. Фейербах фикрича, сезги аҳзолари инсонни табиат билан таништира- ди, лекин уни тушунтирмайди.

Билишнинг ялпи фалсафий назарияларига кура, инсоннинг дунёни ва узини билиш имконияти ва даражаси, аввало, ижтимоий шароитга ишлаб чикарувчи кучлар ва уларнинг эхтиёжаларига, ишлаб чика- риш муносабатларининг даражасига боглиқдир. Турли ижтимоий ик-тисодий даврлардаги кишиларнинг билиш даражаси фан тараккиёти, техника ривожининг даражаси ва кулами, жамият ишлаб чикариш услуби куйган вазифалари билан белгиланади. инсон дунёни ва узини билиш билан чекланмайди, балки бу билиш натижасида хосил килган билимлари оркали у табиат ва жамиятни, даставвал, узини, уз онгини, уз маҳнавий дунёсиии узлаштиради ва узгартиради.

Инсоннинг билиш кобилияти, билиш имкониятлари, умуман олган- да, чекланмаган. Унинг билиш имкониятлари фанларнинг ва амалиёт- нинг ривожланиши билан янада ортиб боради. Инсоннинг билиши факат конкрет авлод хаёти учунгина чекланган холос. Лекин бу билиш бутун инсоният хаёти учун чексиздир, инсон чексиз дунёни чексиз билиб боради. Дунёда инсон билиб олган ва хали билиб улгурмаган нарсалар ва ходисаларнинг томонлари, хусусиятлари бор холос. Лекин бу - инсон уларни билиши мумкин эмас, деган маҳнони билдир- майди, балки маҳлум давр; маҳлум вактда инсон - хозир билмаган бу томонлар ва хусусиятларини билиб олиши мумкин.

Билиш назарияси *инҳикос* назариясидан хам иборатдир. Сабаби: фалсафа инсон билишининг табиатини тушунтирар экан, уни борликка

хос инҳикос билан боглаб тушунтиради.

Билишнинг фалсафий назариясига кура, билиш моддий ва маҳна- вий борликнинг инсон миясидаги муайян максадга каратилган фаол акс этишидир. Инсон билишининг манбаи эса айни шу моддий ва маҳнавий борлик, уларни ташкил килган предметлар, ходисалар ва жараёнлардир. Бу предметлар, ходисалар ва жараёнга инсонга таҳсир килиб, унинг миясида акс этади. Улар моддий ва маҳнавий борлик- нинг инсон миясидаги субҳектив образлари, рамзлари ва белгилари- дир. Бу жихатдан инсон билиши, аввало, моддий ва маҳнавий борликнинг хусусиятларига

ва шу билан бирга, уларни фаол инҳикос эт- тирувчи инсон мия механизмининг ривожланган даражасига боглик-дир. Инсон уз миясида факат табиий ва ижтимоий борликни, уларнинг конуният-ларинигина акс эттириб колмасдан, балки узининг махна- вий-рухий ва инсоний борлигини хам инҳикос эттиради.

Умумий маҳнода айтганда, инсон билишнинг ***субҳектини***, инсонни куршаб турган борлик эса билишнинг ***обҳектини*** ташкил этади. Би-лишнинг субҳекти ва обҳекти билан бир каторда, билишнинг пред- мети хам мавжуддир. ***Билишнинг предмети*** - бу билиш обҳектининг субҳект билиши каратилган, субҳектнинг билиш фаолияти доирасига кирган томонлари, хусусиятлари ва муносабатларидир.

Инсон билишини шартли равишда бир неча турларга булиб урга- ниш мумкин. Дастлаб инсон билишини унда борлик кандай холда инҳикос этганлигига караб, ***оддий*** ва ***илмий*** билишларга ажратиш мумкин.

***Оддий билиш*** кишиларнинг одатдаги уз кундалик хаётларида борликдаги предмет ва ходисаларни бевосита уз сезги аҳзолари ва та- факкурлари оркали билишдир. У кишиларнинг кундалик хаётий таж-рибалари, малакалари ва амалий ишлари оркали хосил булиб, одатда *"соглом фикрлар"*да уз ифодасини топган булади. Оддий билиш хамма кишиларга хос билишдир.

***Илмий билиш*** эса, оддий билишдан фаркланиб, у борликдаги предмет ва ходисаларнинг конуниятларини, уларнинг мохиятини би- лишдир. Илмий билиш, одатда илмий тадкикотлар ва илмий изланиш- лар олиб бориш асосида амалга ошади. Шу сабабли илмий билиш узок давом этадиган, муайян усуллар ва йуллар билан амалга ошириладиган мураккаб зиддиятли билишдир.

*2.Билиш жараёнининг диалектик хусусияти. Хиссий ва мантикий билиш.*

Таянч ибора: ***Хиссий билиш, сезги, идрок, тасаввур, мантикий билиш, тушунча, хукм, хулоса, хакикат, нисбий хакикат, мутлок хакикат, амалий фаолият.***

Хар кандай билиш жонли мушохададан бошланади. Атрофдаги нарса ва ходисалар киши сезгиларига таҳсир этади ва бизда сезги, идрок ва тасаввурларни вужудга келтиради. Булар хиссий билишнинг шаклла-ридир.

***Хиссий билиш*** дейилганда, одатда, инсоннинг хис килиши, сезги аҳзолари оркали предмет ва ходисаларни, уларнинг ташки

томонларини, ташки белги ва хусусиятларини бевосита билиш тушунилади. Инсон-нинг бу билиши, деарли хайвонларга хам хос булган билиш билан бир хил хусусиятларга эга булган билишдир.

***Мантикий билиш*** эса инсоннинг предмет ва ходисаларини тафаккур оркали умумлаштириб, мавхумлаштириб ва конкретлаштириб, уларни фикрда билишидир.

***Интуитив билиш*** эса, одатда киши бирор нарса ёки ходиса хакида муайян тасаввурлар ва билимларга эга булган, унинг фикри махлум муаммо ёки масалани ечишга йуналтирилган, шу асосда уз фикрини ривожлантираётган бир пайтда руй беради. Интуитив билиш хам инсон билиш жараёнини мухим жихатини ташкил килади ва уни борликни билишида мухим ролЪ уйнайди. Интуитив билиш, хиссий ва мантикий билишлардан фарк килиб, у уз табиатига кура хеч бир бевосита хиссий идроксиз ва мантикий мухокамасиз бирор бир янги тасаввур ёки янги фикрнинг бирданига, кутилмаганда тугилишидир.

Инсон билишини турларга булишда интуитив билишдан фаркли равишда кадимдан гоибона билиш хакида хам турли фикрлар мавжуд. ***Гоибона билиш*** инсон билишининг шундай турики, бунда киши узок масофадан туриб содир буладиган ходиса ва вокеани билиши, хис килиши, бу ходиса ва вокеанинг кандай содир булиши унга аён булади. Кишилар бирон ишни килмокчи булса, бу ишнинг натижаси хакида олдиндан: "шундай булиши керак, бунга мен катхий ишонаман", шундай булади, деб уйлайман" ёки "олдиндан юрагим сезганди", "оёгим тортмаганди", "негадир кунглим гаш" деган фикр мулохазаларни айтишади.

Лекин шуни айтиш керакки, гоибона билишнинг хозирча механизми фанга махлум эмас. Шу сабабли купинча гоибона билишни кишилар илохийлаштириб, бундай билиш факат азиз авлиёларга, алохида гайритабиий хусусиятларга эга кишиларга хос, деб караб келишмокда.

Моддий ва махнавий борлик уз табиатига кура бир-бири билан узвий боглик деалектик жараён булганлигидан, уларнинг инхикоси булган инсон билишини хам диалектик жараён, деб тушуниш лозим. Яхни, инсон билиш билмасликдан билишга, аник булмаган билишлардан аникрок билишларга, тулик булмаган, кисман билишлардан туликрок билишларга, оддий билишлардан мураккаб илмий билишларга томон боришдан иборатдир. Инсон билиш жараёни хиссий билишдан аклий билишга, жонли

мушохадалардан абстракт тафаккурга томон ва аксинча боришлардан иборат диалектик жараёндир.

*Хиссий билиш* - инсон билишининг дастлабки биринчи боскичи булиб, инсон билиш жараёни айни шу билишдан бошланади. Натижада, мияда предмет ва ходисаларнинг белгилари, сигналлари ва хиссий образлари хосил булади.

Хиссий билиш боскичи: хис килиш, сезги, идрок ва тасаввур каби шаклларда содир булади. Хис килиш - инсон билишнинг шундай шаклики, унда киши уз-узига, атрофдаги нарса ходисаларга, киши ёки кишиларга булган муносабатида узининг муйян холатга кириши, муайян холда булишидир.

*Сезги* хиссий билишнинг дастлабки шаклларидан булиб, у инсоннинг борликни билишининг узига хос куринишидир. Сезги ва сезгилар инсоннинг аҳзоларига борликдаги предмет ва ходисаларнинг бевосита

ёки билвосита таҳсири натижасида юзага келадиган хиссий образла-ридир.

Бирок хис килиш ва сезгилар инсоннинг борликни билиши учун хали етарли эмас. Бунинг учун инсон узининг хиссий билишида хис килиш ва сезгилар шаклларида хосил килган махлумотларини туплаб, умумлаштириб, уларни бир бутун холда инҳикос эттириши хам лозим

булади. Хиссий билишнинг бундай янги шакли идрокдир.

*Идрок* борликдаги предмет ва ходисаларни яхлит холда, бир бутун куринишида, уларнинг хамма асосий ташки белги ва хусусиятларини умумлаштирган холда инҳикос эттрувчи хиссий билишнинг нисбатан юкорирок шаклидир. Идрок предмет ва ходисаларнинг бир бутун яхлит хиссий образидир. У узида хис килиш ва сезгилар шаклларидаги образларни жамлаб ифодаловчи хусусиятга эга. Бирок инсоннинг хиссий билиши идроклар шаклларида юзага келган хиссий махлу-мотлар инсон миясида кайта ишланиб, хиссий билишнинг янги, юксак шаклини хосил килади. Бу тасаввурдир.

*Тасаввур* - илгари идрок этилган, аммо айни вактда бевосита идрок этилмаётган предмет ва ходисаларнинг инсон миясидаги кайта ишланиб, тикланган хиссий образидир. Тассаввурнинг узига хос хусусияти шундаки, у борликдаги предмет ва ходисалар билан айни вактда бевосита богланишда булмаган холда, уларнинг илгариги пайдо булган образлари асосида кайта тикланишидир.

Умуман олганда,инсоннинг хиссий билиши махлум даражада чекланган, бир томонлама, тулик булмаган билишдир.

Инсон борликдаги предмет ва ходисаларнинг ички томонларини, уларнинг узгариш ва ривожланиш конунларини, бир суз билан айтганда, уларнинг мохиятини факат мантикий билиш оркалигина била олади.

***Мантикий билиш*** - предмет ва ходисаларнинг мохиятини билишдир. Инсоннинг борликни англай билиши- бу унинг тафаккури оркали борликдаги предмет ва ходисаларни фикр шаклларида билишдир. ***Аклий билиш*** борликдаги предмет ва ходисаларнинг инсон миясидаги умумлашган, мавхумлашган ва конкретлашган фикрий ифодаланишидир.

Мантикий билишда инсон тафаккури борликдаги предмет ва ходи- саларнинг изчил богланишлари ва алокадорлигини, уларнинг харакат,

узгариш ва ривожланиш конунларини махлум фикр шакллари - хукм,

тушунча ва хулоса чикариш кабиларда ифодалайди. Бунда хиссий билиш образлари тафаккур учун материал булиб хизмат килади. Тафаккур узида хиссий билиш берган махлумотларни кайта ишлаб, уларни умумлаштириб, мавхумлаштириб, айни бир вактда, аниклаштириб, анализ ва синтез килиб, аникликдан мавхумликка ва яна ундан аникликка келтириб, махлум хукмлар, туўунчалар ва хулосаларни хосил килади. Тафаккур хосил килган аклий билишнинг бу фикрий шакллари тилда сузлар ва гапда ифодаланади.

*Аклий билишнинг дастлабки шакли хукмлардир.*

***Хукм*** - мантикий билишнинг шундай фикрий шаклики, унда борликдаги муайян предмет ва ходисалар, улар уртасидаги богланиш ва алокадорликлар хакида тасдик инкор фикр ифодаланади. Инсон уз тафаккурида бир ёки бир неча хукмларни мантикий узаро боглаб, турган усуллар асосида уларнинг энг мухим хусусиятларини ажратиб олиб, бирор тушунча хосил килади. Мантикий билишнинг навбатдаги шакли тушунчадир.

***Тушунча*** предмет ва ходисалар, уларнинг мухим ва зарурий белги ва хусусиятларининг умумлаштирилган, мавхумлаштирилган ва айни чокда аниклаштирилган фикрий образидир.

*Хулоса чикариш* эса мантикий билишнинг шундай шаклики, унда бир ёки бир неча хукмлар асосида янги хукм - янги фикр хосил килинади.

Хулосалаш инсон мантикий билиш боскичининг юкори шаклидир.

Одатда хулоса чикаришнинг бир неча турлари мавжуд булиб, уларни *"Мантик"* фани урганади.

Инсоннинг борликни билишидан асосий максадларидан бири-бу ха- кикатни билишдир. Хуш, хакикат нима? Хакикат тугрисидаги фалсафий тахлимот нимадан иборат?

Хакикат масаласини илмий асосда хал килишнинг ягона йули - бу инсон билмлари билан обхектив борликдаги реал предмет ва ходисалар уртасидаги муносабатларни илмий асосда ёритиб беришдир. *Хакикат* - бу инсон билимларида борликнинг тугри инхикос этиши, предмет ва ходисалар асли кандай булса, уларни инсон уз миясида худди шундай инхикос эттирган билимларидир.

Хакикатни билиш мураккаб жараёндир. Бунда бизнинг билимлари- миз нисбий хакикатлардан мутлак хакикатга томон боради.

*Нисбий хакикат* - бу бизнинг борликдаги предмет ва ходисалар тугрисидаги тахминан тугри, лекин тулик булмаган, билиш жараёнимизда кузатилиб, тулдирилиб борилиши лозим булган билимларимиздир.

*Мутлак хакикат* эса - бу борликдаги предмет ва ходисалар хакидаги тулик, аник мукаммал билимлардир. Бундай билимлар инсон тафаккурининг обхектга чекиз якинлашиб бориши асосида, чексиз нисбий хакикатларнинг жами сифатида карор топади. Бу жихатдан нисбий ва мутлак хакикатлар узаро чамбарчас богликдир. Улар бир-бирларидан ажралмасдир. Хар кандай мутлак хакикат нисбий хакикатларнинг чексиз бирлигидан юзага келади, хар бир нисбий хакикатда эса мутлак хакикатнинг донаси, зарраси, улуши мавжуд булади. Шу асосда инсон билиши нисбий хакикатлардан мутлак хакикатга томон боради. Билимлар тараккиётида мутлак хакикат конкретлашиб боради.

Инсон кадимдан бошлаб уз билимларининг хаклигини, уларнинг холатлардан фаркини ажратувчи мезонини топишга харакат килиб келди. Шу сабабли фалсафада билимларнинг хакикатлик мезони муаммосига доир турлича карашлар пайдо булди. Бундай карашларнинг дастлабкиси бу хакикатнинг формал

мантик мезонидир. Бу мезонга кура билим хакикат булиши учун бу билимни ифодаловчи фикр иккинчи бирор фикрга мувофик келувчи ёки бу билим бошка билимдан заруран мантикий келиб чикиши зарурдир.

Аслида эса, билимларнинг хакикатлиги мезони ***амалий фаолият***дир. Билимларнинг хакикатлиги ёки хатолиги кишиларнинг амалий фаолия-тида маҳлум булади. Хакикат булмаган билимлар инсон фаолиятини муваффакиятсизликка олиб келади. Шунинг учун хар кандай янги билим-нинг хакикат эканлиги амалиётда текшириб курилади. Амалиёт инсон-нинг билиш жараёнида хосил булган хар бир билимнинг хакикатлигини тасдиклаш билан бирга,бу билимнинг чекланганлигини бир томонлама-лигини хато ёки гайриилмийлигини хам аниклаб беради. Амалиёт хакикат мезони сифатида инсоннинг тугри билимларини хато билимла-ридан фарк килишда катта ахамиятга эга. Бу мезон биринчидан, инсон билимлари борликнинг тугри ёки нотугри инҳикоси эканлигини тасдик-ласа, иккинчидан, у борликни нотугри акс эттиручи карашларининг хатолигини хам очиб беради.

***Мавзуни такрорлаш учун саволлар:***

*1. Билиш нима?*

*2. Билишнинг асосий боскичлари нимадан иборат? Уларнинг узаро богликлик диалектикаси кандай?*

*3. Хакикат нима? Нисбий хакикатлар ва абсалют хакикатларнинг узаро богликлиги кандай?*

*4. Амалиёт нима? Билишда амалиётнинг кандай ахамияти бор?*

*5. Матнда алохида ажратиб курсатилган таянч суз ва иборaлapнинг мохиятини эсда саклаб колишга харакат килинг.*

## *15 – Махруза: Илмий билиш, унинг хусусиятлари ва усуллари.*

***Р е ж а:***

*1. Илмий билиш ва унинг усуллари.*
*2. Илмий билиш шакллари.*

*1. Илмий билиш ва унинг усуллари.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Илмий билиш, илмий билиш методлари, эмпирик даражасига оид умумий илмий методлар, назарий даражасига оид умумий илмий методлар, кузатиш, таккослаш, эксперимент, анализ - синтез, индукция-дедукция, умумлаштириш, мавхумлаштириш, моделлаштириш, формализация, тарихийлик, мантикийлик.***

***Илмий билишнинг вазифаси*** борликдаги предмет ва ходисалар- нинг ички табиатини, улардаги алокадорлик ва богланиш-ларни, улар-да амал киладиган конунлар ва конуниятларни, хуллас, уларнинг мо-хиятидан иборатдир. Илмий билиш натижасида хосил килин-ган би-лимларнинг махлум тизимлари фанларни вужудга келтирди.

Фанлар илмий билишнинг шаклларидир. Фанлар борлик ва унинг турли куринишлари: табиат, жамият, инсон, инсон тафаккури тугриси-даги илмий жараёнида юзага келган билимлар тизимларидан иборатдир. Улар инсоннинг борликни билиши, урганиши ва узлаштириши-нинг узига хос назарий шакллари булиб, узларида моддий ва махна-вий омил-ларни бирлаштирувчи куп киррали ижтимоий ходисадир.

Хамма фанлар борликни назарий тафаккур шакллари: илмий ту- шунчалар ва гоялар, категориялар, принциплар, муаммолар, гипотезалар, назариялар, конунларни акс эттиради ва ифодалайди.

Фанлар предмети, кенг махнода, инсонни куршаб турган борлик ва унинг шаклларидир. Шу жихатдан фанларни ва уларнинг предметларига кура шартли равишда табиатшунослик, жамиятшунослик ва уларнинг уртасидаги техника фанларига булиш мумкин.

***Табиатшунослик фанлари*** табиатни билиш, узлаштириш ва узгартириш конунларини урганади.

***Жамиятшунослик фанлари*** эса ижтимоий муносабатларни, инсонни ва жамиятда тутган урнини, жамиятнинг ижтимоий, иктисодий ва махнавий хаётини урганади.

***Техника фанлари*** булса, инсон томонидан ихтиро килинган машина ва механизмлар, уларнинг тузилиши, курилиши ва иш фаолиятининг конуниятларини урганувчи фанлардир. Техник фанларнинг вазифаси инсон техника курилмалари хакидаги билимлар билан куроллантирилиб, янги техника воситаларини яратишга ёрдам беришлардан иборатдир.

***Фанларни яна амалий ва фундаментал фанларга хам булишади.*** Бунда ишлаб чикариш билан бевосита боглик булган, эришилган хар бир янги натижаси ишлаб чикаришга бевосита татбик этилиб борадиган фанлар_***амалий фанлар*** деб аталади. ***Фундаментал фанлар*** эса табиат, жамият, инсон ва инсон тафаккури тараккиётининг умумий конуниятларини назарий жихатдан урганувчи фанлардир. Амалий ва фундаментал фанлар узаро чамбарчас богликдир.

*а) Илмий методлар ва методология.*

Илмий билишнинг методлари тадкикотчининг тадкикот обҳектини билиш учун куллаган амалий ва назарий фаолият усулларидир. Бу методларнинг илмий билишдаги вазифаси: тадкикотчига урганаётган предмет ёки ходиса хакида, унинг табиати ва мохиятини уларнинг ифодалайдиган конун ва конуниятларни очишда ёрдам беришдан, шу асосда тадкикотнинг муваффакиятли булишини тахминлаб беришдан иборатдир.

Илмий билиш методларини урганиш фалсафада методологиянинг пайдо булишига олиб келди. Методология илмий билиш методлари хакидаги фалсафий тахлимот сифатида узида кишилар дунёкараши принципларини, уларнинг бир бутун амалий ва назарий фаолиятларига татбик этишни урганади. Методологияга кура илмий тадкикотларда кулланиладиган методлар бир-биридан уз табиати, характери, кулланиш сохаси, кулланиш кулами, даражалари жихатидан хам фарк кила- дилар. Шунга кура улар билиш методларини фалсафа уч турга булиб урганади:

*1. Илмий билишнинг энг умумий илмий методи.*

*2. Илмий билишнинг эмпирик даражасига оид умумий илмий методлар.*

*3. Илмий билишнинг назарий даражасига оид умумий илмий методлар.*

Илмий билишнинг энг умумий илмий методининг узига хос хусусияти шундан иборатки, у тадкикотчиларнинг хар кандай

онгли ама лий ва назарий фаолиятида, хамма ва хар кандай илмий тадкикот со- хасида кулланилади.

Илмий билишнинг ***эмпирик*** даражасига оид умумий илмий методлари булар купчилик ёки бир гурух фан сохаларида кулланиладиган, илмий билишнинг эмпирик боскичига оид булган методлардир. Илмий билишнинг ***назарий*** даражасига оид умумий илмий методлар эса илмий тадкикотларнинг назарий боскичида кулланадиган методлардир.

Хозирги замон фанларида илмий билишнинг куйидаги методлари мавжуд: кузатиш ва эксперимент, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, умумлаштириш, абстрактлаштириш, конкретлаштириш, тарихийлик ва мантикийлик, идеаллаштириш, моделаштириш ва шу кабилар.

*б) Кузатиш ва эксперимент методлари.*

***Кузатиш***_харакат, узгариш ва ривожланишдаги махлум обхектни табиий шароитда у кандай булса, шу холича диккат билан, белгиланган вакт ичида, махлум максад асосида куздан кечириб боришдир.

***Эксперимент*** эса сунхий яратилган шароитда олиб бориладиган кузатишдир. Экспериментда урганилаётган предмет уз холида, лекин сунхий яратилган шароитда куздан кечирилади. Экспериментда тадкикотчи уз урганиш обхектига актив тахсир килиши, кузатишнинг боришида, кузатилаётган жараённи узи хохлагнг йуналишга караб узгартириши мумкин.

Эксперимент кузатиш билан бевосита боглик булиб, у кузатишсиз мавжуд булмайди, улар бир-бирини тулдиради. Кузатиш ва эксперимент методлари асосда тупланганган фактлар, махлумотлар илмий билишнинг эмпирик даражасини хосил килади.

*в) Анализ ва синтез методлари.*

***Анализ*** - бир бутунини кисмларга, булакларга, томонларга ва элементларга ажратиб, уларнинг хар бири нима эканлигини билишдир. Анализ усули натижасида бутунни ташкил этган кисмлар, томонлар, булаклар, элементлар ва уларнинг бутун таркибидаги урни аникланади. Анализ оркали предмет ва ходисаларнинг структураси, тузилиши билинади.

***Синтез*** - анализ туфайли ажратилган булаклар, томонлар, кисмлар, элементларни узаро бириктириб, уларни бир бутун холига келтиришдир. Синтез оркали тадкикотчи бутуннинг булак-

лари, кисмлари, томон-лари, элементлари уртасидаги алока ва богланишларни билиб боради.

Анализ билан синтез билиш жараёнидаги бир моддий ёки мантикий амалнинг икки томонидир, уларни бир-биридан ажратиб куллаб булмайди, чунки табиатда ва жамиятда хамма жараёнлар куп томонла-мадир.

*г) Умумлаштириш, абстрактлаштириш ва конкретлаштириш методлари.*

Илмий билишнинг бу методлари факат тафаккур жараёнига оид булиб, улар илмий билишнинг назарий даражасига хосдир.

***Умумлаштириш*** - бу тадкикот олиб борилаётган бир канча предмет ёки ходисаларга хос булган томонлари, хусусиятлари ва хоссаларини фикрда эҳтибордан сокит килиб, тадкикот учун зарур булган бирорта белги ва хусусиятни мавхум холатга келтиришдир. Илмий билиш жараёни умумлаштириш ва абстраклаштириш билан тугамайди. ***Конретлаштириш*** - бу умумлаштириш ва абстаклаштириш жараёнида ажратиб олинган, эҳтибордан сокит килинган олдинги бутун белги ва хусусиятлари яна предмет ёки ходисалар билан боглаб шу предмет ёки ходиса хакида аник бир фикр хосил килишдир.

*д) Индуктив ва дедуктив методлар.*

***Индуктив*** метод ёки индукция билишининг шундай усулики, бунда тадкикотчи уз тафаккурида текширилаётган предмет ёки ходисалар тугрисидаги бир канча жузҳий фактлардан, улар хакидаги айрим билимлардан умумийрок билимларни хосил килади.

Илмий билишда индуктив усул билан хосил килган билимлар доимо дедуктив усул ёрдамида текширилади.

***Дедуктив метод ёки дедукция***- бу билиш жараёнида фикрда умумий билимлардан жузҳий, кисман билимларга келишдир. Дедуктив усул воситасида тадкикотчи бир синф, бир жинс, бир гурух предмет ёки ходиса тугрисида алохида билимларни хосил килади.

*е) Тарихийлик, мантикийлик методлари.*

***Тарихийлик*** - бу урганилаётган предмет ёки ходисанинг пайдо булиш, ривожланиш ва емирилиш жараёнлари бирлигини, унинг тарихий тараккиёт жараёнида бошка вокелар билан алокадорлигини назарий билишга оид усулдир. Тарихийлик деганда тадкик этилаётган предмет ёки ходисанинг конкрет шароитда пайдо

булиши, яшаши, ривожланиши ва емирилиши ёки йук булишидан иборат жараённинг тафаккурда ифодаланиши тушунилади.

*Мантикийлик* эса ана шу тарихийликнинг тадкикотчи фикридаги умумлаштирилган, абстрактлаштирилган, конкретлаштирилган, кискарган, тасодифлардан тозаланган абстракт конкретлик шаклида ифодаланишидир.Тарихийлик - бирламчи, мантикийлик иккиламчидир.

*з) Формаллаштириш ва моделлаштириш методлари.*

Кейинги вактда ЭХМлар ва компЪютерларнинг яратилиш, уларнинг ишлаб чикаришга кенг жорий этилиши, математик усулларнинг конкрет фанлар сохаларида самарали кулланилиши, моделлаштириш ва формаллаштириш каби янги усулларнинг пайдо булишига олиб келди. ***Формаллаштириш*** - бу текширилаётган предмет ёки ходисаларнинг маҳлум конкрет томонлари, хосса ва хусусиятларининг мазмунини мавхумлаштириб, уни махлум абстракт ифода, формула ёки схемалар билан ифодалашдир. Бу метод ёрдамида тадкик этилаётган обҳектларнинг уртасидаги алокадорлик ва муносабатлар маҳлум ифодаларда белгиланади. Формаллаштириш усули уз навбатида моделлаштириш усули билан чамбарчас боглик.

***Моделлаштириш*** усули дастлаб математика фанларида юзага келган. Хозирги вактда эса физика, биология, кибернетика каби купчилик фанларда олиб бориладиган тадкикотларда кенг кулланилади.

*2.Илмий билиш шакллари.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Ъоя, муаммо, гипотеза, назария, илмий башорат.***

Тадкикотчи узи тадкик этаётган предмет ёки ходисаларни урганишда илмий билишнинг турли методларидан фойдаланиш асосида маҳлум янги билимларни хосил килади. Бу янги билимлар узларининг пайдо булишидан то инсониятнинг назарий билимларигача хар хил куриниш-ларда бир канча тараккиёт боскичларини босиб утади. Илмий тадкикот асосида пайдо булган бу боскичлар илмий билиш шакллари дейилади. Булар: илмий гоя, муаммо, гипотеза, назария ва илмий олдиндан куришлардир.

Илмий гоя илмий билишнинг биринчи шакли. ***Ъоя*** - бу тадкикот максадини, унинг йуналиши ва мохиятини ифодалайдиган илмий билиш шакли булиб у уз табиатига кура бирор фикрдир.

Илмий билишда гоя мухим урин тутади. Хар бир гоя махлум бир тайёргарлик, мушохада асосида, махлум бир сохада фикр юритиш на- тижасида хосил булиб унда тадкикотчининг амалий ва назарий тажрибалари умумлашган булади.

*Муаммо* - илмий билишнинг хали билиб олинмаган ва хал килинмаган, лекин билиниши ва хал килиниши лозим булган билим шаклидир. Муаммо одатда тадкикотчининг бирор тадкикот сохасига оид янги фактларни туплаган, лекин бу фактларни узидаги эски билимлари билан изохлаши мумкин булмаганда, бу фактлар эски билимлар тизимига сигмай узларининг янгича баёнини талаб кила бошлаганида тугилади.

Муаммони олдинги хосил килинган билимлар доирасида туриб хал килиб булмайди. Бунинг учун янги фактлар, махлумотлар туплаш, уларни янгича изохлаш, шу пайтгача мавжуд булган эски билим доирасида чикиш талаб килинади.

Илмий билиш жараёнида бир муаммо бир канча муаммоларни келтириб чикариши мумкин. Бунга бизнинг бозор иктисодиётига утишимиз муаммосини курсатиш мумкин.

*Гипотеза* - текширилаётган предмет ёки ходиса тугрисида илгари сурилган, илмий жихатдан асосланган, илмий факт ва махлумотларга зид булмаган, лекин хакикатлиги хали исботланмаган илмий билиш шаклидир. Илмий билиш жараёнида куплаб гипотезалар пайдо булади. Улар бир-бирини тулдирувчи, бир-бирига зид ва инкор килувчи гипотезалар булиши мумкин. Умуман олганда, илмий билишнинг ривожланиши гипотезаларнинг пайдо булиши, уларнинг исботланиши ёки рад килиниши янги гипотезаларнинг пайдо булиши асосда содир булади.

*Назария*- илмий билишнинг энг юкори шаклидир. Назария дейилганда, хакикатлиги амалий ёки назарий жихатдан исботланган, борликнинг бирор сохасига оид гоялар, карашлар конунлар ва принцип-ларнинг муайян тизими тушунилади. Назария фан сохасига оид булиб, у махлум билимларнинг умумлаштирилиши асосида пайдо булади. Наза-риянинг асосий вазифаси янги фактларни изохлаш, урганилаётган пред-мет ёки ходисаларнинг мохиятига чукуррок кириш, вокеа ва ходисаларни олдиндан кура олишдир.

Хар бир назария махлум сохадаги илмий билимларнинг сунгги нати-жаси сифатидаги билим шаклидир, лекин уни хеч качон тугалланган, узгармас, абсалют билим деб карамаслик керак.

***Илмий башорат.*** Инсоннинг кундалик амалий фаолияти хамиша махлум режа ва мулжалга асосланганидан тадкикотчининг илмий изланишлари хам доимо илмий башорат билан боглик булади.

***Башорат*** инсоннинг келгусида табиат ва жамиятда нималар содир булиши, кандай ходиса ва вокеалар юз беришини билиш булиб, бу нарса инсон миясининг борлик вокеа ва ходисалари олдиндан акс эттириш кобилияти билан богли жараёндир. ***Илмий башорат*** тадкикотчининг табиат, жамият ва инсон тафаккури тараккиёти конунларига асосланиб бирор фан сохасида табиат ва жамиятда келгусида юз берадиган ходиса, вокеа ёки жараённи олдиндан айтишидир.

Илмий башорат хар кандай илмий тадкикотда ва илмий фаолиятда катта ахамиятга эга. У дунёни илмий билишнинг узига хос шакли булиб, диний каромат килиш, фолбинлик, юлдузлар ва сайёралар харакатига караб кишилар такдирини белгилашлардан фарк килади. Лекин шуни айтиш керакки, астрологиянинг илмий эканлиги шу кунгача асосланмаган, астрологларнинг илмий башоратлари эса илмий жихатдан тасдикланмайди. Бирок айрим астрологларнинг башоратлари содир булган вокеа ва ходисаларга тасодифий мос келиши туфайли кишилар уртасида уларга ишониш шу пайтгача давом этиб келмокда. Илмий башоратларнинг астрологик башоратлардан туб фарки шуки, уларнинг хакикатлиги доимо илм-фан ютуклари билан, табиат, жамият ва инсон тафаккури конунлари билан илмий асосланган булади.

Табиат ва жамият ходисаларини илмий башорат килиш мустакил Узбекистонимизнинг бозор иктисодиётига утаётган хозирги шароитида давлат ва халкнинг келгусида мамлакат хаётида содир булиши мумкин булган ходиса ва вокеаларга хар томонлама тайёр булиши, бу ходисаларнинг ижобий окибатлдарини купайтириш, салбийларини эса олдини олиш, хеч булмаганда, уларни камайтириш мухим ахамиятга эга.

***Мавзуни такрорлаш учун саволлар:***

*1. Илмий билиш методлари нима?*

*2. Илмий билишда кандай методлардан кенг фойдаланилади?*

*3. Илмий билиш шакллари нима?*

*4. Илмий билиш шаклларининг билишдаги роли кандай?*

*5. Матнда алохида ажратиб курсатилган таянч суз ва ибораларнинг мохиятини эсда саклаб колишга харакат килинг.*

## *16- Махруза: Фалсафада инсон муаммоси.*

*Режа:*

*1. Фалсафа тарихида инсон муаммоси тугрисидаги фалсафий карашлар.*

*2. Инсон биосоциал мавжудот сифатида.*

*3. Инсон хаёти, улими ва мангулиги муаммолари.*

*1. Фалсафа тарихида инсон муаммоси тугрисидаги фалсафий карашлар.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Кадимги Хиндистон ва Хитой фалсафасида инсон муаммоси, Конфуций, даосизм, тасаввуф, Беруний, уйгониш даври файласуфлари инсон хакида, Т. Гоббс, И. Кант, З.Фрейд.***

Инсон тугрисидаги илк тасаввурлар фалсафа майдонига келишидан анча аввал хам булган. Булар табиат ва инсон нисбати тугрисидаги эртакларда, турли асотирларда (мифларда) ифодаланган энг содда фикрлар эди. Айни шу фикрлар асосида ва улар билан алока- дорликда инсонни фалсафий тушунишга доир тахлимотлар юзага келади. Инсон ва унинг мохияти хакидаги дастлабки бундай фалсафий тахлимотлар Кадимги Хиндистон, кейинрок Хитойда ривож-ланди.

Кадимги Хиндистон фалсафасида бу масала "инсон каердан пайдо булган", "биз каерда яшаймиз", "каекка караб бораяпмиз" каби саволлар тарзида куйилиб бу саволлар тарзида куйилиб, бу саволларга берилган жавобларда инсоннинг ижтимоий - маҳнавий мохиятини тахлил этиш билан бирга унинг барча жонли мавжудотлар билан умумийлигига хам эҳтибор каратилган.

Инсон муаммоси тахлилида хитойлик ***Конфуцийнинг*** тахлимоти алохида ажралиб туради. унинг фалсафий карашларида инсоннинг ахлокий табиати, оиладаги хаети ва давлатни бошкариши масалалари катта урин олган. Гарчи Конфуций тахлимотида табиат масалалари алохида ва бевосита урин олмаган булсада "осмон" ва "осмон хукми" тушунчаси хийла катта салмокка эгадир. "Осмон хукми" - бу такдир булиб, инсон хаёти ва улими унинг томонидан белгилаб куйилган.

Конфуцийнинг "узинга нимани истасанг, бошкаларга хам уни раво кур", деган фикрида инсонийлик, кишиларга иззат хурмат курсатиш йуллари ифодаланган. У яна билиш - инсонни билишдир, деб айтган эди.

Конфуцийчилик билан енма ен мавжуд булган ***даосизм*** (дао - йул демакдир) фалсафий мактаби вакиллари хам инсон муаммосини жиддий тадкик килганлар. Бу мактаб вакиллари тахлимотига кура инсон узининг хаетида дао - бутун Оламнинг уз узидан келиб чикиши, ривожланиши ва бархам топишининг доимий табиий конунларига амал килиб яшаш керак. Яхни, унинг барча хатти-харакатлари Олам конунлари ва инсоний табиатга мос булмоги лозим.

***Тасаввуф*** тахлимотига кура, инсон борликдаги энг мукаммал мавжудот булиб, узида оламнинг мохиятини жам этади. Шунга кура борлик - дуне оламу кабир булса, инсон олами сагирдир. Агар Коинот микесида борликнинг бирлиги худода ифодаланса, хоссалари куринишининг ифодаси - инсондир. Инсон тинимсиз узузини билиш оркали комиллик даражасига эришиш имкониятига эга.

Ислом фалсафаси вакиллари инсон муаммосининг барча асосий жихатлари билан шугулландилар. Жумладан, уларни инсоннинг келиб чикиши, унинг оламда тутган урни, вокеликни узлаштириш имконият-лари, эзгулик йулини танлаган инсоннинг идеали ва хакозо масалалар кизиктирган эди. Бу масалаларни тахлил этиш натижасида Форобий инсоннинг барча мавжудотлардан фарки акл идрокдадир, деган хулосага келган булса, Ибн Сино аклнинг узини умумий карашлар ва алохида нарсалар тугрисида фикр юритишга кодирлик шаклида талкин килади.

Бу муаммо хакидаги ***Берунийнинг*** фикрлари хам ахамиятлидир. У инсоннинг Худо томонидан яратилганлигини курсатиб, айни вактда унинг бутун хаети ва жисмоний тузилиши жугрофик омиллар билан хам боглик эканлигини курсатиб шундай деган эди: "инсон танаси, ранги, хакикий киефаси, табиий белгилари факат келиб чикишигагина эмас, балки тупрок, сув, хаво ва турар жойинга хам богликдир".

Инсон муаммоси тахлили янги замон фалсафасининг барча бос- кичларидан эгаллаган урни, тутган ахамиятига кура утмиш даврларида мавжуд булган тахлимотлардан сифат жихатидан фаркланди. ***Уйгониш даври*** тафаккурида утмишдаги тахлимотларнинг биронтасида булмаган хол - инсонни бетакрор индивидуалликларнинг йигиндиси сифатида олиб караш бошланди, инсоният бетакрор инсонлардан ташкил топгани курсатилди. Бундан эса тирик табиатда булганидек, инсон табиатининг хам бир хил

эмаслиги, айни пайтда инсони билан инсониятнинг манфаатлари муштараклашадиган мухим нукталар борлиги тугрисида хулосалар чикарилади.

Бу давр фалсафасида биринчидан, инсон, унинг алохидалик сифати ва имкониятларининг чексизлиги масаласи турса, иккинчидан, индивидуализм, эгоизм (худбинлик), манфаатпарастликнинг хам фалсафий тахлиллари курина бошланди. "Инсон инсонга бури", "хамманинг хаммага карши уруши" кишилар хаетининг табиий холати ( *Т. Гоббс*), деган карашлар келиб чикиши тасодиф эмас эди.

Немис мумтоз фалсафаси асосчиси *И. Кант* учун "инсон дунёдаги энг асосий мавжудотдир". У бир томондан, табиатга тегишлидир, иккинчи томондан - ахлокан эркин ва, учинчидан, доимо кадриятлар билан иш куради. Бу сифатларнинг биринчисида инсон зарурият олдида турса, икинчисида махнавий эркинликка эгадир.

Инсон муаммоси *З. Фрейд* асос солган рухий тахлил фалсафасида катта урин тутган. Унинг фикрича инсон онги ёрдамида узининг "МЕН"ига хам эга булади. Айни вактда унда инсон рухининг олий катлами - "суперМЕН" хамда энг паст кучли катлам "У"хам фаркланмоги лозим. Булар биргаликда олингандагина инсон уз рухий борлигини тушунтира олади.

ХХ аср фалсафасида инсон муаммосини алохида урганишни максад килиб куйган экзистенциалистлар (Ясперс, Хайдегер, Сартр, Камю ва бошк.) нуктаи назарига кура, индивид эзгулик ва евузликдан бирини танлаши масаласи фалсафий муаммолар марказида турмоги лозим.

*2.Инсон биосоциал мавжудот сифатида.*

*Таянч тушунча ва иборалар:* ***Антропогенез, инсон биологик мавжудот сифатида, инсон ижтимоий мавжудот сифатида, инсон-биосоциал мавжудот,***

Хозирги замон инсон фалсафасининг мазмуни давр куйган масала-ларга жавоб бериш билан такозолангандир. Хакикатдан хам инсоният хозирги вактда илмий билимлар ва долзарб хаётий муаммоларни хал этиш учун зарур булган илмий техникавий ва маданий воситалар етишмаётганлигини эмас, балки бу воситалардан донолик билан фойдаланишмаётганлигини яккол сезмокда. Бу

донолик марказида доимий кадриятлар хисобланган тинчлик, донолик, ижтимоий адолат ва бошкалар туради.

*Антропогенез* доирасида инсоннинг биологик табиати билан иж- тимоийлиги нисбатини аниклаб олиш мухимдир. Умуман олганда бу муаммони урганиш инсоннинг энг кадимги тарихидан бошлаб долзарб булиб келмокда. Негаки, инсоннинг айни бир вактнинг узида хам жонли табиатга, хам жамиятга мансублиги хар доим купгина масалаларни келтириб чикариши билан бирга тугридан тугри, принципиал жихатидан дунекараш масалаларини хам кун тартибига куяди. Буни Арастунинг, инсон "сиесий хайвондир", деган сузларида ифодаланган маҳнодан хам билса булади.

Хакикатдан хам Homo sapiens тури биологик жихатдан Homo уругининг Homo hofilis (кобилиятли одам), Homo erectus (тикка юрувчи одам) каби турларидан фарк килинмасада, лекин бир хил сезиш органлари, бир хил кон айланиши, мускул, нафас олиш, суяк тизимлари ва хакозоларга эгадир.

Булардан келиб чикиб инсоннинг барча хатти - харакатлари, орзу истаклари ва фаолияти турлари охир окибатда биологиявий такозо этилган дейишга асос борми? Фалсафа тарихида бунга икки хил: инсон белгиловчи томонига кура, биологик мавжудот ва инсон ижтимоий мавжудот, ижтимоийлик унинг биологиявий табиатини охир окибатда белгилайди, деган жавоблар берилган.

Биринчи хил жавоб тарафдорларидан баҳзилари хозирги замон социобиология илми далилларига таяниб шундай мулохаза юритадилар: инсон хатти - харакатининг асосий стереотип куринишлари буйича барча сут эмизувчиларга анча якин. Узига хосликларига кура эса инсон узининг бевосита утмишдошлари булган гурухга мансубдир.

Фрейд ва унинг тарафдорлари таҳкидлашича, инсон хам бутун хайвонот дунёсида булгани каби хилма - хил инстинкт туфайли харакат килади. Биринчи уринда улар ичида инсон авлодини давом эттириш, жинсий инстинкт туради. Шу билан бирга инсон узида фаолиятини маҳнавий, хукукий чекловчи ижтимоийлик сифатлари булгани учун бошка хайвонлардан фарк килади. Бу ижтимоий сифатлар туфайли инсон узининг шахвоний хирсини чеклаши лозим булади.

Иккинчи нуктаи назарга кура (А. Н. ЛеонтЪев ва б.), одам боласи инсон булиш кобилияти билан тугилади. Бу уринда табиат

томонидан белгиланган ва инсон томонидан давом эттирилган хусусиятлар соков, кар, кур булган болаларда кандай намоён булиши устида утказилган тажриба якунлари хам катта ахамиятга эга. Москва университети психология факулЪтетида утказилган тажриба жараёнида уларга дастлаб ёзиш куникмалари ургатилди. Ундан кейин эса улар аста секин гапиришга, Бройл алифбоси буйича укишга ургатилди. Натижада, табиий кур, соков ва карлигича колганлари холда улардан турттаси унивести-тетни тугатган.

Куриниб турибдики, *инсоннинг ижтимоий мохиятини биринчи уринга куйиш жиддий асосга эга.* Агар бунинг ёнига инсоннинг бахзи биологиявий хусусиятлари хам ижтимоий сабаблар билан белгиланиши кушилса, далиллар янада асосли булади. Масалан, Ер юзининг ижтимоий - маданий ривожланиши юксак боскичга кутарилган минтакаларида одамлариинг эрта вояга етиши, согломлиги, буйдорлиги ва узок яшаши кузатилади. Кам ривожланган минтакаларда эса унинг акси учратилади.

*Инсоннинг фалсафий тахлил этиш* доирасида бу икки хил караш бир -бирини тулдиришини хам курмаслик мумкин эмас. Демак, *инсон биоижтимоий мавжудот деб каралмоги лозим.* Бу инсонда биология-вийликнинг ижтимоий такозоланганлигини ва ижтимоийликнинг билогик заминлари борлигини курсатади.

Инсон ривожланишида биологиявий ривожини ижтимоий - маданий ривожланиш боскичига утиши билан юзага келган бу бирлик унинг мохиятини белгилайди.

*3.Инсон хаёти, улими ва мангулиги муаммолари.*

***Таянч тушунча ва иборалар: Инсон хаёти, улими, мангулиги, ислом динида инсон хаёти, унинг махноси ва улими масаласи; Хозирги инсон фалсафаси, мангулик.***

Хар кандай жонли мавжудот сингари инсон хаётининг нихояси борлиги, бошка мавжудотлардан фаркли уларок у узининг охир окибатда улимга махкумлигини англаши хам фалсафий муаммолар доирасига киради. Бу - тасодифий хол эмас. ***Инсон хаёти ва улими масалалари*** асотирлар ва динларда хам марказий уринни эгаллаган. Кишиларда дастлаб улимдан куркиш туйгуси кучли булган. Кейинрок асотирий диний тасаввурлар воситасида бу жараён мажбурий эканлиги хакидаги эхтикод билан алмашинди. Асотирларда хайвонлар хам, кишилар хам уладиган тана ва улмас

рухга эга деб курсатилган. Рух нозик, номоддий табиатга эга булиб, узида инсон вужуди тимсолини гавдалантирган. У йуколмайди, улмайди ва уз маконида яшайди, хамда уз жойини алмаштириб туради. Бахзи диний тахлимотларда тана улгач, рух бир жонзотдан иккинчисига утиб туриш курсатилган.

Турли фалсафий йуналишлар ва мактаблар хаёт ва улим масалаларини турлича тушунтирганлар. Фалсафа тарихида айрим буюк файласуфлар учун бу масалалар шахсий хаёт такдирини хал килиш билан боглик булган. Масалан, Сукротнинг уз улимига розилиги хакидаги карори унинг хаёти учунгина эмас, балки ундан кейинги фалсафий муаммолар ривожланиши учун ахамиятга эга булган. Афлотун бу карорда файласуф учун уз хаётини олийжаноблик билан тугатиш имкониятини курган. Унинг фикрича инсон махнавий мавжудот сифатида илохий мохиятга эга. Бу унинг узини устида ишлаши, узини такомиллаштириши ва илохий дунё сари интилганлигида намоён булади. Шунинг учун хам улим масхулликдир, яхни махнавиятли инсонда улимдан куркиш туйгуси булмайди.

***Ислом динида инсон хаёти, унинг махноси ва улими масаласи*** катта урин олган. Хаётнинг махноси - бу рухнинг саломатлиги, доимий рохат фароғатга элтувчи мехнат ва билимдир. Инсон уз хаётини худбинлик ва ёвузликдан сакламоги, бутун умри давомида охиратни уйламоги керак.

Суфий мутафаккирлар - А. Гиждувоний, А. Яссавий, Н. Кубро ва Б. Накшбанд тахлимотларида хаётнинг махноси, улим ва мангулик масалалари инсоннинг илохий мохиятини билишга интилиши, халол мехнат килиб бошкаларга мехр - мурувватли, рахм - шафкатли булиши билан боглик равишда ёритилди.

Европадаги Янги давр фалсафасида хам Шарк фалсафаси тахсири остида хаёт ва улим масалаларига янгича карашлар шаклланди. Жумла-дан, хаёт ва улнмни икки антропологиявий моделда - табиий инсон ва янги Европача инсон моделлари оркали ифодаланади. Агар биринчи моделда инсон фанлар обхекти булса, иккинчисида у узини оламнинг маркази сифатида англаган, акл - идроки ва эркинлигини узи йуналтирадиган, уз хаётини утмишдан хозирги, ундан эса келажакка караб боришини тушунган мавжудот сифатида бахоланади.

***Хозирги инсон фалсафаси*** бу муаммо тахлилида уз ичига 20 тагача окимни олади. Уларнинг барчасида асосан инсон мохияти,

мазмуни ва нихояси мушохада килинади. Бу тахлимотларга кура, инсон мохияти масаласи тахлилида хозирги цивилизация кадриятлари талабларини хисобга олиш хам мухим ахамиятга эгадир.

Хозиргача эришилган юксак цивилизация сабокларига асосланиб инсон муаммоси тахлилида янги давр фалсафий тахлимотлари уртага куйган гояларга хам таянмок керак. Янги инсон модели табиий инсон моделини хам узига сингдиради. Шу сабабли янги ижтимоий, махнавий инсон модели юзага келди. Хозирги инсон купрок шартли мулохазалар асосида яшашга мойилки, уни бундай яшаш ва фикрлаш йулига радио, телевидение, кино, театр, бадиий адабиёт ва албатта, узининг мустакил фикр - уйлари олиб келган. Натижада у узининг улимидан кейинги хаётидан купрок ташвишланмокда. Хаёт канча яхши булса, кишига улим шунчалик дахшатли куринади.

Махлумки, улим экзистенциал томондан олинганда, инсон индивидуал хаётининг шунчаки йуколиб кетиши эмас. Улим олдида куркувни йукотиш - кай тарзда уни махноли ва хатто, хаётнинг зарурий моменти сифатида англашдир. Дархакикат, улимни табиий обхект сифатидагина караш мумкин эмас. Улимни хар доим зарурият сифатида идрок этиш лозим.

Улимни махнавий англашдан ундан кейинги умрнинг махноси тугрисидаги масала келиб чикади. Бошкача айтганда, бу махноли яшалган умрнинг улимдан кейинги давоми, яхни юксак мангулиги масаласидир. *Мангулик* - инсон уз ижодий, яратувчилик фаолияти билан хаётда абадий из колдиришдир. Инсон дунёда колдирган яхши ном - унинг иккинчи умридир. Шу сабабли инсоният хайрли, адолатли ишлар килиб, яхши ном колдирган кишиларни абадий хурмат билан тилга олади.

### *Мавзуни такрорлаш учун саволлар:*

*1.Инсон муаммоси фалсафа тарихи давомида кандай урганиб келинган?*

*2. инсон борлигида биологик ва ижтимоийлик бирлиги деганда нимани тушуниш керак?*

*3.Фалсафий нуктаи назардан инсон хаёти, улими ва мангулиги муаммоларини кандай изохлаш мумкин?*

# *17 – Махруза : Жамиятни фалсафий тушуниш*

***Режа :***

1. *Жамият тушунчаси. Ижтимоий тараккиёт хакидаги асосий карашлар.*
2. *Моддий ишлаб чикариш жамият тараккиётининг асосидир. Базис ва усткурма.*
3. *Тарихий жараён, унинг махноси, максади ва йуналганлиги.*

## *1. Жамият тушунчаси. Ижтимоий тараккиёт хакидаги асосий карашлар.*

Таянч тушунча ва иборалар : ***Жамият, моддий омиллар, махнавий (идеал) омиллар, жамият хакида фалсафий карашлар, ижтимоий борлик, ижтимоий онг.***

***Жамият*** – обхектив ижтимоий конунлар асосида ривожланадиган очик моддий система, кишилар фаолиятининг шакли, уларни ижтимоий уюштиришнинг усули. Барча ижтимоий жараёнларнинг йигиндиси булган ижтимоий хаёт турли ижтимоий фанларниг урганиш обхекти хисобланади. Фалсафий фанлар тизимида жамият ижтимоий фалсафа томонидан урганилади. Ижтимоий фалсафа яхлит бир система булган жамиятни, унинг умумий булган конунларини, тараккиётининг харакатлантирувчи кучларини, табиий мухит ва атроф олам билан булган алока ва богланишларини антроноцизм (инсонни фалсафанинг асосий обхекти сифатида урганувчи караш) тамойили асосида тадкик килади.

Ижтимоий мавжудот булган инсонни ва унинг яшаши учун зарур булган шароитларни ишлаб чикариш ва такрор ишлаб чикариш борасидаги кишиларнинг биргаликдаги фаолиятлари жамиятнинг асосини ташкил этади.

***Ижтимоий хаёт*** – моддий олам харакатининг олий шакли хисобланади. Жамият табиатнинг революцияси натижасида вужудга келиб, дастлабки даврданок узига хос тузилмага эга булган система сифатида шаклланди. Яхлит система булган жамият таркибига: моддий ва махнавий ишлаб чикариш, ижтимоий муносабатларнинг турли шакллари, базис ва усткурма, жамиятни ижтимоий тузилиши, сиёсий институтлар ва бошкалар киради.

Жамият информация утказиш механизми ва ворислик усулининг

узига хослиги билан характерланади. Жамиятнинг материя харакатининг бошка шаклларидан асосий фарки шундаки, унинг таркиби моддий ва маҳнавий жараёнлардан, онгдан иборатки, уларнинг узаро таҳсири ижтимоий хаётнинг мазмуни ва даражасини белгилаб беради.

Жамият хаётининг асосий сохалари – моддий ишлаб чикариш, ижти-моий, сиёсий ва маҳнавий хисобланади. Ижтимоий хаётнинг бу соха-ларининг узаро таҳсирида белгиловчи ролни моддий ишлаб чикариш, иктисодий соха уйнайди, яҳни турли предметларни ишлаб чикариш, таксимлаш, айирбошлаш ва истеҳмол килиш сохасидир. Моддий ишлаб чикариш инсонларнинг хаёт фаолиятлари учун бошлангич шароит яратиб беради. У хар доим ижтимоий характерга эга ва табиатга, табиат материа-лининг инсон эхтиёжларини кондирувчи предметга айлантириш жараёни-даги кишиларнинг узаро таҳсирини белгилаб беради. Бирок, ижтимоий алокаларни амалга оширишда, уларнинг узига хос томонларини аниклаш-да маҳнавий соха катта рол уйнайди. Кишилар уз фаолиятини онгли ёки онгсиз равишда амалга ошираётганига караб фаолият натижалари турлича булади. Ижтимоий хаёт моддий ва маҳнавий сохаларнинг узлуксиз бирлигини узаро таҳсири ва бирини иккинчисига утишидан иборат. Жамият узлуксиз ривожланаётган системадир. Уз эволюциясида у кетма – кет маҳлум конуний боскичларни кечирган ва улар ижтимоий фанда цивилизацион мезонлар оркали ифодаланган. Цивилизация жараёнининг хар бир янги боскичи яна хам юксакрок технологияларни узлаштириш, уларни техник жихатдан таҳминлаш, жамиятни ижтимоий тузилишининг мураккаблашуви, атроф мухит билан узаро таҳсир куламларининг кенгайиб бориши, жамоа ижтимоий фаолиятининг маҳлум шакллари билан характерланган. Лекин жамият тараккиётининг асосий курсаткичи булиб, ижтимоий муносабатларнинг характери, инсон омилининг маҳнавий ва ижтимоий тузилмаларнинг демократиялашуви даражаси хисобланган. Хозирги замон жамиятининг асосий хусусияти – моддий ва маҳнавий ишлаб чикариш куламининг нихоят даражада кенгайиши, ижтимоий муносабатлар тизимини кайта ишлаб чикишнинг информацион – техник усули, хаёт фаолиятининг демократик шаклларини урнатиш, хаётнинг бошка томонларига нисбатан фан ва маҳнавий маданиятнинг илгарилаб ривожланиши хисобланади.

Жамият хакидаги фалсафий карашлар узок муддат давомида

ривожланиб келган.

Жамият хакидаги датлабки фикрлар аллакачон кадимги Юнонистонда шаклланган эди. Материалист файласуфлардан Демокрит инсоният тарихини табиий жараён сифатида бахолаб, кишиларни хайвоний холат-дан ижтимоий холатга утишини етишмовчилик ёрдамида тушунтирган. Ижтимоий хаёт одамларнинг конун олдида тенглиги, уларнинг акл кучига ишонч билан, мураккаб ижтимоий – ахлокий муамоларни билиш ва хал этиш кобилияти билан фаркланади. Кадимги дуненинг яна бир машхур мутаффаккири – Афлотун *«идеал давлат»* хакида тахлимот яратиб, жамият хаётини акл асосида ташкил килиш, инсон табиати ва адолат уртасида алока урнатишга харакат килган. Ижтимоий фалсафа сохасидаги мухим гоялар Арасту томонидан илгари сурилган. У жамиятни махлум ижтимоий институтларини кондириш максадида бирлашган индивидлар-ни йигиндиси деб карайди. Инсон хакидаги тахлимотда инсондаги энг асосий хусусиятлар сифатида махнавият ва ахлокни тахкидлайди.

Урта асрлар шароитида ижтимоий хаётни тушунтириш диний асосда олиб борилган. Бу даврдаги карашларга кура, жамият тарихи аввалдан Худо томонидан белгиланиб куйилган. Ижтимоий хаёт унсурлари эса одамларнинг айбдорлигидан келиб чикади. Ф. Аквинский фикрича, жамият азалдан тенгсизликка асосланади ва одамлар бунга итоат килишлари керак.

Жамиятнинг келиб чикиши, унинг тараккий этиш конуниятлари хакида Шарк мутаффакирлари Форобий, Беруний, Ибн Сино ва бошкалар бир канча ажойиб фикрларни илгари сурганлар.

Фаробий хам, жамият инсонларнинг хохиши билан узларига керак булган истехмол махсулотларини биргалашиб ишлаб чикариш ниятида ташкил этилган жамоа бирлашмаси деб ёзади, узининг «Фозил одамлар шахри» асарида.

«Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошлангич асос инсо-нийликдир, шунинг учун хам, одамлар инсоният туркумига кирганлари туфайли узаро тинчликда яшамоклари лозим.»(Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шахри». Т., 1993, 186 бет)

Беруний фикрича, жамият инсонлар томонидан «шартнома» асосида тузилган. Унингча, «инсон уз эхтиёжларини тушуниб, узига хос ухшаш кишилар билан бирга яшашнинг зарурлигини англай бошлайди. Шунинг учун узаро келишувчанлик кабилидаги «шартнома» тузишга киришади. Одамларнинг биргаликдаги

турмуши инсонни хакикий кудратга, унинг эхтиёжларини кондиришга олиб келмайди, бунинг учун яна мехнат килиш хам зарурдир.»( Буюк сиймолар, алломалар. Т., 1995, 51 бет.)

Янги давр мутаффаккирлари диний карашларга зид равишда жамият табиий йул билан вужудга келган ва шундай ривожланади деган фикрни илгари сурдилар. Гоббс, Руссо каби файласуфлар жамиятни вужудга келишида шартнома концепциясини ишлаб чикдилар. Фукаролар жамияти индивидлар йигиндиси сифатида каралди ва механик тарзда урганилди.

Немис файласуфи Гегелнинг курсатишича, жамиятнинг тарихий тараккиёти, унинг ижтимоий, иктисодий ва сиёсий узгаришларининг асосий сабаби «мутлак гоя»га богликдир. Немис классик фалсафасининг яна бир йирик вакили Л. Фейербах фукаролар жамиятини субстанция асосида бирлашган индивидлар йигиндиси сифатида бахолайди.

Европада яшаган социологлар орасида жамият хакидаги фанга илгор гоялар кушган олимлар инглиз буржуа иктисодчилари В. Пети, А. Смит, Д. Викардо ва бошкалардир.

Жамият тараккиёти конунларини махлум даражада тугри изохлаш сохасида рус илгор демократларининг хам хиссаси бор.

Жамият тараккиётининг хар тарафлама материалистик талкини К. Маркс ва Ф. ЭнгелЪс асарларида илгари сурилган. Жамият хаётини тушунтиришда улар ижтимоий борлик, ижтимоий онг, ижтимоий – иктисодий формация, базис ва усткурма каби тушунчаларга мурожаат килдилар. Ижтимоий тараккиётнинг асоси сифатида марксизм классик-лари ижтимоий ишлаб чикаришни олиб карашди. Моддий ишлаб чикари-шнинг махлум усулига асосланган жамият тараккиётининг тарихий боски-чини ижтимоий – иктисодий формация деб номланди.

XX асрнинг иккинчи ярми ижтимоий реалликни конкрет илмий билимлар : география, биология, кибернетика, синергетика, психология ва бошкалар ёрдамида тушунтиришга уринишлар булди. (Ф.РатцёлЪ, Г. Спенсер, М. Вебер, З. Фрейд, З. Пиеже) . Илмий – техника инкилоби шароитида техник – технологик омиллар асосида ижтимоий системанинг моделини яратишга харакат килинмокда, ижтимоий хаётнинг турли томонлари мукаддаслаштирилмокда. ( «бошкарувчилар» , « урта катлам» жамияти ва х.к.)

XX асрнинг иккинчи ярмида инсон муаммоси биринчи уринга

куйилгани муносабати билан бир катор фалсафий – тарихий ва социологик йуналишдаги тадкикотлар пайдо булди. Гарб фалсафасида инсон фаолиятининг турли сохаларига диккатини каратган йуналишлар вужудга келди.

Саксонинчи йилларда информацион жамият ( В. Масуд, Дж. Нейсби), ута индустриал жамият ( А. Гоффлер), технотрон жамият ( З. Бжезинский) ва бошка шу каби карашлар кенг таркалди. Янги шароитда ижтимоий тараккиётнинг информацияни ( махлумот) ишлаб чикариш, таксимлаш ва истехмол килиш хал килувчи омил булмокда. Информациянинг хажми ва сифати жамият хаётининг белгиловчи ресурсига айланмокда. Шу муносабат билан ижтимоий – тарихий назария ва амалиётни ривожлантириш кун тартибига куйилмокда.

Жамият таркибидаги элементларнинг ранг - баранглиги ва мураккаблиги улар бажарадиган вазифаларнинг узига хослиги билангина белгиланмасдан, борликнинг *м о д д и й т о м о н л а р и* билан узаро тахснр килувчи *м а х н а в и й ж а р а ё н л а р и н и н г* мавжудлиги билан хам характерланади. Ижтимоий ходисаларни моддий ва идеал турларга булиниши ижтимоий фалсафанинг фундаментал асоси хисобланади.

*М о д д и й о м и л л а р г а* – бу моддий ишлаб чикариш, кишиларни узларини такрор ишлаб чикариш, уларни тартибига булган муносабат-лари, синфий, миллий, оилавий муносабатларининг моддий томонлари киради. Улар махнавий жараёнларнинг асосини ташкил этади ва бирлам-чи хисобланади.

*М а х н а в и й (и д е а л) о м и л* - обхектив ходисаларнинг кишилар онгидаги инхикоси хисобланади, ижтимоий зарур эхтиёжларни жамият ахзолари томонидан англаниши. Улар моддий омилларга нисбатан иккиламчи характерга эга.

Моддий ва махнавий омиллар уртасидаги муносабат жуда мураккабдир. Бунда моддий омиллар охир натижада махнавий ходиса-ларни белгилайди. Жамиятнинг махнавий хаёти нисбий мустакилликка эга ва уз навбатида ижтимоий хаётнинг бутун тизимига кайта тахсир килади. Одамларнинг онги ходисаларнинг ривожланишини анча олдиндан кўра билиш кобилиятига эга. Билимларга таянган холда инсон ижтимоий – тарихий амалиёт жараёнида оламни узгартиради. Инсон фаолиятида идеал омиллар моддийлашади.

Жамиятдаги моддийликнинг мазмунини *и ж т и м о и й б о р*

***л и к*** тушунчаси – моддий неҳматлар ишлаб чикариш ва унинг шакли булган ишлаб чикариш муносабатлари, инсоннинг табиат билан булган узаро таҳсири ва хоказоларни акс эттиради.

*Жамият хаётининг маҳнавий томонлари инсоннинг интилишлари, хохишлари, фикрлари, хислари, кайфиятларидан ташкил топиб, ижтимоий онг оркали ифодаланади.*

***И ж т и м о и й о н г*** ижтимоий борликнинг инҳикосидир. Ижтимоий борлик асосида вужудга келадиган ижтимоий онг инсоният тарихининг мухим, зарурий томони булиб колади. У инсоннинг хар кандай субҳектив томони сифатида иштирок этади. Бу фаол куч ижтимоий борликка акс таҳсир этади.

### *2.Моддий ишлаб чикариш – жамият тараккиётининг асоси. Базис ва усткурма.*

Таянч тушунча ва иборалар : ***Ишлаб чикариш усули, ишлаб чикариш кучлари, мехнат предмети, ишлаб чикариш воситалари, ишлаб чикариш муносабатлари, мулкчилик шакли, ишлаб чикариш кучлари ва ишлаб чикариш муносабатлари диалектикаси.***

Моддий ишлаб чикариш кишилик жамиятида яшашнинг энг мухим шартидир. Ишлаб чикариш жамияти ривожланишнинг барча томонларига хал килувчи таҳсир курсатади. Хайвонлар табиатга мослашади, инсонлар эса табиатга фаол таҳсир курсатиб, уни узгартиради, узлаштиради ва уз максади йулида ундан фойдаланади. Инсон ишлаб чикариш куроллари билан табиатга таҳсир килади, ишлаб чикаришни амалга оширади.

***И ш л а б ч и к а р и ш*** хамиша ижтимоий хусусиятга эга булиб, икки хил муносабатларни, яҳни кишиларни табиатга хамда бир – бирларига булган муносабатларини уз ичига олади. Демак, жамиятнинг узгариши ва ривожланиши тарихи хамда асрлар давомида бирининг урнини иккинчиси зарурий равишда оладиган ишлаб чикариш усуллари тарихидан иборатдир.

Моддий усулнинг узи нимадан иборат ? ***Ишлаб чикариш усули*** моддий бойликларни жараёнидаги ишлаб чикарувчи кучлар билан ишлаб чикариш муносабатларининг бирлигидан иборат. Ишлаб чикариш , бу икки мухим томоннинг узаро алокадорлигисиз мехнат килиш хам, моддий неҳматларни яратиш хам мумкин эмас.

Моддий бойликлар ишлаб чикариш учун аввало мехнат предметлари ва мехнат воситаларига эга булмок зарур. Инсон

мехнати каратилган буюмлар, *м е х н а т  п р е д м е т л а р и* деб аталади. *М е х н а т  в о с и т а л а р и г а*, аввало ишлаб чикариш куроллари, мехнат предметларига таҳсир курсатишда инсон томонидан фойдаланиладиган машиналар, асбоб – ускуналар, ишлаб чикариш воситалари ва бошкалар киради.

Барча мехнат воситалари ичида ишлаб чикариш куроллари ишлаб чикаришни ривожлантириш учун, демак, жамиятни ривожлантириш учун катта ахамиятга эга.

Ишлаб чикариш куролларини яратиш ва уларни ишлатиш одамлар фаолиятисиз булмайди. Демак, инсон *и ш л а б  ч и к а р и ш  к у ч л а р и н и н г* энг мухим булаги, жамиятнинг асосий ишлаб чикариш кучидир. Энг асосий ишлаб чикарувчи куч сифатида инсон янги машина ва механизмларни ташкил килади, ишлаб чикаришни окилона ташкил этади, илмий кашфиётлар килади, фан – техникани, санҳат ва адабиётни хамда маданиятни ривожлантиради, янги технологияни яратади. Инсон узининг билими, тажрибаси, малакасига таяниб ишлаб чикаришни амалга оширади.

Фан ва техника тараккиёти ишлаб чикаришни янгидан – янги тармок-ларини юзага келиши ва турмушда кулланилишига замин яратади. Радиотехника, радиоэлектроника, электронтехникаси, синтетик кимё, ядро энергетикаси, сунҳий тукималар кимёси, электрон хисоблаш машинаси – булар ва бошка шу кабилар фан ва техниканинг янги замонавий тармокларидир.

Юкорида таҳкидланганидек, ишлаб чикарувчи кучлар моддий ишлаб

чикариш усулини факат бир томонидир. Унинг иккинчи мухим томони ишлаб чикариш муносабатларидир.

Ишлаб чикариш жараёнида кишилар уртасида буладиган муносабатлар ***ишлаб чикариш муносабатлари*** ёки иктисодий муносабатлардир. Моддий муносабатлар одамлар уртасидаги барча мавжуд муносабатларнинг энг асосийси ва мухимидир. Улар бошка хамма ижтимоий муносабатларни – турли гурухлар, табакалар уртасидаги, жамият билан шахе уртасидаги муносабатларни белгилайди.

Ишлаб чикариш муносабатларининг асосини ***мулкчилик шакли*** ташкил этади. Ишлаб чикариш муносабатларининг хар

кандай тарихий тури худди шу мулк шаклига, яҳни ишлаб чикариш воситалари кимнинг ихтиёрида эканлигига боглик.

«Узбекистон республикасида мулкчилик тугрисида» ги конунга мувофик хозир, жамиятимиз иктисодий негизини куйидаги мулк шакллари ташкил килади : 1) хусусий мулк 2) ширкат (жамоа) мулки ; 3) давлат мулки ; 4) аралаш мулклар ; 5) бошка давлатлар мулки хамда халкаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки.

Ишлаб чикариш муносабатлари ишлаб чикариш воситаларига эгалик килишдангина иборат булмай, кишилар уртасидаги мулкий муносабатлардан келиб чикадиган турли ижтимоий гурухлар ва уларнинг узаро муносабатлари хамда уларга боглик булган махсулотларни тахсимлаш шаклларидан хам иборатдир.

Иктисодий муносабатлар жамият маҳнавий хаётини, сиёсий, ахлокий, хукукий, эстетик муносабатларини белгилайди. Ижтимоий гурухлар, табакалар, миллатлар, сиёсий партиялар, турли уюшмалар, касаба уюшмалари, диний муассасалардан иборат булган жамият сиёсий ташкилотларининг мехнатини ва фаолияти йуналишини жамиятнинг ишлаб чикариш усули, ишлаб чикариш муносабатларининг хусусияти белгилайди.

Базис ва усткурма ижтимоий муносабатларнинг узаро алокасини очиб берадиган энг мухим тушунчалардир. Ижтимоий муносабатлар моддий ва маҳнавий муносабатларга булинади. Маҳнавий муноса-батлар моддий муносабатлар устида усткурмадир.

***Б а з и с  ю н о н ч а*** суз булиб, «асос» , « пойдевор» , «негиз» , маҳносини билдиради. Базис деганда, муайян жамиятнинг иктисодий тузилишини ташкил этган ишлаб чикариш муносабатлари мажмуини тушунмок керак.

Хар кандай базиснинг узига хос усткурмаси булади. *Усткурма* муайян иктисодий базис асосида вужудга келадиган турли ижтимоий гоялар, хар хил сиёсий, хукукий, диний, бадиий, фалсафий карашлар ва шуларга мувофик келадиган муассасалар, ташкилотлар хамда шу гояларни амалга ошириш жараёнида инсонлар билан турли ташкилот, муассасалар уртасида юзага келадиган муносабатлар йигиндисидир.

Хар бир муайян жамият узига хос базис ва унга мувофик келадиган сиёсий усткурмага эга. Базис билан усткурма узаро алокадорликдадир. Усткурмани базис вужудга келтиради ва у базис билан чамбарчас богликдир. Базис булса, усткурма хам шунга мувофик булади. Базис усткурмага нисбатан белгиловчидир. Усткурма базисга нисбатан нисбий мустакилликка эга. Усткурма нисбий мустакиллигининг мухим куринишларидан бири – унинг ворислик асосида ривожланишидадир. Усткурма нисбий мустакиллиги унинг иктисодий базисга курсатадиган фаол таҳсирида намоён булади. Усткурма базиснинг пайдо булиши ва мустахкамланиши учун кумаклашади. Агар усткурма уз базисини фаолик билан химоя килмаса, у уз сифатидан махрум булади, яҳни усткурма булмай колади.

Сиёсий усткурма иктисодий базисдаги узгаришларни шунчаки суст акс эттирмайди. У уз навбатида иктисодий базисга, иктисодиётга фаол таҳсир курсатади, жамият тараккиётининг умумий окимига узвий равишда кушилиб кетади. Шунинг учун хам хозирги даврда жамиятимизнинг сиёсий тузилишидаги такомиллаштириш, сиёсий ташкилотлар, муассасалар ишларини янада жонлаштириш, кишиларнинг маҳнавий хаётида амалга оширилаётган йирик узгаришлар бежиз эмас, албатта.

*3.Тарихий жараён, унинг маҳноси, максади ва йуналганлиги.*

Таянч тушунча ва иборалар : ***тарихий жараён, тарихий жараён хакида фалсафий карашлар, ижтимоий даврийлик назарияси, тарихий жараённи чизикли тарзда тасаввур килиш, ижтимоий – иктисодий формация, формацион ёндашув, цивилизацион ёндашув, цивилизациялар назарияси, жамият тараккиётининг харакатлантирувчи кучлари.***

Жамият котиб колган нарса эмас. У доимий узгариб, харакатланиб, ривожланиб турувчи тирик организмдир. Жамият кандай ривожланади ? у каёкка караб харакат килади ? уз таракиётида кандай боскичларни утайди ? шундай саволлар фалсафа тарихида жуда куп мутаффаккирлар томонидан куйилган ва турлича хал этилган. Янги даврда бу масалани хар тарафлама хал этишга уринган файласуф Дж. Вико булди. У жахон тарихини бирлиги, яхлитлиги хакидаги, турли халклар ривожланишида бир хил боскичларни такрорланиши хакидаги

гояларни илгари сурди. Немис файласуфи И. Гердер эса жамиятда ворислик масаласига тухталиб утди. Бу мутафаккирлар ижтимоий обхектлар алмашинуви ва жараёнлари давомийлиги тартиботи ва хоказоларни анча чукур изохладилар. Даставвал, улар эхтибор берган масала – жамият узгариши махлум макон ва вактда юз бериши муаммоси булди.

Алохида олинган инсон борлигида хам, жамият микесда хам макон ва вакт яхлит идрок этилади. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, ижтимоий макон ва вакт алохида борлик сохасининг ажралмас хоссаларидир. Ижтимоий жараёнлар мохияти физикавий макон ва таквимий вакт улчовларида уз аксини топа олмайди. Ижтимоий узгаришларнинг вактда узликсиз ва узилиш, муайян маром ва маромсизлик куринишларида кечиши уларга муайян тарзда карашни такозо этади. Бундай карашлардан бири ***ижтимоий даврийлик назариясидир.*** Уни маятниксимон (кичик тизимда) , доиравий, бурамасимон (уртача катталикдаги тизимда) ривожланиш шакллари сифатида тушуниш мумкин.

***Тарихий жараённи чизикли тарзда тасаввурлаш*** хам мавжуд. Бу тахлимотда оламнинг яратилишидан бошланган йулни охиригача бир йуналишда, текис давом этади, деб тушунтирилади.

К. Маркс ва Ф. ЭнгелЪснинг карашларига кура, ижтимоий жараён-лар табиий – тарихий тарзда кечади. Бу тахлимотга кура, тарихий ривожланиш боскичлари изчил равишда ***ижтимоий–иктисодий формациялар*** шаклида давом этади. Бундан эса тарихни даврларга булиш – кадимги ибтидоий давр, кулдорлик, урта асрлар – феодализм, янги замон – капитализм хамда энг янги давр - социализм ва коммунизм тугрисидаги карашлар майдонга келади.

Бир формацияни иккинчиси билан алмаштириш асосида – социал революциялар ётади. Революция (инкилоб) – ижтимоий тизимдаги сифатий сакраш хисобланади. Инкилобнинг асоси булиб эса, хаддан ташкари, ривожланган ишлаб чикариш кучлари ва эскириб колган ишлаб чикариш муносабатлари уртасидаги зиддият хисобланади.

***Формацион ёндашувга цивилизацион ёндашув*** мукобилдир. Жамият тарихини боскичларга (цивилизацияларга) булишда бу

ёнда-шув тарафдорлари индустрия (саноат) ни ривожлантириш-ни оладилар ва куйидаги боскичларни аниклайдилар :

а) Саноат ривожланишигача булган жамият ;

б) Индустриал жамият ; в) постиндустриал жамият ;

Бундай ёндашув, айникса, АКШда ( О. Тоффлер, З. Бжезинский, У. Ростау, Д. Белл ва бошкалар),Францияда ( Р. Арон, А. Торен, Ж. ФуастЪе ва бошкалар) , Германияда ( Р. Дарендорф) кенг таркалган.

Биринчи боскичда – аграр соха, иккинчи боскичда саноат сохаси, учинчи боскичда хизмат курсатиш сохасида информация устун булади. «Постиндустриал жамият» тушунчаси Д .Белл томонидан илгари сурилган. О. Тоффлер уни «ута индустриал» , З. Бжезинский эса – технотрон , айрим файласуфлар – информацион деб номладилар.

Хар бир боскич узига хос тузилмага, максадга эга. Биринчи боскичда, (саноат ривожланишигача булган жамиятда) максад – хокимият, етакчи тизим – рамия ва черков, асосий катламлар – феодаллар, диндорлар. Индустриал жамиятда максад – пул, асосий катламлар – бизнесменлар, етакчи тизим – корпорациялар. Постин-дустриал жамиятда – билим, етакчи тизим – университетлар, катлам – билимли кишилар (олимлар, менеджерлар) .

Формацион ва цивилизацион ёндашувларнинг туб фарки шундаки, жамият ривожида биринчиси революцион, иккинчиси эволюцион йулларни танлаб олган. Иккала караш уртасида умумийлик хам бор, яхни улар жамиятнинг узлуксиз ва кетма – кет ривожланишини тан оладилар. Бу ёндашувлардан тубдан фарк килувчи концепция – *локал цивилизациялар назариясидир.* Унинг мохияти шундаки, инсоният тарихи яхлит тадрижий жараён булмай, балки алохида олинган, бир – бирига богланмаган маданиятлар (цивилизациялар) тараккиёти-дир. Бундай карашларни Германияда О. Шпенглер, Англияда А. Тойнби, Россияда Н. Я. Данилевский, АКШда И. А. Сорокин каби олимлар илгари сурмокдалар. Кишиларнинг турмуш тажрибаси ва фан махлумотларини курсатишича, тарихий

жараённи урганиш куп вариантлилик ёндашуви асосида амалга ошганида максадга мувофик булади. Албатта, бу вариантлар шартли табиатга эга булиб, улар мутлаклаштирилмаслиги лозим. Негаки, инсон хам, инсоният хам охир – окибатда узлуксиз кечаётган уз мухити жараёнини ичида булганлиги туфайли тарих тугрисида ягона, сунгги хакикатни айтиб булмаслиги уз – узидан тушунарлидир.

***Жамият тараккиётини харакатлантирувчи кучлари.*** Жамият тараккиёти – ижтимоий жараёнда катнашувчи барча субхектлар фаолиятининг натижасидир. Одатда ижтимоий жараён субхектларига :

-Социал гурух

-Уларга хос тшкилотлар (сиёсий партиялар)

-Индивидлар

-Шахслар ва хоказолар киради.

Уларнинг биргаликдаги ва хамкорликдаги фаолиятлари туфайли тарих амалга ошади ва ривожланади. Бинобарин, тарихий жараённи харакатлантирувчи кучлар деганда, фаолият курсатувчи барча кучлар тушунилади.

Шахслар хам ижтимоий тараккиётда катта ролЪ уйнайдилар. Машхур шахсларни халк оммаси яратади; дохий, сиёсий арбоб, пайгамбар – халк фарзандларидир.

Жамиятда бирон – бир харбий саркарда, улуг мутаффаккир, диний ёки сиёсий арбобга эхтиёж тугилса, уни тарих яратади. Шахслар купрок жамиятда ижтимоий – сиёсий парокандалик, ижтимоий таназзул авж олган давларда дунега келадилар. Фан, адабиёт , санхат, дин, сиёсат ва маданият арбоблари хамма вактларда хам вужудга келавермайдилар.

Тарихий шахсларнинг буюклиги шундаки, улар ижтимоий тараккиёт талабларини бошкаларга нисбатан илгарирок ва теранрок англайдилар ва улкан вазифаларни амалга оширишнинг илмий – назарий дастурини яратадилар. Улар ижтимоий тараккиёт конунларини кашф этиш ва улардан фойдаланиш йулларини курсатиб беришлари мумкин.

Омма уртасида шухрат козонган, у билан мустахкам богланган обрули рахбарлар булмаса жамият олдида турган мураккаб ва турли хил вазифаларни бажариб булмайди.

***Такрорлаш учун саволлар :***

1. *Ижтимоий фалсафа тарихида «жамият» тушунчаси кандай хал этилган ?*
2. *Жамият хаётида моддий ва маҳнавий омилларнинг урни кандай ?*
3. *Жамиятнинг моддий хаёт шароитлари нима ва унинг асосий белгилари кандай ? Базис ва усткурма – чи ?*
4. *Жамият ривожланишига формацион ёндашув билан цивилизацион ёндашувнинг фарки нимада ?*
5. *Тарихий жараённинг субҳекти ва харакатлантирувчи кучлари деганда нимани тушуниш керак ?*

## *18-Махруза: Жамиятнинг тузилиши.*

***Режа :***

*1.Жамиятнинг тузилиши тушунчаси.*

*2.Жамиятнинг этник тузилиши.*

*3.Синфлар ва уларнинг ижтимоий муносабатлар тизимида тутган урни.*

*1.Жамиятнинг тузилиш тушунчаси.*

Таянч иборалар: ***Ижтимоий бирлик, ижтимоий соха, ижтимоий муносабатлар, жамиятнинг ижтимоий тузилиши, уруг, кабила, синфлар, миллатлар, оила, катта, урта ва кичик бирликлар.***

Хар кандай жамият алохида олинган индивидлар йигиндисидан иборат булмасдан, балки одамлардан иборат ***и ж т и м о и й б и р л и к л а р*** уртасидаги ижтимоий алокалар ва муносабатлар тизимидир. Ижтимоий бирликлар, синфлар, касбий ва соха гурухлари, элат, миллат, интернацио-нал ва минтакавий хамжамиятлар, демографик гурухлар, кишилар яшаш фаолиятининг шахар ва кишлок шакли, мехнат оилавий ва бошка бирлашмалар-

дан ташкил топган. Жамиятнинг *и ж т и м о и й с о х а с и*, турли хил ижтимоий бирликлар оркали амалга ошириладиган кишилар узаро муносабатларининг мураккаб тизимидир. *И ж т и м о и й м у н о с а б а т л а р* эса, улар обхектив мавжуд булган мулкий, касбий, демографик, миллий ва бошка фарклар асосида вужудга келган алокалар-дир.

Турли ижтимоий бирликлар ва улар уртасидаги муносабатлар йигиндиси жамиятнинг ижтимоий тузилиши тушунчасининг мазмунини ташкил этади.

Мулкий муносабатлар, ижтимоий мехнат таксимоти тизимида тутган урни, демографик ва бошка мезонлар асосида кишиларни бирлаштириб, ижтимоий турдаги муносабатлар билан характерланади.

Куйидаги жадвалда[1] ижтимоий бирликларнинг асосий турлари, уларнинг мезонлари ва белгилари келтирилган.

Ижтимоий бирликлар мураккаб тузилишга эга булиб, узаро алока ва муносабатларда булган турли ижтимоий гурух ва катламлардан иборат. Ривожланиш жараёнида уларнинг микдорий ва сифатий таркиби узгариб туради. Бу узгаришларнинг йуналиши куп жихатдан жамият тараккиётини белгилайди. Турли белги ва хусусиятлар асосида бирлашган кишилар йигиндиси сифатида ижтимоий бирликлар сони жихатдан *к а т т а* (синфлар, миллатлар, касбий ва соха гурухлари ва б.), урта (территориал бирликлар, ишлаб чикариш жамолари ва б.) ва *к и ч и к* (оила ва б.) га булинади.

Жамиятнинг ижтимоий тузилиши тушунчаси тарихий характерга эга. Хар бир жамият такрор ишлаб чикаришнинг характери ва усулига караб узига хос ижтимоий тузилишга эга булади. Жумладан, ибтидоий жамоа тузими даврида уруг-кабилавий тузилишга эга булган. Бунда уруг хам мехнат ва оилавий жамоа сифатида хам ижтимоий этник бирлик сифатида шаклланган.

---

1. Основқ современной философии. Санкт-Петербург. 1997 г, 239 бет.

| Ижтимоий бирликлар турлари | Ижтимоий бирликларнинг ажратиш мезонлари | Бирликларнинг асосий белгилари |
|---|---|---|

| | | |
|---|---|---|
| пифлар | Ижтимоий ишлаб чикариш тизимидаги урни | Мулкка муносабати, даромад хажми, хукмдорлик омили ва б. |
| Касбий бирликлар | Мехнат таксимоти тизимидаги холатлар | Мехнат фаолиятининг характери |
| Сохавий бирликлар | Мехнат килиш сохаси | Ишлаб чикариш фаолиятининг йуналиши |
| Этник миллий бирликлар | Этник ва миллий мансублик | Келиб чикиш, тил, территория, иктисодий хаёт бирлиги, психология ва маданиятнинг узига хослиги |
| Минтакавий бирлашмалар | Элатлараро, миллатлараро, давлатлараро алокалар | Ижтимоий хаётнинг барча сохаларида интернационал алокаларнинг турли даражалари |
| Демографик бирликлар | Индивидларнинг жинси ва ёши буйича характеристикаси | Ёшлар, аёллар, нафакахурлар, бошка ижтиомий гурухлар |
| Территориал бирликлар | Яшаш жойи (шахар, кишлок, туман, вилоят ва х.) | Давлат махмурий бирлашмалари |
| Иркий гурухлар | Морфологик ва физиологик хусусиятлар | Тана ранги, буйи, бош суякнинг хажми ва х. |
| Ишлаб чикариш жамоалари | Ишлаб чикариш муаммоларининг хал этилиши | Мехнат |
| Оила | Кон-кариндошлик муносабатлари | |

| | | |
|---|---|---|
| | | фаолиятининг ташкилий шакллари<br><br>Биргаликда яшаш, умумий хужалик, узаро махсулият ва х. |

Кулдорчилик жамиятида кулдорлар ва куллар синфи вужудга келади, касбий гурухлар пайдо булиб, элатлар шаклланади ва моногам оила карор топади. Феодализм жамиятига хос булган синфлар: феодал ва дехконлар иктисодий муносабатларининг узгариш булган уз урнини янги ижтимоий бирликларга бушатиб берадилар ва х.

Индустриал жамият тараккий этган даврларда миллатларнинг таркиб топиши ва ривожланиши амалга ошади, турли-туман соха ва касбий гурухлар купаяди, территориал бирликлар тузилиши узгаради.

XX асрнинг охирги йилларида ижтимоий гурух ва катламларнинг мазмунида улар уртасидаги муносабатлар характерида катта узгаришлар содир булмокда. Ижтимоий бирликларда янги белгилар пайдо булмокда, ишлаб чикаришда банд булган ва ишлаб чикаришда банд булмаган ходимлар, урта синфлар шаклланмокда. Ижтимоий табакаланиш жараёни жадал сурхатлар билан кечмокда, янги уртанчи гурухлар, йирик минтакавий бирликлар вужудга келмокда.

Жамият тарихи гувохлик беришига караганда техник-технологик базиснинг характерига ва цивилизациянинг турига караб жамиятнинг ижтимоий тузилиши мураккаблашиб боради ва янги ижтимоий бирликлар вужудга келади.

Жамиятнинг ижтимоий тузилиши маҳлум маҳнода унинг иктисодий асосига боглик булади. Лекин жамиятнинг ижтимоий тузилиши нисбий мустакилликка эга ва уз навбатида жамият хаётининг иктисодий, сиёсий ва маҳнавий сохаларига таҳсир килади.

*2. Жамиятнинг этник тузилиши.*

Таянч иборалар: ***этник тузилиш, уруг, кабила, элат, миллат, миллий уз-узини англаш.***

Жамиятнинг ижтимоий тузилишини ташкил этган барча тузилмалар келиб чикиш жихатидан икки хилдир. Шулардан – ***э т н и к*** ва ***д е м о г р а ф и к*** бирликлар уз негизида инсоннинг биологик табиати билан боглик булиб, махлум махнода ижтимоий хаётдаги бу биологик табиатни ташкил этадилар, колган бирликлар – синфий, касбий ва б. – тула ижтимоий характерга эга булиб, йирик ижтимоий мехнат таксимотлари, синфлар ва хусусий мулкка утиш натижасида таркиб топади.

Жамиятнинг ижтимоий тузилиши тахлилига тарихий ёндашиш, урганишни айнан этник бирликлардан бошлашни таказо этади. Чунки этник бирликлар (уруг, кабила) – ижтимоий бирликларнинг дастлабки шакли хисобланади.

***Т а р и х и й   э т н и к   б и р л и к*** тушунчаси инсониятнинг энг кадимги давридан хозиргача босиб утган боскичларини ифодалайди ва тегишли тарзда уруг, кабила, элат ва миллатни уз ичига оладиган бирликлар (уруг, кабила) – ижтимоий бирликларнинг дастлабки шакли хисобланади.

Тарихий этник бирлик тушунчаси инсониятнинг энг кадимги давридан хозиргача босиб утган боскичларини ифодалайди ва тегишли тарзда уруг, кабила, элат ва миллатни уз ичига олади. Уруг ахзолари кон-карин-дошлик, умумий тил, турмуш ва маданиятга эгалиги билан фаркланади.

Уруг ибтидоий жамиятнинг асосий куртаги булиб, турли вазифаларни (этник, ишлаб чикариш, ижтимоий) бажарган. Уругнинг иктисодий асоси булиб ер, ов килиш, балик тутиш жойларига булган ижтимоий мулкчилик хисобланган. Бундай ишлаб чикариш муносабатлари ишлаб чикариш кучларининг нихоят паст даражасига тугри келган эди.

Келиб чикишга кура, уруг, ибтидоий кишилар тудаси ривожлани-шининг якуни булиб, алохида тарзда яшамаган. Уруглар уртасида хар доим зарур алокалар мавжуд булган. Уларнинг бирлашувидан кабила ташкил топган. Кабила – бир томирдан келиб чиккан, лекин кейинчалик бир-биридан ажралиб кетган уруглардан ташкил топган. Уругдан фаркли уларок, кабила факат айрим ижтимоий вазифаларни (хужалик вазифаларини хали хам уруг бажарган) бажарган. Бу эса этник бирликни бевосита хужалик вазифаларидан озод булишига олиб келди. Жуфт оила вужудга келиши билан оила- никох муносабатларининг, кон-кариндош-чилик алокаларининг этник бирликлардан ажралиши

юзага келди.

Элатнинг вужудга келишида, энг аввало территориал; кушничилик алокалари мухим ролЪ уйнайди. Элат соф этник бирлик сифатида шаклланди. Ер юзида шундай элатлар борки, улар нафакат этник гурух-лардан (булгорлар, венгерлар) ташкил топган, балки турли ирклардан (масалан италияликлар) келиб чиккан.

Бу жараён жуда узок вакт давом этган: кабила ва элатларни биргаликда яшаши кулдорчилик тузимининг охирги даврларигача хам хос булиб, ривожланган элатлар факаттина феодализм даврида вужудга келади.

Элат - уз тили территорияси маданиятига, иктисодий алокалар асосига эга булган кишиларни тарихий таркиб топган бирлигидир.

Элатларнинг шаклланиши аник урнига кура, турли этносларда, турли даврларда юз беради. Яҳни, элатнинг шаклланиши, шаркнинг купгина халкларида жамиятнинг синфларга булиниши илк даврдан бошлаб содир булган. Бу билан бирга, бундан кейинги даврларда хам элатчилик майдонга келган. Тарихий халклар ичида хозирги узбеклар аждодининг элат сифатида шаклланиши X –XII асрларга тугри келади. Айни вактда булар таркибига янги-янги катламларнинг кушилиши кейинги асрларда хам юз берди. Чунончи, узбек этноси таркибига элат боскичида кирган сунги катлам Дашти кипчокдан Моваროуннахрга келиб жойлашган кучманчилар булди.

Элатларнинг табиати ва мухим хусусиятларини тадбик килишда тарихийлик тамойилига таянмок лозим. Чунки, биринчидан, уз тараккиёти давомида эл-элат жуда катта узгаришларни бошидан кечирди. Шунинг учун кулдорчилик даврида шаклланган элат билан феодализм давридаги элатларни айнанлаштириш катта хато булар эди. Баҳзи адабиётларда учраб турган уруг кабила бирликлари емирилиши даврида вужудга келган бирламчи элатларни, шу элатларни кейинги ривожланиши натижасида таркиб топган иккиламчи элатлардан фарклаш лозимлиги хакидаги фикрлар бу масалага конкрет тарихий ёндашиш имкониятини беради.

Иккинчидан, аграр иктисодий алокаларнинг ривожланиш даражасидан келиб чиккан уруг кабила бирликлари ва миллатлар уртасидаги тарихий даврда элат шаклланган. Ибтидоий бирлик-ларда натурал хужалик хукмронлик килган. Миллатлар учун эса ривожланган мехнат таксимотига асосланган иктисодий яхлитлик

характерлидир. Элатларга хали бундай иктисодий хаёт яхлитлиги хос эмас.

Миллатнинг келиб чикиши урта аср анханавий жамиятларидан янги индустриал жамиятга утиш даврига тугри келди. Мавжуд фалсафий адабиётларда миллатнинг шаклланиши капиталистик муносабатларнинг карор топиши билан боглаб урганилади. Шу билан бирга, капитализмдан олдинги жамиятларнинг иктисодий, сиёсий ва махнавий ривожи миллатларнинг шаклланиши учун моддий ва махнавий замин булган. Лекин, капитализмни аввалги тузимларида миллатнинг карор топиши мумкин эмас эди. Агарда элатнинг миллатга бирлашишининг мухим белгилари булган территория, тил, маданият умумийлиги ва хужалик хаёти куртаклари аллакачон феодализмда шаклланган булса, иктисодий хаёт умумийлиги факат капитализм даврида карор топади. Шундай Килиб, миллат куйидаги белгилар билан характерланади:

Биринчидан, бу территориянинг бирлиги. Кишиларнинг катта - катта гурухларда хам маконда бир-биридан узок вакт давомида ажралмаган булсалар хеч качон бир миллат вакили була олмайдилар. Айни вактда бир территорияда яшашлик уз-узидан одамларни бир миллатга бирлаштира олмайди. Бунинг учун территориянинг умумийликдан ташкари бошка мухим белгиларининг булиши хам керак.

Иккинчидан, миллатнинг бирлаштирувчи белги - тил бирлигидир.*Миллий тил* деганда – барча миллат ахзоларига тушунарли булган ва адабиётларда мустахкамланган умумхалк тили тушунилади. Факат шундай тил бирлиги, миллат одамларининг биргаликдаги иктисодий, сиёсий, махнавий хаётини тахминлайди. Лекин бу белгини мутлоклаштириш ярамайди.

Бахзан, битта тил бир неча миллатнинг миллий тили сифатида кулланилади. Масалан, инглиз тили - инглизлар, шимолий америкаликлар, австралияликлар, янги зеландияликлар учун, немис тили – испанлар, мексикаликлар ва кубаликлар учун миллий тил вазифасини бажаради.

Миллатнинг мухим белгиларидан учинчиси, иктисодий хаёт бирлигидир. Иктисодий хаёт бирлиги мамлакат турли худудларининг хужалик мутахассислануви ва улар уртасидаги савдо - алмашув алокаларининг мустахкамлашуви асосида вужудга келади. Турли худудларни мутахассислашуви жараёни ва уларнинг бир-бирига хужалик жихатдан богликлиги, шу вактнинг узида

миллатнинг иктисодий бирлашуви жараёни хам булган.

Миллатнинг узок вакт давом этган территория, тил, иктисодий хаёт бирлиги шаклланиши асосида туртинчи белгиси – халкнинг маданиятида мустахкамланган психик рухий томонларнинг умумийлигидир. Миллат-нинг рухий томонларини узига хослиги тугма булмасдан, балки иктисодий ва сиёсий ривожланиш хусусиятларининг, конкрет географик мухитнинг миллат онгидаги инҳикоси хисобланади. Миллатнинг рухий холати халкнинг маиший хаётида, урф-одатларида, кушикларида, раксларида ва фолЪклорларида уз ифодасини топади.

Яна бир миллатга хос хусусият устида тухталиб утиш керак. Бу миллий уз-узини англашдир, яҳни, узини у ёки бу миллатнинг булаги сифатида англаш, унга тааллуклилигини хис этишдир. Бу белги юкори-даги белгилардан фаркли субҳектив характерга эга ва миллатнинг мухим томонларидан хисобланади. Миллатни характерлашда обҳектив белгилар билан бир каторда миллий уз-узини англаш белгисини хам унутмаслик керак. Акс холда миллий мансублик хакида эмас, балки кишиларнинг факатгина этник келиб чикиши хакида суз бориши мумкин. Миллий узликни англовчи белгилар мавжуд. Булар – тарихий онг, миллий анаҳана, байрам ва урф-одатлар, миллий тилга муносабат, миллий гурур хисси ва х.

Миллий маданий кадриятларни узлаштириш ва эгаллаш, уларни кайта идрок килиш ва яратиш миллий уз-узини англаш ривожланишнинг асосий шарт - шароитларидир. Шу билан бирга, миллий уз-узини англаш уз урнида миллий маданият, маҳнавият ва манфаатлар янада ривожланишини таҳминловчи асосий омилдир.

Собик Иттифок емирилиб, мустакил давлатлар ташкил топган, хозирги шароитда миллий уз-узини англаш мамлакатимиз ижтимоий ва маҳнавий таракиётининг мухим омилига айланиб бормокда.

### *3.Синфлар ва уларнинг ижтимоий муносабатлар тизимида тутган урни.*

Таянч иборалар: ***синфлар, синфларнинг келиб чикиши, мулк, ижтимоий мавке, асосий ва асосий булмаган синфлар, ижтимоий катламлар, зиёлилар.***

Катта ижтимоий бирликлар сифатида жамият ижтимоий тузилишининг мухим бугинларидан хисобланади. Хар бир жамиятнинг турига, ишлаб чикаришнинг характери ва техник-

технологик даражасига кура, махлум синфлар тугри келади. ***Синфлар*** келиб чикишининг асосий сабаби, ижтимоий мехнат тахсимоти булган. Бунинг натижасида, махлум гурух кишиларининг мулкка булган муносабатлари, уларнинг жамиятда тутган урни ва мавкеи шаклланди ва мустахкамланди. Жамиятни синфларга булишда асосий мезон булиб, уларнинг мулкка булган муносабати (эгалик, фойдаланиш) хисобланади. Хар бир жамиятда синфлар ишлаб чикариш ва айрбошлаш муносабатларининг, яхни уз даврининг иктисодий муносабатларини махсули хисобланади.

Даставвал, синфлар кулдорчилик жамияти карор топиш даврида вужудга келган. Ишлаб чикариш кучларининг усиши кушимча махсулот олишга, хусусий мулкнинг карор топишига ва кишилар уртасида иктисодий тенгсизликни келиб чикишига олиб келди. Бир ижтимоий - иктисодий формациядан бошкасига утишда синфий бирликлар ва улар уртасидаги зиддиятлар характерида узгаришлар юз берди.

Ишлаб чикариш воситаларига ва миллий бойликнинг каттарок кисмига эгалик килган, жамият ва ишлаб чикаришнинг ташкил этиш ва бошкариш тизимида юкори мавкега эга булган синф нафакат иктисодий, балки сиёсий жихатдан хам хукмрон синф булиб колди.

Синфларнинг пайдо булиши 2 йул билан амалга оширилган:

1. Мухим ижтимоий вазифаларни бажарувчи (жамоа оксоколлари, кохинлар харбий лашкарбошилар ва х.) ларни жамоадан алохида гурух сифатида ажралиб чикиши окибатида.

2. Дастлаб асирга тушган бошка кабила вакилларини, кейинрок эса карздор булган кабиладагиларни кулликка айлантириш йули билан. Кушимча махсулотни узлаштириш учун имкониятни яратилиши жамиятнинг синфий табакаланишига олиб келди.

Шундай килиб синфларга куйидагича тахриф бериш мумкин.

Синфлар, кишилар гурухларидан иборат булиб, улар бир-биридан узининг тарихан муайян ишлаб чикариш тизимида тутган урниларига, ишлаб чикариш воситаларига, муносабатлари, ижтимоий мехнатни ташкил этишдаги тутган уринлари ва нихоят, ижтимоий даромад олиш усуллари ва микдорига кура фарк киладилар.

Хусусий мулкка асосланган хар бир жамиятда ***асосий*** ва ***асосий булмаган*** синфлар мавжуд. Асосий синфлар жамиятнинг хукмрон ишлаб чикариш усули томонидан келтириб

чикарилган булиб, узаро муносабатларида шу ишлаб чикариш усулининг мохиятини ифодалайдилар. Булар кулдорлар ва куллар, феодаллар ва дехконлар, буржуазия ва ишчилар. Хар бир синфий жамиятга асосий булмаган синфлар хам хос. Улар утмиш ишлаб чикариш усулининг колдиклари ёки янгисини куртаклари сифатида майдонга чикадилар. Капитализм даврида дехконлар синфи асосий булмаган синфлардандир. Агар асосий синфлар уртасидаги муносабатлар антагонистик характерга эга булса, асосий ва асосий булмаган синфлар уртасидаги муносабатлар тула булиши мумкин. Масалан, капитализм шароитида буржуазия ва дехконлар уртасидаги муносабат антагонистик хусусиятга эга, дехконлар ва ишчилар синфи уртасидаги зиддият ноантагонистик характерга эга.

XX асрнинг иккинчи ярмида синфларнинг ижтимоий таркибини аниклаш мезонларига узгаришлар киритилди. Информацион жамиятнинг технологик ва ташкилий асосларидаги сижишлар мулк таркибини узгаришига олиб келди. Авваллари ишлаб чикариш воситаларига эгалик килиш, фойдаланиш битта шахснинг ижтимоий мавкеини характерлаган булса, хозирги даврда мулкдорнинг бу ваколатлари турли индивидлар уртасида таксимланмокда.

Хокимият ва назорат, касбий мансублик, даромадлар даражаси, мехнат бозоридаги индивидларнинг мавкеи, уларнинг сиёсий ва маданий йуналишлари каби омиллар мухим ахамият касб этмокда. Чунончи, иктисодий ривожланган мамлакатларда менеджерларнинг юкори катлами ишлаб чикариш воситаларига эга булмасада, уз касбий мавкеига ва даромадларининг даражасига кура ижтимоий гурух сифатида хозирги замон хукмрон синфининг ажралмас кисми хисобланмокда. Айни вактда, ишчиларнинг купчилиги олий маҳлумотга эга, кимматбахо когозлар шаклидаги капиталга эга, лекин бу нарса уларни бошка синфлар таркибига киргизишга асос була олмайди. Демак, хозирги даврда синфларни таснифлашда мулкка эгалик килиш омилидан ташкари, хокимият ва назорат омиллари хам катта ахамиятга эга.

Катта ижтимоий бирлик булган синфлар таркиби жуда мураккабдир. Ижтимоий ишлаб чикариш тизимида маҳлум урин эгаллаган узаро боглик гурухлар, синфларнинг таркибини ташкил этади. Хозирги даврда жамият-нинг синфий дифференцияси шуни курсатмокдаки, унга нафакат синфлар, балки синфлар ичидаги

катламлар, синфлараро гурухларни хам ажратиш мумкин.

Жамият ахзоларининг табакалашуви хозирги вактда бир катор узгаришларга учради. Уларнинг ялпи микдорида урта катламнинг урни жиддий тарзда ошмокда. Хунармандлар, майда корхоналарнинг эгалари, майда савдогарлар, дехконлар ва фермерлар, кам сонли эркин касб эгалари хамда ёнланиб ишловчи зиёлилар ишлаб чикариш, савдо, маориф, давлат ва жамоа муассасаларининг хизматчилари ва бошкалар урта катламни ташкил этади.

Жамиятни синфий табакаланашуви хакида гап кетганда, албатта зиёлилар (интелегенция – лотинча фикрловчи, онгли) хакида унутмаслик керак. Нима учун зиёлилар синф эмас? Агар биз синфни характерловчи асосий белгини – ишлаб чикариш воситаларига булган муносабат – деб олсак масала ойдинлашади. Чунки, аксарият зиёлилар моддий ишлаб чикариш воситаларига эгалик килмайди. Ишлаб чикариш воситаларига эгалик килмаганлиги учунгина зиёлиларни эксплуатация килинувчи синфлар таркибига киргизиш нотугри булар эди. Бу махнода зиёлилар турли гурухларининг мавкеи турлича. Эркин касб эгалари булган ёзувчилар, рассомлар ва х. махлум жихатдан куп мамлакатларда интеллектуал мулк эгалари хисобланадилар. Хизматчи зиёлилар эса (масалан инженер техник ходимлар) узининг ижтимоий – иктисодий холатига кура ёнланма ишчиларга якин турадилар. Умуман олганда, зиёлилар хеч бир жамиятда синф булмаган, чунки, моддий ишлаб чикариш тизимида мустакил уринга эга эмас.

Аксарият, фалсафий адабиётларда зиёлилар ижтимоий катлам сифатида тан олинган. Кейинги пайтларда зиёлиларни кишиларнинг куп Катлам-ли бирлиги сифатида бахолаш холлари хам учрамокда. Жумладан, рус олими С.Э. Крапивинский зиёлиларни мураккаб аклий ижодий мехнат билан шугулланувчи кишиларнинг куп катламли бирлиги сифатида тахрифлайди.

(Крапивенский С. Э. СоциалЪная философия. М., «Владос», 1998 г. 149 бет.) Зиёлилар юкори тахлим даражасига эга булган бирликдир. Шу сабабли, улар жамиятнинг интеллектуал (аклий) салохиятини ташкил этадилар. Бу нарсани тугри бахоламаган жамиятнинг икболи йук.

***Такрорлаш учун саволлар:***

*1. Жамиятни ижтимоий тузилиши деганда нимани тушунасиз?*

*2. Ижтимоий этник бирлик хисобланган «миллат » ва*

*«элат» лар уртасидаги фарк кайси белгилар оркали аникланади?*

*3. Синфлар жамиятнинг иктисодий базаси билан кай тарзда богликдирлар?*

*4. Нима сабабдан зиёлилар хеч бир жамиятда мустакил синф хисобланмайдилар?*

## *19-Маҳруза: Жамият ва шахс.*

*Режа:*

*1. Индивид, индивидуаллик, шахс, жамият тушинчалари.*

*2. Шахс эркинлиги. Инсон хукуклари ва эркинликларини химоя килиш инсон камолатини демократик тамойилларидир.*

*3. Маданият ва кадриятлар, уларнинг шахс камолотидаги роли.*

*4. Миллий ва умуминсоний кадриятлар ва уларнинг инсон камолотидаги муштараклиги.*

*1. Индивид, индивидуаллик, шахс, жамият тушинчалари.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Индивид, индивидуаллик, шахс, жамият, ирода, мухит, шахс маҳсулияти, шахс мажбурияти.***

Инсонга, унинг шахсига ортиб бораётган кизикиш хар бир жахон тарихий тараккиёти бурилиш даврларининг характерли хусусиятидир. Шахс мавзусига, инсоннинг ривожланиши, унинг маҳнавий-ахлокий яхлитлиги масалаларига ортиб бораётган диккат - эҳтибор энг аввало умумбашарий муаммоларнинг кескинлашаётганлиги билан боглик.

Хозирги замон файласуфларининг ***шахе маҳсулияти, мажбурият-лари*** ва ***хукуки*** масалаларини кун тартибига куйиш ва мухокама килишга интилишлар - ижтимоий янгиланишнинг белгиларидан биридир. Агарда аввалги йиллардаги адабиётларда ***«шахс»*** тушинчаси ***«омма»*** тушинчасига карама - карши куйилиб каралган булса, хозирги замон адабиётида тарихнинг оммавий иштирокчиларининг индивидуал - шахсий сифатларига купрок ахамият берилмокда.

Инсонга хос булган энг асосий хусусиятларни характерлаш учун фалсафада ***«индивид»,«индивидуаллик»*** ва ***«шахс»*** каби атамалар ишлатилади.

Инсон мавжудот сифатида реал индивидлар оркали конкретлашади. ***«Индивид»*** тушинчаси, биринчидан, олий биологик турнинг

алохида куринишини, иккинчидан, ижтимоий бирликнинг алохида айрим булагини билдиради. Индивид тушинчаси инсонни унинг алохидалик ва айримлик аспектида тавсифлайди: Хар бир индивид узининг хослигига, алохида яхлитлик сифатида бир катор хоссаларга эгадир: яхлит морфологик ва психологик тузилмалиги, мухит билан узаро муносабатда тургунлик, фаоллик. Демак, индивид якка - ёлгиз одам эмас, балки одамлар гурухи, жамоаси орасида узининг алохида, такрорланмас хусусиятларига эга булган айрим кишидир. Шу билан бирга индивид, узи мансуб булган гурух, жамоа, ижтимоий бирликнинг энг умумий хусусиятларини узида мужассам этади. Одамда умумийлик билан айримлик уйгун холда намоён булади.

***Индивид*** тушинчаси оркали хар бир алохида олинган одамнинг у шаклланган ижтимоий шароитларга накадар богликлигини куриш мумкин. Инсон узини англай олган дакикадан бошлаб у ижтимоий муносабатлар махсули сифатида намоён булади.

Киши тугилган ва шаклланган давр, у мансуб булган халкнинг маданият даражаси, у тааллукли булган ижтимоий гурухнинг турмуш тарзи - буларнинг хаммаси индивид хатти - харакатига уз таҳсирини курсатади. Шунинг учун инсонга хос булган жуда куп сифатлар, шу жамият ва мухит таҳсирида шаклланади. Лекин, ***ижтимоий мухит*** кишиларнинг хатти - харакатларини узил - кесил белгилайди деган фикрда булиши хам нотугри. Чунки, хар кандай шароитда хам инсон уз килмишлари учун махсулиятни тула англайди ва жамият олдидаги мажбуриятларини тула хис этади. Кишиларнинг бу хилдаги сифатлари эса ***«индивидуаллик»*** ва ***«шахс»*** тушунчалари оркали ифодаланади. Инсон ижтимоий муносабатлар махсули ва субҳектидир. ***«Индивид»*** тушунчаси инсоннинг ижтимоий муносабатлар махсули эканлигини ифодаласа, ***«индивидуаллик»*** ва ***«шахс»*** тушунчалари ижтимоий хаётнинг фаол субҳекти сифатида инсон узида шакллантира олган ижтимоий ахамиятга молик сифатларни акс эттиради. ***«Индивидуаллик»*** ва ***«шахс»*** тушинчалари маҳноси жихатидан бир-бирига жуда якиндир. Лекин бу сузлар инсонга хос булган турли ижтимоий сифатлар ва характер томонларини узида ифодалайди. ***«Индивидуаллик»*** тушинчаси оркали биз инсонни узига хос хусусиятларини акс эттирсак, ***«шахс»*** тушунчаси ундаги мустакилликни, онгли равишда карор кабул килиши хусусиятини белгилайди.

*«Индивидуаллик»* тушунчасида хар бир инсон хаёти, фаолиятининг барча сохаларида намоён буладиган узига хосликлар ифодаланади. Моддий ишлаб чикаришни амалга ошириш жараёни, сиёсий вазифаларни хал этиш йуллари, махлум обхектнинг санхат асарларидаги турли туман талкини ва хоказолар пировард натижада ижрочиларнинг таланти, ташкилотчилиги, уз бурчларига фидойилиги каби куплаб хусусиятларига боглик булади.

Индивидуалликда ижобийлик уз аксини топади. Унинг карама-карши мукобилини индивидуалликда ифодалаш кабул килинмаган. Масалан, узи кунок ёзувчининг индивидуал хусусиятлари тугрисида махсус гапирилмайди. Индивидуаллик алохида олинган инсоннинг аник хатти-харакати, малакаси, лаёкати, одат ва куникмаларини ифодалайди. Унинг мазмуни урта арифметик даражада олинган инсон сифатларидан хамма вакт ортиклиги билан ажралиб туради. Гап шундаки, индивидуалликда инсоннинг хам ташки ва хам ички бетакрор хусусиятлари жамланган булади. Шунга кура хам бу хусусиятлар йигиндиси, уртача одам сифатлари йигиндисидан доимо ортик булади. Буни ижтимоий тарих мисоллари етарлича тасдиклайди. Масалан, Узбекистонда IX - XV асрларда яшаган мутаффаккирлар фалсафа, фан, дин ва санхатда шундай янгиликларни бердиларки, булар нафакат уз даври учун юксак равнакни билдирди ва яна ундан кейинги даврларда хам купгина халклар, хусусан оврупаликлар тафаккури ривожланиши учун зарур туртки булди. Шу муносабат билан инсон индивидуаллиги хусусиятларининг намоён булиши шарт-шароитлари масаласини мулохаза килиш зарурияти тугилади. Юкоридаги мутаффаккирларни табиат шунчаки яратмаган, балки муайян ижтимоий тарихий эхтиёж шакллантирган. Бу ерда шуни тахкидлаш керакки, узига хослик, бетакрорлик индивиднинг сифати, у шулар билан характерланади, шахе эса индивидга дахлдор булган мана шу хоссалар билан бирга эркин мустакил фикрлайдиган ва махлум шароитда махсулиятни уз зиммасига ола билиш фазилатларини мужассамлаштирган инсондир. Шу махнода «шахе» тушунчасида даставвал инсоннинг жамиятда тутган урни ва амалга оширган функ циялари гавдаланади. Ижтимоий фанлар урганадиган сохаларга шахс муаммосини киритишнинг боиси хам ана шундадир.

*«Шахс* узининг ижтимоий шароитига боглик булган ва индивидуал сурхатда ифодаланган сифатлар (интеллектуал, эм

ационал, иродавий ва бошкалар) га эга булган одамлардир. Шахс ижтимоий манфаатлар асосида таркиб топадиган бутунлик (одамлар гурухи) ни узида ифодалайдиган, унга хос булган сифат (фазилат ва курс)ларга эга булган, узи мансуб гурухлар манфаатини фаол химоя кила оладиган, уз позициясига эга, шу асосда курсатадиган фаолият учун жавобгар булган индивидуалликдир. Бинобарин, муайян умумийлик, яхлитлик айрим шахсларда уз ифодасини топади»

(Фалсафа. Махруза матнлари. ФарДУ. Фаргона, 2000 й . 155 бет.)

*«Шахс»* тушунчасида даставвал инсоннинг жамиятда тутган урни ва бажарадиган вазифалари ифодаланади. Шунга кура, жамиятни урганади-ган барча фанлар доирасига хам шахс масалалари киради. Жумладан, жамиятшунослик, рухшунослик, тахлимшунослик каби катор фанлар уни шахе сифатида олиб текширади.

Муайян махнода шахс – яхлит жамиятнинг алохида олинган ажралмас булагидир. Унда даставвал мавжуд ижтимоий муносабатлар мажмуаси булади.

Шахснинг жамият билан муносабатлари узига хос жихатларга эгадир. Шахснинг узлиги даставвал, унинг муайян даражадаги мустакиллигидир. У узининг шу холати билан ижтимоий фаолиятнинг барча сохаларида иштирок этади. Албатта, гап бу борада етук шахс тугрисидадир. Лекин, янги тугилган чакалокнинг шахс булиши имконияти факат жамиятда вокеx булади. Демак, шахени жамият вояга етказади. Чакалокдаги инсоний имкониятлар жамият мухити тахсирида амалга ошиб, уз такомилига эришади.

Шахсни тавсифлашдаги энг мухим нукта унинг ахлокий-махнавий мохияти ва шу асосда амалга ошириладиган хатти-харакатларининг табиатидир. Шахс мазмуни ва уни бахолашда, шахс онгининг йуналиши, шахсий мулжаллари таркибий кисм хисобланади. Тугри, ижтимоий мухит шахс шаклланиши ва хулкига мухим тахсир курсатади, бирок шахсий бриентация – мулжаллар ва хулк инсоннинг ички махнавий дунёси билан белгиланади. Инсонда интеллектуал – ахлокий, иродавий фазилатлар канчалик ёркин булса, унинг хаётий мулжаллари хам умуминсоний кадриятлар билан купрок мувофик келади, у бу кадриятларнинг тасдикланишига ижобий тахсир этади. Бу ерда шахс рухи, эркинлиги ижодкорлиги ва эзгулиги кучларни алохида

ахамиятига эга. Шу нуктаи назардан, шахс узининг биологик малака ва куникмаларида юкорига кутарилади ва махлум махнода, хатто уларга бархам беради.

Инсон шахсининг шаклланишидаги биринчи боскич - оиладир. Гудак оилада илк бора ижтимоий-маданий кадриятларни узлаштиради ва улар замирида фаоллигини ошириб боради. Мактаб, турли ижтимоий гурухлар (масалан, тенгдошлари спорт уюшмалари ва бошкалар) билан мулокат давомида маданий идеаллик карор топиб, шахс шаклланишининг мухим жихатларига айлаиади.

Шахснинг маданий идеали у мавжуд булган миллат, ижтимоий гурухда амалда булган кадриятлар доирасида шаклланади ва ривожланади. Шахснинг идеали миллат ёки ундаги турли гурухлар учун типик булган идеалдан фарк килмоги лозим. Бу типдаги идеал одатда болаликдан карор топади. Маданий идеалда эса жамият ривожланиши уз аксини топади. Шунга кура, хар кандай жамият маданиятида инсон шахсининг етуклиги даражаси тугрисидаги тасаввурлар ишлаб чикилган ва бу тасаввурларда уша жамиятнинг махнавий, ахлокий ва маданий кадриятлари уз аксини топган.

Шахснинг маданий идеали унинг жамият хаётининг турли сохаларидаги фаолияти мотивлари ва максадларини уз ичига караб олади.

Шахс узининг маданий идеалини руёбга чикариш учун турли-туман ижтимоий гурухлар доирасида муайян уринга эга булиши ва муайян вазифаларни, ролларни бажариши лозим. Булар эса шахснинг фаоллиги туфайли юз беради. Инсон фаолияти шахс ривожланиши ва унинг турли ижтимоий ролларни бажаришида асос хисобланади. Факат фаолият туфайлигина шахс узини намоён этади, тасдиклайди.

Инсоннинг ижтимоий - фаоллик мохияти индивиднинг социаллашуви негизида туради, бинобарин, бу жараёнда у шахс сифатида таркиб топади. ***Социализация – ижтимоийлашув*** деганда индивид томонидан билимлар, мехёрлар ва кадриятларнинг муайян тизимига хос хаётий фаолиятни амалга ошириш тушунилади. Мадомики, ижтимоийлашув динамик характерга эга булар экан, у вактда шахс хамма вакт жараёндир, бу хамма вакт таркиб топишидир. Борди-ю, шахс узининг таркиб топишида, уз интилишларида тургунликка учраса – бу инкирозга учраётган шахсдир. Шахснинг таназзулга учраши унга бошкаларнинг

иродасига мослашиб харакат килиш, режалануви, яшаш оркасида юз беради, бундай холда танлаш ва эркин харакатга урин колмайди.

*2.Шахс эркинлиги. Инсон хукуклари ва эркинликларини химоя килиш инсон камолотининг демократик тамойилидир.*

Таянч иборалар: ***эркинлик, зарурият, шахс эркинлиги, сиёсий эркинлик, маҳнавий эркинлик, шахс маҳнавияти, шахс хукуклари, шахс мажбуриятлари.***

***Эркинлик*** фалсафада бутун ижтимоий тарих давомида инсоният ва инсон шахси хаётининг уткир муаммоларидан бири булиб келди. Чунки, эркинлик ижодий яратувчи, фаол, уз олдига куйган максадлари сари харакат килувчи инсоннинг эхтиёжи булиб, унинг табиати билан богликдир.

***Шахс эркинлиги*** у индивидуаллигининг ва жамият тараккиёт даражасининг тарихий, ижтимоий ва ахлокий мезони, улчовидир. Шахс эркинлигини чегаралаб куйиш хам шахсга, хам жамиятга катта путур етказади. Айнан шахе эркинлиги туфайли жамият атроф вокеликнинг мавжуд табиий ва ижтимоий шарт-шароитларига мослашибгина колмасдан, балки уз максадларига мувофик уларни узгартиради. Албатта, мавхум ва мутлак маҳнодаги эркинликнинг булиши мумкин эмас. Чунки, шахс табиат ва жамиятдан бутунлай эркин була олмайдн. Фалсафада, тарихда эркинлик зарурият тушунчаси билан боглик равишда урганилган.

Заруриятнинг узи нима? ***Зарурият*** деганда уни такдир такозоси (диний карашлар), вокелик ривожланишининг пировард натижада конуний зарурий холда юз бериб узига йул топиб олиш (материалистик, детерменистик каршлар), маҳнавий ривожланиш ифодаси (турли психологик ва субҳектив йуналишдаги фалсафий карашлар) каби тарзларда талкин этилади.

Узининг амалий фаолияти жараёнида кишилар реал мавжуд хаётнинг табиий шарт-шароитлари, ижтимоий ва иктисодий муносабатлар, моддий - техник воситалар тарзида тараккий заруриятнинг конкрет куринишлари билан дуч келадилар. Уз фаолиятларининг обҳектив шароитларни танлашда, кишилар эркин эмаслар. Аксинча бу шарт-шароитлар кишиларнинг кизикишлари ва интилишлари доирасини белгилаб беради. Лекин, шунга карамасдан улар уз фаолиятлари доирасини аниклашда маҳлум эркинликка эгадирлар. Чунки, хар бир тарихий даврда битта эмас, балки бир нечта ривожланишнинг реал имкониятлари мавжуд булади. Хаттоки, хеч кандай танлаш имконияти булмаганда хам

шахс уз эркинлиги доирасида юз бериши мумкин булган салбий окибатлардан узини четга олади, ижобий ходисаларни руёбга чикаришга интилади. Ванихоят кишилар уз олдига куйган максадларига эришиш учун воситаларни танлаш эркинлигига эга. Демак, эркинлик мутлак эмас ва махлум максад ва харакатлар режасини танлаш йули билан имкониятларни англасалар тугри булади. Кишилар канчалар уз имкониятларини англасалар, максадларига эришиш учун качалар куп воситаларга эга булсалар ва ижтимоий ривожланишнинг улар учун кулай булган йуналишлардан имкон даражада фойдалана олсалар улар шунчалар эркиндирлар.

Реал вокеликда тараккий зарурият ва шасх эркинлиги масаласи бир-бирига богликдир. Тарихий детерменизм шахс эркинлигини, кишиларнинг ижтимоий фаолиятида танлаш эркинлигини инкор этмайди, балки такозо этади.

Шундай килиб, эркинлик фалсафада «англаб олинган зарурият» сифатида талкин этилади. Бу тахрифга мувофик шахс, жамоа, синф ва жамият эркинлиги табиат ва жамият обхектив конунларидан эркинлигида эмас, балки уз хатти-харакатларини онгли танлаш кобилятидир, яхни ишни кузини билиб карор кабул килишдадир. Шахснинг уз хатти-харакатларини онгли танлаб олиш унга махлум ахлокий ва ижтимоий масхулиятни юклайди. Эркинлик ва махсулият уртасида тугри пропорционал богланиш мавжуд. Шахе канчалик эркин булса, у уз зиммасига шунча катта махсулиятни юклайди.

Танлов эркинлиги туфайли инсоният жамияти ривожланишининг истаган боскичида ва истаган жойида яратилган моддий ва махнавий кадриятлар урганилиши, узлаштирилиши ва ижодий такомиллаштири-лиши мумкин.

Инсон шахсининг бу жихати факат индивидуал табиатга эга булмай, балки ялпи ижтимоий жихатларда хам куринади. Яхни шахслargина эмас, балки катта ёки кичик эл-элатлар, миллатлар ва халклар хам уз такдирла-рига тегишли холларнинг барчасида ижтимоий танлов эркинлигига эгадир. Лекин булар шахс ва ижтимоий кучлар жамият соф субхектив-лигининг натижаси эмас, балки пировардида обхектив такозоланганлиги окибатидир.

Шахе эркинлиги индивидуал сезги, субхектив эркинлик сифатида максадли танлов килищдан бошлансада, инсоннинг табиатан фаоллиги юкорирок боскичларда – максадга эришиш учун

танланган воситаларни ишлатиб, муайян хатти-харакатлар килишда (обҳектив эркинликда) нихоясига етади.

Эркинликнинг субҳектив ва обҳектив ифодаланишларида ундаги ички ва ташки томонларнинг хусусиятлари, узаро богликлиги ва мухим фаркларини пайкаш кийин эмас.

Шахс эркинлигининг ички томони белгиловчи ва тузилишига кура анча мураккаб булиб, асосий унсурлар сифатида максад ва воситаларни танлаш, амалга ошириш учун зарур булган вазиятларни билишни, бу билинган, узлаштирилган ташки заруриятни ички эҳтикод билан мувофиклаштириб олиш, нихоят, узлигини тула намоён этиш кабиларни уз ичига олади. Булар алохида олинганида хам, биргаликда олинганида хам нисбий мустакил тарзда мавжуддир.

Ташки эркинлик- бу даставвал мавжуд ижтимоий муносабатлар тизимида шахс борлигининг урни ва ахамиятини ифодаланиши, унинг ички эркинлигининг хиссий-буюмлашган тарзда намоён булишидир. Бунда охир окибатда шахс билан жамият манфаатларининг нисбати масаласи марказий уринда туради.

Шахс ва жамият манфаатлари муаммосининг ечимида, яҳни шахс эркинлиги масаласида, бир-бирини истисно киладиган икки хил карашлар мавжуд. Улардан бири инсон шахси манфаатларини тараккиётини белгиловчи омил хисобланиб, уларни мутлаклаштиради.

Иккинчиси эса, аксинча, инсон жамиятининг шунчаки бир унсури сифатида караб, унинг манфаатини ижтимоий манфаатлар олдида ахамиятсиз килиб куяди. Бу иккала карашда хам шахс ва жамият манфаатлари нисбати тугрисида гап боради.

Агар инсоният тарихига назар ташласак , шу нарсани гувохи буламизки, бу масала турли тарихий даврларда турлича хал килинган. Масалан, ижтимоий жамоа тузими шароитида индивидлар манфаати тулалигача жамоа (уруг, кабила) манфаатига буйсундирилган. Уругнинг хар бир аҳзоси анҳана кучи билан мустахкамланган ва узи учун умумий тарзда аждодлардан колган анҳаналар, урф-одат ва маросимлар кучи билан бошкарилган синфий жамиятлар вужудга келиши билан инсон шахси ривожланиб, унинг жамият билан муносабатларда ажралиш руй берди. Энди инсон маҳнавий дунёси, хатти-харакати, фаолиятининг материаллари, мавжуд ижтимоий тузим, унинг институтларига муносабати ва хоказоларда айни шу ажралиш белгиловчи мавкега

эга булади. Лекин хар бир даврда жамият тараккиётида юз берган узгаришлар натижасида шахс ва жамият муносабатларида муайян мувозанатга эришилиб борилди. Жамият илгариланма харакатида куйилган хар бир кадам маҳлум маҳнода шахс ва кенг халк оммаси эркинлиги даражасини ошиб боришини билдиради.

Хар бир конкрет тарихий даврда кишиларнинг эркинлиги даражаси охир натижада шу жамият ишлаб чикариш кучларининг ривожланиш даражасига, фан ва техника холатига, ижтимоий муносабатлар ва сиёсий тузимга боглик булади. Шахс эркинлиги доим жамият эркинлигининг бир кисми хисобланади.

Эксплуатация хукмронлик килган жамиятларда хукмрон синф омманинг хатти-харакатларини доимо чегаралаб куйишга харакат килган. Шахснинг, айникса, унинг ривожланган маҳнавий боскичини ифодалайдиган хусусиятлар - мустакил фикрлаш, танкидийлик, ишчанлик ва хоказолар давлат жазолаш ташкилотларининг доимий назорати остида булди, кишилар белгилаб куйилган чегаралар доирасида уз эхтиёжларини кондириш йулларини ахтарадилар. Уларнинг натижасида амалда булган куркиш, бир-биридан хавфсираш вазиятлари шахсларни хар кандай жамоадан узларини четга олиш, уз манфаатларини яширинча химоя килиш ва хоказо холатларда булишга мажбур этди.

Нодемократик тоталитар давлатнинг инсон шахсига табиий таҳсирини совет тузими мисолида хам куриш мумкин. Бу хакида Президентимиз И. Каримов шундай дейдилар: «Биз зуравонликка, коммунистик акидапарастликка асосланган етмиш йилги даврни бошимиздан кечирдик. Бу даврда оммани сохта гояларга ишонтириш, уларга итоат килдириш учун канчадан - канча куч маблаг сарф булмаган дейсиз.»(Каримов И. А. Хушёрликка даҳват. Т., «Узбекистон», 1999 й. 22 бет.)

Хозир мустакил Узбекистонда демократияни, унинг шаркона анҳаналарини кенг ривожлантириш, конунлар устиворлигини таҳминлаш давлат ва жамият олдидаги вазифалардан бири булиб турибди.

Мустакил Узбекистон шароитида шахснинг виждон эркинлиги, мулкий дахлсизлиги ва бошка хукукий кафолатлари конституцияда белгилаб куйилган. Давлат жамият хаётининг кайси бир сохасига оид конун-коидаларни ишлаб чикармасин, шахснинг комусида белгилаб куйилган макомига карма-каршн булмаслиги лозим.

Бозор муносабатларига утиш шароитида шахс ривожланишининг шарти демократия эканлиги узининг хаётий кучини курсатмокда.

Тарихий ривожланиш жараёнида шахснинг урни масаласи хакида гап борганда, уларнинг буюклиги мансуб ижтимоий гурух, эл-элат, халкнинг фикр-уйини тула ифодалаши, уларнинг максад, вазифаларининг тарихий жараён конунияти асосида амалга ошириши кузда тутилади. Албатта, бундай шахс уз халкининг сифат ва фазилатларини узида гавдалантиради. Бирок, шахснинг хусусиятлари тугрисида суз борганда Амир Темурнинг сиймоси куз олдимизга келади. Бугунги кунда бундай фазилат Президент И.А. Каримов фаолиятида ёркин ифодаланмокда.

Бу ерда шуни тахкидлаш керакки, Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг йуналишларидан бири комил шахс - инсонни вояга етказишдир. Унинг фалсафий дастуравалий принциплари И.А.Каримов асарларида уз ифодасини топган. «Бу сохада пировард максадимиз, - дейди Каримов II чакирик Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги махрузасида,– иймон эхтикоди бутун, иродаси бакувват эркин фукаро махнавиятини шакллантиришдир. Яхни мустакил дунёкарашга эга, аждодларимизнинг бебахо меросими ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган баркамол инсонни тарбиялашдан иборат.»(Фаргона хакикати. 2000 й. 25 январ)

*3. Маданият ва кадриятлар, уларнинг шахс камолотидаги роли.*

Таянч иборалар: ***маданият, моддий маданият, махнавий маданият, ворислик, анхана, кадрият, моддий кадрият, махнавий кадрият, миллий кадрият, минтакавий кадрият, умуминсоний кадрият.***

Комил инсон дунёкарашини шакллантиришда маданият ва кадриятла-ркатта ахамият касб этади.

*М а д а н и я т* гоят мураккаб, куп киррали ижтимоий ходисадир. Шунинг учун булса керак, хозирги замон фалсафасида "маданият " сохасига берилган 200 дан ортик турлича тахрифлар мавжуд. Бу нарса энг аввало, юкорида айтилганидек, маданият ходисасининг нихоят даражада мураккаблиги ва уни билишнинг махлум кийинчиликлари билан богликлиги билан белгиланади. Маданиятни билиш оркали инсон узини-узи маданият буюмларида объективлашган уз борлигини билиб боради. Шунинг учун маданият ходисасига тугри бахо бериш учун системали ёндашувга

таянмок керак.

*М а д а н и я т* лотинча "*кулЪтура*" махносини ифодалаб, даставвал ерга ишлов бериш, ерни парваришлаш, дехкончилик мехнати деган фикрни билдирган. Кейинчалик эса махрифатли булиш, тарбия курганлик, билимли булиш мазмунида кулланилган. Узбек тилида кенг ишлатиладиган "маданият" атамаси арабча "*мадина*"-шахар деган махнони англатади.

Маданият энг умумий тарзда инсон ва жамиятнинг узгарувчилик фаолиятининг барча турлари хамда, шу фаолият натижаларининг мажмуидир.

Маданият инсон ва жамият тарихий тараккиётининг муайян бир

даражаси, кишилар хаёти ва фаолиятининг турли куринишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва махнавий бойликларда ифодала-нади. Маданият тушунчаси муайян тарихий даврлар, ижтимоий – иктисо-дий тузумлар, муайян жамиятлар, элат ва миллатлар тараккиёти, мод-дий ва махнавий хаёт даражасини, шунингдек, инсон фаолияти ёки турмушини изохлаш учун кулланилади. Маданият ижтимоий хаётнинг моддий – техник, иктисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошка сохаларини, инсон мехнат фаолиятининг барча самараларини узида камраб олади. Халк оммаси томонидан яратилган хамма моддий ва махнавий бойликлар маданиятга таалуклидир. У одамзод акл-идрокининг энг юксак чуккила-ригача булган туйгуларини хаммасини камраб олади.

Демак, маданиятга тахриф бераётганда маданият инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатидаги камолотини, инсонда инсонийлик ривожланиши мехёрини тавсифловчи ходиса эканлигидан хам келиб чикмок лозим.

Шундай килиб, маданиятга куйидагича тахриф бериш мумкин. Маданият инсоннинг фаолият жараёни, унинг окибатида яратилган моддий ва махнавий кадриятлар булиб, шахсни шакллантириш ва камолотида мухим омил булган ижтимоий ходисадир.

Моддий ишлаб чикаришнинг икки асосий тури- моддий ва махнавий ишлаб чикаришга караб, маданият хам йирик икки турга- моддий ва махнавий маданиятга булинади. Маданиятнинг бу турлари куриниш, мазмун ва мохиятига кура бир-биридан узаро фарк килади. Моддий маданият деганда - мехнат куролларини, мехнат куникмаларини, шунинг-дек, ишлаб чикариш жараёнидаги яратилган ва моддий хаёт учун хизмат киладиган барча

бойликларни англаймиз.

*Маҳнавий маданиятни* камрови бехат кенг булиб, у инсонлар томонидан яратилган маҳнавий бойликларни, ижтимоий онгнинг нлмий, бадиий, хукукий, диний, ахлокий, фалсафий ва бошка шаклларини, тафаккурнинг барча шакллари, дунёкарашнинг бутун сохасини, жамиятдаги гоялар ва таҳлимотларни, бадиий асарлар, эстетик карашларни хам камраб олади, бундан ташкари, маҳлумот бериш, таҳлим - тарбия, фалсафа, дин, хукук, этика, эстетика, санҳат ва адабиёт сингарилар хам киради. Маҳнавий бойликлар авлоддан авлодга - бир тузимдан иккинчи тузимга мерос сифатида утади ва жамият тараккиётига катта таҳсир курсатади.

Маданиятни моддий ва маҳнавийга булиш куп жихатдан шартли булиб, булар уртасидаги чегара катхий эмас. Бирок, маданиятни бундай тартибда классификация килиш, шубхасиз, муайян ахамиятга эга, инсонга хос мохиятли кучларнинг турли фаолият сохаларида гавдаланиш хусусиятларини очиб беради. Моддий ва маҳнавий маданиятга мансуб нарса ва ходисалар турли максадларга хизмат килади, демакки, уларнинг вазифалари, функциялари турлича. Лекин бу фарклар нисбатлидир ва уларни асло мутлоклаштириб булмайди. Биринчидан, униси хам буниси хам маданият эканлигини унутмаслик керак. Иккинчидан, инсон фаолиятининг махсули булган купгина нарсалар хам аклий, маҳнавий, хам жисмоний мехнатни натижаси сифатида пайдо булади. Бошкача айтганда, моддий маданият инсоннинг муайян гоялари, билимлари, максадларининг пайдо булиши ва номоён булишидадир. Айни пайтда хар кандай маданият махсули хам обҳективлашуви, турининг моддий ифодасини (ёвуз, нутк,расм,хайкал ва хоказолар) танламоги лозим.

Мадният тарихи жамият тарихининг ажралмас бир кисмидир. Шунинг учун хам, унинг вужудга келиши ва ривожланишини жамият тарихидан, жамиятдаги ижтимоий - иктисодий муносабатлардан, моддий бойликлар ишлаб чикариш усулидан ажратиб олиш мумкин эмас. Маданият тарккиётида моддий ишлаб чикаришнинг ривожи асос булади Ижтимоий - иктисодий тузимларининг ишлаб чикариш усулларини алмашинувига караб маданият хам сифат жихатидан узгариб туради. Жамиятнинг тараккий этиши маданиятнинг узгаришини талаб килади, маданиятнинг янгиланиши эса уз навбатида жамиятнинг тараккий

килишига сабаб булади.

Хар бир авлод маданий ривожланишнинг буш жойдан эмас, балки узидан олдинги авлодлар яратган кадриятларни узлаштиришдан бошлай-ди. Бошка томондан, бу узлаштириш узига хос янги кадриятлар яратиш, маданиятни янги боскичга кутариш йулидаги таянч вазифасини утайди. Агар мана шу икки жараен булмас экан, маданият ривожланиши хакида гапириш мумкин эмас. Бу икки жараён – эскилик билан янгилик уртасидаги обҳектив зарурий богланиш *ворислик* деб аталади.

Маданиятда ***ворислик*** хакида гап кетганда, тараккиётга хизмат киладиган (прогрессив) ва ривожланишига тусик буладиган (реакцион) ворисликни фарклаш лозим. Шунингдек, маданиятда ижобий (позитив) ва салбий (негатив) ворислик хам кузатилади. Маданият уз ривожланишининг хар бир боскичида олдинги давр натижаларига таянади. Ана шу жараён натижасида маданиятнинг бекарор элементлари юзага келадики, одатда уларни ифодалашда ***анҳана*** тушунчаси ишлатилади.

Тарихий жараёнда ***маданий анҳаналарнинг*** роли бекиёс-дир. Маданий анҳаналар туфайли кишиларнинг тажрибалари тупланиб, авлодлардан-авлодларга утиб боради. Анҳаналарсиз маданият булиши мумкин эмас.

Хар бир авлод узидан олдинги авлодлардан мерос колган анҳаналар, урф-одатлар ва кадриятларни мехнати, билими тажрибалари билан бойитади ва ривожлантиради. Муайян давр ва жамият маданиятига утиш маданий меросга таянган холда келажак маданияти тараккиётига асос булади. Ворисийлик – утмиш маданияти меросини эмас, балки турли даврлар, халклар маданиятининг узаро таҳсир масаласини хам уз ичига олади.

Маданий меросга нисбатан менсимасдан караш, чукур салбий окибатларни, фалсафий натижаларни келтириб чикариши, мухим маданий ютукларнинг йуколишига олиб келиши мумкин. Бундай мисоллар халки-мизнинг тарихида оз эмас.

Эндиликда мустакиллик туфайли узбек халки уз маданий меросини янгидан тикламокда.

«Бугунги кунда, - деб ёзади И. Каримов,- хур ва озод халкимиз барча халклар ва давлатлар томонидан яратилган маҳрифатда, фан ва техникада, маданият ва санҳатда нимаики янги ва илгор жихатлар булса, шунга дадиллик билан интилмокда. Узбек диёрида тарихда куп марта булганидек, яна янгидан узимизнинг бетакрор ва

илгор, иктидорли ва энг мухими – инсонларга керакли кадриятларимиз барпо этилади.»( Каримов И. А. Узбекистон: Миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. Т., «Узбекистон», 1999 й. 76 бет.)

Маданий меросимиз ал-Бухорий, ат-Термизий, Баховуддун Накшбанд каби мутафаккирлар тахлимоти, якин вактларгача тахкикда булган талайгина урф- одатлар, расм-русумлар, анханалар, миллий уйинларни тикланиши хисобига бойиб бормокда.

Инсониятнинг улуг мутафаккирлари, донишмандлари инсон ва унинг хаёти учун, ижтимоий тотувлик учун нимаики зарур булса, ушани булган нехмат, кадрият сифатида эхзозлаб келганлар, ёш авлодга хаёт учун зарур булган барча нарсаларни кадрлаш хиссини тарбиялашга алохида эхтибор берганлар. И. Каримов тахкидлаганидек : «Халкнинг махнавий кадриятлари, махнавий мероси минг йиллар мобайнида Шарк халклари учун кудратли махнавият манбаи булиб хизмат килган.»( Каримов И. А. Узбекистон XXI аср бусагасида: ... . Т., «Узбекистон», 1997 й, 137 бет.)

Инсониятнинг улуг мутаффаккирлари кадриятлар мохиятини теранрок идрок этишга ва айникса, тарихнинг бурилиш нукталарида «кадрият нима» деган саволга жавоб топишга харакат килганлар. Инсоният жамияти ривожланиб борган сари кадриятлар тугрисидаги тушунча хам тобора чукуррок мазмун ва ахамият касб этиб борган.

Дархакикат, хозирги замон фалсафасида моддий ва махнавий борликка кадриятли ёндашиш, кишиларда кадрлаш хисси ва маданиятини ривожлантириш, кадриятилар мохиятини илмий-фалсафий идрок этиш ва кенг оммалаштириш алохида ахамият касб этаяпти. «Кадрият» нима?

Кишилик жамияти тараккиёти ва истиклоли учун ахамиятли булган ижтимоий, махнавий ходисалар кадриятлар жумласига киради. Кадрият деган тушунча кадр-киммат деган махнони билдиради.

*Кадрият* тушунчаси инсон, шахе ва жамият учун фойдали, ахамиятли булган барча моддий, махнавий, табиий, социал реалликни ифодалайди.

Бирок, хар кандай обхектнинг мавжудлик факти кадрият була олмайди. Кадрият учун обхекти реалликнинг инсон учун

фойдалилиги, ахамиятлилиги мухимдир.

Обҳектларнинг ахамиятлилиги хосса ва хусусиятлари билан эмас, балки инсон манфаатларига, ижтимоий муносабатлар сохасига уларнинг кай даражада дахлдор эканлигига боглнкдир.

Кадрият кадрлаш хисси, кадриятли онг, кадриятли муносабат ва кадриятли мулжал (*ориентация)*нинг узвий бирлигидан иборат булган тушунчадир.

Кадрият ва маданият уртасида якинлик, узаро богликлик мавжуд булса хам, уларнинг айнанлаштириш хатодир.

Кадрият маданият тушунчасига нисбатан бой ва кенг камровли тушунчадир. Табиатнинг инсон хаёти учун зарур булган неҳматлари: ер, сув, хаво, усимликлар, хайвон, тогу-тошлар – кадриятдир. Холбуки, уларни маданият деб булмайди.

Кадриятлар обҳектларни инсоний ахамиятини тавсифлайди, айни вактда обҳектларнинг кишилар томонидан кадрланаётганлигини хам курсатади. Бу, кадриятларнинг маданиятдан фаркланадиган мухим белгисидир.

Кадриятлар маданият сохасига кирмайдиган обҳектларни, хатто маданият субҳектларини хам уз ичига олади. Чунончи, маданият ижодкори булган инсон хамма замонларда хам олий кадрият хисобланиб келган. Кадриятларнинг кандай кадриятланиши кишиларнинг билиши, маданий савияси, интеллектуал - ахлокий салохиятига бевосита богликдир. Кадриятлар узининг мохияти ва хусусиятига кура бир неча турларга булинади. Фалсафий адабиётларда кадриятлар куйидагича тасниф килинаяпти.

1.Кадриятлар нима кадрланаётганлиги ва нимага асосан кадрланаёт-ганлигига караб: а) предметли кадриятлар б) субҳектив кадриятларга булинади.

Предметли кадриятлар субҳект учун муайян ахамиятга эга булган реал ходисалар, кадриятли муносабат обҳектларидир. Бундай кадриятларга: табиий обҳектлар, жараён ва ходисалар, социал обҳектлар киради. Субҳектив кадриятлар - ходисаларни кадрлашда асос булиб хизмат киладиган, норматив тасаввурлар шаклида ифодаланадиган установкалар, бахолар максадлар, таҳкиклар, лойихалардир.

2.Кадриятлар жамиятнинг кайси сохаси билан боглик эканлигига караб хам бир-биридан фаркланади. Шунга асосан ахлокий, сиёсий, диний, илмий, оилавий, хукукий, бадиий ва хоказо кадриятларга булинади.

3.Кадриятлар умумийлик даражасига кура, яхни бирон бир ходиса, субхектларнинг канчаси учун ахамиятга эга эканлигига караб таснф килинади. Бундай кадриятлар:

-индивидуал кадриятлар;

-гурух (миллий, диний, жинсий ва х.к.) ;

-умуминсоний кадриятлар ;

4.Кадриятлар субхект томонидан уз максади ва принциплари сифатида ёки ташки вазият такозоси билан шунчаки кабул килинишига караб хам тасниф килинади. Бундай кадриятларга :

-ички кадриятлар;

-ташки кадриятларни курсатиш мумкин.

5.Кадриятлар инсон хаёт фаолиятининг туб асослари учун, унинг эхтиёж ва интилишлари мохиятини ифодалаш учун канчалик ахамиятга эга эканлигига караб хам фаркланади. Шу муносабат билан:

-мутлок ёки абадий кадриятлар:

-уткинчи кадриятлар ёки кадриятларнинг конкрет тарихий шакллари.

6. Кадриятлар узларининг бажарадиган функцияларига караб хам бир-биридан фаркланади:

-моддий кадриятлар;

-махнавий кадриятлар;

-соцнал кадриятлар;(Каранг: Назаров К. Аксиология. Кадриятлар фалсафаси. Т., «Махнавият», 1998)

Кадриятлар мохиятини билиш, инсон ва унинг хаёти олий кадрият эканлигини эхтироф этиш, шахс эркинлиги, виждон эркинлиги, суз ва матбуот эркинлигини карор топтириш демократик жамият ва хукукий давлат тараккиётининг мухим омилидир.

### *4. Миллий ва умуминсоний кадриятлар ва уларнинг инсон камолотидаги муштараклиги.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Миллий кадриятлар, умуминсоний кадриятлар, моддий ва махнавий бойликлар, миллий туйгу, миллий кадриятларнинг намоён булиш шакли, миллий ва умуминсоний кадриятларнинг муштараклиги.***

Миллий ва умуминсоний кадриятлар мавжуд. ***Миллий кадриятлар*** айрим халк, миллатлар ва элатларнинг тарихий тараккиёти жараё-нида яратилган барча ***моддий*** ва ***махнав***

*ий* бойликларнинг йигиндисидан иборат.

Миллий кадриятларнинг шаклланиши ва ривожланиши муайян бир миллатнинг хаёти, турмуш тарзи, тарихи, маданияти, урф-одатлари, тили, унинг утмиши, келажаги билан узвий богликдир.

Миллий кадриятлар мураккаб ижтимоий – тарихий ходиса булиб, миллатнинг тили, маданияти, тарихи, удумлари, жамики моддий ва махнавий бойликлари, иктисодий ва сиёсий хамда махнавий хаётини хар томонлама камраб олади. Инсоннинг кайси миллатга мансуб эканлиги хакидаги тасаввур факат гоя эмас, балки туйгу хамдир. *Миллий туйгу* – табиий туйгудир. Унда миллатнинг тарихи, хозирги ахволи, миллий рухияти ва хусусиятини тушуниш хиссий шаклда мужассамлашган булади. Инсонда миллий онг ва гурур булмаса, у узини кайси миллатга мансублигини хис этмаса, унинг уз миллий манфаат ва кадриятларини кандай килиб англашини тасаввур килиш кийин. Токи миллатлар, миллий манфаатлар мавжуд экан, миллий муносабатлар хам, миллий хис - туйгулар хам, миллий кадриятлар хам сакланиб колаверади. Миллатни миллий кадриятлардан махрум килишга уриниш тарих ва инсоният учун энг катта жиноятдир. Хар бир кишида уз кадр-кимматини саклаш, узини хурмат килиш туйгуси булади. Хар бир миллатда хам худди шу холни курамиз. Миллатларнинг уз-узини англаш жараёни такомиллашган сари миллий манфаатлар хам миллий кадриятлар хам кучайиб, мустахкамланиб бораверади.

Миллий кадриятларнинг кучайиб бориши миллий махдудликка, миллий худбинликка, уз миллати манфаатларини биринчи уринга куйиш, бошка миллатлар ва халклар манфаатларни хисобга олмасликка олиб келмаслиги керак.

*Умуминсоний кадриятлар* узининг мазмуни, мохияти, кенг микёсда амал килиши, дунёдаги куплаб халклар, элатлар, миллатлар-нинг утмишидаги, хозирги даврдаги ва истикболдаги тараккиёти билан узвий алокадорликда эканлиги, узида жахон цивилизациясини яхлит ва бир бутунлигини ифодалаганлиги билан минтакавий ва миллий кадрият-лардан тубдан фарк килади.

Табиатни мухофаза килиш, экологик тарбия ва маданиятни ривожлани-тириш, инсониятнинг сихат-саломатлигини саклаб колиш, хавфли касал-ликларни узаро хамкорликда олдини олиш, озик-овкатга, энергия ва ёкилгига булган танкисликни тугатиш,

маданий бойликларни, цивилиза-цияни эсон-омон саклаб колиш, урушларнинг бошланишига йул куймас-лик, тинчликни саклаб колиш - буларнинг хаммаси умуминсоний, умумба-шарий кадриятлардир.

Умуминсоний кадриятлар алохида халклар ва миллатларнигина эмас, балки башариятнинг хам мулкидир.

Миллий ва умуминсоний кадриятлар бир-бири билан узвий боглик. Уларнинг хар иккаласи бир - бирига таҳсир этади, бири иккинчисини тулдиради, мазмунан бойитади.

Умуминсоний кадриятлар миллий кадриятлардан мазмун жихатдан чукур ва кенг булиб, уни уз ичига олади. Умуминсоний кадриятлар барча миллат ва элатлар, халкларнинг максад ва интилишларининг яхлитлиги ва умумийлигини ифодалайди. Миллий кадриятларни умумбашарий кадриятлардан ажратиб олиб, унга махлиё булиб кетиш, уз миллатини макташ, унинг тарихи ва маданиятини идеаллаштириш, бошка миллатлар вакилларининг миллий туйгулари ва нафсониятларига бир мунча тегиб кетади. Бу миллий туйгулар миллатчилик туйгуларига айланиб кетиши мумкин. Бу энг хавфли нарса. Шунинг учун хам бу масалада хушёрлик, инсоф, диёнат, камтарлик, куюшкондан чикиб кетмаслик, узга миллат кишилари тили, маданияти, тарихи, анҳана ва удумларини астойдил хурмат килиш талаб килинади.

Шуни таҳкидлаш керакки, мамлакатимизда биронта хам халк ва миллат узидан бошка халк ва миллатлардан, умумий жахон цивилизациясидан ажралган алохида тарихга эга эмас. Миллатлар бошка халкнинг ютукларидан фойдаланмай туриб ривожлана олмайдилар. Барча халкларнинг ижтимоий, иктисодий, маданий, маҳнавий ривожланиши тарихи бир-бири билан чирмашиб кетган. Шунинг учун хам хар бир миллат уз доирасида чекланиб колмай, бошка миллатлар ва халклар билан биргаликда тараккий этади. Бир миллатнинг манфаати ва кадриятлари бошка миллатникидан ажралмаган холда урганилиши керак. Мамлакатимизда яшовчи хар бир миллат ва элат сингари узбек халкининг хам узига яраша ажойиб моддий, маҳнавий, тарихий кадриятлари бор. Уларни окилона ва холисона урганиш мустакиллик шароитидаги иктисодий, маданий ва маҳнавий тараккиётнинг асосий шартларидан биридир. Миллий маданият ва анҳаналарга, милий кадриятларга хурмат билан караш – миллатнинг узига хурмат билан карашнинг асосий бугини. Умуминсоний кадриятлар ривожида

миллий кадриятлар канчалик мухим ахамият касб этса, уз навбатида умумбашарий кадриятларга таянмасдан туриб, миллий кадриятлар хам мукамммал ривожлана олмайди. Уларнинг хар иккаласи хам диалектик алокадорлик асосида ривожланиб, такомиллашиб боради.

Мустакил Узбекистоннинг куч - кудрати манба – деб таҳкидланади И. Каримов томонидан – халкимизнинг умуминсоний кадриятларга содикли-гидир. Халкимиз, адолат, тенглик, ахил кушничилик ва инсонпарвар-ликнинг нозик куртакларини асрлар оша асраб авайлаб келмокда. Узбекистонни янгилашнинг олий максади ана шу анҳаналарни кайта тиклаш, уларга янги мазмун багишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва хар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир.( Каримов И. А. Истиклол ва маҳнавият. Т., «Узбекистон», 1994 й, 5 бет.)

Миллий маданият ва кадриятларнинг мазмуни ва мохиятини билиш, уларга эҳтикод куйиш, ёш авлодда инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйгусини шакллантиради. Ватан бахт-саодати ва миллий истиклолимиз йулида фидокорона мехнат килишга, комил инсон булиб вояга етишга ундайди.

***Такрорлаш учун саволлар:***

*1. Индивид, индивидуаллик ва шахс тушунчалари инсоннинг кайси сифатларини ифодалайди ?*

*2. Шахснинг шаклланишида ижтимоий мухитнинг роли ва урни кандай?*

*3. «Шахс эркинлиги» деганда нимани тушунасиз ?*

*4. Маданиятнинг мохияти, асосий турлари ва узаро алокадорлиги нимадан иборат ?*

*5. Кадриятларнинг маҳноси ва асосий турлари нималардан иборат ?*

*6. Миллий ва умуминсоний кадриятлар муштараклиги, узаро мунос-абати, уларнинг намоён булиш шакллари кандай эканлигини айтинг ?*

## *20 - Махруза: Жамиятиинг сиёсий тизими.*

*Режа:*

1. *Жамиятнинг сиёсий тизими тушунчаси.*
2. *Жамият сиёсий тизимининг таркибий элементлари.*
3. *Жамият сиёсий тизимида давлат ва сиёсий ташкилотлар.*

### *1.Жамиятиинг сиёсий тизими тушунчаси.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Жамиятиинг сиёсий хаёти тушунчаси, жамиятнинг сиёсий тизим тушунчаси, жамият сиёсий тизимининг таркибий элементлари.***

***Жамиятиинг сиёсий хаёти*** - мураккаб ва серкирра ходисадир. Зеро, жамият хаёти ва тараккиётини унинг сиёсий тизими фаолиятисиз тасаввур этиб булмайди. Гарчи, жамият тараккиётининг барча даврлари хам сиёсий тизим фаолияти билан богланмаган булсада, бирок унинг пайдо булиши ва фаолият курсата бошлаши билан жамият тараккиёти янада тезлашди, равнак топиш даражаси эса мураккаблашиб борди. Шу маҳнода жамият тараккиётида сиёсий тизим хали таркиб топмаган ибтидоий жамоа тузуми даври билан инсоният хеч бир мактанаолмайди. Акснча, сиёсий тизим туфайли кишилик тараккиётининг тезлашганлигини, кола-верса, мукаммалрок цивилизацияга томон интилганлигини курамиз. Шунинг учун жамиятнинг сиёсий тизими, унинг вужудга келиши ва мохияти, башарият ривожидаги урни билан боглик муаммолар шубхасиз, алохида фалсафий тахлил учун мавзудир.

Жамиятнинг сиёсий хаёти тушунчаси уз ичига кишиларнинг барча турдаги сиёсий хаёт фаолиятларини, сиёсий мафкура ва психология, сиёсий норма ва кадриятлар, сиёсий институтлар ва муассасаларнинг фаолиятини, сиёсий муносабатлар ва жараёнларни, сиёсий хулк - атвор, сиёсий маданият кабиларни камраб олади. Ушбу элементларга тегишли жихатларни таснифлаганда, масалан, сиёсий мафкура ва психологияда сиёсий карашлар, гоялар, назариялар, дастурлар, курсатма ва йуриклар, кишиларнинг рухий холатларини ажратиб тахлил килиш мумкин. Сиёсий институтларга нисбатан эса давлат, унинг органлари, партиялар, ижтимоий - сиёсий харакатлар кабиларни куриш мумкин. Ушбу элементларнинг узаро богликлиги ва хамкорлигидан эса жамиятнинг сиёсий хаёти таркиб топади.

Жамиятнинг сиёсий хаётида сиёсатнинг обҳектив асослари, унинг ривож-ланиш конуниятлари уз аксини топади. Сиёсатнинг жамият хаётидаги нисбий мустакиллиги, унинг нафакат жамиятнинг сиёсий

тизими характерига, балки бутун жамиятга таҳсир эта олиши намоён булади.

Жамиятнинг сиёсий хаётини, унинг мазмун ва характерини, тараккий топиш хусусиятларини ***сиёсий тизим*** белгилайди. ***Жамиятнинг сиёсий тизими*** деганда давлат ва сиёсий институтлар, сиёсий муносабатлар, сиёсий ва хукукий нормаларнинг мажмуаси ва узаро алокадорлик механизми тушунилади. Жамият сиёсий тизимининг асосий элементларига давлат ва унинг турли органлари, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилот ва уюшмалар, ижтимоий харакатлар киради.

Жамият тараккиётида халк оммасининг сиёсий фаолияти, уюшкоклиги ва талабчанлиги муайян даражада ролЪ уйнайди. Халк оммаси манфаатларининг кай йусинда ифодаланиши жамиятнинг сиёсий тизимини ташкил этган элементларга хам тааллуклидир. Бу эса сиёсий хаётнинг демократлашиб боришини такозо килади.

Жамиятнинг илгариланма ривожида сиёсий тизим турли сиёсий фаолият билан машгул булган элементларнинг бирлиги сифатида алохида урин тутади. Бу элементларнинг барчаси ижтимоий гурух ва катламларнинг вакилларини муайян максад йулида бирлаштиради, уларнинг фаолиятига рахбарлик килади.

### 2.*Жамият сиёсий тизимининг таркибий элементлари.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Сиёсий ташкилотлар, сиёсий партиялар, халк харакатлари, жамоа ташкилотлари.***

Сиёсий тизим элементлари кишилар табакаларининг манфаатларини ифодалайди, уларга хизмат килади. Масалан, сиёсий партиялар жамиятнинг муайян сиёсий кучларини ягона максад йулида бирлаштириб, муайян дастурларида акс этган манфаатларини руёбга чикариш учун интилади ва кураш олиб боради.

Партия ва партиявий тизимлар эса келиб чикиши, сиёсий тизимдаги урни ва роли, ички тузилиши ва фаолият усулларига кура фаркланадилар. Жамиятда куп партиялар фаолият курсатганлиги боис улар жамиятнинг сиёсий хаётида партиявий тизимни вужудга келтиради. Партиявий тизимлар эса улар таркибига кирган партиялар микдори, уларнинг максади, харакат дастури куламИ ва мохиятига кура узига хосликка эга буладилар. Тарихан сиёсий тизимлар тараккиётида яккапартиявийлик ва куппартиявийлик тизимлар шаклланганлигини курамиз. Узбекистон мустакилликка эришгач, жамиятнинг сиёсий тизими ривожида демократия йулидан бориб куппар-тиявийлик сиёсий тизимига утганлиги бунга мисолдир.

Хозирги пайтда республикамизда Халк демократик партияси, Адолат социал демократик партияси, Миллий тикланиш демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси фаолият курсатмокда. Бу мамлакатимизда куппартиявийлик сиёсий тизимининг шаклланганлигини тасдиклайди.

Сиёсий хаёт куппартиявийлик тамойилига таянганлиги унинг демократ-лашувининг асосий омилларидан биридир. Чунки куппартиявийлик сиёсий хаётда сиёсий фикрлар рангбарангиглигига, демократик фикр ва гояларининг кенг ёйилишига имкон яратади.

Сиёсий тизимдаги турли жамоат ташкилотлари хам жамиятнинг ижти-моий сиёсий хаётида мухим ролЪ уйнайдилар. Сиёсий тизим элементлари одатда уз харакат дастурларига эга булишади.

Ижтимоий ташкилотлар ва харакатлар сиёсий тизим таркибига кириб, махлум ижтимоий - социал гурухлар ва катламларни уларнинг манфаатлари асосида бирлаштириб туради. Улар давлат хокимияти органлари фаолиятида иштирок этишни максад килиб олишмайди. Бирок шундай булсада, улар хам даврнинг мухим ва долзарб муаммоларини кутариб чикишади (масалан, экологик муаммолар, согликни саклаш каби масалалар) ва бу масалаларнинг хал этилиши юзасидан мухим давлат хокимияти карорлари кабул килини-шига харакат килишади. Бу харакатлар хам жамият сиёсий хаётида мухим ролЪ уйнайди.

3 *Жамият сиёсий тизимида давлат ва сиёсий ташкилотлар.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Давлат, давлатнинг мохияти, давлатнинг белгилари, давлатнинг функциялари, давлатнинг бошкарув шакллари, мустакил давлат, Узбекистон- мустакил давлат, Узбекистонда давлат бошкаруви.***

Жамият сиёсий тизимининг энг асосий элементи - ***давлат*** хисобланади. ***Давлат*** - жамиятни бошкариш учун йуналтирилган ташкилот ва муассасалар узаро боглик булган бирлигидир.

Давлат жамият иктисодий тараккиётининг махсулидир. Чунки икти-содий ривожланиш туфайли руй берган мулкий муносабатлар ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва бошкариш заруриятини келтириб чикаради. Худди шу пайтда давлат пайдо булиши ва жамият бошкарувини кулга олиши руй беради. Бошкарув максадида давлат томонидан омма устидан урнатиладиган алохида хокимиятнинг мавжуд булиши умуман ***давлатга хос*** булган энг ***мухим белгилар***дан биридир. Ушбу хокимиятни урнатиш учун давлатга иккита восита керак: биринчидан, турли куролланган

отрядлар (масалан, армия, полиция, жазо отрядлари, суд, прокуратура ва бошк.); иккинчидан, турли ашёвий элементлар (масалан, турмалар, камокхоналар, каторгалар, концлагерлар ва бошк.). Агар бу воситалар булмаса давлат уз хокимиятини урната олмайди. Натижада жамият бошкарувини амалга ошириш кийинлашади. Давлатга хос булган умумий белгилардан яна бири барча даврларда ахолидан соликлар йигиб олиш жорий этилган булишидир. Соликлар давлат бошкаруви аппарати харажатларини коплаш максадида тупланади ва сарфланади. Соликлар тури ва микдори бахзан купайиб ва узгариб туради. Масалан, турли урушлар, табиий офатлар ёки иктисодий кийинчилик туфайли ортиб кетган давлат харажатларини коплаш учун соликлар узгаради. Мамлакат тараккиётидаги нисбатан тинч - осойишта ва баркарор даврларда соликлар хам баркарор булади. Давлатларнинг худудларида ахолининг таксимланиши ва жойла-шуви хусусияти унга хос булган яна бир белгидир. Бунда ахолининг ижтимоий ахволи, келиб чикиши, диний эхтикоди ёки партиявий мансуб-лиги каби белгилар эмас, балки унинг худудий таксимланиши белгисига таянилади.

Давлат хокимият механизми сифатида бир катор функцияларни хам бажаради. *Давлатнинг функциялари* шаклланган сиёсий тизим ва социал муносабатларни тартибга солиб туриш; хукукий бошкарув; соликлар ва туловларни ундириш; халкаро манфаатлар тизимида мамлакат манфаат-ларини химоя килиш кабиларда намоён булади. Давлат шунингдек, зуровонлик функциясини хам бажаради. Хусусан, турли социал тукнашувлар натижасида, масалан, оппозициядаги гурухлар келтириб чикарадиган туполонларни бостиришда ушбу функцияни адо этиш зарурияти пайдо булади. Унинг бу даврдаги хатти харакатлари умумхалк манфаатларига тулик мос келади, чунки халк манфаатларини химоя килиш максадида давлат ушбу харакатларин амалга оширади.

***Давлатлар бошкарув шакли***га кура хам фаркланадилар. Давлат бошкарув шакли давлат хокимияти бугинларининг ваколатлари уртасидаги муносабат, хукукий ахволи ва тузилишига боглик булади. Хозирга кадар олий давлат хокимиятини ташкил этишнинг икки хил шакли карор топган: республика ва монархия. ***Республика бошкарув***да давлат хокимиятининг олий органлари ёки сайланади, ёки умуммиллий ваколат муассасалари томонидан шаклланади. Республика шаклидаги бошкарув уч хил булади: 1. Президент республикаси - кучли президент хокимияти; давлат бошлигининг

парламентга боглик булмаган холда умумий сайлов асосида сайланиши; давлат бошлиги ва хокимият бошлиги ваколатларнининг президент кулида тупланиши; хукуматнинг президент томонидан тайинлаиниши; хукуматнинг президент олдида жавобгарлиги (масалан, АКШ ва бошк.). 2. Парламент республикаси - президентнинг парламент йули билан сайланиши; бошкарувда хукумат бошлиги - премЪер - министрнинг хал килувчи роли; хукуматнинг парламент йули билан шаклланиши; хукуматнинг парламент олдида жавобгарлиги (масалан, Италия, Германия, Швейцария ва бошк.). 3. Ярим парламент республика - президент ёки давлат бошлигининг парламентдан боглик булмаган холда умумий овозга куйиш натижасида сайланиши; кучли президент хокимияти; хукуматнинг парламент олдида жавобгарлиги (масалан, Франция, Португалия, Финляндия ва бошк.). Бу бошкарувнинг турли шаклларига булинганлиги давлат хокимияти олий органларининг муносабати ва хукукий холати учун хизмат килишини англатади.

Шу билан бир вактда турли давлатларда ***монархия давлат бошкаруви*** шакли хам мавжуд. Бу усулдаги давлат бошкаруви давлат бошлиги лавозимининг меросхурга утиши билан изохланади. Монархнинг, яхни давлат бошлигининг ваколати хажмига кура бундай бошкарув шакли абсолют ва конституцион монархияга булинади. Агар абсолю монархияда давлат бошкарувида монарх хокимиятининг амалда чекланмаганлиги тушунилса, конституцион монархияда конституция доирасида чеклаб куйилганлиги англашилади. Хозирги пайтда 40 га якин давлатда монархия бошкаруви кенг таркалган, уларнинг купчилигида (масалан, Буюк Британия, Япония, Швеция, Норвегия ва бошк.) парламент монархияси бошкаруви амал килади.

Давлатлар шунингдек, ***давлат курилиши шакллари***га кура хам фарк килишади. ***Давлат курилиши шакли*** деганда унинг таркибий кисмларининг сиёсий - хукукий макомини ва марказий хамда минтакавий давлат органларининг узаро муносабатлари тамойилларини белгиловчи давлатнинг худудий - сиёсий тузилиши тушунилади.

Давлат курилиши нуктаи назаридан унитар, федератив ва конфедератив давлатлар булишини фарклаш мумкин.

***Унитар давлат*** - сиёсий мустакилликка эга булмаган махмурий - худудий бирликлардан ташкил топган давлатдир. (масалан, Финляндия, Швеция, Франция, Япония ва бошк.).

Унитар давлат куйидаги белгилар хос булади:

1. Ягона конституция ва ягона хукукий тизим;

2. Олий давлат хокимияти органларининг ягона тизими;

3. Ягона суд тизими;

4. Умумдавлат хукукий нормаларига кура бошкарув органлари макоми белгиланадиган маҳмурий - худудий кисмлардан иборат булиши;

5. Минтакавий органларнинг марказий давлат хокимияти ва бошкарув органларига буйсуниши;

6. Ягона фукаролик.

***Федератив давлат*** - хукукий жихатдан нисбий мустакил булган, хар бири уз конун чикарувчи, ижроия ва суд хокимияти тизимига эга булган давлат тузилмаларининг иттифокидир. (масалан, АКШ, Хиндистон, Германия, Россия ва бошк.).

Федератив давлатга куйидаги белгилар хос булади:

1. Федерация субҳектлари уз конституцияларига эга булади, бирок бунда федерал конституция ва федерал конунлар устуворлиги таҳминланади;

2. Федерациянинг конун чикарувчи, ижроия ва суд органлари билан бирга унинг субҳектлари хам шунга мос органларга эга булади;

3. Федерация ва унинг субҳектлари уртасида конунчилик ва бошкарув сохасида фарк булади;

4. Федерал парламентда федерация субҳектлари уз ваколатларига эга булади;

5. Куш фукаролик мавжуд булади.

***Конфедератив давлат***- уз мустакиллигини саклаб колган холда узаро келишув асосида бирлашган турли давлатлар бирлашмаси, иттифокидир (масалан, МДХ.).

Конфедерацияга куйидаги белгилар хос булади:

1. Конфедерациянинг хукукий асоси булиб иттифок шартномаси хисобланади;

2. Конфедерацияга аҳзо булиб кирган давлатлар тулик суверен ва мустакил булади;

3. Конфедерацияга кирган давлатлар умумий худудларга эга булмайди;

4. Давлатлараро бошкарув органлари мавжуд булади.

***Давлатлар сиёсий режим типлари***га кура хам фарк килади. ***Сиёсий режим*** тушунчасига давлат хокимиятини амалга ошириш методлари, шунингдек давлат хокимияти органларининг улар

фаолиятининг хукукий асосларига муносабати киради. Бунда одатда демократик ва зуравонлик (тоталитар ва авторитар) сиёсий режимлари фарк килиб туради. ***Демократик сиёсий режим**га* куйидаги белгилар хос: давлат аппарати курилиши хокимият таксимланиши тамойилига асосан ташкил этилади; ахоли томонидан сайланадиган ваколат органлари булади; умумий сайлов хукуки, куппартиявийлик тизим амал килади ва бошк. Хозирги пайтда иктисодий жихатдан ривожланган давлатларнинг аксариятида демократик сиёсий режим хукмрон.

Шу билан бирга кишилик жамияти сиёсий хаёти тараккиётида зуравонлик асосига курилган ***диктаторлик сиёсий режим**лари* хам булган. Бундай сиёсий режимда хокимият монополлашган булиб, хокимият таксимланиши тамойили амал килмайди, фукаролик жамияти хукуклари чекланган булади. Мабодо, агар авторитар режимда давлат асосан жамиятнинг сиёсий хаёт сохасини бошкарса, тоталитар тизимга эса барча сохаларни зуравонлик асосида назорат килиш, якка мафкура, яккапартиявийлик каби белгилар хос булади. Буни собик совет тузумининг сиёсий режими мисолида куришимиз мумкин.

Узбекистон мустакилликка эришгач иттифок давридаги зуравонлик сиёсий режими урнига демократик режим урнатилди. Хокимият бошкаруви ваколатли асосда, ахолининг кенг катламлари манфаатларининг устуворлиги тамойилига таяниб ташкил этилди. Сайловлар натижасида турли гурухлар хокимиятнинг бошкарув органларига уз вакилларини сайлаб, жамиятнинг демократлашуви йулидан дадил одимлашаяпти. Яккапартиявийлик урнига куппартиявийлик шаклланди. Сиёсий фикрлар хилма -хиллиги (плюрализм) карор топди. Жахоннинг демократик тараккиётидаги илгор тажрибаларидан кенг фойдаланила бошланди. Натижада Узбекистон демократик тараккиёт йулини танлаган давлатлар каторидан муносиб урин олди. Буни бутун халкаро жамоатчилик эътироф этмокда.

Шундай килиб, давлат сиёсий тизимнинг асосий элементи сифатида бошкарув шакллари, давлат курилиши шакллари ва сиёсий режим типларига кура фарк килади.

Жамиятнинг сиёсий тизими, юкоридагилардан маълум булишича, мураккаб тузилишга эга булиб, ижтимоий хаётнинг барча сохаларига катта таъсир этиб туради. Жамиятнинг сиёсий тизими ижтимоий хаётнинг бошка сохалари билан узвий боглик булиб, иктисодиёт,

маданият кабиларга тахсири сезиларлидир. Шунинг учун бошка сохаларнинг ривожланиши хам нисбий махнода куп жихатдан жамиятнинг сиёсий хаётига хам боглик булади. Кейинги йилларда компЪютер техникасининг тобора кенг куллани-лиши туфайли шаклланаётган ахборот жамияти бошкарув тузилмаларифао-лиятига катхий талабларни куймокда. Давлар ва нодавлат бошкарув орган-лари эндиликда тез узгариб бораётган социал шароитлар ва вазиятларга нисбатан мослашувчан ва янада харакатчанрок булиши лозим. Ана шу махнода бахзи социологлар (масалан, О. Тоффлер) давлатнинг фаолият курсатиши ва умуман сиёсий тизим фаолиятида билим ва ахборотларнинг хал килувчи ахамият касб этишини тахкидлашмокда. Иктисодиётдан тортиб маданиятгача кенг камровда кириб келаётган янгича компЪютер технологияси давлат бошкаруви ва сиёсий хокимиятни амалга оширишдаги ахамияти ортиб бормокда. Хокимият ваколатларининг ахборот мезонлари билан боглик булган бошкарув имкониятлари кенгайиб бораяпти. Натижада жамиятнинг сиёсий тизими хам янгича мазмун ва мохият касб этиб бораяпти.

### *Мавзуни такрорлаш учун саволлар:*

*1. "Жамиятнинг сиёсий хаёти", "жамиятнинг сиёсий тизими" тушунчаларининг мохияти нимадан иборат?*

*2. Жамият сиёсий тизимининг таркибий элементларига нималар киради?*

*3. Давлат, унинг мохияти, асосий белгилари ва функциялари нимадан иборат?*

*4. Давлат бошкарув шаклларининг мохияти кандай?*

*5. Давлат курилиши шакллари деганда нимани тушуниш лозим?*

*6. Мустакил Узбекистон давлати, унинг мохияти, бошкарув шакли ва давлат курилиши тугрисида нима дейиш мумкин?*

## *21- Махруза: Жамиятни илмий билиш ва илмий бошкариш муамолари.*

### *Режа.*

1. *Ижтимоий вокеиликни билиш хусусиятлари.*
2. *Жамиятни демократик тамойиллар асосида бошкаришнинг асослари.*
3. Хозирги замон умумбашарий муаммолари.

*1.Ижтимоий вокеиликни билиш хусусиятлари.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Ижтимоий билиш, хусусиятлари, билиш обҳекти, билиш субҳекти, онгли фаолият, ижтимоий эхтиёжлар ва манфаатлар, эмпирик даража, назария, илмий олдиндан билиш.***

Жамиятнинг ривожланиш конуниятларини билиш, ижтимоий хаётимизнинг иктисодий, сиёсий ва маҳнавий сохаларида намоён булаётган зиддиятларни чукур ва атрофлича англаб, уларни уз вактида бартараф этиш, мамлакатимизни илмий асосда бошкариш, жамиятимизда осойишталик, тинчликни, баркарорлаштириш, инсоннинг бахт-саодати, истикболи учун зарур булган барча нарсаларни яратиб беришнинг асосий омилларидандир.

***Ижтимоий билишнинг обҳекти*** – жамият, унинг предмети эса – инсон хамда унинг фаолияти ва маданияти хисобланади. Инсоният жамияти табиат конунларидан фарк киладиган узига хос конунлар асосида ривожланади.

Жамият тарихи инсонни уз максадига эришишдан бошка нарса эмас. Жамият тарихи онгли мавжудот – инсонларнинг узаро таҳсирлари махсулидир.

Кишилар тарихий вазиятни ижрочилари булиб колмасдан, балки муаллифлари хамдир. Улар истеҳмол воситалари сифатида табиатнинг тайёр нарсаларидангина фойдаланмасдан, узларининг моддий ва маҳнавий эхтиёжларини кондириш учун зарурий воситаларни мехнат куроллари ёрдамида ишлаб чикарадилар. Мехнат фаолияти асосида ва жараёнида инсон тафаккури ва тили, маҳнавий дунёси, унинг маданияти келиб чикди ва ривожланмокда.

Ижтимоий билиш, ижтимоий тараккиёт конунларига амал килишнинг узига хос хусусиятларидан келиб чикадиган кийинчиликлар билан белгиланади.

Ижтимоий жараёнларни билишнинг узига хос хусусиятлари жамият конунларини табиат конунларидан сифат жихатдан

фаркидан келиб чиккан булиб, улар куйидагилардир:

1. Социум (жамият) билиш обхектларидан энг мураккабидир, чунки материя харакатининг энг олий шаклига тегишлидир. Шунинг учун ижтимоий ходиса ва жараёнларнинг мохиятини, улар уртасидаги конуний богланишларни аниклаш органик ва ноорганик табиатни тадкик килишга нисбатан кийинрок кечади. Ижтимоий хаётдаги ходиса ва жараёнлар шу даражада мураккаб ва турли туман, бир-бирига ухшамас ва бир-бирига чамбарчас богланиб кетганки, уларда махлум конуниятларни аниклаш нихоятда мураккаб.

Табиат конунлари амалдаги предмет ва ходисалар, табиий ходиса кучларнинг узаро тахсири шаклида намоён булса, ижтимоий тараккиёт конунлари эса онгга эга булган кишиларнинг фаолияти оркали намоён булади.

Инсон табиат берган нарсаларнинг шаклини узгартирибгина колмасдан, балки табиат берган нарсадан у уз онгли максадини хам амалга оширади. Бу максад конун сифатида, инсон иш усули ва ишни характерини белгилаб беради ва инсон уз иродасини ана шу максадга буйсундириши лозим.

2. Ижтимоий билишда биз нафакат моддий (табиатшуносликдаги каби), балки идеал махнавий муносабатлар билан хам иш курамиз. Бу муносабатларнинг характери ва тузилиши табиатдаги алока ва богланиш-ларга нисбатан анча мураккаб ва зиддиятлирокдир.

3. Ижтимоий билишда, жамият, билишнинг хам обхекти, хам субхекти сифатида майдонга чикади: инсонлар уз тарихларини яратадилар ва узлари шу тарихни билишга интиладилар. Ижтимоий билишдаги обхект ва субхект муносабатидаги бундай хусусият, бир томондан, ижобий ахамиятга эга, чунки, жамиятда содир булаётган жараёнлар билувчиси бевосита ва билвосита хаёти тажрибасидан келиб чикиб, жуда якин булганлиги сабабли бу ходисаларни чукур ва тугри англаш имконини беради. Иккинчи томонидан, билувчи субхект оркали биз турли карама – карши максад, манфаат ва интилишларни намоён булишини куришимиз мумкин. Натижада тарихий жараёнлар хамда уларни билишида субхективизм элементи иштирок этади.

4. Узок амал килувчи табиат конунларидан фарк килувчи жамият конунлари кискарок вакт ичида амал килиш хусусиятига эга. Ижтимоий жараёнлар табиат ходисаларига караганда юкори

тезликда ривож-ланишади. Табиатда шароитнинг узгариши билан янги конунларининг келиб чикиши одатда узок вактларда, миллион ва миллиард йилларда амалга ошади. Ижтимоий хаётда эса, аввал, башкача булиб, бу шароитлар нисбатан тез узгаради.

Кишилик жамиятининг купгина конунлари табиат конунларидан фаркли уларок, махлум тарихий даврдагина амал килади, кейин улар уз уринларини бошка янги конунларга бушатиб берадилар. Бу хол, инсонлар уларни бекор килганликлари учун эмас, балки бу конунлар амал килувчи шароитлар узгарганлиги натижасида юз беради.

Ижтимоий тараккиёт конунлари, табиат конунларидан фаркли, кишиларнинг, жамиятдаги синфларнинг, турли гурух ва табакаларнинг муносабатларини камраб олиб тугридан – тугри, уларнинг манфаатларига тахсир килмасдан колмайди. Кишилар буни англаши ёки англамаслигидан катхий назар, улар иктисодий тараккиёт конунлари талабини бажарадилар, бунда уларнинг фаолияти тарихий конуниятга мос келади ва улар уз максадларига эриша оладилар ёки талабларни бажармайдилар, бунда жамият тараккиётида ихтилофлар ва ижтимоий ларзалар юз беради. Ижтимоий билишнинг таркиби жуда куп элементлардан ташкил топган. Бу элементлардан энг мухимлари – унинг субхект ва обхектидир. Ижтимоий билиш жараёни худди шу субхект ва субхектнинг узаро тахсири хамда муносабатлари асосида юзага келади.

***Ижтимоий билишнинг субхекти*** кенг махнода кишилар, инсон ва инсоният, яхни бир бутун жамият ахзоларидир. Тор махнода эса жамиятнинг махлум бир конкрет боскичида яшовчи катламлар, синфлар ва шу кабилардир. Ижтимоий билишнинг обхекти кенг махнода бир бутун жамият , ижтимоий борлик ва ижтимоий онг , унинг моддий ва махнавий хаёти, умумий тараккиёт конунлари ва асосий харакатлантирувчи кучларидир. Тор махнода эса жамиятнинг махлум бир конкрет боскичи-даги ижтимоий тизим, усткурма ва базис, ишлаб чикариш кучлари ва ишлаб чикариш муносабатлари, ижтимоий, иктисодий, ва мафкуравий ва махнавий муносабатлар, конкрет вокеа ва ходисалар ижтимоий билиш-нинг обхектини ташкил килади.

***Ижтимоий билишда субхект ва обхект диалектикасини*** хисобга олиш катта ахамиятга эга. Ижтимоий билишда субхект ва обхектнинг узаро муносабатларида уларнинг хар иккаласи хам

фаолдир: субҳект обҳектга эга булиши биланок, уз – узини яратади ; обҳект эса тарихий жихатдан махлум даражада субҳектнинг конкрет фаолият шаклини олдиндан белгилайди. Шуни айтиш керакки, ижтимоий билишнинг субҳект ва обҳекти алокадорлиги, уларнинг бир-бирига богликлиги ва узаро таҳсири табиатни билишга нисбатан анча мураккабдир. Юкорида таҳкидланганидек, бунинг сабаби шундаки, жамиятда доимо маҳлум максадга эга булган, муайян даражада билимли онгли кишилар фаолият курсатади.

Ижтимоий билиш, маҳлумки, инсонни оламга, амалий фаол муноса-бати асосида амалга ошади. Бунда кишиларнинг амалий хулки, уларнинг ижтимоий – синфий мансубликлари, табиати ва мазмуни, кишилар фаолияти амалга ошадиган маҳлум ижтимоий сохалар таҳсири остида тупланган йул – йурик, кадриятлар ва умумий тартиблар томонидан белгиланади. Бу хол ижтимоий билишда обҳектив хакикат масаласини, шунингдек, турли синф вакиллари томонидан ижтимоий жараёнларни бахолашдаги мезон муаммосининг долзарб эканлигини курсатади.

Хар бир жамиятда ижтимоий ходисаларни билиш, уларни тушунти-риш, одатда шу жамиятнинг дунекараши диний ва ахлокий коидаларга мувофик амалга ошади. Шунинг учун ижтимоий билишнинг мазмуни, мохияти уни билаётган субҳектнинг ижтимоий мавкеига боглик булади.

Хукмрон ижтимоий гурухлар, табакалар, синфлар асосан, мазкур жамият тартиботларини оклаш ва мустахкамлашга ёки айблаш ва узгарти-ришга ёрдам берадиган билимлар олишдан манфаатдордирлар.

Илмий хакикат хар доим ягона булиб, у обҳективдир. Бу маҳнода хакикат кишиларга, синфларга бефаркдир, лекин кишилар, синфлар унга нисбатан бефарк эмас.

Ижтимоий билишда субҳективлик билан обҳективлик бир – бирига мос келиши лозим, зид келиши ва баҳзан жамиятда хатоларга ва бузилишларга олиб келиши мумкин. Ижтимоий билишдаги субҳективлик айрим рахбар шахсларнинг тафаккури-даги шахсий чекланганликлар билан боглик булиши хам мумкин. Бундай холларда субҳектга хос субҳективлик, субҳектнинг шахсий субҳектив томонларидангина келиб чикмасдан, балки субҳект хаёти фаолиятининг обҳектив шарт-шароитларидан хам келиб чикиши мумкин. Чунки, субҳект бу уринда обҳектнинг айнан узи

эмас, балки унинг бошкача нисбатда олинишидир.

Ижтимоий билишнинг мухим хусусиятларидан яна бири – унинг кишилар ижтимоий – тарихий амалий фаолиятлари билан богликлигидир. Шу сабабли ижтимоий билишни тарихий амалиёт билан боглаб урганиш ижтимоий ходисалар мохиятини тушунишнинг мухим шарти хисоб-ланади. Ижтимоий – тарихий амалиёт ижтимоий билишнинг асосини ташкил килиб, унинг манбаи, максади ва харакатлантирувчи кучи булиб, хизмат килади.

Ижтимоий вокеиликни билиш умумий илмий билишнинг тури сифатида узаро карама – каршиликларнинг узвий богликлиги сифатидаги эмпирик ва назарий даражаларини уз ичига олади.

*Эмпирик билиш* даражасининг максади бевосита тажрибавий билимга эга булишдир. У одамларни йигиш ва бирлаштиришга асосланади. Унинг асосида ижтимоий вокеилик хакида системалашган билимни ташкил килган назария яратилади.

Назария эмпирик махлумотларни умумлаштириб, ривожлантиришнинг обхектив конуниятларини олдиндан айтиб бериш имкониятига эга.

*Илмий олдиндан билиш* хар доим табиат ва жамиятнинг билиб олинган конунларини номахлум ёки хали юз бермаган ходисаларда хам уз кучини саклаб колишга ва уларни тадбик килинишига асосланади. Илмий олдиндан билиш эхтимоллик белгиларига эга, бу хол, айникса, келгусида пайдо булувчи аник ходисалар ва уларнинг юз бериш вакти масаласида яккол намоён булади.

Бундай холат ривожланиш жараёнида илгари учрамайдиган сифат жихатидан янги сабабий богланишлар ва имкониятларнинг вужудга келиши билан шартлангандир, жамиятга тадбик этганда эса унда онгли, алохида хусусият ва шу кабиларга эга булган кишиларнинг фаолияти билан боглик булган жараёнларнинг мураккаблиги ва унинг натижасида кутилмаган вазиятларнинг пайдо булиб колиш сабаби, билан богликдир.

Башорат килиш – илмий олдиндан куришнинг шакли булиб хисобланади. Башорат килиш ижтимоий тараккиёт конуниятларини билишга, махлум даврга (10, 15 ва ундан куп йилга) мулжалланган ижтимоий вокеиликнинг ривожланиш йуналишларини тушунишга асослангандир.

### *2. Жамиятни демократик тамойиллар асосида бошкаришнинг асослари*

*Таянч тушунча ва иборалар :* ***демократик тамойиллар, илмий бошкариш, миллий давлатчилик анҳаналари, замонавий цивилизация ютуклари, юксак малакали кадрлар тайёрлаш, хукукий маданият.***

Фалсафада жамиятни келиб чикиши ва ривожланиши конуниятларини атрофлича билиш, унинг иктисодий, сиёсий, маҳнавий сохаларда, руй бераётган зиддиятларни уз вактида англаб ва бартараф этиш билан бирга уни демократик тамойиллар асосида замонавий усулда бошкариш катта урин эгаллайди.

Жамиятни бошкаришда ***миллий давлатчилик анҳаналарига*** амал килиш, уларни чукур ва атрофлича урганиб ижобий томонларини хаётга тадбик этиш катта ахамият касб этади.

Янгиланган жамиятимизни илмий бошкаришда ислохот йулимиздан тезкорлик билан илгари силжишимизга кучли рухий кувват берадиган миллий маданиятимиз, Шарк фалсафасининг хаётбахш ва теран булокларидан бахраманд булиш мухимдир..

Жамиятимизни ***илмий бошкаришда*** бошка ривожланган демократик давлатлар тажрибасига хам суянишимиз лозим. Жамиятни ***демократия асосида бошкариш,*** бошкарув ходимларини тайёрлашда йирик хорижий мамлакатларнинг тажрибаси кенг ишга солиниши керак.

Демократик курилиш, бозор муносабатларига асосланган хужалик юритиш борасида Узбекистон ривожланган давлатлар туплаган улкан тажриба асосидаги ***замонавий цивилизация ютуклари*** билан батафсил танишиб, Европа ва Жахон хамжамиятига янада фаол кушилишга харакат килиб келмокда. Биз турли мамлакатлар иктисодиётининг узига хос тараккиётини катта диккат – эҳтибор билан урганамиз, жахон амалиёти ва жахон тафаккурида тупланган энг яхши тажрибаларни узимизда куллашни ор билмаймиз, аксинча, бундай интилишни хар жихатдан рағбатлантирамиз, - дейди И. А. Каримов.

Ривожланган мамлакатларнинг комусларида демократик жамиятнинг халкаро микёсда эҳтироф этилган тамойиллари уз ифодасини топган. Инсон уз хохиш иродасини эркин билдириши хамда уни амалга ошириши, озчиликни купчиликка буйсуниши, барча фукароларнинг тенг хукуклилиги, давлат ва жамият бошкарувида конун устиворлиги, давлат-нинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида хисоб бериши, тайинлаш йули билан шаклланадиган давлат орган-ларининг сайловчи

ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошкалар шулар жумласига киради. Мана шу тамойилларга амал килганлар демократик давлат деб бахоланади.

Шу уринда мухим савол тугилади : Узбекистонда бундай тамойилларга кандай амал килиш мумкин ? Хукукий давлат, чин маҳнодаги фукаролик жамияти курмок учун шуларнинг узигина кифоями ? Йук, албатта. Маҳлумки, деморатик жараёнлар уз обҳектив коидалари асосида ривожланади. Демократик давлат куришда уларни урганиб бориш, уларга амал килиш талаб килинади. Шуни хам назарда тутиш керакки, Шаркда демократик жараёнларнинг кадимдаги шаклланган узига хос ва узига мое хусусиятари мавжуд. Яҳни Шаркда демократик жараёнлар узвий равишда, аста-секин таркиб топмади. Бу сохада инкилобий узгаришлар килишга уришишлар гоят нохуш, хатто фожеаларга олиб келади. Инкилобни Гарб олимлари хам, уз вактида, «ижтимоий тараккиёт-нинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб бахолаганлар. Табиий равишда бундай демократияга зид йул Узбекистонга бутунлай тугри келмайди.

Бундан ташкари, жамиятни демократиялаштириш, одамлар тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик уринишлар даражаси ва сурҳатлари бир-бирига канчалик мутаносиблигига боглик.

Ва нихоят, демократик жараёнлар халкимиз миллий маданиятининг узига хос жихатларини, унинг табиатини узида мужассам этмоги керак. Шуниси аёнки, Гарб намунаси куп холларда индивидуализм фалсафасига таянади ва оммани хаддан ташкари сиёсийлаштиришга олиб келади. Шаркдаги демократик кадриятлар ва узгаришларнинг ривожланиш тажрибаси узига хос хусусиятлар, узига хос анҳаналарга эга. Демократия тушунчаси бизда хамжихатлик гояси, жамиятчилик фикрининг устиворли-ги заминида шаклланади. Узбекистонда демократик жараёнлар халкимиз-нинг конунини хурмат килиш, конунга итоат этиш каби фазилатларга мос равишда ривожланиши зарур. Ахлокий маҳнавий кадриятлар сиёсий муносабатларда хам устунлик касб этиши керак. Буларнинг хаммаси Узбе-кистонда жамиятнинг бошкариш тузимини белгилаш пайтида алохида хисобга олиниб борилади. Буни махаллалар мисолида яккол куриш мумкин.( 1.Каримов И. А. Узбекистон сиёсий – ижтимоий ва иктисодий истикболининг асосий тамойиллари. Т., «Узбекистон», 1995 й, 12 бет)

Узбекистон узига мос жамиятни бошкарув тузилмаларини танлаб олди. Президентлик лавозими жорий этилди. Куп партиявийлик асосида илк бор Олий мажлис сайланди. Мустакил ташки сиёсатимиз туфайли парламент бир катор нуфузли халкаро ташкилотларга ахзо булди. Депутатларнинг уз сайловчилари олдида хисобот беришлари Олий мажлис фаолиятида мухим урин тутмокда.

Давлат курилиш ва бошкариш тузилмаларининг демократиялаштириш сохасида хам олдимизда турган ишлар оз эмас. Шу уринда, юксак маданиятли ва махрифатли, янгича фикрлай оладиган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш алохида ахамият касб этади.

Давлатнинг демократик тамойиллар асосида бошкаришнинг яна бир мухим шарти – кадриятларнинг хукукий маданиятини, хукукий онгини ривожлантиришдир. Биз хозир шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият курмокчимиз. Адолат ва хакикат гояси ижтимоий хаётимизнинг барча сохаларини камраб олмоги даркор.

«Хукукий маданият даражаси факаттина конунларни билиш, хукукий махлумотлардан хабардор булишдангина иборат эмас. У - конунларга амал килиш ва уларга буйсуниш маданияти демакдир. У одил судни хурмат килиш, уз хак-хукукларини химоя килиш учун судга мурожаат этиш эхтиёжи демакдир. Хукукий маданият дегани – турли можароларни хал этишда конунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир.» (Каримов И. А. Узбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иктисодий истикболининг асосий тамойиллари. Т., 1995 й, 29 бет.)

Жамиятни илмий асосда бошкариш ва такомиллаштиришда яна куйидаги тартиб то юкори – олий погонагача махсул лавозимларда ишлаётган рахбарларнинг зукколиги, гоявий-сиёсий баркамоллиги билан бир каторда хаёт билан хамнафас булиши мухим ахамият касб этади. Зеро, ана шундай рахбарлар истиклол такдирини хал килувчи кучдир.

*Хозирги замон умумбашарий муаммолари.*

Таянс тушунча ва иборалар : ***Умумбашарий муаммолар, уруш ва тинчлик, экологик муаммо, демографик муаммо, энергетик муаммо, очлик, кашшоклик ва колоклик муаммоси, хавфли касалликлар, этикология муаммолари.***

***Умумбашарий муаммолар*** мазмунан бой ва

чукурлиги, камровининг кенглиги бутун инсоният хаётига таллуклиги, миллий, минтакавий чегаралар билан чекланиб колмаганлиги ва бошка катор хусусиятларига кура, айрим халк ва миллатга, алохида бир иктисодий-ижтимой тузимга бевосита тегишли булган муаммолардан кескин фарк килади. ***Умумбашарий муаммолар*** инсониятнинг хозирги даври учунгина эмас, балки келажакдаги хаётий манфаатлари учун хам жуда мухим ва катта ахамиятга эга.

***Хозирги замон умубашарий муаммолари.***

- бу инсоният цивилизациясининг тараккиёти билан боглик энг мухим ва асосий муаммолардир.

Жахон микёсида юз бераётган жараёнлар тахлили шуни курсатадики, хозирги вактда инсоният олдида турган долзарб умумбашарий муаммолар куйидагилар:

Ер юзида тинчликни таҳминлаш ва инсониятнинг урушлардан саклаш (уруш ва тинчлик муаммоси)

Атроф мухитни самарали мухофаза килиш. (*экологик муаммо*)

Ахоли сонини ортиб бориши билан ишлаб чикариш ривожланишида мутаносибликка эришиш. (демографик муаммо)

Ер юзи ахолисини зарур озик-овкат ва энергия манбалари билан ишончли таҳминлаш.

Очлик, кашшоклик ва колокликни тугатиш учун юксак ривожланган ва улардан кейинда колган мамлакатлар уртасидаги кескин фаркни бартараф этиш;

Хавфли касалликларни тугатиш;

Инсон маҳнавий – ахлокий мухити софлигини таҳминлаш (этикология муаммоси) ва бошкалар.

Бу муаммоларни хар бири у ёки бу даражада ижтимоий, иктисодий ва сиёсий нуктаи назардан илмий тахлил этилган. Айни вактда, давримизнинг умумбашарий муаммолари илмий адабиётларда фалсафий талкин этилмокда.

Муаммоларнинг барчаси учун хос булган умумийлик, аввало, шунда-ки, улар бутун инсониятнинг хаёт – момоти такдири, имкониятлари ва икболи билан бевосита богликдир.

Иккинчи томондан, улар у ёки бу даражада хозирги даврнинг бош омили булган фан – техника инкилоби билан богланган. Фанда эришилган кашфиётлар янги техник воситалар яратишни таҳминласа, уз навбатида техника ривожланиши хам фанда янги узгаришлар килишга жиддий туртки бермокда. Уларнинг натижаси

уларок, эришилган кашфиётлар муайян максадларга хизмат килмокда. Бу эса глобал муаммоларнинг янада кескинлашувига олиб келмокда.

Хозирги вактда энг катта умумбашарий муаммо – уруш ва тинчлик муаммосини жамиятнинг ички ривожланиш жараёнлари майдонга келтирган. Маҳлумки, ***уруш ва тинчлик*** муаммоси, мамлакат ичкарисида ёки унинг ташкарисида мамлакатлар уртасидаги можароларни хал этишда сиёсий зуравонлик ишлатишни, ёхуд уни истисно этишни билдиради.Тинчлик халкларнинг хохиш – иродаси, орзу – умиди булса, уруш хукмрон кучларнинг сиёсати окибатидир. Ёзма ёдгорликларнинг гувохлик беришича, сунгги 6 минг йил давомида ер юзида 15 мингдан зиёд урушлар содир булган. Шу давр ичида атиги 3 минг йилгина урушсиз утган.

Бизнинг давримизда хам мамлакатлар уртасидаги муносабатлар сохаларида зуровонликка интилиш, бунинг учун куплаб ялпи киргин куроллари ишлаб чикариш, харбий устунликка эришиш у ёки бу давлатлар ташки сиёсатининг мухим йуналиши булиб келмокда.

Агар инсоният термоядро урушига йул куйгудек булса, жахон микёсида шундай халокат юз берадики, унинг окибатларини хисоб-китоб киладиган мавжудотларнинг узи тирик колмайди. 1945 йил 6 ва 9 августда иккита кам кувватли атом бомбасининг АКШ томонидан Япониянинг Хиросима ва Магосаки шахарларига ташланганлиги бунга яккол мисол була олади.

Сайёрада тинчликни таминлаш зарурияти 130 дан ортик ривожланаёт-ган мамлакатларда ижтимоий жараёнларни жадаллаштирни талаб этади. Бу давлатлар узок вакт давомида Гарб давлатларининг мустамлакаси ёки уларга бошка воситалар билан карам булиб келган эди.

Умубашарий муаммолардан яна бири ***очлик, кашшоклик ва саводсизлика бархам бериш учун ривожланган мамлакатлар уртасида-ги зиддиятларни олдини олишдан иборат.***

Хозирги вактда инсоният, ***маҳнавият софлигини саклаш***, уни ***маҳнавий кашшоклик ва маҳнавий таназзулдан*** асраш хам умумбаша-рий муаммога айланиб келмокда. Гап шундаки, зуравонлик ва нафрат кишилар уртасидаги муносабатларда чукур илдиз отиб, маҳнавий мухитни тобора захарламокда. Буни тухтатиб колиш ва кескин камайтириш вазифалари инсониятнинг дуне

микёсида куч – гайратларини бирлашти-ришни такозо этмокда.

Албатта, *«экохавф»* , *«экохалокат»* номи билан кайд этилаётган ходисалар у ёки бу даражада инсоният ривожланишининг утмишида хам учраган ва цивилизациянинг йулдоши булиб келган. Бир томондан, махнавият ривожланиб, бойиб, тобора умуминсоний тус олиб борса, иккинчи томондан, турли туман манфурлик, жиноятчилик, гиёхвандлик, фахш, террорчилик, ичкиликбозлик каби холатлар хам кучаяди.

Махнавий мухитни бузаётган социал иллатлар орасида ичкиликбозлик ва гиёхвандлик бутун инсониятни ташвишлантираяпти. Купгина мамлакатлар (масалан, Эрон Ислом республикасида, Узбекистон, Францияда, АКШ ва бошка мамлакатлари)да наркотик моддаларни таркатилганлик учун огир жазолар белгилиланган. БМТ даражасидда зарур ташкилотлар тузилиб, бу ижтимоий офатга карши кураш олиб борилаяпти. Лекин гиёхвандлик моддаларини тайёрлаш ва сотишдан гоят катта фойда олаётган наркоманлар бу огудан улаетганлар сони йилдан – йилга ошиб бораётганлигига карамай барча имкониятлардан фойдаланаяп-тилар.

Террорчилик ижтимоий антогонизм билан бир вактда келиб чиккан. У турли шаклларда купайиб бормокда. Хозирги вактда сиёсий террорчиликдан ташкари иктисодиёт билан боглик террорчилик хам купайиб бормокда.Чунончи, хаво карокчилиги билан самолётларни олиб кочиш, одамларни гаровга олиш эвазига пул ундириш тез – тез руй бераяпти. Террорчилик узининг бир катор белгиларига кура уюшган холда амал килмокда.

Парнография, сунгра гиёхвандлик моддаларини таркатиш максадида давлат тизимидаги мансабдорларни сотиб олишга уринаётган мафия хам халкаро терроризм билан узвий боглик.

Жахон океани ресурсларини узгартириш XX аернинг иккинчи ярмидан бошлаб, инсоният олдида турган долзарб масалалардан биридир. Умуман олганда, цивилизациянинг бутун тарихи давомида океан захиралари ва имкониятларидан фойдаланиш масаласи инсоният учун катта ахамиятга эга. Океан гоят катта микдордаги махдан хом ашёси захирасига эга булиб, оксил хом ашёси олиш учун зарур булган биомоддаларни салмокли хажмда хосил килади, иклимни тартибга солиб туради ва мухим транспорт йули хисобланади. Бир суз билан айтганда, хозирги вактда жахон океани жамиятининг олга ривожланиши учун мухим ахамиятга эга

булган омиллардан биридир. Жахон океани бойликларни узлаштириш жамият ва табиат алокадорлигининг мухим куринишларидан' биридир. Хозирги вактга келиб, инсоният курукликдаги барча бойликларни, асосан, узлаш-тириб булди. Илгари океан сувларидан балик овланган, туз, моний, бром, йод, фосфор, натрий, калий, олинган булса, эндиликда унинг тубидан нефтх, газ, кумир, темир, олтин, платини ва бошка нодир металлар казиб олинмокда. Денгиз эквоториялари остидаги нефтх ва газ захиралари 1990 йилда килинган хисоб китобларга кура, 400 млрд 50тонна (нефтга айлантирилганда), металлар курукликдаги захиралар хажмига тенг эканлиги махлум булди. Жахон океани худудида кумирнинг умумий захираси курукликдагига караганда 250 марта купрок. Хозир казиб олинаётган хажмдан кура эса 200 марта ортикрокдир. 30 га якин турдан иборат темир, магнит коришмалари чукур ер ости майдонининг карийб 250 млн.кв.км.ни ташкил этади.

Океандан фойдаланишнинг анханавий обектлари баликчилик, сув утларидан фойдаланиш ва хаказолар хозирги вактда мухим ахамият касб этмокда, масалан 1975 дунё буйича 70 млн тонна балик овланган эди. Денгиз махсулотларининг сони хам купайиб бормокда. 2000 йилда уларнинг хажми 130-135млн.тоннага етказилиши кутилмокда.

Кишиларнинг коинотга кириб бориши ва уни узлаштириши хам XXI асрдаги фан ва техника тараккиётининг асосий йуналишларидан бири булиб колади. Коинотни узлаштириш муамолари умумбашарий булганлиги учун барча мамлакатларни куч гайратларини бирлаштириб, ундан бутун инсоният манфаатлари учун фойдаланиш лозим.

Коинот тугрисидаги назариялар асосида хам дунё олимлари уртасида бир-бирини истисно киладиган турли карашлар мавжуд. Уларнинг фикрича, коинотни узлаштириш учун сарфланадиган маблаглардан океан ва курукликнинг узлаштириш, юрак-томир ва рак касалликларини даволаш каби масалаларни хал этишда фойдаланиш лозим. Бу нуктавий назар тарафдорлари умумбашарий харажатларнинг микдорига эхтибор берадилар. Шунингдек, коинотдан харбий максадларда фойдаланиш хавфи хам шу карашларда хисобга олинган.

Яна бир карашга кура, коинотни узгартириш зарур. Чунки унинг ёрдамида тарихий тараккиётнинг бориши билан юзага келган

вазифа ва муаммоларни ечиш мумкин. Бу карашлар сиртдан караганда, соф илмий манзарадек булиб куринади, лекин уларнинг заминида коинотни узлаштиришда етакчилик килаётган давлатларнинг сиёсий, иктисодий манфаатлари ётади.

Хозирги асосий вазифа коинотни узлаштиришни бутун инсониятнинг манфаатлари, имкониятлари ва эхтиёжлари билан узвий боглашдан иборат. Бошка барча умумбашарий муаммоларни урганишда хам шу максадлардан келиб чикмок керак.

*Такрорлаш учун саволлар :*

*1.Ижтимоий билишнинг узига хослиги нимада ?*

*2.Ижтимоий эхтиёжлар ва манфаатларнинг билиш жараёнига таҳсири кандай?*

*3.Жамиятни бошкаришнинг демократик тамойилларининг асосий мазмуни кандай ?*

*4.Хозирги замон умумбашарий муаммолари, уларни хал этиш йуллари ва истикболлари кандай ?*

## *22-Маҳруза: Мустакилликнинг ижтимоий, фалсафий муаммолари.*

***Режа:***

*1. Мустакиллик-жамият тараккиётининг мухим омили.*

*2. Мустакил Узбекистон ривожининг узига хос йули, унинг фалсафий асослари.*

*3. Мустакил Узбекистон давлати сиёсатининг бош тамойиллари.*

*1. Мустакиллик-жамият тараккиётининг мухим омили.*

Таянч тушунча ва иборалар: ***Мустакиллик, сиёсий мустакил-лик, иктисодий мустакиллик, маҳнавий мустакил-лик, мустакиллик омиллари*** . Мустакиллик ижтимоий, сиёсий, фалсафий, хукукий, иктисо-дий охалар учун умумий тушунча булиб, давлатнинг, халкнинг бошкалар- га карам булмаган холда уз ички ва ташки муаммолари ва муносабат- ларини хал кила олиш хукуки ва имкониятига эга булишини билди- ради. Миллий мустакиллик ва давлат мустакиллиги тушунчалари бир-бири билан узвий боглик булади. Лекин, давлат мустакиллиги тушунча-си мазмун ва мохияти жихатидан кенгрокдир.

Мустакил давлат уз такдирини узи белгилаш хукукига эга. У бошка давлатлар хукукларини, халкаро ижтимоий, иктисодий, сиёсий манфаатлар нуктаи назаридан кабул килинган нормаларни бузмаган холда иш куради.

Мустакил давлат уз тараккиёти йулини белгилаши учун уч мухим *омил*ни хисобга олиш билан богликдир:

1. Мамлакатнинг мустакил тараккиётига асос буладиган, унга шароит яратиб берадиган сиёсий, иктисодий имкониятлар, табиий бойликларнинг мавжудлиги, ишлаб чикарувчи кучлар ва муносабатлар

ииииг ривожланиши.

2. Халкниинг миллий онги, бирдамлиги, хамжихатлиги, миллий гуруриi, ватанпарварлик туйгулари, уз тарихи, анҳаналари ва кадриятларииии чукур билиши, давлатнинг, мамлакатдаги ижтимоий, сиёсий кучларнинг асосланган, узокка мулжалланган, мустакил тараккиёт манфаатлари билан белгиланган режаларнинг булиши.

3. Халкаро вазият мухтадиллиги, кушни давлатлар, улардаги ижти-моий, сиёсий кучларнинг мустакил тараккиёт йулига утаётган давлатга нисбатан булган адолатли муносабат.

Мустакил тараккиёт йулининг бу омиллари бир-бири билан узвий богликдир. Мустакилликка эришган давлатнинг етарли ижтимоий, маҳнавий, иктисодий имкониятлари булмаса, унинг ривожланиш заминлари хам мустахкам ва баркарор булмайди.

## 2. *Мустакил Узбекистан ривожининг узига хос йули, унинг фалсафий асослари.*

Таянч тушунча ва иборалар : ***мустакиллик назарияси, мафкуравий мустакиллик, иктисодий, сиёсий, маҳнавий мустакиллик, миллий мустакиллик.***

Миллий мустакиллик инсоният тарихини хамма даврларида хам жамият тараккиётини тезлатишнинг мухим омилларидан бири булиб келган. Мустакил тараккиёт йулидан муваффакиятли бориши учун бу жараёнларнинг умумий конуниятларини очиш, истиклол учун кураш йулида кулланма була оладиган назарий хулосалар чикариш хам мухим ахамиятга эга. Бу вазифани инсон тафаккурининг умумлаштирувчи хусусиятини узида кенгрок ифода этувчи фалсафа фанигина бажара олиши мумкин.

***Мустакиллик назарияси***ни урганиш билан боглик булган фалсафий муаммолар куйидаги масалаларни уз ичига олади:

1. Мустакиллик прогрессив йулдан бораётган жамият тараккиёти-нинг муайян шакли эканлигини курсатиш, унинг ички конуни ва конуниятларини очиб бериш;

2. Мустакиллик учун курашга сабаб булган барча сиёсий, иктисодий, махнавий заминларни жамият хаётининг бошка сохаларида мавжуд булган имкониятлар, шарт шароитлар билан боглаш;

3. Мустакилликка эришиш жамият хаётидаги кескинлашган зид- диятларни хал этишнинг муайян бир йули эканини курсатиш;

4. Мустакилликка эришиш учун олиб борилган курашлар даврида хал этилиши кун тартибида турган сиёсий, ижтимоий зиддиятлар ичида миллий муносабатлар билан боглик зиддиятлар хал этувчи аха- мият касб этганини исботлаш, мустакиллик шароитида миллий ман- фаатлар муштараклашишини урганиш;

5. Мустакил тарккиёт йулидан боришнинг турли конкрет шароит- лардаги узига хос хусусиятлари, йуллари ва умумий конуниятлари уртасидаги богланишларни тадкик этиш.

Мустакилликнинг фалсафий муаммолари жумласига миллий муноса- батлар борасидаги зиддиятлар масаласи хам киради. Шунинг учун хам хар доим мустакиллик учун кураш миллий озодлик харакати деб тал- кин этиб келинган. Миллий озодлик кураши миллий зулм ва тенгсиз- лик бор жойда содир булади. Бу ерда кураш асосан икки сиёсий гу- рух ёки бир мамлакат фукаролари уртасида эмас, балки уз эркинли- ги, хак - хукукини химоя килаётган миллат томонидан олиб борилади.

Турли шароитларда кулга киритиладиган мустакилликнинг бир-бири билан узвий боглик булган уч мухим жихати бор. Булар - ***иктисодий, сиёсий, махнавий мустакилли***кка эришишдир. Агар шу жихатлардан бири булмаса баркарор мустакиллик тугрисида суз хам булиши мумкин эмас. Бу борадаги илмий, назарий муаммолар хам фалсафа фани томонидан яхлит холда урганилади.

Мустакил иктисодий ривожланиш имкониятлари сиёсий мустакиллик карор топганидан кейингина юзага келади. Иктисодий ривожланиш йулларига конкрет шароитдаги эхтиёж, талаб ва имкониятлар, бозор муносабатларининг холати, халкаро муносабатлардаги узгаришлар, фан ва техника тараккиёти, ишлаб чикаришни ташкил этиш хам бевосита тахсир этади.

Сиёсий ва иктисодий тараккиёт борасидаги узаро богликлик жамият ривожланишининг обхектив конунидир. Ривожланишнинг

барча даврларида иктисодиётнинг сиёсатга таҳсири кучли булади. <u>*Сиёсат*</u> - бу акидабозлик эмас, балки муайян шароитлар таҳсири остида узгариб борувчи жараёндир.

*Мафкуравий мустакиллик*ка эришиш хам тараккиётнинг мухим омилларидандир.

Мустамлакачилик даврида давлат сиёсати эзилган халкларии маҳнавий карамлик холатида саклаб колишга каратилгаи булади. Масалан, 130 йилдан ортик давр мобайнида Чор Россияси ва собик Иттиффок томонидан мазлум халкларнинг миллий онгти, миллий ифтихор туйгуси кучайишига йул бермаслиги учун килинган харакатлар хам шу максадлар билан богланган эди.

*Мустакиллик мафкураси*, миллий уйгониш миллатнииг уз тарихи ва такдирини чукур тушуниши, миллий онгги усиши, миллий кадр- кимматини асраши, миллий гурур ва ватанпарварлик туйгуси кучайи-ши билан богликдир. Юксак миллий онг булмаган жойда тулаконли миллий мустакиллик хам булмайди.

*Миллий мустакиллик* учун кураш бир мамлакатнинг максад ва манфаатлари билан боглик равишда амалга ошади. Миллий муста-киллик айрим бир мамлакатни бошка давлат асоратидан кутказиш, уз тараккиёти йулларини мустакил хал этишига имкон яратишдир. Бу уринда мустакилликка интилаётган давлат ахолиси-нинг манфаат-лари биринчи уринда туради. Миллий мустакиллик хар кандай шароитда хам инсон хукукларини, барча миллатларнинг манфаат-ларини химоя килиш билан боглик булгандагина яхши самара беради ва жамият тараккиёти тезлашишига миллий мустакилликнинг курсата-диган ижобий таҳсири куйидагичадир:

*1. Мустакиллик туфайли хар бир мамлакат ва миллат уз иктисодий имкониятларидан, ишлаб чикариш кучларининг ижтимоий, иктисодий ва экологик окибатларини тула хисобга олган холда окилона фойдалана олади.*

*2. Фан-техника тараккиёти борасидаги ютуклар айрим давлатларнинг*

*монополяеи булиб колмай, барча мамлакатларда уларнинг кенг кулла- нишига имкон яратади.*

*3. Барча мустакил давлатлар уртасида тенглик, тенг хукуклилик ва хамкорликка асосланган янги иктисодий, сиёсий муносабатлар урна- тилиши мумкин булади.*

*4. Жахоннинг табиий ресурсларидан бутун инсоният ва келажак ав- лодлар манфаатларини кузлаб, окилона фойдаланиш йулига утиш мум- кин булади.*

*5. Миллий 'ва иркий муносабатлардаги барча адолатсизликларга, тенгсизликларга чек куйилиб, хар бир халк маҳнавияти, миллий ху- сусиятлари, кадриятларини эркин ривожлантира олишига шароит яра- тилади.*

*6. Жахондаги халклар, мамлакатларнинг иктисодий ва маҳнавий та- раккиётини мувофиклаштирувчи халкаро ташкилотлар фаолиятини хар томнлама ривожлантиришга шароит тугилади.*

Инсоннят таракиётининг хозирги боскичида бу тадбирларни бир-бири билан боглик равишда амалга ошириш жамият ривожланишини тезлаштиришнинг мухим шартидир.

1991 йилнинг 31 августидан эҳтиборан, она Ватанимиз кухна тарихи салномасида янги сахифа - Узбекистоннинг миллий давлат мустакил-лиги даври бошланди. Диёримизда карийб бир ярим аср давомида хукм сурган мустамлакачилик, мустабидчилик тузумлари бархам топди. Халкимизнинг азалий орзу умидларига эришиши, армонлари ушали-шининг дебочаси булмиш ушбу такдириломон вазиятда жа-

миятимиз олдида катор мураккаб масалалар, муаммолар, кунда-ланг булди.

Сиёсий жихатдан эхлон килинган мустакиллигимизни хаётий во- келикка айлантиришнинг тубида ётган муамммоларнинг жиддийлигига мамлакатимиз фукароларининг эҳтиборини каратиб, давлатимиз рахбари куйидаги фикрни таҳкидлади: "Марказлашти-рилган тартибда режалаш-тириш ва бошкарувнинг маҳмурий – буйрукбозлик услубидан бозор иктисодиётига утиш - бу мавжуд хужалик юритиш усулини янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки тамоман янги хужалик юритиш тизимини жорий этишдир. Бу бир сифат холатидан иккинчисига утишдир. Бу одамлар учун мутлако янги хаёт фалсафаси-дир." (И.А. Каримов. Тула асарлар туплами. 1-жилд, Т., "Узбекистон", 1996. 315 -бет.).

Узбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар куйидаги фалсафий асосларга таянади:

Мустакил Узбекистоннинг ижтимоий ривожи эхтиёжлари жамиятда миллий маҳнавиятни, мамлакатнинг хар бир фукаросида

ижодий фикр кила олиш кобилиятини шакллантириш вазифасини кун тартибига куйди.

Шу боисдан хам мамлакатимиз йулбошчисн, истиклолга эришган дастлабки кунлардаёк, кузланаётган олийжаноб ишларга эришишимизнинг асосий шарти – Ватанимиз фукароларининг дунёкарашини тубдан узгартиришда, уни мутелик, бокимандалик кайфиятлари каби нуксонлардан холи этишда эканлигини алохида таҳкидлади.

Мустакил Узбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар сиёса- тининг мохияти аклирасолик мафкураси талабларини хар томонлама хисобга олган теран фалсафага таяниб мамлакатимиздаги туб ислохий узгаришларнинг асосий тамойиллари ва устувор йуналишлари аникланган ва аникланмокда;

### *3. Мустакил Узбекистон давлати сиёсатининг бош тамойиллари.*

Таянч тушунча ва иборалар : ***иктисоднинг сиёсатдан устиворлиги, ислохотларнинг бош рахнамоси давлат, жамиятда конунларга риоя этишнинг устиворлиги, ахолини кучли, самарали ижтимоий мухофаза сиёсати, бозор иктисодиётига утишнинг боскичма - боскич амалга ошириш, демократик давлат, хукукий давлат, фукоролик жамияти.***

Узбекистонда жамиятни туб ислох килишнинг асосий тамойиллари мамлакат Президенти И.А.Карнмов томонидан олга сурилган бешта фалсафий – сиёсий коида тимсолида ифода этилган.( Каримов И.Асарлар туплами.1-жилд.Т., "Узбекистон",1996, 300-301-бетлар.) Уларнинг мохияти куйидагича:

Биринчидан, ***иктисодий ислохотлар сиёсий-мафкуравий майллар манфаатига буйсундирилмаслиги керак.*** Яҳни, иктисод сиёсат учун эмас, балки сиёсат иктисод учундир.

Бу ерда гап, умуман мафкурасизлик, уни тамомила инкор этиш тугри-сида кетаётгани йук, балки иктисодиётни факат узининг "хаклигини" исботлаш воситасига айлантиришга каратилган мафкурабозлик хусусида бормокда.

Иккинчидан, ислохотларнинг бош рахнамоси давлат булмоги лозим. Давлатнинг ислохотлар бош йуналишларини белгилашдаги, туб узгаришлар сиёсатини ишлаб чикиш ва уни амалга

оширишдаги фаолиятининг сусайиши жамиятда бош-бошдокликка, янгиликлар-дан манфаатдор

булмаган аксилислохотчиларнинг бузгунчилик сахи харакатларининг кучайишига олиб келади. Бундай хол одамларда ижтимоий янгиланиш-ларга нисбатан ишончсизлик рухини уйготади, кишиларни хаёт кийинчи-ликлари олдида химоясиз килиб куяди, уларнинг бошига куплаб мусибат-лар тушишига сабаб булади.

Учинчидан, жамиятда конунларга риоя этишнинг устиворлик дара-жаси тахминланмоги даркор. Кишиларда мустахбидчилик даврида шаклланган, конунларга беписандлик билан караш каби кайфиятларга

бархам бериш, уларнинг хукукий маданиятини юксалтириш, фукароларда, мансабдор шахсларда Конституция, конунларга хурмат, уларга сузсиз итоат этиш фазилатларини илдиз орттириш.

Туртинчидан, ахолининг демографик таркибини, хусусан унинг эхтиёжманд катламларини аник хисобга олувчи кучли, самарали ижтимоий мухофаза сиёсатини амалга ошириш. Бу сиёсат бозор иктисо-диётига утиш даврида жамиятни эхтимолий ларзалардан, портлашлардан саклайди, умуммиллий баркарорликни тахминлайди.

Бешинчидан, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига, жумладан, бозор иктисодиётига утиш "инкилобий тунтаришларсиз", тадрижийлик йули билан, ***боскичма-боскич*** юз беради. Мазкур тамойил халкимизнинг тарихан таркиб топган хаёт тарзи, анханалари ва удумларига тамомила мосдир.

Мустакил Узбекистон мазкур тамойилларга таяниб, туб ислохотлар кулами, уларнинг боскичма-боскич амалга ошириладиган устувор йуналишларини муайян фалсафий ёндашувлар негизида белгилади ва

худди шу йусинда уларни кадамба-кадам аниклаштириб бормокда. Мамлакатда юз бераётган барча ислохий узгаришлардан максад – мамлакат ахолиси, хар бир фукаро, оила учун инсонга муносиб хаёт ва фаолият шароитларини яратиш эканлигидир.

Ушбу максадларга эришишнинг фалсафий асосланган йуллари куйидагилардан иборат:

*-халкнинг махнавий етуклигини, ахлокий баркамоллигини тахминлаш, унинг онгидаги акидапарастлик майлларига бархам бериш, иктисодий хаётни чукур хар томонлама ислох килиш, мулкчи-ликнинг хилма-хиллигини жорий этиш;*

*-ижтимоий йуналтирилган бозор муносабатларини карор топтириш; -ислохотларнинг хукукий негизларини яратиш;*

*-ижтимоий-сиёсий баркарорликни, фукаролар осойишталигини, умуммиллий тотувликни таҳминлаш;*

*-кучли фукаролик жамияти хамда давлат бошкарувининг унга монанд тизимини барпо этиш;*

*-иктисодиётни бошкаришнинг бозор муносабатлари табиатига мос янги ташкилотлари, муассасаларини вужудга келтириш, унинг маҳму-рий-буйрукбозлик тизимини бархам топтириш ва х. к.*

Табиийки, ушбу вазифалар бирин-кетин, галма-гал тарзда амалга оширилмайди. Шу билан бирга, хамма кузланган вазифаларни бир- варакайига хам адо этиб булмайди.

Шу боис устувор вазифалврни, яҳни тараккиёт занжирининг асосий, етакчи халкаларини, аникламок лозим. Зеро, хаётда, барча муносабатларда мутлак бирламчи ёки мутлак иккиламчи деган нарса ва ходисаларнинг узи йук, булиши хам мумкин эмас. Нарса ва ходисалар, хох табиатда, хох жамиатда булсин, бир-бирига таҳсир этади- лар, узаро урин алмашинадилар.

Кузланаётган максадга эришиш ва унга олиб борувчи йулдаги амалий вазифаларни адо этишга каратилган саҳи харакатларнинг муваффакиятларни таҳминловчи манбалар хусусига келсак, уларни куйидагилар ташкил киладилар:

Биринчидан, кишиларнинг сермахсул мехнат килишларини моддий ва маҳнавий рагбатлантиришнинг таҳсирчан, бакувват тизимини шакллантириш, хар бир кишининг самарали мехнат килишидан шахсий манфаатдор булишини таҳминлашнинг ижтимоий кафолатларини яратиш. Бу хар бир фукаронинг мулкка эгалик хукуки, иктисодий фаолиятда тула эркин, яҳни бозор муносабатларининг тулаконли сохиби булиши демакдир.

Иккинчидан, ахолининг юкори даражадаги саводхонлигига, юксак маданиятли булишига эришиш.Чунки,факат юкори савияли, маҳлумотли, маданиятли ва касбий тайёргарлиги жихатидан етук булган фукоровий шахсгина иктисодий эркин, демократик хамда маҳнавий узгаришларнинг ишончли таянчи була олиши мумкин.

Демократия хозирги замон жахон ижтимоий тараккиётининг бош тамойили сифатида узини тобора яккол намоён килмокда.

***Фукаролик жамияти*** тушунчасининг хилма-хил талкинлари мавжуд. Аммо, мазкур ижтимоий ходисанинг бугунги кунда тушунилишини куйидаги жихатларда куришимиз мумкин:

*- давлат хокимияти тизимининг ижтимоий негизи;*

*- жамият аҳзолари ижтимоий фаоллигини шакллантириш, таҳмин-*

*лаш макони;*

*- жамиятни демократиялашнинг ижтимоий замини;*

*- давлат хокимияти идоралари тизими ваколатлари, таҳсир доирасини окилона чегаралаш ва унинг устидан жамоатчилик назора- тини йулга куйиш воситаси;*

*- кишилар уртасидаги иктисодий, ижтимоий, маҳнавий муносабатларнинг сиёсийлашмаган томонлари;*

*- сиёсий тизим, давлат хокимияти шаклланишининг дастлабки негизи.*

***"Давлат" ва "фукаролик жамияти"*** тушунчалари узларининг ижтимоий вокеликдаги уринлари, узаро муносабатларининг инҳикоси сифатида факат ажралмас бирликда намоён буладилар. Мазкур тушунчаларнинг уртасида муайян зидлик, карама-каршилик мавжуд булсада, бирок, ушбу зиддиятлар, карама-каршиликларни мутлаклаш-тириш ёки уларни бирбирлари билан айнанлаштирилганида маҳносиз булиб коладилар. Чинакам демократик давлат фукаролик жамияти хаётига самарали ижобий таҳсир курсатади. Хилма – хил негизлар, максадлар, кизикишлар, интилишлар асосида тузиладиган турли – туман жамоат ташкилотлари, уюшмалари, жумладан сиёсий партия хамда харакатлар, фукаролик жамияти аҳзоларининг ижтимоий фаоллигини таҳминловчи воситалар булиб, улар шунингдек, давлат хокимияти тизими идораларидаги мансабларни демократик сайлов йули билан эгаллашга даҳвогарларни танлаш, уларни халк олдида хисоб беришга ундовчи мухим омилдирлар. Сиёсий партия ва харакатлар "бир оёклари" билан халк - фукаролик жамияти ичида турсалар, "иккинчи оёклари" билан узларининг давлат хокимияти идораларига сайланган ёки улардаги лавозимларга тайинланган вакиллари тимсолида сиёсий тизим тарки- бига кирадилар.

Демократиянинг бутун ижтимоий ривожимизнинг асосий йули сифа-тида эҳтироф этилиши, эркин инсоний йуналтирилган бозор муноса- батларини шакллантириш, юксак маҳнавий маданиятга

эришиш, миллий хавсизлигимизни тахминлаш максадлари – мустакил Узбекистон давлати ислохотчилик сиёсатининг бош тамойилларини ташкил килади. Мазкур тамойилларга таянган ислохотлар йулининг асосий йуналишлари доирасида куйидаги натижаларга эришилди ва вазифа-ларни бажариш кузда тутилади:

*а) **сиёсий сохада.** Мустакиллик йилларида Узбекистоннинг сиёсий тизимида такдиршумул узгаришлар руй берди. Миллий давлатчилигимизнинг хукукий пойдевори яратилди. Жахондаги энг демократик сиёсий тузумнинг мухим тармоги – давлат хокимияти вакиллик тизими вужудга келди. Мамлакат парламенти – Олий Мажлис, давлат хокимияти махаллий вакиллик идораларига илк бор куппартиявийлик асосидаги сайловлар утказилди. Давлат хокимияти булинишининг конституциявий тамойиллари асосида унинг ижроия ва суд тармоклари карор топди.*

*б) **иктисодий сохада.** Уз мустакиллигининг дастлабки кунлариданок бозор муносабатларига утишни иктисодий сохани демократиялашти-ришнинг бирдан-бир имконий йули, деб хисоблаган Узбекистон давлати собик иттифокдан кабул килиб олган меросни чукур тахлил килди. У хам булса - хом ашё ишлаб чикаришга мослаштирилган, марказдан туриб, махмурий - буйрукбозлик усуллари асосида бошка- риладиган, уша кунларга келиб асосан бузилган хужалик тизимини тубдан янгилаш эди.*

Мазкур хол жиддий, пухта уйланган сиёсий йулни ишлаб чикишни такозо эди. Бозор иктисодиётига утишнинг хукукий негизларини яратиш ушбу сиёсий йулнинг дастлабки боскичи булди. Ахолини, хусусан унинг ночор катламларини, ижтимоий мухофаза килишнинг тахсирчан чоралари курилди.

Мулкий муносабатларни ислох килишга, яхни уни давлат тасарруфидан чикариш, хусусийлаштириш, ишбилармонлик, тадбиркор-ликни йулга куйишга каратилган конунлар мажмуаси кабул килинди.

Иктисодий ислохатларнинг хозирги боскичида бутун моддий ишлаб чикариш, хусусан кишлок хужалиги тизимида мулкчиликнинг янги шаклларини чинакамига карор топтиришнинг тахсирчан тадбирлари куринмокда. Мазкур жараённинг конуний негизларини такомиллаш-тириш зарурати ута долзарб вазифа сифатида узини тобора яккол номоён килмокда.

Мустакил Узбекистон - катта имкониятлар, улкан салохият мамлакати. Аждодларимизнинг бой маданий мероси, хозирги замон цивилизацияси, ютукларини узида мужассамлаштирган акл-заковат солохиятини мухим жихатларини ташкил этади. Пахта етиштириш буйича туртинчи, унинг толасини экспорт килиш буйича эса иккинчи уриндамиз.

*в) Ижтимоий сохада. Жамиятнинг пировард максади - заминимизда яшаётган одамларнинг инсонга муносиб турмуш кечиришларини истикболда таҳминглашга каратилган булсада, айни пайтда мамлакатимиз ахолиси муайян катламлари моддий ахволининг ёмонлашувига йул куй маслик, уларни ижтимоий химоялаш чораларини куриш хам утиш даврида катта ахамиятга эга.*

Мана шулардан келиб чикиб, мустакил Узбекистон давлати узининг аник мулжалланган ижтимоий химоя сиёсатининг асосий йуналишларини белгилади. Улар куйидагилардан иборат:

Биринчидан, ижтимоий химоя, авваломбор, барча учун имкониятлар тенглигини таҳминлашдир. Токи хар бир фукаро учун иктисодий фаолият, мехнат килиш, касб-корни эркин танлаш, уз оиласини бокиш, маҳлумот олиш, тиббий хизматдан фойдаланишда бошкалар билан тенг хукукка эга булсин.

Иккинчидан, мамлакат хар бир фукаросининг мулк сохиби булишини таҳминлаш юкоридаги максадга эришиш имкониятини беради. Мулк эгасигина сермахсул, фидокорона мехнат кила олиши мумкин.

Учинчидан, мустабид жамият кишиларни мулкка эгалик килишнинг хам хусусий, хам жамоавий шаклларидан махрум килиши натижаси-да авомга, оломонга айланган ахолини факат мулкдорлар синфини вужудга келтириш оркалигина халк сифатида кайта шаклланишига эришиш мумкин.

Туртинчидан, ахолининг мухтож кисмлари- куп болали оилалар, ёшлар, ногиронлар,нафакахурлар, мехнат ва уруш фахрийлари, вактинча ишсиз колганлар ва бошка эхтиёжмандларни куллаб-кувватлаш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг мухим йуналиши булиб колаверади. Бешинчидан, согликни саклаш, таҳлим, маданият, санҳат, илм – фаннинг бозор муносабатарига утиш даврида тушиб коладиган мушкул ахволини яхшилаш хам мазкур йуналишдаги сиёсатнинг узвий таркибий кисмидир.

*г) маҳнавий сохада. Ушбу йуналишда амалга оширилаётган ва руёбга чикарилажак саҳйи харакатларнинг мохиятини, мазмуни ва ахамиятини таҳкидлаб, И.Каримов томонидан айтилган фикрларнинг*

*узагини куйидаги фалсафий коидалар ташкил этади: <u>ислохотлар, хусусан кишлок хужалигини ислох килиш, бутун хаётимизни узгартиради; одамлар тафаккурини эса факат турмуш, хаёт тарзигина узгартира олади; турмуш, хаёт тарзи онгни белгилайди; одамларнинг турмушини, хаёт тарзини канчалик куп узгартирсак, эски тузум асоратларини кай даражада бархам топдирсак, кишиларнинг тафаккур тарзи хам шунча тез узгаради.</u>*

Мустакил Узбекистонинг бугунги шароитида амалга оширилаётган ислохотлар дастурлари мажмуи - юртимизнинг имкониятлари, эхтиёжларини чукур англашдан келиб чикиб, бутун хаётимизни тубдан узгартиришга каратилган амалий саҳйи харакатларниинг маҳнавий-рухий, гоявий ифодасидир-лар. Уларнинг руёбга чикишлари натижасида юз берадиган узгаришлар маҳнавиятимизни янада юксакликка парвоз килиши учун замин булиб хизмат килади. Бундай жараён, мохиятан, узлуксиздир ва инсоният мавжуд экан, шундай-лигича колади.

Бу ерда яна шундай конуният бор. У хам булса, шуки – жамият уз тараккиётининг куйи боскичидан юкори боскичлари томон юксалиб борар экан, кишилар турмушининг хал этилишга дахлдор муаммоларининг кулами кенгайиб, уларни бартараф этиш буйича бажарадиган ишлар хам тобора мураккаблашиб бораверади. Бундан шу нарса келиб чикадики, маҳнавий ривожланганликнинг аввалги боскич даражаси билан янги хаётий масалаларии хал этиб булмайди, яҳни узгаришлар, вазифалар кулами канчалик кенг ва улар кай даражада мураккаб булсалар, маҳнавий, тафаккурий, акл-заковатий равнакнинг хам бунга мутаносиб булмоги талаб килинади.

Маҳнавият хаётимизда канчалик жиддий ахамият касб этмасин, уни биз канчалик фаол таргиб килмайлик, барибир, одамлар факат шунинг узидангина юксак акл-заковат, ижодий тафаккур сохиби булиб колмайдилар.Бутун инсоният тарихи бундан ёркин далолат бермокда. Кадимий даврлардан бошлаб канчадан-канча доно фикрлар, тахлимотлар яратилган булишига карамай улар ханузгача тула-тукис руёбга чика олмаётирлар... Демак, гап у ёки

бу доно фикр, кимматли тахлимотнинг факат мавжудлигидагина эмас, уларни руёбга чикарувчи шарт-шароитларнинг жамиятда мухайё эканлиги хам бу ерда хал килувчи ахамиятга эгадир.

Мустакил Узбекистонда, мамлакат Президенти И.А.Каримов рахбар-лигида амалга оширилаётган сиёсат махнавиятнинг ижтимоий тараккиёт-даги урни ва ахамиятини айни мана шу мазмунда тушунишга асосланган фалсафий коидалар негизида курилган.

***Такрорлаш учун саволлар.***

*1. Мустакиллик нима? Мустакиллик жамият тараккиётида кандай ахамиятга эга?*

*2. Узбекистон кандай килиб мустакилликка эришди?*

*3. Мустакил Узбекистоннинг уз тараккиет йули, деганда нимани тушунасиз?*

*4. Мустакил тараккиетнинг бош омиллари нима?*

## Адабиётлар


1. Каримов И.А. Узбекистон : миллий истиклол, иктисод, сиёаст, мафкура. Т, « Узбекистон» , 1993 й.
2. Каримов И.А Узбекистон сиёсий ижтимоий ва иктисодий истикболининг асосий тамойиллари. Т, « Узбекистон» , 1995 й.
3. Каримов И.А Истиклол ва махнавият. Т, 1994 й.
4. Каримов И.А Узбекистон иктисодий ислохотларни чукурлаштириш йулида. Т, 1995 й.
5. Каримов И.А Узбекистон XXI аср бусагасида... Т, 1997 й.
6. Каримов И.А тарихий хотирасиз келажак йук. Т, 1998 й.
7. Каримов И.А Узбекистон буюк келажак сари Т, 1998 й.
8. Каримов И.А Узбекистон XXI асрга интилмокда Т, 1999 й.
9. Каримов И.А. Хушёрликка дахват. Т, « Узбекистон» , 1999 й.

Миллий мафкура келажак пойдевори. Т, 2000 й.

Туленов Ж. , Гофуров З. Фалсафа Т, 1998 й.

Фалсафа курсининг айрим масалалари. Ф, 1996 й.

Основқ филисофии. Т, 1998 й.

Фалсафа Т, 1999 й.

Каюмов А. Беруний, Ибн Сино. Т, 1987 й.

Ибн Сино. Тиб конунлари. Т, 1996 й.

А. Яссавий. Хикматлар. Т, 1993 й.

Фаробий. «Фозил одамлар шахри» . Т, 1993 й.

Темур тузуклари. Т, 1992 й.

Улугбек. «Турт улус тарихи» . Т, 1995 й.

Философия М, 1998 г.

Основқ современной философии . Санкт – Петербург, 1997 г.

Крапивинский С. Э. СоциалЪная философия. М, « Владос » , 1998 г.

# Мундарижа:


Кириш ....................................................................3

Фалсафа фани, унинг предмети ва жамият хаётидаги ўрни..........4

Кадимги Шарк халкларининг илк фалсафий қарашлар...................11

Марказий Осиё мутафаккирларининг табиий, илмий ва фалсафий карашлари...................................................................20

Гарбий Европада фалсафий фикрлар ривожи.............................62

Немис классик фалсафаси ....................................................86

XX аср фалсафаси ..............................................................96

Материя ва борлик тугрисидаги фалсафий тахлимот...................104

Табиат – борликнинг ажралмас кисми .......................................120

Онг ва унинг мохияти тугрисидаги фалсафий тахлимоти............127

Ижтимоий онг ва унинг мохияти, асосий шакллари.....................136

Умумий богланиш, алокадорлик ва ривожланиш тугрисидаги фалсафий карашлар .....................................................142

Умумий богланиш ва алокадорлик шакллари ............................150

Тараккиётнинг мохияти, боскичлари, сабаблари ва йуналиши.....161

Билиш вокеликни кас эттиришдир ..........................................182

Илмий билиш, унинг хусусиятлари, усуллари ва шакллари ..................................................................192

Фалсафада инсон муаммоси ..................................................199

Жамиятни фалсафий тушуниш ...............................................205

Жамиятнинг тузилиши ..........................................................219

Жамият ва шахс .....................................................................229

Жамиятнинг сиёсий тизими ....................................................248

Жамиятни илмий билиш ва илмий бошкариш муаммолари .......256

Мустакилликнинг ижтимоий, фалсафий муаммолари ...............268

Адабиётлар ...........................................................................281

***Қайдлар учун***

## *Қайдлар учун*

**Қайдлар учун**

***Қайдлар учун***

## *Қайдлар учун*

*Қайдлар учун*